

И(Араб)  
У33

Омоги Чисаал  
**СОТИЛГАН  
КИЗ КИСМАТИ**

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--	--

10.

13

**ОМОНИ УИСААЛ**


# **СОТИЛГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ**

---

---

**Урмила ЧАУДХАРИ  
ҮН БИР ЙИЛЛИК  
АСИРА**

*Биографик роман ва қисса*



**Тошкент  
«IJOD-PRESS»  
2018**

УЎК: 821.411.21-3

КБК: 84(5БАА)

У 33

## Русчадан Нодирабегим ИБРОҲИМОВА таржималари

**Тақризчи:**

**Рисолат ҲАЙДАРОВА – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

Уисаал, Омони

Сотилган қиз қисмати: биографик роман ва қисса, / О. Уисаал – Т.: “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018 йил. – 224 б.

ISBN: 978-9943-5233-4-0

«Сотилган қиз қисмати» асари муаллифи араб шайхларидан бирининг рафиқаси, Бирлашган Араб Амирликларида истиқомат қиласди. Славян миллатига мансуб бўлган бу аёл Россияда ночор оиласда туғилган. Олти ёшлигида эса ота-онаси томонидан чет злга сотиб юборилган. Қиз вояга етгунга қадар шайхларга хотинликка тайёрлаш уйида тарбияланган. У ўз хотираларини Ойсув исмли қиз номидан қоғозга туширган.

Шунингдек, китобдан одам савдоси иллатларига бағишланган яна бир асар – непаллик қиз Урмила Чаудхарининг «Ўн бир йиллик асира» қиссаси ҳам жой олган.

УЎК: 821.411.21-3

КБК: 84(5БАА)

ISBN: 978-9943-5233-4-0

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018

## **СОТИЛГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ**

### **“ИВАНОВ ҲАРАМИ”**

Онамнинг кўзи ёриди: уч қизалоқ эгизаклар. Уларни бир-биридан сира фарқлаб бўлмасди. Отам бирданига уч фарзандли бўлишини асло кутмаган эди. Бир тўда қизлар ташрифидан гангиб қолган отам бир ҳафта шаробдан бош кўтартмаган эмиш. Ҳуллас, уч опа-сингил дунёга келдик. Отамнинг оғайнилари шундай деб ҳазил қилишган экан:

— Ваня, уйинг нақ ҳарамнинг ўзи бўлибди!

Ўшандан бери биз қизларнинг исмимиз билан бирга «Иванов ҳарами» деган жумла ҳам бирга ишлатиладиган бўлди. Туғруқ оғир ўтган, онамнинг бачадон йўлларини тикиб ташлашга тўғри келган экан. Энди ота-онам бошқа зурриёд ҳақида ўйлашлари мумкин эмасди. Онам бу борада надомат чекиб кўп гапирав, мен эса онамнинг қорнига ачиниш билан боқардим. Балки шунгadir, онамнинг жаҳлини чиқармасликка тиришардик.

— Сенга бола нимага керак? — дерди онам ўғли йўқлигидан нолиётган отамга. — Барибир меросхўрга қолдирадиган бир чақамиз йўқ. Чанг босган ашқолдашқоллардан бошқа...

— Балки имкони бордир...

— Шундоғам қашшоқликда умр кечирялмиз! Қизларим куни келиб яхши йигитларга эрга тегиб кетишса, одамдек яшашар.

Ота-онамнинг шунга ўхшашиб, биз қизларнинг келажаги тўғрисидаги суҳбатларини кўп тинглардик. Бола бўлганим учун “эрга тегиш” сўзи менга нотаниш эди. Чинданам, биз камбағал эдик. Кичкина баракнинг биринчи қаватида турадик, хо-

## **ОМОНИ УИСАЛ**

---

налар бор-йүғи иккита эди. Бири ота-онамники, бири биз – қизларники. Миттигина ошхона ҳам бор эди. Яхшики, бизницида алоҳида ҳожатхона мавжуд, қўшниларимизда шу ҳам йўқ. Улар доим чеълакдан фойдаланишарди. Чеълаклар ағдариладиган хандақ ҳидига эса ёз кунлари умуман чидаб бўлмасди.

Шаҳарчамизда болалар майдони ва аттракционлар жойлашган боғ бўлиб, уйимиздан анча олисда эди. У ерга фақат автобусда бориш мумкин. Биз – қизлар боққа боришга жуда қизиқардик, аммо онам бундай бетайин нарсаларга пул сарфлашни истамасди. Умримизда икки марта – байрам туфайли боғ текин бўлган кунларда борган эдик у ерга. Боғ ичидағи кайфият жуда қувноқ: жилмайган одамлар, рангбаранг пуфаклар... Ўшанды илк марта момиқ булатга ўхшаган оппоқ пахта қанд еган эдим.

Билмадим, нега ота-онамдан қизлардан бирини сотиш фикри чиқди экан? Бу ахир, жоҳилликку? Мен анча йиллар шу даҳшатли саволга жавоб изладим. Анча вақт онамнинг бу иши учун қарғаб ўтдим ва кечиролмадим. Лекин шу билан бирга онам юртимдаги кўплаб қизлар орзу ҳам қилмайдиган гўзал ҳаёт ато этганди. Менинг ўтмишим минглаб бошқа одамларницидан ажралиб турди. Билмадим, нега ҳаётимни китоб қилиб ёзишга қарор қилдим?

– Нега қайтиб келдинг? – саросималаниб сўради эгизак опам. Худди ўзимга қуйиб қўйгандек ўхаш бўлган эгизагимни кўриб бир оз довдираб қолдим. У кундалик оғир юмушлардан толган ва жуда ҳоргин кўринарди. Мен билан солиштирганда каттароқ, чеҳрасига турмуш ташвишларининг нуқси урганди.  
– Менга бунақа ҳайрат билан қарама. Ўзимни худди кўзгуга бокиб турган ёвуз ялмоғиздек сезяпман, – давом этди у норозилик билан.

- Тушунмадим, — дедим мен чуқур нафас олиб.
- Чунки сен күзгудаги аксимдек қаршимда турибсан! Энг ёмони, мендан кўра ёшроқсан.
- Демак, кўринишм жойида экан-да?
- Ҳа, ҳа! Майли, илтифот қилишимни ортиқ кутма, — деди у аччиқланиб.

Онам романтик ва хәёлпараст аёл эди. Тарихий романлар ва фильмларнинг ашаддий шайдоси бўлгани учун биз — қизларнинг исмимиз ҳам шунга яраша бўлди: Маргарита, Жозефина ва Скарлетт. Каттамизга Александр Дюманинг қаҳрамони Марго исми насиб этди, у масъулиятли қиз эди. Ота-онам уйда йўқлигида ҳамма нарсадан боҳабар бўларди.

— Сен биздан катта эмассан! — дерди Жозефина уришиб қолишган чоғларида. Мен эса сира жанжалга қўшилмасдим. Марго доим балерина бўлишни орзу қиласди. Бироқ бу орзусига нуқсони халал берарди: унинг иккала қўл-оёғининг узунлиги тенг эмасди. Шунга қарамай, Маданият уйидаги рақс тўгарагига қатнарди, ҳатто бир концертда охирги қаторда чиқиш ҳам қилган. Бизнинг Марго ўз тиришқоқлиги ва иқтидори билан оиласизнинг ифтихорига айланди. Опаларим билан айрилганимизда олти ёшда эдим. Орадан йигирма йил ўтиб ҳам у ўз қатъиятини йўқотмаганди. Бироқ бу қатъият уни ожиз кўрсатарди. Ўзимни мажбурлаб жилмайдим-да, унга савол бердим:

— Нега қайтганимни кўриб ажабланасан? Бу мумкин эмасми? Ахир, оиласми кўргим келди...

Марго билан кичик тамаддихонада ўтирас эдик. Атрофдан ачимсиқ ҳид анқирди, мен эса бунақа исларга ўрганмаган эдим. Юртимга келгач, бу ернинг ҳавосидан тўйиб симиридим, аммо ичим губорга тўлди. Шундан бери бошим айланяпти.

## **ОМОНИ УИСААЛ**

---

— Бекор келибсан, Скарлетт! — деди опам.

Титраб кетдим. Чунки неча йиллардан бери ҳеч ким мени Скарлетт деб атамаган эди. “Шамолларда қолган ҳисларим” фильмі шарафига олингандык мимни эшитиб ғалати бўлиб кетдим. Болалигимда ўртоқларим “Скарлатина” деб устимдан кулишарди. Шунинг учун нотаниш одамларга ўзимни Аня деб танишитирардим.

— Ҳозир менинг исмим ўзгарган, опа, — дедим мулойимлик билан. — Мени Ойсув деб атай қол.

— Ойсув? Бу қанақа ном бўлди?

— Бу ойнинг суви деган маънони билдиради.

— Ойнинг суви... ғалати экан. Нега ўз исмингдан воз кечдинг?

Опамнинг писанд қилмай сўзлаши менга оғир ботди. Бу учрашувимизни тамоман бошқача тасаввур қилгандим: худди сериаллардаги каби қучоқлашиб, кўзда ёш билан кўришишимиз, оиласизнинг жам бўлиб йифилиши... Аммо бари тескари бўлди, ўртамиздада кўринмас девор мавжуд экан. Афсуски, бу деворни ўз опам барпо этганди.

— Биласанми, — опам сал юмшаб давом этди, — сен билан қандай муомала қилишга ҳайронман. Негадир сени ўз қондошим сифатида қабул қилолмаяпман... Суратимиз ўхшаш бўлгани билан сийратимиз турфа.

— Биз бир кунда туғилганмиз. Шунча йил давомида сизлар билан учрашишни нақадар истардим. Илтижо қилардим бу орзу йўлида!

— Истардинг, орзулардинг, илтижо қилардинг! — яна аччиғи чиқди унинг. Шундай деб нарироқда бизга қизиқиш билан қараб турган эркакларга назар ташлаб қўйди. — Онам айтганидек, ҳамма орзу ҳам рӯёб учун арзимайди.

Сұхбатимиз қовушмасди. Сабр билан учинчи

эгизагимиз Жозефинанинг келишини кутардим. Унга бу исмни Наполеоннинг рафиқаси шарафига қўйишган. У болаликдан эътибор марказида туришни ёқтирас, актриса бўламан деб айтарди. Ҳамма билан чиқишиб кетадиган қувноқ бу қизни барча яхши кўрарди. Ростдан унда одамларни ўзига тез жалб қилишдек ажойиб қобилият бор эди.

— Жози келмайди, — деди опам совуққонлик билан ширин хотираларимни бўларкан.

— У мен билан учрашишни истамадими? — сўрадим хавотир билан.

— Унга қўнғироқ қилмадим. Жози билан унча чиқишмаймиз.

— Афсусли ҳол...

— Сенинг фикрингни сўраганим йўқ!

Унинг қон томирлари бўртиб, асабийлашганини сездим. Бирор жанжал чиқиши олдидан одам шундай ҳолатда бўлади. Болалигида ҳам Марго шунаقا эди. Нимадандир аччиқланса, аламини олиш учун қурбон изларди. Сўнг аламидан чиққунча заҳрини сочар ва ичи бўшагач, ҳеч нима бўлмагандек кулиб кетаверарди. Унинг шартакилигидан ҳамма озор чекарди, начора, табиати шунаقا эди. “Бу яхши хислат. Қизим катта бўлганда ўзини бировларга хафа қилдириб қўймайди”, дерди онам. Кўнгли бўш онам ҳам қизининг аччиқ гапларидан бенасиб қолмасди.

— Нима, орадан йигирма йил ўтиб юртимга қайтиб келсан, оёғимга қизил гилам тўшаб, оркестр жўрлигига кутиб олишади, деб ўйлабмидинг? — деди у кўзларида нафрат билан. Кўз олдимда гўё қадрдон опам эмас, неча йиллик душманим тургандек сездим ўзимни.

Опам шундай деганча ноқулай ва кир босган стулдан турди. Ҳудди митти тамаддихонада эмас, катта майдонда ўтиргандек бор овози билан ҳайқирди:

## **ОМОКИ УИСЛАЛ**

---

— Бизнинг шарқ гўзалимиз қайтиб келди! Ўзининг улкан саройини ташлаб, бизнинг устимиздан мазах қилгани келибди!

Кулоқларим зириллаб кетди. Кўзларимни юмиб у гапини тугатгунча миқ этмадим. Узундан узоқ аламли монологини тинглаб сал бўлмаса столдаги салфеткаларни у томон отиб юборгим келди.

— Нега ундај деяпсан? — дедим таҳқирона гаплари тугагач. Маргарита икки дақиқача чуқур нафас олди ва деди:

— Нима дебман?

— Ҳақорат қиляпсан, — дедим оҳиста юмшоқлик билан. Менинг хожам Конфуций таълимотидан жумлалар келтиришни хуш кўрар ва ундан кўп бора қадимги хитойга оид мақоллар эшитардим. Хожам бир гапни кўп такрорларди: “Бағрикенг одамнинг қалби осойишта бўлади. Ожиз одам бўлса ташвишдан чиқмайди”. Тўғри, ўзимни айни дамда осойишта деб атолмасдим, лекин ичимдаги ғазабни ташқарига чиқармай, ичимда йўқотишга уринардим.

— Ҳақорат қилдим? Менми? — кулди Марго. Менинг сокинлигим унинг баттар аламини келтиради. — Менга қара, нимайди... ха, Ойнинг суви, — давом этди у қутурганча.

— Менинг исмим Ойсув, — тўғриладим жилмайиб.

— Амирлигингга қайтиб кет! Тинчгина ҳаётингдан қувониб яшайвер. Мендан фарқли ўлароқ сенда ўйлайдиган муаммонинг ўзи йўқ! Биз эса кунимизни кўрайлик.

— Тушунаман, мени кўришни бошқа истамайсан. Менга Жозефинанинг манзили ёки телефон рақамларини қолдир. Ваъда бераман, шундан сўнг сени бошқа безовта қилмайман!

Бу сўзларни базўр айтдим. Ҳар бир жумлани

тилимга чиқаришдан аввал кетар чоғим хожам билан бўлган сұхбатим ёдимда турарди:

— Ватандошларинг баҳтли бўлган масканингга қайтиб борма, дейишлари мумкин. Нега Россияга кетишга қарор қилдинг?

— Тугунни ечмоқчиман, — дедим мен. Шунча йилдан бери ўралашиб дилимда катта тугун ҳосил қилган бу саволларга жавоб топмасам бўлмасди. Улар мени нега сотиб юборишганини сўрамоқчи эдим. Аммо бу ҳақида хожамга айтмадим. Мени ватанимга боришимга рухсат бермаслигидан чўчигандим.

## **НИМАНИ ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН!**

Мукаммал шарқ аёли образини яратиш учун мен узоқ йўл босишимга тўғри келди. Тажрибам ошгани сайин ўзимни назорат қилишни ўргандим. Айrim жиҳатларимни ўзгартиришга ҳам тўғри келди. Ҳаётда яхши натижаларга эришиш учун атрофдагилар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш керак экан. Буни замонавий тилда дипломатия дейишади.

— Сен ўжар байталнинг ўзисан! Сени жиловлаш қийин бўлади, — деганди лаб устида қалин мўйлаблари бор аёл. Уни Жамила деб аташарди. Аёл қачонлардир собиқ шўро давлатларидан бирида туғилганини билардим, холос. Чунки у ўзи ҳақида гапиришни ёқтирасди. Ўтмиши ҳақида билганимиз шуки, у бир умр ҳарамда яшаган ва хожаси вафот этган. Ўз хожасидан айрилган ёлғиз шарқ аёли учун яшаш нақ фожианинг ўзи. Кўпинча уларни худди жонивор сингари сотиб юборишади. Сотилган аёлларга яхши хожа тушади, деб айтиш қийин.

Кўнгилдагидек ҳарамга ёш ва гўзал аёллар тушар, мундайроқлари эса касодга учраган мол сингари

арzon-гаров сотилар, ёши ўтиб қолганлари шунчаки ҳарамдан қувиларди. Ҳарамнинг собиқ аёли Жамила баҳт юлдузи остида туғилган шекилли, тақдир кулиб бокди. У ёши ўтган чоғда камбағаллик балосига дучор бўлмай, мўмайгина пул топадиган иш билан шуғулланарди.

Унинг вазифаси шайхларга аталган қизларни тарбиялашдан иборат эди. Унинг қўл остидаги қизлар кўпинча Бирлашган араб амирлиги, баъзида Покистонга юбориларди. Жамила ким пул тўласа бўлди, дейдиганлардан эмасди. У қизларни фақат яхши ҳарамларга жўнатарди. Қизларнинг айтишича, бир мамлакатга юборилган қиз удумларни менсимагани ва ўзини ёмон тутгани учун Жамилага қайтаrilган экан. У жуда тарбияли қиз бўлган дейишади, аммо бир умр бу ерлардан қочишни кўзлаган экан.

Ҳозирги замонавий асрда Араб мамлакатларида ҳарамлар йўқолиб кетган. Лекин айрим бадавлат хожалар яширинча ҳарам очган ва унга дунёning турли бурчакларидан минглаб қиз-жуvonлар келтириларди. Баъзи канизлар билан шартнома тузилар, маълум муддатдан сўнг улар ватанларига қайтишарди. Айримлар бўлса бир умр ҳарамда яшашга маҳкум эдилар. Жамила учун энг кутилган вазият бу қўл остидаги қизларини бадавлат араб эркагига эрга бериш эди. Аммо бу ҳолат камдан-кам содир бўларди. Чунки мусулмон эркаклар ўз дини ва миллатига мансуб аёлларга уйланишни маъқул кўришарди. Арабларда тўрттагача уйланишга рухсат этилган. Шу тўрт аёлдан бирига айланиш баҳтига эришиш – бир умр ҳаётинг яхши кечишини қафолатларди.

– Сенинг олдингда иккита йўл бор, қизгинам, – дерди Жамила қошларини чимириб, – ё тақдирингга тан берив, шу ерга қадалган ниҳолдек униб-ўсиб мева

берасан ёки чўчқа каби сассиқ ботқоқда яшайсан. Мен энаганг эмасман, сабримнинг ҳам адоги бор.

Олти ёшли гўдак эдим. Жамиланинг ҳамма сўзларига тушунмасам-да, энди уйимга қайта олмаслигимни англаб турадим. Қаршимдаги бу аёлдан бошқа қаровчим йўқлигини тушуниб, унга қулоқ солдим. Балки катта бўлсам, бу ердан қочиб кетарман ҳам деб ўйладим. Унгача эса шу ернинг тили ва одатларини ўрганиш билан банд бўлдим.

Бир куни хонада осиғлиқ турган дунё харитасига кўзим тушди. Ундан Россияни изладим. Аммо у Амирликларга жуда узоқ экан. У ёққача пиёда боролмаслигимга кўзим етиб тақдирга тан бердим. “Ҳозирча асира бўлсам-да, бу узоқ давом этмайди”, деб аҳд қилдим. Жамиланинг сўзларига индамай қулоқ тутишим уни қувонтирди. Баджаҳл эмасди, ҳар бир маслаҳатини дўстона берар, агар хато қилиб қўйсак бирор иш буюрарди. Мен ҳам бир марта бир уюм идиш-товоқни ташиганман.

— Агар айтганимни қилмасанг сени ёмон одамларга бериб юбораман. Улар оқ танли қизларни яхши кўради, ёш бола деб ҳам ўтиришмайди! Уларнинг қўлида ҳатто ўлиб кетишинг мумкин, — деб танбеҳ берарди.

Жамиланинг айтганларидан тушунганим, ёмон одамлардан нари бўлишим керак. Бунинг учун эса унинг айтган гапларини сўзсиз бажаришим лозим бўлади. Бир ҳафтача ҳожатхона тозаладим. Лекин бу ишдан жирканмасдим, юртимда бундай ҳидга ўрганиб қолгандим.

— Нима қилсам мендан хурсанд бўласиз? — деб сўрардим Жамиладан.

— Аввало, ўтмишингни унутишинг керак. Ўтган кун ўтиб кетди, энди қайтмайди. Эртанги кун учун

ҳаракат қилишинг лозим, – дерди **Жамила** шифобахш чойдан хўпларкан мамнун жилмайиб.

Менинг бола кўнглим бундай файласуфона гапларни тушунмасди. **Жамила** ҳам довдираб турганимни кўриб:

- Нимани орзу қиласан? – деб сўради.
- Онамни кўргим келади.
- Мени тушунмаган кўринасан, – у менга ҳамдардлик билан сўзлади. – Сўзларимни бирортасини англамабсан.
- Лекин мен онамни соғиняпман. Оилам билан кўришармикинман?

Нафасим тўхтаб юрагим дукурлаганча ундан ижобий жавоб кутардим. **Жамиланинг** қора кўзлари киртайди, қошлари кўтарилиди, бир нуқтага тикилганча:

– Нимани истасанг шуни орзу қилишинг мумкин. Ахир, умид охирида сўнади, – деди бир оз жилмайиб. Шундан кейин у оқсочга ўз тилида бир нималар деди. Мен эса суҳбатимиз тугаганини англаб нари кетдим.

Қора танли аёл мени билан хонага олиб кирди. У русчани билмас, шу сабаб мен билан имо-ишора орқали гаплашарди. Аввалига Россиядан кийиб келган кийимларимни алмаштиридим. Бу оқ нуқтали сариқ кўйлак эди. Опаларимда бу кўйлакнинг қизил ва яшили бор эди. Учаламиз кўйлакларимизни кийиб кўчага чиқсак бизни светофор деб аташарди. Онам кийимларимизни алмаштириб кийишимизга йўл қўймасди, чунки алмашсак бизни ажратиб бўлмай қоларди. Айнан кийимимиз рангига қараб ота-онам бизларни танирди.

Чўлга борганимизда эгнимга узун қора чодра кийдиришди. У мени бегона кўзлардан асрар экан. Аммо бу рўдапода жуда қизиб кетардим. Шунинг учун вақти билан менга аллақандай чой ичиришарди.

Ота-онам мени сотиб юборган кунни унчалик эслолмайман... Онамнинг ёшга тўла кўзлари, “Мени кечир, Скарлетт”, деб пичирлагани, қўлларида турган бир даста пул, бегона эркакнинг бақувват қўллари, кичкина автобусда кетганим... Кўрққанимдан хушимдан кетган эдим.

Чўлгача турли транспортларда келдик. Йўл бўйи деярли ухлаб кетдим. Уйғонганимда бу туш бўлишини, яна митти уйчамизга боришни, ота-онам бағрига босиб қучоқлашини жуда истардим.

Бетси исмли қиз Жамиланинг ilk тарбияланувчиларидан бўлиб, бўйи паст ва миқти гавдали эди. Баданидаги ажинлар ва очранг соchlарини айтмаганда уни африкалик дейиш мумкин. Жуда фалати эди, тарабар тилида қўшиқ хиргойи қилишдан тўхтамасди. Қизлар хонада ўтмишдан халос бўлиш учун ғайритабий иримлар қилишарди. Бетси ҳам менинг бошимдан аллақандай ўт-ўланни айлантириб сўнг ёқиб юборди. Шундан сўнг хонада Жамила пайдо бўлди. У менинг марказдаги гиламга чўк тушишимни буюрди. Бетси қўлимдан ушлаб гилам томон элтди.

— Ортимдан қайтар, — буюрди Жамила, — мен ўтмишим ва исмимдан воз кечаман... Аллоҳ номи билан қасам ичаман.

Мен унинг айтганини сўзсиз такрорладим. Но-таниш сўзлар кўп эди. Узун тиловатдан сўнг Қуръонни ўпдим ва менга Ойсув исмини беришди. Менга янги ва тоза либос келтирилди: узун оқ кўйлак, шалвар ва рўмол. Шу тариқа энди мен ҳам Жамиланинг дунёсига тегишли бўлдим.

— Агар қасамингни бузсанг, бир умр баҳтсиз бўласан, — деди бекам, — ваъдасида турмаслик ислом динида катта гуноҳ саналади.

Шу дамда ҳамма гап-сўзлар мен учун нотаниш,

фақатгина овқатланиб, чанқофимни босиб ухласам дердим. Мени тоза матрасга оппоқ чойшаб түшалган ётоқхонага олиб киришди. Жисмоний нуқсони бор қизларга алоҳида хона ажратилганди. Улар бадавлат хожаларга эмас, кўпинча **Жамиланинг** хизматкорларига хотинликка бериларди.

Ўша кезлари мен Оливия билан танишдим. Унинг соғлиғи яхши бўлмаса-да, юраги тоза эди. Ҳамма уни яхши кўрар ва мароқ билан эсларди. У бир неча марта муздек сув ичиб, ҳафталаб шамоллаб ётди. Жамила сарфлаган дори-дармони бенаф кетаётганидан но-лирди. Чунки тарбияланувчи қизлар нафақат ташқи томонлама гўзал ва тарбияли, балки тўрт мучаси соғлом ҳам бўлиши шарт эди. Анча вақт Жамилага ортиқча ташвиш бўлган Оливияни бир шайхнинг ҳайдовчиси севиб қолди. Ёш покистонлик йигит тасодифан уни дераза ойнасидан кўриб қолган ва фариштасиймо гўзал унинг ақли ҳушини ўfirлаган. Ҳайдовчи хўжайинидан қизга уйланишга рухсат сўраган. Хотамтой шайх эса йигитнинг илтимосини ерда қолдирмади: ҳар иккиси ҳам **Жамиланинг** хонадонидан хотин олиб кетишли.

Бу биз қизлар учун ҳақиқий муҳаббат эди. Лекин кўнгилни оғритадиган бошқа ҳодисалардан ҳам кўз юмиб бўлмасди. Хонамизда тилларанг гўзал қиз Нузар яшарди. Унинг ёши ўн бешда бўлиб, Жамиланинг хонадонини тарк этишига умид йўқ эди. Сабаби ошхонада ишлаётганида устига қайноқ ёғ тўкилиб, бадани куйганди. Унга жуда ачинардим. Нузар куни билан дераза қаршисида ўтирганча кўз ёш тўкарди. У ҳам Оливиянинг маҳбубига ўхшаган умр йўлдошини кутар ва илтижо қиласди.

— У Яратгандан жонини олишини сўраяпти, — деди шарқона қиёфали бир қорамағиз қиз. Унинг қора кўзларида мазахлаш зоҳир бўлди.

— Нега ўлишни истар экан? — ҳайрон бўлдим мен Нузарнинг тилларанг узун сочларига боқиб.

— У бир олам орзуладар билан яшарди. Содир бўлган фалокатдан сўнг умиди сўнди. Энди ҳеч қачон бадавлат шайхнинг суюкли хотини бўлолмайди! Худди мен каби...

— Сенга нима бўлибди? — сўрадим унинг бенуқсон танасига назар ташларканман.

— Нима, гапиришимдан сезмаяпсанми? Ким ҳам тили ноқис хотинни истарди? Бир куни тилимни қаттиқ тишлаб олдим, шундан бери равон сўзлолмайман.

— Балки кар шайхга тегарсан? — орқамизда ўтирган бир қиз қийқирди.

— Сенинг ишинг нима?! — қорамағиз қизнинг жаҳли чиқиб, мен томон сурилиб ётиб олди. Қорамағиз бу қизнинг тақдири ҳам ғалати. У аслида Россиянинг шимол қисмida туғилган экан. Сап-сариқ рус аёлидан қорача қизалоқ туғилгани дояларни ҳам ҳайратлантириби. Отаси бўлса «бу менинг болам эмас», деб оиласини ташлаб кетибди. Турли миш-мишлардан безган она бўлса қишлоғидан чиқиб кетибди. Чинданам қизалоқ на она тарафга, на ота тарафга ўхшаркан. Хуллас, аёл қизчани сотиб, ўзи янги ҳаёт бошлаган эмиш. Бу ҳақида ҳамма нарсани биладиган билағон қиз сўзлаб берди. Бу қизни сергаплиги учун бошқа қизлар сафлариға қўшишмасди. Ростдан у ўзига алоқаси бўлмаган масалаларга бурнини суқмай ўтолмасди.

— Ортиқча сафсата сотганлар тилини тишлаб олади, тушундинглар? — жиддийлик билан гапирди қоратанли бир қиз, сўнг Нузарга қараб қўшиб қўйди:

— Мағрурлар эса гўзаллигини йўқотгач, надоматда қолишади.

Кичкинагина бу хонадаги кўролмаслик ва эътиборсизлик ҳислари мени ўйлантириди. Эшишини истамасам-да қизларнинг бир-бирига бўлган ўзаро адоватига гувоҳ бўлиб ётардим. Нузар ўзини бу ерда ягонадек тутар, бошқа қизларни тез-тез ҳақорат қилишдан тоймасди. У факат Жамиланинг олдидагина жим бўларди. Унинг куйиб қолгани кўпчиликни ажаблантирмади: ҳамма уни шунга муносиб баҳолади.

— Нимани эксанг, шуни ўрасан, — деди сергал қиз.

Менга бу мақол ёқди. Буни келажакда эслаб қолишга ва амал қилишга қарор қилдим.

### **НАПОЛЕОНСИЗ ЖОЗЕФИНА**

Ҳарҳолда Марго илтифот кўрсатиб, менга Жозефинанинг манзили ва рақамларини тутқазди. Унга қўнфироқ қилиб туша олмадим, шу сабаб огоҳлантиришсиз бўлса-да, тўғри уйига йўл олдим. У қўшни шаҳарчада яшаркан, у ергача бир неча соат автобусда юрдим. Ўзимга қулай бўлиши учун такси ёлласам ҳам бўларди, аммо негадир вақтни чўзгим келди. Автобусдаги ҳамроҳим бўлмиш кекса кампир тинмай гапириб кетарди. У қўшни қишлоқдан бўлиб, сут маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотаркан.

— Бугун хайрсиз кун бўлди, маҳсулотларимнинг ярми сотилмай қолди, — деди кампир куюниб.

— Қолганларини мен сотиб оламан, — деб таклиф билдирам. Кексайиб қолган аёлга ёрдам бергим келарди. У аввалига хурсанд бўлди, кейин эса раҳмим келганини сездими, сотишдан айниди. Рўмолини қайта боғлар экан, унга ачинишларини истамаслигини айтди.

— Ахир, бекорга бермайсиз-ку? Мен опамникига кетаётгандим, анчадан бери кўришмадим. Шошга-

нимдан бозорга киришни ҳам унутибман. Лекин Россияда мәҳмонга қуруқ қўл билан бориш ҳам мумкин.

— Бизда уйга мәҳмон келса, дастурхон тузаш мезбоннинг бурчи, — деди кампир менга бошдан-оёқ разм солиб. Эгнимдаги либослар машҳур бренднинг кийимлари эканини пайқади чофи.

— Анчадан бери бу ерда яшамайман, — тушунтиридим мен, — болалигимда кетишга мажбур бўлганман. Истагандимки... ҳа, майли, муҳим эмас.

Кампир менга ён босиб, халтасидан пишлок, творог, кўкат ва тузланган бодринг чиқарди. Сўнгра нархини айтди. Бу дўкондагидан кўра баланд сумма эди. Начора, ўрганиб қолдим: бу ерлик эмаслигимни сезган ҳайдовчи, сотувчилар атайин қиммат нарх айтишарди. Пулини тўладим.

Берилган манзилни узоқ излашимга тўғри келди. Йўлимда учраган одамларга қофозчани кўрсатардим. Аммо улар Липовой кўчасини биринчи марта эшишиб туришларини айтишди. Мен Ленин кўчасини ўн беш дақиқа айландим ва далага келиб қолдим. Шаҳарча жуда кичкина экан. Уйлар беш қаватдан паст ва таъмирталаб бўлиб, бир неча машиналар кўчани тўлдириб турарди.

Кимдир мени чақирди:

— Эй, нима қилиб юрибсан?

Ортимга ўгирилиб, ёш бир йигитчага кўзим тушди.

— Нега бундай қараб қолдинг? — деди у менга жиддий разм солиб.

Жилмайдим, англашимча, у мени Жози билан адаштиради. Менга уйга кетдик, деб ишора қилди. Кўлимда кампир тутқазган бир дунё нарсалар бор эди. Қизифи, йигит сумкани қўлимдан олингат туттини мади. Жимгина унинг ортидан бордим, ~~Оннинг ҳаснини~~ кўз олдимга келтирдим: болалар, иш, ночор турмуш,

ароқхўр эр бўлса керак... Бундай оилалар руслар турмуш тарзида кўп учрайди. Йигит биздан ёшроқ кўринди. Ҳа, бу ерда эрнинг хотиндан катта бўлиши шарт, деган талаб йўқ. Бир неча дақиқалардан сўнг икки қаватли барак уй қаршисидан тўхтадик. Бу болалигимиздаги уйга ўхшаб кетарди. Деворлари нураб қолган уйдан ачимсиқ ҳид анқирди. Уй ичини ҳам ташқаридан кам деб бўлмасди. Зиналардан иккинчи қаватга кўтарилидим. Йигит эшик ёнида Жозефинани кўриб, бақириб юборди ва қўлидаги пакет тушиб кетди. У ўзи билан овора бўлган пайт Жозефинанинг кўзи менга тушди.

— Марго? — ҳайрон бўлиб тикилди у менга.

Мен йўқ дегандек бошимни қимиратдим. Кўзларимда ёш айланди. Бир неча дақиқа шу ҳолатда бир-бирилизга тикилиб турдик. Йигит бўлса пакет билан ерга тушиб синган шишаларни йифиш билан банд эди. Димофимга ароқ ҳиди урилди.

— Скарлетт! — чуқур нафас олиб тилга кирди опам. У қаршисида худди арвоҳ тургандек титрарди.

Йигит мен томон ўгирилди ва сўкинди.

— Сен эгизакларинг ҳақида унга айтмаганмисан?  
— сўрадим опамдан йигитнинг ҳайрона нигоҳларини кўриб.

— Имкони бўлмаган! — мийифида кулди Жози ва унга ўгирилди: — Эшитдингми, Мишка, бу менинг синглим.

У менга яна бир бор қараб қўйди ва Жозини туртиб ичкарига кириб кетди.

— Агар яшашга келган бўлсанг... манзилда адашибсан, — деди опам қўлимдаги сумкаларга қараб.

— Йўқ, хавотир олма. Булар... меҳмоннинг бир тухфаси, холос.

Жози худди ёш боладек қўлимдаги сумкани мамнунлик билан олди.

— Оғиргина экан, — деб мени ичкарига бошлади. Ортидан кирдим. Хона қоронғи эди. Кирган хонамиздаги столда ювилмаган идишлар, бўш шиша бутилкалар қалашиб ётарди. Эски жавон ва қийшиқ диван-кресло ҳам жойлашганди. Бурчакларда ўргимчак тўрлари. Хира лампочка хонани аранг ёритиб турарди. Бу ҳолатни кўриб ичим ачиб кетди. Хонани кузатаётган чоғим Жози сумкани бўшатди.

— О, шўр бодринг! Бизбоп газак. Бу нима экан? Пишлоқ. Мазали кўринади. Кўкат ва творог ҳам бор экан. Ичишга ҳеч нима олмадингми? — сўради у. Ичимликсиз булар жуда фариб кўринди, шекилли.

Шу пайт ҳалиги йигит ҳожатхонадан чиқиб келди. У ҳамон менга ҳайрат билан қарап ва Жози билан қиёсларди. Ароқ отамни ҳам ақлдан оздирганини эсладим. Ичиб олган вақтлари бизни умуман ажратолмасди.

— Нега ҳамманг бир хил бўлиб, мени жинни қиляпсанлар? — деб ўшқиради биз — қизларга. Биз бўлса қўрқиб девор ёнида тизилиб турардик. Бир куни маст бўлган пайтида қўлига пичоқ кўтариб келди. У бизнинг исмимизни адаштириб қўймаслик учун бош ҳарфларимизни билагимизга пичоқда ўйиб ёзишни кўзлаганди.

— Дадажон, меҳрибоним, керак эмас! — деб йифлаганди Жози.

Отам бўлса ароқ таъсирида ҳеч нимани идрок қилмасди. Бундай пайтда унда раҳм-шафқат туйгулари сўнарди. Ўшанда биз беш ёшда эдик.

Ўша тундаги қўрқувимни унуголмайман. Отам ўткир пичоқ билан Жозига яқинлашди ва билагига тифни теккизди. Унинг қичқиригини эшитган онам ошхонадан югуриб чиқди ва бизни отамнинг чангалидан қутқазди. Жозининг билагидан қон

## **ОМОНИ УИСЛАЛ**

---

тўхтагач, ўрнида озгина чандиқ ҳосил бўлганди ўшанда.

— Мишания, таниш, бу менинг синглим... — дея мамнун сўз бошлади опам.

— Ойсув, — дедим давом эттириб. Шундай деб у билан қўл сиқишим. Ноқулай танаффусни тўхтатиш учун давом этдим. — Болалигимда исмимни ўзгартиришган. Мана, йигирма йилдан бери мени Ойсув деб аташади. Ўрганиб кетганман!

— Синглим болалигида бу ердан кетган эди, — Михайлга тушунтириди Жози, — бошқа мамлакатга.

— Бошқа сайёрага, деявер, — дедим хўрсиниб.

Жози ҳолатимни пайқади, лекин савол беришга тортинди. Унинг менга бўлган қизиқишини пайқаб турадим.

— Миша, Алсуни тузукроқ кутиб олишга ҳам ярамадик-ку!

— Ойсув, — тўғирладим мен.

— Менам шундай дедим. Умуман, қандай келиб қолдинг ўзи бу ерга?

— Мен айбдор эмасман, — деди Миша. — Уни сен деб ўйлабман. У ҳам индамай ортимдан келаверди. Агар эгизак бўлмаганингизда, мен пакетни тушириб юбормас эдим! Беайб айбдорга айландим, шекилли.

Мишага яхшилаб разм солдим. Адашмасам, ўсмир ёшда эди. У Жозидан синдириб қўйган шишалари учун чўчиб туради.

— Ичиш шунчалик шартми? — дедим мен охири.

— Унда нима қиласиз? Удум шунаقا. Мехмон келса, қадаҳлар тўлдирилади! Қадимги рус одати. Сингилжон, сенда икки юз рубл топиладими? — айбдорона сўради опам.

Мен дарҳол сумкамни очдим ва ундан кармонимни олиб минг рубл чиқардим. Бундан мамнун бўлган опам менга хайриҳоҳ нигоҳ ташлади:

- Ишларинг бешга ўхшайди, Скарлетт! Йүғ-ей, Ойсув. Пулинг етарли, бу яхши. Пулинг бўлса, ҳамма йўллар сен томон очилади. Йўқ бўлса уриниб ҳам кўролмайсан. Сенга яхши тўлашади, шекилли.
- Нолимайман, — дедим жилмайиб.
- Хўш, Мишаня, дўконга чоп. Уч шиша яххисидан олиб кел! — Жози унга яшил пулларни тутқазди.
- Газакка-чи? — сўради йигит бурнини тортиб.
- Газакни ўйлама, синглим олиб келган. Бир ҳафтага етади.
- Балки чучвара ҳам олармиз, — йигит пулларга қараб деди. У худди онасидан конфетга пул сўраётган ёш болага ўхшарди.

Мен унга яна минг рубль тутқаздим ва чучвара, колбаса ва ўзига ёққан егуликларни олиб келишини айтдим. Лекин Жози мен берган пулни олиб чўнтагига солди ва деди:

- Уни эркалатиб юборасан, синглим!
- Йигит аразлаб эшик сари йўналди.
- Майли, Миша, ўзингга чучвара ола қол. Фақат ўзинг пиширасан, бўладими?

Йигит хурсанд бўлиб дўконга чиқиб кетди. Жози эса стол устидаги бир уюм идишни ошхонага олиб чиқди. Раковинани очиб уларни юва бошлади. Сўнг учта чала ювилган стакан ва санчқи кўтариб келди.

- Нон эсдан чиқибди, — шундай деб деразадан қаради ва қичқирди: — Миша, нон ҳам ол, эшитдингми?

Жози мени ўтиришга таклиф қилди. Мен ёнимдаги стулга чўқдим. У бўлса марказга жойлашди ва менга тикилди:

- Марго билан кўришдингми, дейман. Бўлмаса манзилимни тополмасдинг.
- Ҳа.
- Биз у билан уришганмиз.

— Нега?

— Маргарита айтиб бермадими? — ҳайронлик билан сўради у. Сўнг бошини сарак-сарак қилиб давом этди:

— Хуллас, мен уйдан бош олиб кетганимдан сўнг у отам билан ёлғиз қолди. Отам тўшакка михланиб қолган, мастилигида кўчада қолиб оёғини совуқ уриб кетди. Шунинг учун кесиб ташлаши. Эртадан кечгача бизга буйруқ берарди. Худди биз унинг хизматкорларимиз... Бу орада мен бир йигит билан танишдим, у бирга яшашни таклиф этди. Марго уларни ташлаб кетганим учун мени кечирмаяпти.

Жозининг отам ҳақида гапирганда қўллари титраганини сездим. Билагидаги митти чандиқقا на зар солиб чуқур нафас олди. Кўз ёшларини аранг тўхтатиб қолди.

— Миша қаёққа даф бўлди экан? — деди асабийлашиб. Мен унинг қўлларидан сиқдим. Уни қучоқлаб далда бергим келарди. Аммо қўлимдан келмади.

— Онам вафот этдими? — сўрадим базўр.

— Буни ҳам айтмадими? У мудҳиш ўлим топди. Сен учун берилган пулларнинг бари даволаниши учун сарф бўлди. Қолган-қутганини отам ичиб тугатди.

Онамнинг нимадан ўлганини сўрадим.

— Саратон!

Қалбимда қаттиқ оғриқ турди. Шунча йиллардан бери ичимда сақланиб келган гина ўрнини айрилиқ азоби эгаллади. Онамдан нега мени сотиб юборгансиз, деб сўрашни қанча кутгандим.

— Нима саволинг бўлса беравер, — деди Жози ичимдагини уққандек.

— Мени бериб юборишгандан сўнг қандай яшашди?  
Наҳотки, милиция ҳам изламади?

— Ҳазиллашяпсанми? Милиция нима қилсин у

ерда? Шаҳар бўйлаб суратларингни илиб ҳамма сени излашга тушсинми? Тўғри, озроқ қидирув ишлари бўлди, аммо бир неча ойдан сўнг тинчиб кетди. Ойим худдики сен ростдан ҳам йўқолиб қолгандек йиғлаб юрди. Ўлимидан олдин эса сени сотиб юборгани учун ўзини лаънатлади. Биз ҳақиқатни ўшандагина билдик. Сенгаям раҳмат лекин. Йўқолганингдан сўнг оиласизга раҳми келган ҳомийлар бизга егулик, кийим ва ўйинчоқлар олиб келди. Ҳаммаси яхши кетаётганди, аммо онам бирдан хасталаниб қолди-да.

Шу пайт эшик гийқиллаб, Миша кўринди. У хурсанд эди. Столга шиша идишларни қўйиб, чучварани пишириш учун ошхонага кириб кетди.

— Баракалла, иккита шиша олибди. Ақли жойида бунинг!

Жози чаққонлик билан стаканларни тўлдирди ва менга таклиф қилди. Мен эса рад этдим.

— Бекор қиласан, — деди у қадаҳни бўшшатаркан.  
— Рад этиш одобдан эмас. Опанг сифатида-ку, сени тушунаман. Аммо ош-тузимиздан татиб кетмасанг бўлмайди-да.

Ҳечам татиб кўрмаган бўлсам ҳам опамнинг хурмати учун стаканни қўлимга олдим.

— Мана бу бошқа гап! — ўзига ҳам қўйди Жози. Биз қадаҳларни уриштириб ичдик. Ичимга худди кислота тушгандек ёндириди. Ўткир ичимликдан кўзларим ёшланиб, томоғим фиппа бўғилди. Аҳволимни кўрган опам дарҳол оғзимга шўр бодринг тутди.

— Ўзимнинг қайғучигинам, — мулойимлик билан эркалади у.

— Худди онамга ўхшаб гапиряпсан, — деб базўр жилмайдим. Онам ҳам шамоллаб қолганимда худди шу сўзларни айтиб иссиқ адёлга ўтарди. Биз опаларим билан касал бўлиб ётишни яхши кўрардик.

Шу вақтдагина онам бизга эътибор қаратар, отам ҳам ўзини босик тутарди. Ҳатто қишида шамоллаш учун қор ҳам ердик.

— Ҳўш, энди сўзла-чи, у ерда қандай яшадинг?  
Сени қаерга олиб боришди ўзи?

— Ҷўлга, — дедим у ердаги иссиқ ҳароратни эслаб.  
— Ҷўлда нима қилдинг? — бодрингни ғарчиллатиб чайнаркан яна сўради у.

— Бошқатдан яшашни ўргандим, — дедим Жамиланинг хонадонини кўз олдимга келтириб.

### **КИТОБНИНГ МУҚОВАСИГА ҚАРАБ БАҲО БЕРМАНГ**

“Қайта туғилганим”нинг эртасига ўқишини ўргата бошлишди. Эрта тонгда уйғонар ва Жамиланинг араб тилидан беражак сабоқларини тинглардим. Жамила русчани билгани учун аввалига ўзи дарс ўтар, ўқувчи араб тилини сал ўзлаштириб олганидан сўнг катта тарбияланувчи қизлардан дарс оларди.

Ўз тилимда на ўқишини, на ёзишини билганим учун бу тилни ўрганишга қийналмадим. Орамизда фақат Марго ўқиши ва ёзишига қизиқарди. У олти ёшлигимизда ҳижжалаб ўқир ва ҳарфларни ёзарди. Лекин Жози иккимиз “она” ва “дада” сўзларини ўқиши ва ёзишини билардик, холос. Марго бизнинг ўқишини билмаганимиз учун устимиздан куларди.

— Ҳаммангиз ҳали мактабга борасиз, — дерди онам бизни ҳимоя қилиб.

Жамилагага ўз тилимни ўрганмаганим маъқул бўлди. “Рус грамматикасини билмаганинг учун араб тилини тез ўзлаштирасан”, дерди у. Мен тез орада йигирма саккиз ҳарфни ёдлаб олдим. Аммо бу тилда ўйлай олмасдим. Тил курсидан ташқари, рақс, қўл меҳнати ва мутолаа машғулотлари ҳам ўтиларди. Шунингдек,

Бирлашган араб амирлиги тарихидан ҳам хабардор бўлардик. Яхши ўзлаштирганимга қарамай, аввалига арабча гапиролмас ва тушунмасдим. Вақт ўтиб аста суҳбатларга аралаша бошладим ва тилни ўрганган сарим қизиқишим ортиб борди.

Хонадонда, тахминан, ўттизта турли ёшдаги тарбияланувчи қизлар бор эди. Уларнинг кўпчилиги рус ёки славян тилида сўзлаша оларди. Оқ танли қизларни араблар юқори баҳолашарди. Бизнинг машатэ (Жамилани шундай атардик) “оппоғой”ларни бекалик учун алоҳида парвариш қилас, қорача қизларни бўлса оқсочликка тайёрларди.

Қочиш ҳақидаги фикрларимни Жамиланинг бир таниши бузиб юборди. Унинг айтишича, хонадон чўлнинг ўртасида бўлиб, бу ердан чиқишига уриниш ўзини ўлимга топшириш билан тенг экан. Яқин орада бирор тирик жон йўқ эмиш. Кочқинлар ё чанқоқ азобидан ёки бирор жониворнинг ҳужумидан ўлиб кетаркан.

Жамила қочиб кетган бир қизнинг тақдирини сўзлаб берди. Уни қочганидан сўнг икки ой ўтиб топишибди. Танасини қузфунлар еб битирган экан.

— У бирор олижаноб шайхнинг завжаси бўлиши мумкин эди! — дея ҳикоясига якун ясади Жамила.

Шундан кейин қочиш ҳақидаги хаёлларимни йиғишириб, итоаткор тарбияланувчига айландим.

— Сенда ҳарамнинг етакчи малаги бўлиш имконияти бор, — деди мендан мамнун бўлган Жамила.  
— Ҳаётинг эртаклардагидек гўзал бўлиши ва маликага айланишинг мумкин.

Саккиз ёшимда соchlарим қорая бошлади. Бу ҳолат Жамилага маъқул бўлмади.

— Бу нархингни арzonлаштиради, — деди у умидсизлик билан. — Ишқилиб, сенга яхши ҳақ тўлашсин-да.

— Сочларни бўяш мумкин-ку? — дедим мен.

— Ёш болага соч бўяб нима? Худди кичкина хотинга ўхшаб қоласан. Кимёвий бўёқлар соғлиғингга зарарли!

Биз хонадонимиз девори ёнида суҳбатлашардик. Бу ерда дам олиш учун мўлжалланган айвон бор эди. Жамила бирор муҳим гапи бўлса шу ерга қизларни йифарди. Масалан, орамиздан бирор тарбияланувчи бу ердан учирма бўлиш ҳақидаги хабарлар кўп янграли.

— Қўшнимиз соchlарини мойчечак ёрдамида сарғайтиарди, — дедим мен **Жамиланинг** танбеҳига эътиroz билдириб.

— Мойчечак? — ҳайрон бўлди у. — Нима, уларни сочинингга сурасанми?

Мен она юртимдаги бир қўшнимиз ҳақида сўзлаб бердим. У биз қизлардан мойчечак териб келишимизни илтимос қилас ва бунинг учун ҳақ тўларди. Гуллар бир муддат токчада яшнаб турар, сўлигач эса ундан дамлама тайёрлар эди. Дамламада соchlарини ювар, музлатиб қўйиб баданини артарди. Менга аёлнинг ўзини парвариш қилишини кузатиб ўтириш ёқарди. Онам ўзига унча қарамасди. Оқарган соchlарини ўриб юрар, юзини баъзан кунгабоқар мойида артарди.

— Хўш, чўлнинг қоқ ўртасида мойчечакни қаердан топаман? — кулди **Жамила**. — Майли, ҳаммаси Худоддан.

Хонадонга **Жамила** билан гаплашиш ва савдолашиб учун келган эркаклар мебель билан жиҳозланган унча катта бўлмаган хонага таклиф этиларди. Айнан шу ерда бизнинг машатэ харидорларга турли ёшдаги қизлар ҳақида маълумот берарди. Тилга олинган қизлар, албатта, балофатга етган бўларди. Сўнг қизлар билан учраштириш маросими бўларди. Битта

қыз ҳатто, ўн икки ёшида учрашувга чақирилган, айримлар эса анча вақт йүқланмасди. Айтиш керакки, тарбияланувчилар ўн олти ёшгача ўз харидорини топиб бу ердан учирма бўлиб кетишарди.

Бошқа қизлар билан яқин дугона бўлишга интилмадим, барибир улар бу ерни тез орада тарқ этишади. Улар билан келажакда учрашишимиз эса амри маҳол. Шундоқ ҳам оиласдан айрилиш азобига зўрға чидадим. Қизлар ичида энг серсавол ва киришимлиси мен эдим.

Биз ҳар куни ўзимизни парвариш қилиш ва хонадонни тоза тутишга мажбур эдик. Кир ювиш, уй тозалаш, овқат тайёрлаш кундалик юмушимиз эди. Жамила ҳар ҳафта ишларни бўлиб берарди. Бир куни менга ошхонада Римага қарашиш вазифаси тушди. Бу аёл ушбу хонадон ташкил топганидан бери шу ерда ишларди. Кескин ва илтифотсиз бу хизматчи биз қизларни ёқтирмасди (ҳасад қиларди, чоги), шунинг учун нуқул бизга айб тўнкарди. Унинг севимли юмуши тарбияланувчиларни келажак ҳақидаги қайгули фикрлар билан кўнглини қолдиришдан иборат эди.

— У гапираверади, эътибор бермагин, — деб қулоғимга шипшиди бир қыз ошхонада ишлашим эълон қилингач. Ошхонада аввал ишлаб кўрганлар қайтиб у ерга боришдан бош тортишарди. Лекин мен буни мамнунлик билан қабул қилдим ва Римага эътибор бермай ўз ишимни қилавердим. Чунки бу ерда доим мазали бир нима топиларди. Айниқса, меҳмон кутган пайтларимизда. Кейинги сафар Жамила ким ошхонада ишлайди, деб сўраганда, ҳаммани ҳайрон қолдириб бажонидил рози бўлдим.

— Ҳали замон учирма бўлиб, бир-бирингни тушингда ҳам кўрмайсанлар! — деди бир куни Рима ошхона ойнасидан икки қизни дугоналарча шивирлашиб ўтиришганини кўриб.

## **Омони УИСАЛ**

---

— Сен ёвузсан! — деди улардан бири.

Бундан жаҳли чиққан Рима ўша қизнинг устига қайноқ ёғ тўкилиб, бир умр шу ерда хизматкор бўлиб қолишини башорат қилди.

— Бугун бир харидор келади, — ҳасад билан сўзлади Рима менга қараб, — биласанми, бу нима дегани?

— Кимдир эрга тегса керак-да? — дедим иккиланиб. Рима шунда қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Бу дегани шуки, сен билан энди баҳсимиз тугайди! — деди қатъийлик билан у. — Шошил, танбал қиз! Ишларинг қолиб кетяпти!

Мен асосан идиш ювар ва патнисларни таширдим. Риманинг тили заҳар бўлсаям, қўли жуда ширин эди. Бу ҳақида ўзига ҳам айтдим. У аввалига илтифотимга ўзини эътиборсиздек тутди, сўнгра жавондан ширинлик олиб берди.

— Мана, е!

Митти пирожний бирам чиройли эдики, уни ейишга ҳам кўзим қиймасди.

— Кейин роҳат луқум ҳам бераман, — деди Рима. — Фақат кўп гапирма, хўпми?

Мен мамнунлик билан бош иргадим. Унинг бошқалар таъкидлаганидек тошбагир аёл эмаслигига амин бўлдим. Ҳамма китобни муқовасига қараб баҳо бериб бўлмайди. Жамила айтганидек, кўримсиз сурат ичидагул сийрат яширинган бўлиши мумкин.

— Гўзал қалбни қандай кўриш мумкин? — деб сўрагандим ўшанда.

— Қалблар кўзларда намоён бўлади, Ойсув. Сухбатдошингни нигоҳларига яхшилаб тикил, шунда унинг қанақалигини билиб оласан.

Кўпол Риманинг кўзлари чиройли, қалби эса озор чекканди...

## **БЕРИШСА ОЛ, БЕРИШМАСА ТОРТИБ ОЛ!**

Қовоқларимни базур күттардим. Бошим қаттиқ оғриб күнглим айнирди. Опамнинг уйидаги диванда чўзилиб ётардим, Жози бўлса ҳамон стулда ўтиради. Эсимда қолгани опам билан ичиб, тоза йиглашдик. Ҳатто бир-биrimизни қучоқлаб барчаси учун ке-чирим ҳам сўрадик. Бир пайт опамнинг қўлида кар-моним турганига гувоҳ бўлдим.

— Сенга айтяпман-ку, паспорт ва карточкадан наф йўқ, деб! — дерди Миша асабийлашиб.

— Ахир, у билан қиёфамиз бир хил-ку! — унинг гапини бўлди Жози — Банкка бораман ва айтаман: Салом, мен Ойсууман. Мана, паспортим ва карточкам. Пулни чўзинглар!

— Пин кодни ҳам билиш керак-да! Шунда ҳамма пулни ечиб олиш мумкин, — яна асабийлашарди йигит.

— Сизлар пулни ечиб ололмайсизлар. Ҳисоб ра-қами Амирикда очилган ва ҳимояланган, — дедим мен ўрнимдан туриб. Жози дарҳол кармонни ортига яширди.

— Биз бу ерда Миша билан ўзимизча ҳазиллашиб ўтирибмиз. Эътибор берма! Бир хаёл сурдик-да! Ичасанми? — қувноқлик билан қадаҳни қўлига олди опам. Мен күнглим айнигани учун ҳожатхонага кириб кетдим. У ердан ярим соатда чиқдим.

Вася деган йигит опамнинг собиқ севгани бўлса-да, унга яхшигина “дарс” ўтиб кетган экан. Айнан шу “рицар” Жозини ота уйидан олиб кетган. Опам у билан ўтган романтик ва ноқонуний ҳаётини мароқ билан сўзлаб берди. Мен ҳам ўз ҳаётимни сўзлашга энди киришган эдим ҳамки, опам ўргимчак тўрларига назар ташлади-да, уйни кўтариш лозимлигини эслаб

қолди. Унинг бефарқлиги мени ранжитса-да, хафа бўлганимни сездирмадим. Униям тушунаман: кимга ҳам бегонанинг ҳаёти қизиқ? Жамила айтганидек, ўтмиш бу оғир юк, ҳозирги замон билан яшаш муҳим. Ароқ одамни сергап қилиб қўяркан. Агар улфатчилик узоқ давом этганида мен дунёning энг бадавлат инсонларидан бирининг хотини эканимни гуллашим аниқ эди. Лекин опам бунга ишонмасди, менимча. Мен ўзимни киборли тутмасдим, шайхнинг хотинига ҳам ўхшамасдим. Пул билан ишим бўлмасди, аммо хожам ҳар куни туҳфа этадиган қимматбаҳо совфаларни яхши кўрадим. Хожамга ҳам тақинчоқлар тақдим этиш жуда ёқарди.

— Шунча тақинчоқни нима қиласман? — деб кулардим мен. Кўчага чиққанда барибир тўлиқ ўраниб юрсак, улар кўринмайди. Уйда эса қимматбаҳо буюмларни тақишига ҳожат йўқ. Шунинг учун тақинчоқлар йиғишга унча қизиқмасдим. Ўтган йиллар ичida тақинчоқларим катта коллекцияга айланиб, алоҳида бир хонани банд этди.

— Биласанми, агар тақинчоқларингдан бирини ҳарамга қўйиб, буни энг гўзал аёл олсин, деб шарт қўйсанг, тонгда у ерда тирик аёлни топиш мушкул бўларди, — дерди хожам менинг тақинчоқларга ўч эмаслигимдан кулиб.

— Бунинг жилоланиши қаранг! — дедим Франция аукционида сотиб олинган зумрад кўзли узукка қараб. Хожамнинг айтишича, бу узук қачонлардир Наполеоннинг рафиқаси Жозефинага тегишли бўлган экан. Бу гапни эшитиб бошим айланиб кетди. Айнан ўша вақтда мен опамнинг исмини эслаб, қариндошларимни излаш қарорига келган эдим.

— Бу асл нусха, — давом этди хожам фурур билан.  
— Бунга анча-мунча пул сарфлаганман. Сен бундан зиёдасига ҳам арзийсан!

Мен уни ранжитмаслик учун асл бойлик қимматбаҳо буюмларда эмас, инсонларнинг ўзаро ғамхўрлигига, деб айтольмадим. Жамиланинг уқтирганларини эслаб, хожам олдида бошимни эгдим ва майин товуш билан ташаккур билдиридим.

— Совғам сени хушнуд этмаган кўринади? — сўради хожам. — Нимадан безовтасан?

— Атрофда бир бурда нонга зор инсонлар жуда кўп... Ушбу узукка кетган пулга қанча оч аҳолини тўйдирса бўларди, — дедим хижолатлик билан.

— Очларга балиқ эмас, қармоқ ташланади, — уқтириди хожам, — бошқаларнинг тақдирига бефарқ эмаслигинг мени қувонтиради. Аммо эгнингдаги кийим билан ҳаммани иситолмайсан. Ёрдам бер, аммо жавоб кутма!

— Нега?

— Улар яхшиликни тез унутишади. Уларнинг ожизликлари ҳам шунда.

Жозининг собиқ йигити ҳақидаги гапларини эшишиб, мен ҳам хожамни ёдга олдим. Фарқи шуки, мен ўз хотираларимни тилга чиқармасдим.

— Ҳарҳолда, қашшоқقا ўхшамайсан, тўғрими? — Жозининг сўроғи хаёлларимни бузиб юборди.

— Менда ортиқча пул йўқ, — дедим Жозининг сўрамоқчи бўлган нарсасини пайқаб. Унинг ёнида бўш кармоним ва банк карточкам турарди. Негадир юрагим нотинчланди, бу суҳбатни дўстона якунланишига кўзим етмай қолди.

Опам столдаги тилларанг карточкани олиб ишбилармонлик билан деди:

— Пуллар шундами?

Тасдиқладим.

— Уни ечса бўладими?

— Махсус банк орқали...

— Мени аҳмоқ деб ўйляяпсанми? Харобада яшасам ҳам, дунёдаги янгиликлардан хабарим бор. Менга пин кодни айтасанми? — деди у асабийлашиб.

Мен рад этдим ва карточкани менга қайтариб, кармондан олган пулларни ўзида қолдиришини айтдим. Ҳарҳолда, кармонимда ўттиз мингдан ортиқ пул бор эди. Михаил билан опамни минг рубл қандай қувонтирганини ҳисобга олсак, бу сумма улар учун анчага етадиган совға эди. Аммо менинг эгизагимнинг кўзларида олов ёнди. Ортимда шитирлаган товушга аланглаб бурилган эдим ҳамки, қўлларим қайириб бойланди. Бу халатнинг боғичи эди, бу ишни Михаил бажарганди. Уларга қаршилик қилиш бефойдалигини сезиб, диванга чўкдим.

— Нега бундай қиласизлар? — сўрадим ўзимга келолмай. Қаршимда қиёфаси мен билан бир хил, аммо қалби бегона аёл турарди.

— Сен бирибир тушунмайсан, лекин ҳаракат қиласан: қачонлардир Скарлетт исмли синглим бўларди. У жуда камбағал эди ва изсиз йўқолиб қолди. Анча вақтгача унинг ёнимда йўқлигига кўниколмай қийналиб юрдим. Чунки биз у билан яқин дугона эдик. Кейин онам ўлди, отам билан қолдик. Бу ҳаётимдаги энг даҳшатли палла эди. Бу азобга шунча йил бардош бердим, сен эса йўқ эдинг. Ҳатто ўзимни самурайлар каби ёндириб юборишга ҳам рози эдим. Нега айнан самурай деяпман? Унга тушунтир, Миша!

— шундай деб Жози ўзига ароқ қуиди.

— Ҳақиқий самурайлар фолиблиқ ёки мағлубиятни ўйлашмайди. Улар ўлим билан юзма-юз келганда ҳам ҳеч нимадан қўрқиshmайди! — деди йигит виқорли нутқда.

— Шунаقا! — стаканни бўшатган Жози газак қилди.  
— Мени ўшанда Василий қутқариб қолди. У мени

урса ҳам, лекин севарди. Менга ҳаётнинг биргина қоидасини ўргатиб кетди: беришса ол, беришмаса тортиб ол! Ҳозир мен ҳам шу қонунга амал қиласман! Билсанг, бу ҳаётда, сингилжон, ҳамма ўзи учун курашади.

Жози аста ўрнидан туриб мен томон яқинлашди. Халатининг боғичи ечилгани учун қорин қисми кўзга ташланарди. Мен унинг қорнида чизиклар тортилганини пайқадим. Одатда, бундай чизиклар ҳомиладорлик даврида тушади. Эҳтимол, ортиқча вазндандир, деб ҳам ўйладим. Опам ёнимга ўтириди ва деди:

— Менга лаънати пин кодни айтишинг керак. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Ҳисобингда қанча пул бор ўзи?

— Билмайман! — ундан келаётган ароқ ҳидидан юзимни бурдим. — Ҳисобни эрим тўлдиради.

— Эринг? — қичқирди Жозефина. — Ёлғончи суюқоёқ! Кеча эрга тегмаганман, демабмидинг! Ахир, эгизаклармиз, ўртамиизда сир бўлмаслиги керак.

— Жози, гапимни эшит, мен унинг ҳаққоний хотини эмасман. У мени Жамиладан сотиб олган. Жамила ҳақида айтиб бердим-ку! Пулинин тўлади ва менга эгалик қилди!

— Майли, Шаҳризода, эртакларингга шайдолар йўқ бу ерда. Ҳуллас, пин код рақамларингни эслагунингча шу ерда ўтирамиз. Шошаётган жойимиз йўқ! — шундай деб у Михайлга режа бўйича иш қилишини айтди. Йигит ўрнидан туриб ароқ шишасини қўлига олди ва мен томон яқинлашди. Оғзимни мажбуран очиб, ароқни қўйди. Нафасим қайтиб ўқчилим, аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмади. Жози бўлса жавонни очиб, шошиб спорт кийимини кийди. Кийим унга анча катта эди, собиқ Бонапартидан қолган

## **ОМОНИ УИСАЛ**

---

бўлса керак. У паспортимни ва картамни олиб банкка кетаётганини айтди.

— Агар араб қаршилик қилса, куч билан ушлаб ўтиришинг ҳам мумкин, лекин изи қолмасин. Корнига ёки орқасига ур. Вася ўргатганларини эсла!

— Бунчалик бағритошлиқ қаердан? — сўрадим пи-чиirlab.

— Яххиси, сўрама, сингилжон. Жонингни сақлаб тинчгина саройинг султонига қайтишни ўйла. Мен тезда келаман. Агар мени алдасанг ўзингдан кўр!

— Илтимос, картани банкоматга солма! Шунчаки ходимлардан нима қилишни сўра! — дедим илтимосим бефойдалигини билсам-да. Жози кетди. Менинг пойлоқчим бўлса диван ёнида ўтиради. Чарчоқдан кўзларимни юмдим. Ичганим учун хона деворлари айланарди. Бир пайт Михалнинг бармоқлари менга текканидан сесканиб кетдим.

— Нима қилаяпсан?! — бақирдим қатъийлик билан.

— Ўйловдимки... балки яширин кармонинг бордир. Сейфнинг калити дегандек...

— Ҳамма буюмларим сумкамда, болакай!

Аммо йигитчанинг нияти бузуқ эди. Уни қандай тўхтатиш ҳақида тезлик билан ўйладим. Олдимда ёғолиб бўлиш, ёки мағбулият туради. Мен биринчисини танладим. Тиззам билан унинг нозик ерига зарб билан тепдим. Михаил девор томон йиқилиб бошини уриб олди. Шундан кейин қимиirlамай тек қотди.

Мен куч билан қўлимдаги боғични ечдим ва йигитнинг тириклигига амин бўлиш учун ёнига чўқдим. У хушсиз ётарди. Ўзига келиб менга ҳужум қилмаслиги учун скотч билан қўл-оёғини бойладим. Шундан кейин диванга ўтириб опами кута бошладим. Қочиб кетишим ҳам мумкин эди, лекин бу фожианинг финалини кутишим шарт.

— Тасаввур қиляпсанми, Мишаня, ўлгур банкомат картани куйдириб қўйди, — деб кириб келди Жозефина. У шошиб эшикни очди-да, стол томон юрди. Аммо Мишанинг оёғига қоқилиб кетди. Йигитчага ҳайрон бўлиб қаради-да, мен томон ўгирилди.

— Уни нима қилдинг, лаънати?

— У дам оляпти, — дедим сокинлик билан. — Паспортимни қайтар, автобусга ҳам пул бер. Қолгани ўзингда қолаверсин!

— Хавотир олма, шундоқ ҳам олиб қоламан! — деди у ғазаб билан. — Сен эса ҳали шошма. Биз картани тиклаш йўлини ўйлашимиз керак. Бўлмаса сultonингдан пул ундирамиз. Нима деб ўйлайсан, у сени қайтариш учун қанча пул бераркин? — айёрик билан сўзлади опам.

— Шарқ эркаклари сен билан савдолашиб ўтиради деб ўйлайсанми? — кулдим мен.

— Ахир, сени бир марта сотиб олган-ку? Иккинчи марта ҳам тўлашига тўғри келади! Шунда асл нархингни билиб оласан. Ҳаммасини ўзгартириб юборишим ҳам мумкин. Паспортларимизни алмаштирамиз, мен ўрнингга учиб кетаман. Россия катта жой, ўлсаям сени тополмайди у. Нима деб ўйлайсан, сultonинг сенинг омон қолишинг учун миллион тўлармикин?

— Миллион, керак бўлса миллионлар тўлайди!  
— дедим. — Менинг хожам бадавлат инсон. Қаердалигимни аллақачон билиб олган. У менга миллионни рублда эмас, еврода тўлайди. Евро курси Россияда қанчалигини биласанми? Ҳисоблаб кўравер, ахир мактабда ўқигансан-ку, Жози? Бу пулни, ҳатто тушингда ҳам кўрмагансан. Қирқ миллион рублни нимага сарфламоқчисан? Сени шунча пул билан тинч қўйишади, деб ўйлайсанми? Банкда

картамни ишлатган заҳотинг қаердалигинг уларга маълум бўлган. Видеокамералар буни тасвирга олмаган дейсанми? Бир соатга қолмай изингдан келишади. Суратим билан ўн беш дақиқада мени топишади. Нима деб ўйлайсан, мени бу ҳолатда топишса сизларнинг ҳолингиз нима кечаркин?

Жози чуқур нафас олди ва столга чўкиб бошини қўллари орасига олди. Мени бир соатда топишларига ўзимам ишонмасдим. Тўғри, Россияга бир ўзим келмадим, шайх ортимдан иккита бақувват тансоқчи қўйганди. Улар ҳар бир қадамимни пойлашарди. Лекин бугун мен уларнинг кўзини шамғалат қилиб келгандим бу ерга.

— Менинг Васкам қамоқда бўлса ҳам қўли ҳамма ерга етади, у билсанг агар, авторитет! — деди ниҳоят опам узоқ ўйлагандан сўнг. — Агар унга муаммойимни айтсам, биласанми, сени нима қиласди у?

— Авторитет дейсанми? — кулдим мен. — Одамларни нимталаб ташлагани учун қамоқда унга мулойимлик билан мулозамат қилишади, деб ўйлайсанми?

Шу пайт Михаил кўзларини очди ва ачинарли товуш билан мингирилади:

— Ойи, бунингни томи кетган, йўқолсин бу ердан...

— Ойи? — дедим мен ҳайрон бўлиб. Жозининг юзига қайғу соя солди ва норозилик билан менга деди:

— Йўқол! Биз ҳақимизда шикоят қиласиган бўлсанг, ўзингдан кўр! Қасам ичиб айтаманки...

— Хайр, опа! — дедим унинг гапини бўлиб. Ортимга қарамай, юрагимда оғир юқ билан чиқиб кетдим. Ҳаммаси мен кутгандек, орзу қилгандек, интилгандек бўлмади. Умуман, Россияга келганимга афсус қилдим.

## **ШАЙХ УЧУН КЕЛИНЧАК**

— Ватанингни унут! Энди шу ерликсан. Ўз бахтингни ўзинг ярат, Ойсув! Сенга эслатиб қўяй: сен қасам ичгансан, — дерди Жамила менга.

Хонадошларимдан кимдир туни билан йиғлаб чиққанимни унга гуллаган кўринади. Тушимга онам кирганди. Бу ерга келганимга беш йил бўлди: араб тилида гаплашиш, қўшиқ куйлаш, рақс тушиш, тикиш-бичиш, таом тайёрлашни ўргандим, умуман, шарқ эркагига мос умр йўлдош бўлиш учун барини ўзлаштирдим. Рима менга ажойиб таомлар тайёрлаш сирини ҳам бўлишиди.

Кичкина бу империянинг асосий ёрдамчиси мен эдим. Рима мендан бошқа қизнинг ошхонага киришини тақиқлади. Бу ҳақида у Жамила билан гаплашганини эшитиб қолдим. Мен тайёрлаган овқатлар рецепти бошқаларнидан кўра мазали чиқаётганини сезган қизлар менга ҳасад билан “урғочи чўчқанинг қизи” деган лақаб қўйишиди. У мен учун даҳшатли ҳақорат эди. Бу ҳақида Римага айтмадим. Аммо у лақабим ҳақида қаердандир эшитиб қолибди.

— Бугун кечки овқатни ема! — деб шипшиди бир куни менга.

Унинг айтганини қилиб ўша куни узун столга тизилишиб ўтирган қизлар билан бирга овқатланмадим. Ошқозоним оғриётганини айтдим. Ўша туни эрта тонггача ҳамма қиз ҳожатхонага югуриб чиқди. Эртасига эса ҳамма кир ювиш ва тозалаш ишларига жалб этилди. Жамила бунинг тагига етиш билан шуғулланди. Рима унга ҳақиқатни айтди. Қизлар бўлса менга уруш очишиди. Чунки ўша

тунда мен маза қилиб ўрнимда ухлаб ётгандим. Улар мен билан сира гаплашмай қўйишиди, худди мени кўрмаётгандек тутишарди ўзларини. Мен бўлсам куни билан ошхонада куймаланаардим. Рима билан бу ҳақида гаплашмадим, аммо ўртамиизда қандайдир дўстлик ришталари пайдо бўлди. У менга мулойимлик билан сўзлар ва уришмасди.

— Қизлар эрга теккандан сўнг нима бўлади? — деб сўрардим ўзимдан анчагина катта дўстимдан. Бу саволни ундан бошқа ҳеч кимга беролмасдим.

— Сен умуман нима бўлишини сўраяпсанми ё ўзинг ҳақидами?

Тарбияланувчи қизлар орасида бир афсона юрарди. Айтишларича, талабгор бўлиб келган харидорларни уч мартагача рад этган қизнинг боши танасидан жудо этилармиш. Жамила қизлар билан келишолмай қолганим учун мени ҳам шу жазога маҳкум этишидан чўчиб қолгандим. Риманинг товуқ сўйганига неча марта гувоҳ бўлганман. Бугун ҳам у товуқнинг оёғидан қисиб, шарт калласини узди. Калласи узилган товуқ негадир питирлаб ётаверарди. Бир пайт парранданинг қони этакларимга сачраб кетди. Мени ўйлантиргани, товуқ сезаётган оғриқда эди. Юқоридаги афсона ҳақида Римадан сўрашга жазм қилдим.

— Кўп гапирмай, товуқ патини юлишга ёрдам бер!  
— деди у.

Товуқ гўшти шўрвага солиб қайнатилди. Кейин Рима билан эчкининг пишлоги ва кўкатдан тайёрланган мазали пирог едик. Уни ўзим тайёрлагандим.

— Қуруқроқ чиқибди, — деб баҳо берди у. Аммо кейинги бўлакка ҳам қўл узатди. Демак, унчалик ёмон чиқмапти.

— Барибир ҳалиги саволимга жавоб бермадингиз?  
— дедим мен, — наҳотки, келажакда мени яхшилик кутмаяпти?

— Ёшинг нечада? Ўн уч?! Ҳозирча болалик онларидан завқлан, ўйлантирган саволларингга кейин жавоб топасан, — деди у бармоғини никтаб.

— Ахир, бу ўртамизда сир бўлиб қолади... — дедим жавобни эшитишдан умидимни узмай. Бунақа ҳолатимни Рима думини ликиллатаётган кучукка қиёсларди. Айнан шу йўл билан мен кўп саволларимга жавоб олардим. Аммо Рима асабийлик билан жавоб қайтарди:

— Қанақа қайсар қизсан ўзи! Бошимни айлантириб ташладинг. Майли, сени нима кутаётганини айтаман. Ўтири!

У гапини аёллар баҳтсизлик учун яратилгани ва бир умр хожасининг кўнглини хушлаши шартлиги билан бошлади.

— Кўнглини қандай хушлайди?  
— Бу ерда куйлаш, рақс тушиш, пишириш, тикишни бекорга ўрганяпсанми? Буларни бари сени танлаган харидорнинг кўнглига йўл топиш учунда! Сен бир умр унинг хизматида ўтасан. Эркаклар оғатнинг ўзи, лекин уларни қўлга олса бўлади. Бир сири бор бунинг!

— Қанақа? — сўрадим қизиқиш билан. Гўё шу биргина сирли калит билан мен келажакдаги баҳтим эшикларини очишга тайёрдек туардим. Аммо кутган жавобим мени қониқтиrmади:

— Хожангга эҳтирос бермоғинг лозим.  
— Нима у? — дедим ҳайрон бўлиб.  
— Шуниям билмайсанми? Аҳмоқ қиз, шунинг учун бу ҳақида сенга айтишдан фойда йўқ эди.

Ўн уч ёшли қиз учун номаълум бўлган сўзларни

Йиғишириб, унга ўзимни қизиқтирган бошқа са-  
волларни бермоқчи бўлиб тургандим, Рима гапимни  
бўлди:

— Бугунга етарли! Энди савол бермайсан, деб умид  
қиласан. Қани, ошхонадан кет энди!

Остонада қошларини чимириб турган **Жамила**  
 билан тўқнашиб кетдим. У мендан нега умумий қо-  
идаларга риоя қилмаётганимни сўради.

— Кечиринг, бугун оғир кун бўлди, — дедим мен  
кўзларимни яшириб.

Бир пайт **Жамила** этакларимдаги товуқнинг қон  
доғларига эътибор қаратди ва мамнунлик билан  
ҳайқирди:

— Ниҳоят, қизгинам, балофатлик давринг келибди!  
Тезда Бетсининг ёнига бор, ундан бўлажак келинлар  
учун мўлжалланган либосларни ол.

Ҳайрон бўлганча айтилган хонага йўл олдим.  
Бетсига беканинг гапларини айтгандим, у ҳам хур-  
санд бўлиб кетди. У менга янги либос ва матотутқазди-  
да, кичик ҳужрага олиб кирди. Бу ерда бир неча кун  
қолишимни айтди. Бу таклиф менга маъқул бўлса-  
да, сабабини тушунмадим. Қизлар билан ётоқхонада  
ухлашдан зериккандим: улар гоҳи чойшабимни  
кесакка тўлдиришар, гоҳи кийимларимни яшириб  
қўйишарди. Бетси тоғорада илиқ сув келтирди ва  
ювенишни ўргатди. Сўнг оқ матони ҳам ишлатишни  
тушунтириди. Унинг гапларидан сўнг ниҳоят англаб  
етдимки, **Жамила** кийимимдаги товуқдан сачраган  
қон доғларини менда ҳайз келганига йўйган. Бундан  
чўчиб кетдим. Негр қизнинг тезроқ кетишини кут-  
дим. Сўнг ҳужрадан чиқдим-да, дарҳол ошхонага,  
Рима билан маслаҳатлашиш учун югурдим. У  
аввалига кулди ва бунақа гаплар билан **Жамиланинг**  
бошини қотирмаслигимни айтди.

Бутун баданим титраб, Жамиланинг эшигини тақиллатдим.

— Нима керак? — сўради у уйқусираган кўзларини менга тикиб. Мен унинг кўзларига қаравшга ботинмай оёқ кийимимга қараганча, англашмовчилик ҳолатини тушунтиридим.

— Нега ўша заҳоти айтмадинг, аҳмоқ қиз? — деди у жаҳлланиб.

— Билмадим, менга алоҳида ҳужра ажратилганда тушундим. Бетси мато тутқазганда хаёлимга келди.

Жамиланинг ётоқхонасига биринчи марта киришим. Кенг хона тўлиқ рангли гиламлар билан қопланган. Эшикка қарама қарши томондаги деворга ёпиштириб қўйилган ётоққа гулдор чойшаб тўшалган. Бурчакда эса дам олиш ва овқатланиш учун юмшоқ кресло, диван ва стол қўйилган. Жамила мени ўтиришга таклиф қилгач, тезгина диванга чўкдим.

— Энди сени нима қилсан бўлади, довдиргинам... Ҳужрага жўнатганимнинг сабаби у ерда сени яхши парвариш қилишади. Тўрт кундан кейин сени бир одам кўришга келмоқчи эди.

Бу хабардан қўрқиб кетдим. Риманинг сўзларини айтиб, Жамиладан мени асраб қолишини ўтиниб сўрадим.

— Бунақа сафсатани кимдан эшитдинг? — эркакларга эҳтирос беролмаслигим ва уни нималигини билмаслигим ҳақида айтганимдан сўнг ҳайрон бўлиб сўради бека. Мен дўстимни, албатта сотмадим ва бу ҳақида қизлардан эшитганимни айтдим.

— Гаранг товуқлар! Улардан боплаб шўрва пиширишим керак ўзи, — аччиқланди Жамила, — бунақа бўлмағур гапларни эшитма, Ойсув! Эркак ва аёлнинг муносабати меҳнатга қурилади. Ҳеч қанақа эҳтирос асосий роль ўйнамайди бу ерда.

Мен қўлларимни тиззамга қўйганча Жамиланинг менинг тақдиримни ҳал этишини кутардим. У кейинги режасини ошкор этди:

— Учрашувни бекор этиб бўлмайди. У одам биз учун муҳим, айнан сен унга ёқишинингга шубҳам йўқ. Энди бундай қиласиз: Риманинг ошхонасига бориб, Бетси берган матони товуқ қонига белайсан ва эрталаб ҳужрангдаги тогора ёнига қўйиб қўясан. Барибир куни келиб балоғатга етасан. Унгача эса ҳар ойда товуқ шўрва ейишимизга тўғри келади!

Мен бошимни силкиб Жамиланинг буйругини қабул қилдим. Сўнг қизлар ётоқхонасига қачон қайтишимни сўрадим.

— Агар шайх сени танласа, алоҳида хонада яшайсан. Аммо сирингни яширишга тўғри келади, чунки бошқа қизларда сен каби имконият йўқ. Мени тушундингми?

Бошқа иложим йўқлигини билиб хўп, дедим.

Катта қизлар билан эрнинг кўнглига йўл топиш борасида машғулотлар бўлиб ўтарди. Уларга илк никоҳ тунидаги сирлар ошкор этиларди. Бу дарсга биринчи марта кирганимда помидордек қизариб кетдим. Биринчи марта фарзандлар қандай дунёга келишини тушундим.

Ҳаётимдаги илк ва охирги эркак билан учрашишим лозим бўлган куни Жамила ўзи ёнимга кирди. Унгача мени фақат Бетси ва бошқа ёрдамчилар парвариш қилишди.

— Ҳали кўрасан, шайх хўппа семиз одам. У, албатта сени танлайди! — деди Жамила рақибаларимдан бири бўлмиш сепкилли қиз Ясминнинг юзига енгилгина уриб. Ўн беш ёшли бу қиз лўппигина эди. «Агар гавдангга яраша ақлинг ҳам бўлганида эртагаёқ эрта берворардим», деб кўп айтарди унга Жамила.

Учрашувга тайёрланаётганлар жами тўрт қиз эдик. Бу орада Жамила баримизни йифиб, китоб ўқиди, келажак ҳақида суҳбатлашди, ўтганлар руҳидан мадад сўради. Икки қиз ажralиб турарди: улар оқ бадан ва малла соч эдилар. Бу қизлар жуда сокин. Эҳтимол, тинчлантирувчи дорини кўп қабул қилишгандир. Ҳорҳолда, шайхга итоаткор хотин кераклиги маълум. Иккиси ҳам мен каби Россиядан сотиб олинган ва Жамилагага топширилган. Ясмин бўлса менга голибона нигоҳ билан боқишини тўхтатмасди. Учрашувга бир оз вақт қолганда биз ҳовлига чиқиб гиёҳли чой ичдик.

— Биласанми, бўлажак куёв қари чол бўлса керак! У билан ажойиб жуфтлик бўласизлар! — деди Ясмин устимдан кулиб.

Нариги икки қиз ҳам ҳиринглаб кулишди. Шайх мени танлашига умуман қарши эмасдим, чунки мени ёмон кўрадиган ҳамхоналардан қутулганимга шукур қиласдим. Жамила менга ҳарам ҳаёти ҳақида сўзлаб берди. У ер ҳарҳолда бир оз зерикарли ва тўкин жой эмиш.

— Бошқа ҳаётни орзу қилма, Ойсув. Имкониятлар ва эркинлик эшиги шу ердан бошланади. Барчаси ўзингга боғлиқ, қизим. Унутма, баҳтимизни ўзимиз яратамиз!

Бу сўзлар менга далда бўлиб, ўз баҳтимни қургим келарди. Шуларни ўйлаб Ясминга қаратади:

— Биласанми, Ясмин, у семиз бўладими ёки қари чол, бу мен учун муҳим эмас. Агар унинг қалби гўзал ва меҳрибон бўлса, у билан кетишга тайёрман. Бу хонадонни тарқ этиб шайхга турмушга чиққанимдан сўнг сени эслаб ҳам ўтирмайман.

— Албатта, bemalol, мени эслашингга кўзим учиб тургани йўқ!

— Сен бир умр навбатда турувчи афсонага айланасан! — дедим ундан қолишмай.

## ***Омони УИСЛАЛ***

---

— Нега ундај деяпсан? — сўрашди нариги икки қиз.

— Агар уч марта ҳам рад этилса, уни ҳовли орқасида бошини танасидан жудо қилишади! Ўшанда нима деркинсан, Ясмин?

Ясмин билан сўз жангимизни Жамиланинг ташрифи бузди. У бизга ажратилган хоналаримизга киришимизни ва маҳсус мойни баданимизга суришимиизни буюрди. Кетаётган чофимиз Жамила қўлимдан тутди:

— Қизим, кийимингга нима бўлди? Яна ўлик товуқлар билан ўралашдингми?

Кийимимга қарадим-да, секин пичирладим:

— Бу товуқники эмас, меники...

— Ҳудога шукур! Яратган сенга меҳрибонлик қилди: бу яхши белги.

## **ИҚРОРЛИК**

Умримнинг ilk олти йили ўтган барак уй қаршисида туардим. Йигирма йил ичиде деярли ўзгармапти. Мен подъезд ёнига боришга иккиландим.

— Сенга нима бўлди? — уйдан чиқиб келган Маргарита аҳволимга қараб сўради.

— Жозининг уйига меҳмонга боргандим.

— Сени огоҳлантирган эдим-ку! — Марго шундай деб сирпаниб кетай деди. Шошиб бориб қўлидан тутдим.

— Кир, — деди у, — подъезднинг ҳидига чидаб бўлмайди.

— Аҳволинг яхшими? — сўрадим ундан. Марго қўлимни силтаб ташлади ва эшикни очиб хонага кириб кетди. Мен ҳам чуқур нафас олдим-да, ортидан қадам ташладим. Уй болалигимдан эслаб

қолганимдан кўра бутунлай бошқача кўринишга келганди.

— Уйни таъмирлатдим. Ўтган кунлардан бирор хотира қолмаган! У сенга нима қилди? — Марго ота-онамизнинг собиқ хонасига кирапкан сўради. — Жозининг турмадаги муҳаббатидан хабаринг борми?

Хонада устига чойшаб ташланган эски диван турарди. Ёғоч табуреткани айтмаганда бошқа мебель йўқ.

— Ҳаммасини сотиб юбордим, — деди у хонани кузатаётганимни пайқаб.

— Сен ичмайсанми?

— Ароқнинг ҳиди сендан келяпти! Жози билан учрашувни тоза ювдингларми, дейман? — сўради у асабийлашиб.

— Афсуски, у билан энди дўстлаша олмасак керак. Ўзингда нима гаплар? Даволаняпсанми? — дедим курсида турган дориларга қараб.

Марго диванда, тирсакларига бошини қўйиб ўтиради. Унинг устида велюр қора костюм ва оёқларида тўқилган пайпоқ бор эди. У бир муддат жим қолди: кўринишидан сенга айтайми, йўқми, деб ўйланарди.

— Менда ҳам онамнинг касали қўзғаган, — деди сўнг ҳоргинлик билан.

Энди мен жимиб қолдим: керакли сўзни тополмасдим. Унинг сарғайган юзи чинданам беморлиги ва чарчаганини билдириб турарди.

— Охирги марта қачон овқатландинг? — сўрадим жиддийлик билан.

— Иштаҳам йўқ, — шикоят қилди у, — аммо иссиққина товуқ шўрва бўлса қанийди...

— Буни ташкил қилиш мумкин. Агар менга ишонсанг, Марго, — дедим мулойимлик билан. Мени ҳайдаб солишидан ҳам чўчиб турардим, лекин

бунинг учун унда мадор йўқ эди. Аввалига такси тутишни ўйладим, аммо ёнимда пулим йўқ эди. Маргодан қарз сўрадим ва меҳмонхонага боргач, қайтаришимни айтдим.

— Юваниб олгунимча, такси буюртма қила оласанми? — дедим унга. Марго розилик билдириди.

Юваниш хонаси ва ҳожатхона қўшилган эди. Болалигимдан хотира бўлиб биргина шу ер ўзгармапти. Онамнинг биз — қизларни чўмилтирганини эсладим. Учта болани эплаб чўмилтириш осон эмасди.

— Мен таксига тўлайман, лекин пулни қайтаришга сўз бер, — сўради Марго кўзларини ерга қадаб.

Машина келгач, опамни орқа ўриндиқقا ўтирифиздим. Биз бир муддат жим кетдик. Сўнг ўзимни қийнаган айрим саволларни беришга мажбур бўлдим:

— Михаил ким бўлди ўзи? У Жозини “оий” деб атади. Лекин кап-катта бола-ку?

— Бу ерда жавоб беролмайман, — деди Марго.

Меҳмонхонага тезда етиб келдик. Шаҳар, албатта ўзгариб кетганди. Янги бинолар қад кўтарган, улар орасида ҳашаматли меҳмонхоналар ҳам бор эди.

— Сен шу меҳмонхонада турибсанми? Жуда қиммат кўринади. Уни атайин хорижий меҳмонлар учун қуришган дейишади, — деди Марго замонавий санъат асарига боққандек.

— Мен кимман? Унутдингми, мен ҳам хорижликман, Ойсувман, — дедим унга зиналардан кўтарилишга кўмаклашиб.

— Жуда узун зина экан.

Холлда бир неча одам бор эди. Улар орасида икки бақувват тансоқчиларим мени кўриб ўринларидан туришди. Уларга эътибор қилмай опамни ич-карига бошладим.

— Эсинг жойидами, улар мени ҳайдаб солишади!  
— деди Марго яшил кўзларини атрофга тикиб. Уч эгизаклар ичида Маргонинг кўзлари зумрад яшил, Жози ва меники эса хира кулранг эди.

— Сени ҳеч ким ҳайдамайди. Бу ерда люкс хоналар ойлаб бўш ётади, ҳали бу ердан кетгинг келмай қолади!

Опамни кутиш жойига қўйиб, қўриқчиларим ёнига бордим. Улар айтмай кетганимга норозиланишди ва бу ҳолат яна такрорланса, Амирликка қайтишга мажбур бўлишимизни айтишди. Мен бошқа улардан қочмасликка сўз бериб, бундан бу ёғига номеримда бўлишим ва гоҳида опам билан машинада шаҳар айланишимни билдирам.

— Эй Худо, ҳаяжондаман! — дерди Марго икки ёноғи қизариб. — Меҳмонхона ходимлари мен билан шундай мулојим гаплашишди, ўзимни худди юлдуздек ҳис этдим. Чинданам энг қиммат номерда турасанми?

Мен бош ирғадим. Опам бир-икки бор ўзини чимдилаб кўрди ва кайфияти кўтарилди.

Люкс икки хонадан иборат эди: алоҳида ётоқхона ва меҳмонхона. Катта ойнадан эса бутун шаҳарни кузатиш мумкин эди.

— Биласанми, дераза ёнида туриб осмонга тикилиш одамга ажойиб кайфият бағишлийди, — дедим опамга.

— Балки шу ердан самога равона бўларман!

Мен унга ҳайрон бўлганча тикилиб қолдим, у бўлса кулди.

— Охирги пайтларда ҳазилларим бир оз аянчли, — деди сўнг.

Хонамизга тушлик келтиришди. Опам келтирилган таомларни кўриб, ҳайратланди, мен эса бўридек очлигимни айтдим.

## ***Омони УИСААЛ***

---

— Нима, меҳмонга борганингда овқат беришмадими? — кулди Марго столга яқинлашиб. Уни юмшоқ креслога ўтиргиздим. У шошмасдан товуқ шўрвадан хўплади ва балиқли салатдан тотинди. Ошқозоним очликдан хуштак чалса-да, иштаҳам бўлмади.

— Сен бизни муҳокама қилма, Скарлетт... Сени шундай атасам майлими? — бош силкиганимдан сўнг давом этди. — Ойсув дейишга қийналяпман... худди бегонани чақираётгандек.

Мен унга сутли чойдан қўйдим ва дераза ёнига парёстиқ қўйиб уни ўтиргиздим. Марго мени саволга тутди:

— Сен, ҳойнаҳой, ҳақиқатни суриштиргани келгандирсан?

— Саволингга жавобни ўйлаб олишим учун бир неча дақиқа вақт бер. Унгача чой ич, мен эса тезгина кийиниб олай.

Шошганча душ қабул қилдим ва юмшоқ матодан тикилган оч тусли кўйлагимни кийдим. Сўнгра опамнинг ёнига ўтирдим ва сұхбатни давом эттирдик.

— Аввалига, қайтиш ҳақида ўйлаш оғир бўлди... Менга доим ўтмишни унутиб келажак учун яшашни ўргатишган. Аммо қўлимдан келмади... Тез-тез тушимда онам ва сизларни кўрадим. Бошқа юртдан келиш ҳам осон кечмади. Ички бир умид билан Россияга келсам, бир умр шу ерда қоламан, деб ҳам ўйлардим.

— Тўғри, сен ватанингга қайтдинг, аммо ўтмишга эмас, — гапимни бўлди Марго. — Ишон, мен ҳам, Жози ҳам ич-ичимиздан болаликка қайтишни жуда истаймиз. Сени сотиб юборгач, онам телба бўлай деди. Бу лаънат келтири: унга ёпишган касаллик менга ҳам мерос бўлиб ўтди.

Унинг гаплари нишонга тегди. Иккимизнинг ҳам кўзларимиз намланди. Олдинда бизни узоқ

суҳбат кутарди, бунинг учун эса опа-сингиллик ришталарини боғламоғимиз даркор эди.

— Энди тушунгандирсан, Михаил нега уни «она» деб атаганини? — аччиқ кулди Марго. Шунда Жозининг қорнидаги чизиқлар ёдимга тушди ва англадимки, у жуда эрта туғруққа дучор бўлган экан. “Бечорагина, Жозийим. Агар буни билганимдами...” деб ачинардим унга.

— Миша отаси кимлигини биладими? — сўрадим.

— Йўқ, Жози унга бу ҳақида гапирмаган. Бу ҳақида айтиш осон эмас, — титрарди Марго, — отам бизга жуда ёмон муносабат кўрсатарди: хўрларди, азобларди...

— Отамнинг устидан кимгадир шикоят қилмадингизми? — дедим унинг нафрат тўла нигоҳларига боқиб.

— Отам агар миқ этсанглар сизларни ҳам сотиб юбораман, дерди. Биз нуқул йиғлар ва сени сотиб юборгандаридан сўнг ўлиб кетгансан, деб ўйлардик. Жози ўн икки ёшида ҳомиладор бўлиб қолди. Ҳомиласи етти ойлигига дунёга келди. У ҳеч кимга қандай ҳомиладор бўлиб қолганини айтмади. Шундан кейин Жози ўзгариб кетди. Мен куни билан чақалоққа қаардим. У бўлса қандайдир гуруҳга аралашиб қолди. Алкоголь ва наркотикка ружу қўйди. Васка деган йигитни учратдию, боласини ҳам ташлаб у билан қочиб кетди. Нима қилишни билмай қолдим. Дўкондан сут олиб иситар ва бир оз уйқу дори қўшиб чақалоққа ичирадим. Кейин отам ногирон бўлиб қолди. Вақт ўтиб Жози келди ва боласини талаб қилди...

Мен эса барчасини кўз олдимда гавдалантириб тасаввур қилардим.

— Юра қол, энди бир оз дам олишинг керак, — дедим Маргонинг кўзлари илинаётганини пайқаб.

## **ОМОНИИ УИСААЛ**

---

- Шу ердами? — ҳайрон бўлди у.
- Ҳа. Сенинг дориларингни олишни унутибмиз, хоҳласанг уларни олиб келаман, — деб таклиф билдиришим. Аммо рад этди.
- Уларни шунчаки очлик ҳиссини камайтириш учун ичардим. Қачондир тўхтатиш керак эди...
- Унга сув тутдим.
- Худди момик булутдек юмшоқ экан, — деди у паркўрпага чўзилар экан. — Фақат мени ёлғиз қолдирма, илтимос... Ёлғизликдан бирам чарчадимики, Скарлетт, жудаям чарчадим...

## **ҚАЛБ ЁШЛАРИ**

- Шунчаки хонага кир ва жилмай, Ойсув! — дедим ўзимга ўзим икки табақали катта қора эшик қаршисида турарканман. Шайх билан учрашиш назаримда жуда оддий кўринганди, аммо айни дамда бунга журъатим етмаётганди.

Юрагим типирчилар, тиззаларим қалт-қалт тит-рарди. Ўзимни мажбур қилиб, чўғдек гиламлар тўшалган кенг хонага қадам қўйдим. Дераза ёнида бир эркак тик турганча кўчани кузатарди. Бошдан-оёқ оппоқ либосда бўлгани учун худди руҳни кўргандек чўчиб кетдим. “Энди унинг юзига боқиши қолди, — дердим ичимда. — Ҳойнаҳой, ажин ёки чандиқ тўла бўлса керак!” Эркак мен томон ўгирилди ва жилмайиб рус тилида гапирди:

- Келганингдан хурсандман, раҳмат.

Мен ҳайрат тўла кўзларимни унга тикиб оғзим очилиб қолди. Чунки неча йиллардан бери она тилимда бирор жумла эшитмагандим. Шундан кейин у фақат араб тилида гапирди. У менинг рус эканлигимни билиб, атай шу сўзларни ёдлаб

олганини пайқадим. «Ахир, у шайх бўлса, менга ёқишига уриниб нима қилади?» деб ўйладим унинг чиройли юзига тикилганча. Меҳмон бошига оқ салла кийиб олганди. Машғулотларда бундай бош кийим эркакларни офтоб нури, шамол ва чангдан асранини айтишганди.

— Кел, ўтири, — мулойимлик билан чорлади у турли ўлчамдаги ёстиқлар қўйилган ўриндиққа ишора қилиб. Мен шошганча у кўрсатган томон юрдим, аммо майнин ипакдан тикилган янги либосим торлиги учун сал қолса йиқилаёздим. Доим кенг шалворда юрганим учун катта қадам ташлашга ўрганиб қолгандим. Аранг ўриндиққа етиб олиб, бир четига омонат чўқдим. Бунинг устига ёйилган соchlарим фашимга тегарди, менга ўргатишганидек бошимни тик тутиб ўтиришим ва шайхни ўзимга мафтун этишим керак эди. Лабимга аллақандай ёпишқоқ паста суришган, у алвон рангда бўлиб, таъми ҳам ширин эди. Шунинг учун нуқул лабимни ялардим.

— Мен ҳам ҳаяжондаман, — деди у ўриндиқнинг нариги четига ўтирганча столга безатилган ноз-неъматлардан тотинаркан. Бир пайт патнисда турган юрак шаклидаги бодомли ширинликларга кўзим тушиб, кулиб юбордим.

— Нега куляпсан? — мулойимлик билан сўради эркак.

— Биласизми, бу ширинлик... яхиси, уни емай қўя қолинг, хожам.

— Нега энди?

— Чунки уни мен пиширганман-да! Уни кўриниши каби мазали деб бўлмайди. Мен ошхонада Римага ёрдам бераман. Унинг ширинликлари жудаям тотли, менини улар олдида арзимас, — дедим овозим титраб.

Шунга қарамай шайх менинг ширинликларимга

қўл узатди ва бирини олди. Уч донагина юрак шаклидаги бу шириналарнинг уст қисмига С, М, Ж ҳарфларини битгандим. Бу уч опа-сингилнинг исми эди. Кейин эса шакар ўрнига туз қўшдим. Ва бу шириналикни «Қалб ёшлари» деб атадим. Албатта, мен шайхнинг айнан шу шириналикни татиб кўришини сира кутмагандим. Балки рақибаларим бу ишимни сотиб қўйишгандир? Лекин ошхонада мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Шайх С ҳарфли шириналикни татиб кўрди.

— У жуда шўр экан... бу кўз ёшлар туфайлими, Ойсув? — аста сўради у.

— Бу худди юрагим тўккан кўз ёшлар каби, хожам. Сиз танлаган шириналидаги белги менга онам берган исмнинг бош ҳарфидир.

У иссиқ тафтли кафтини юзимга босди ва аста ўзига қаратди. Унинг кўркам чеҳраси шундоқ қаршимда турар, ҳатто нафасини эшитардим. Бир он шайхнинг оч жигарранг нигоҳларига кўзим тушди. У менга бир оз тикилиб турди-да, пешонамдан ўпди.

— Бора қол, — деди сўнг пицирлаб.

Энди саволга ўрин йўқ! Ичимда шундай шириналик пиширганим учун ўзимни ва Римани яниб ташқарига отилдим. Хонамга қайтганимдан сўнг ўрнимга ётдимда шайх ҳақида ўйладим. Дақиқалар жуда секин ўтарди. Ўзимни шундай тутганим учун афсусландим. Аниқ биламанки, учрашувимиз бир соатга ҳам чўзилмади.

«Агар шайх шу дўмбоқ Ясминни танласа, у бир умр устимдан кулиб юрса керак», деб ўйладим.

Шу пайт хонага Жамила кириб келди ва менга диққат билан тикилди. Сўнг мулойимлик билан сўради:

— Унга нималар дединг, Ойсув?

— Жуда мулойим бўлдим! Лекин сиз ўргатга-

нингиздек эмас, ўзимни бошқача тутганим рост. Бу унга ёқмагани аниқ.

— Ёқмагани? — кулди Жамила. — Шайх бошқа қизлар билан учрашишни рад этди ва Дубайга қайтиб кетди. У ердан сенга бир олам совға-салом олиб қайтаркан, Ойсув!

Бу гапни эшитиб бир пайтнинг ўзида ҳам кулиб, ҳам йиғлаб юбордим. Жамила қўлимдан ушлаб бағрига босди.

— Тажрибам давомида ҳали бундай ҳодиса бўлмаган эди... Шайхни бир неча дақиқа давомида мафтун этиш бу алоҳида истеъдод, қизим. Сен, албатта бу сирни мен билан бўлишишинг керак, — деди Жамила бағридан бўшатаркан. — Бу сирни бошқа қизларга ҳам ўргатаман.

— Мен шунчаки ўзимни қандай бўлсан шундай тутдим ва унга ёқиши учун ҳаракат қилмадим.

— Демак, у сенинг меҳрли нигоҳларинг ортида чиройли қалбингни кўрган! Баракалла, энди дам ол. Бу шайх жуда сахий, омадинг келибди, Ойсув! У сенга бир гапни етказишимни сўради: юрагингнинг кўз ёшлари унинг юрагидаги музни эритибди.

Қалбимда аллақандай гуллар очилгандек бўлиб, бу туйгулар ўша инсон билан боғланаётгани сездим. Севиб қолдимми, деб ўз ўзимга савол берардим. Унда нега уни бунчалик қўмсаяпман? Ўз-ўзимдан жилмаяр ва кўз олдимга кулиб турган меҳрибон хожам келаверарди. У дунёдаги энг яхши инсон эди мен учун.

Рима мени жилмайиб қарши олди, сўз ўрнига ширинликдан тутқазди.

— Энди бу ерга келишинг шарт эмас. Бундан буёғи тарбияланувчи эмас, бўлажак келинсан. Сенга қўлингни унга белаш ярашмайди! — бир оз кесатик билан кулди у.

## *Омони УИСААЛ*

---

— Бекорчиликдан ўлай дедим! — Сўнг унинг қўлидан тутдим. — Раҳмат сизга, Рима!

Рима доимгидек ҳиссиётга берилмай, буйруқ берди:

— Ундаи бўлса печга югар! Бугун ишимиз кўп. Бешта янги қиз келтиришди, бунинг устига яна бир харидор келармиш! Қайсиdir қиз сен каби келинлар сафига қўшилади.

Мен қўлимдаги пирогни еб, чайиниш учун сувдон томон юрдим.

Хожам билан кейинги учрашувимиз бир неча кундан сўнг юз берди. У менга юрак шаклидаги туморга эга тақинчоқ тухфа этди. У буни доим асрашим ва бўйнимга тақиб юришимни исташини айтди.

— Ўйлайманки, юрагингни бир қисми менга тегишли. Менинг юрагим ҳам сенга тегишли бўлиши керак, — деди у мени безатилган дастурхонга бошлар экан. — Хўш, бугун ҳам сен тайёрлаган бирор егулик борми?

— Йўқ, хожам. Мен шунчаки пиширишга кўмаклашдим.

Хожам мен тавсия қилган таомлардан тотинди. Ўтаётган дақиқалар мўъжизага бой эди. Мен озроқ она юртим ҳақида сўзлаб бердим.

— Бўш вақтингни қандай ўтказасан? — сўради хожам. — Бу ер зерикарли бўлса керак?

— Ҳаётнинг қадрини билмаганлар учун зерикарли, — дедим унинг кўзларига боқиб.

У истаган саволимни беришим мумкинлигини айтди. Ўзим ҳам унинг оиласи ва ўтмиши ҳақида билишни истардим. Аммо шахсий саволлар беришдан тийилдим.

— Мен бу девордан ташқарида бўлмаганман. Чўлдан ташқаридаги ҳаёт қандай? — деб сўрадим ўйлай-ўйлай.

Шайх менга неча ўн йиллар аввал қурилган ажойиб шаҳар ҳақида сўзлаб берди. У ўз ватанидан фурурланар, миллати ҳақида фахр билан сўзларди. Мен эса унга тикиламан: у ёш ва истарали, қирра бурун, қалин қош ва бутун чеҳрасига аллақандай ёқимлилик бағишлаб турган ажойиб кўзлар. Хожам уни тингламай, юзига тикилиб ўтирганимни пайқади. Бурнимни чимдига қўйди-да, қулоғимга пицирлади:

— Кетар вақтим бўлди, аммо сендан айрилишни истамайман, Ойсув. Сен билан ўзимни сокин ва баҳтли ҳис этаман. Вақти келиб, менинг ҳаётим билан танишасан ва ҳамиша ёнимда бўласан. Яратгандан ушбу кун тезроқ келишини илтижо қиласан!

У шундай дея чуқур нафас олди, худди исимни ўзи билан олиб кетмоқчидек. Кейин ўрнидан туриб эшик томон йўналди. Бирдан тўхтади ва ортига қайрилди. Мен ўриндиқда ёлғизлик азобини чекишига шай ўтирас, қалбим оғриғи кўзларимдан ёш билан томарди.

— Сенга нима бўлди, Ойсув?

— Сизни қўмсаб қоламан, хожам, — дедим овозим титраб. Шайх дарҳол ортига қайтди ва бир зумда қаршимда тиз чўқди. Ҳеч нимани англамасимдан, лабларимда қайноқ ҳисни туйдим: бу бўса эди.

— Сенинг юрагинг худди қафасдаги қушдек по-тирлайди, — деди қалбим соҳиби.

— Бу баҳтдан, — шивирладим мен.

— Назаримда, Жамиланинг қоидаларини буздим.

— Бу бизнинг сиримиз бўлади, — жилмайдим мен.

Хожам яна бир марта бурнимдан чимдига қўйди ва кетди. Бу сафар ўгирилмади. Мен анча пайт эшикка

термулиб қолдим. Шундагина уни севиб қолганимни тушундим.

Кечки овқатдан олдин мени Жамила йўқлади. У аста эшигимни тақиллатиб рухсат сўради. Авваллари ҳеч бундай қилмасди.

— Ойсув, учрашув қандай ўтди? — оҳиста сўради хонамга киргач.

— Яхши, — дедим ҳаяжонимни яширишга уриниб. Назаримда, мендан хожамнинг иси келар ва яширин бўсамизни сотиб қўядигандек эди.

— Менга айтишдики, қоида бузилганмиш...

— Коровул аёл айтдими? Бу фирт ёлғон! Хожам айб қилмади, мен ўзим уни ўпдим!

Аммо Жамиланинг ҳайратли кўзларига қараб қовун туширганимни пайқадим. У ҳеч қандай бўса эмас, умуман бошқа нарсани назарга тутган экан.

— Ўпдинг? — қошлари кўтарилидни унинг. — Ёки у ўпдими?

— Илтимос қиласман, мени уни кўриш баҳтидан айирманг! — дедим унинг оёқларига йиқилиб.

— Сенга нима бўлди, қизим? — мени тепага кўтарди Жамила. Кўзимдаги ёшларни артиб, йиғлашни бас қилишимни айтди.

— Бесабаб йиғлайверасанми? У азбаройи сени севгани учун қоидани бузган. Кўриб турибман, у билан тезроқ кетишни истаяпсан. Ҳатто бундан ҳайратдаман... Тўғри, бизнинг мамлакатда, ҳатто ўн бир ёшда ҳам эрга тегишади. Аммо бунинг оқибати яхши эмас! Жинсий ҳаётга ҳали тайёр эмассан. Ахир, эрга текканингдан сўнг нима бўлишини биларсан...

— Яна эҳтиросми? — дедим Риманинг сўзларини эслаб.

— Уф, сенга нима бўлган ўзи, Ойсув? Чивин

чақдими, нима бало? – аччиқланди бекам. Сүнгүрнидан туриб кетишга чоғланди.

– Нима қарорга келдингиз? – сүрадим чүчиб.

– Бирга бўлишингизга, албатта қарши эмасман. Аммо сен шошма. Ўн тўрт ёшга тўлганингдан сўнг у сени олиб кетишига рухсат берамаён.

– Ахир, бунга ҳали бир ой бор!

– Атиги бир ой, қизим. Сабр қил! Ҳали олдинда сени бир қанча машғулот ва дарслар кутиб турибди. Оила қуриш учун тайёр бўлишинг керак...

Жамила кетгач, ёстиқни қучганча ўтган баҳтли онларимни яна эсладим. Гўёки мен Золушка эдим, ҳадемай оқ отдаги шаҳзодам келиб мени бу қафасдан баҳтли сарой сари олиб кетади!

### **“АКУЛА ТИЛИ”**

Тонгда уйқудан аранг қовоқларимни очдим ва қаршимда Маргаританинг иштаҳа билан кечаги овқатни еяётганига кўзим тушди. Бирдан хаёлимга, балки у ўзини касалликка solaётгандир, деган шубҳа ўтди.

– Нега бунчалик оч қолиб уйғонганимни тушунмадим! – деди у мени кўргач, айборона оҳангда.

– Янгисини буюртма қилсанг бўларди. Кушу, омлет ёки бирор фойдали нонуштами...

– Фойдали? Куляпсанми? Ўзи қанча умрим қолди... Энди нима есам ҳам бирибир. Бир фильм томоша қилгандим: унда ўлаётган одам ўз истакларини рўйхат қилиб амалга оширади.

– Унда сен ҳам рўйхат туз, – таклиф билдиридим.

– О, битта орзуйим аллақачон амалга ошди! Ўлимимдан олдин ҳашаматда бир кун яшашни орзулагандим! Кулгули-а? – чуқур нафас олди опам.

## *Омони УИСААЛ*

---

— Нима бўпти? Узун рўйхатинг нимадан бошланишини айт-чи? Шунчаки тасавурингни ишга сол, — дедим унинг оғриқли нигоҳларига боқмасликка уриниб. — Агар сен жим тураверсанг, ўзим тузаман!

Шундай деб ресторанга кўнғироқ қилдим ва энг антиқа таомни буюртма бердим.

— Бунақа овқат жуда қиммат турса керак, — деди Марго.

— Бу ҳақида ўйлама! Ушбу тухфани менинг турмуш ўртоғимдан деб била қол.

— Бой бўлиш ажойиб бўлса керак-а?

Мен бу саволга аниқ жавобни билардим ва буни опам билан ўртоқлашдим:

— Севимли бўлиш ажойиб, Марго! Лекин тан олиш керак, ҳисоб рақамингдаги маблағ ҳам баҳт учун ортиқчалик қилмайди.

Унга жавобим маъқул бўлди. Ресторан ошпазлари кўнғироқ қилиб ўз тажрибаларидағи энг ғаройиб бўлмиш экзотик таомлар номини келтиришиди:

— Тухум ва пишлоқ қўшилган тимсоҳ гўшти, чўчқа гўшти ва вино уйғунлигидаги жигар, бамбук қўшилган акула тили, пиёзга қўшиб қовурилган тошбақа гўшти, хамирда пишган устрицалар... Хўш, қай бирини танлайсизлар?

Марго рўйхатдаги Акула тилини эшитиб роса кулди.

— Бунақа овқатларни умуман емаганман! Егандан кўра эшитишнинг ўзи ёқимли!

— Илтимос, бизга устрицадан ташқари айтган ҳамма таомингизни келтиринг! Яна янги шарбат: сабзи ва апельсинли бўлсин. Қайнатилган қаҳва ҳам, — дедим мен ошпазларга.

Икки соатлардан сўнг бизнинг стол антиқа таомлар билан тўлди. Маргарита уларни ейишдан

аввал яхшилаб тикилиб чиқди. У худди ота-онаси билан ширинлик дўконига кириб, қайси пишириқни олишни билмай турган қизалоққа ўхшарди.

— Бундан намуна олиб, экспертизага юборармиз,  
— деди у бир пайт. — Булар ўзи нимадан тайёрлаган,  
қизиқиб кетяпман. Ахир, биз Амирликларда эмас-  
миз. Эй Худо, кейинги ҳаётимда мениям шайхнинг  
хотини қилиб яратгин-да!

У гапини тугаллаб таомларга қўл узатди. Мен бўлса  
уни ёлғиз қолдириб, нариги хонага ўтдим. Маргонинг  
шоҳона ҳаётдан бир ўзи лаззатланишини истадим.  
Хожам ҳақида унутиб қўяёздим, телефонни олиб унга  
сим қоқдим. Унинг овозини эшитиб ўпкам тўлиб  
кетди. У мен билан боғлана олмаганидан, бунинг  
устига банк карточкам блокка тушиб қолганидан  
хавотир олганини айтди. Мен айни пайтда бари  
жойида эканлиги, ишларимни якунлаб тез орада  
Дубайга қайтишимни билдириб уни тинчлантирдим.  
Хайрлашганимиздан сўнг бир муддат гўшакни қўй-  
гим келмай турди.

— Сен бу тилни яхши биларкансан, арабчами?  
— сўради Марго унинг ёнига ўтирганимдан сўнг. —  
Менинг бўлса тил ўрганишга қобилиятим йўқ.

— Йигирма йил ичида ўрганмай иложинг йўқ-да!  
Бу муддатда ҳар қандай одам ҳам яшаётган жойининг  
тилини ўрганиб олади, — дедим қаҳвадан ҳўплаб.

— Рус тилини унутиб юбормабсан, қизиқ!  
— У ерда русчани биладиган кўп одамлар бор эди.  
Бундан ташқари, мен ўз она тилимда ўйлайман.

— Бахтлимисан, Скарлетт? Бегона жойларда...

Мен шунча йиллар ичида менга азиз бўлиб қолган  
хожамни софинаётганимни айттолмадим. Бошдан  
тироғимгача Ойсувман, Скарлетт эса энди йўқ.

— Ўзингайтгандинг-ку: мен она шаҳримга қайтдим,  
аммо ўтмишга эмас, — дедим охири. — Сен ҳақ эдинг.

— Ҳарамда яшасанг керак? — қизиқиша давом этди Марго. — Бизда ҳозир шу мавзу тилдан тушмайди, чунки телевизорда шарқона бир сериал кетяпти... Бечора шарқ аёллариға қийин экан. Мана, бир кўрсатувда кўрганим: эр хотинини арзимас хатоси учун болаларининг кўз ўнгидаги дўппослайди. У ерда олтинларга кўмилиб яшашни орзулашади, оқибат оддий буюм каби қадрсизланишаркан. Айримлар бўлса кундошлиқ дардидан безор. Сен ҳам бу каби муаммолардан ҳоли эмасдирсан? Хуллас, ҳарамдаги канизакмисан, дейман-да?

— Барчаси одамларнинг ўзига боғлиқ. Мен ҳарамда яшамайман. Оддий ҳаётим бор..

— Оддий? — кулди опам столга қараб. — Мен ҳозир ресторанга қўнғироқ қилиб Акула тили ва тошбақа гўшти неча пул туришини сўрашим мумкин. Оддий одамнинг бунга қурби етади, деб ўйлайсанми?

— Нега асабийлашасан, Марго? — дедим муло-йимлик билан. Саратонга йўлиққанларнинг кайфияти тез-тез ўзгариб туришини билардим. — Менга ҳам бошқаларга керак бўлган оддий нарсалар керак: эътибор ва тушуниш. Буни пулга сотиб олиб бўлмайди. Яхши яшасанг-да ёлғизликдан азоб чекасан. Бу бошимдан ўтган.

— Бошингдан нелар ўтди ўзи, Скарлетт? Олтин қафас ичра нимани ҳам ҳис этдинг? Ҳақиқий дард нималигини билармидинг сен?

“Оҳ, дард ҳақида мен билганларим... жудаям кўпки, уларни унутишни астойдил истайман”, деб ўйладим мен.

— Нега акуланинг тиллари жим? — сўради Марго. У болаликданоқ гапни айлантириб нишонга уришни биларди. Ҳозир ҳам ликопга қараб менга шаъма қилди.

— Нима бу? — ҳайрон бўлиб сўради Марго елкамга кўзи тушиб. Мен бу изларни “тимсоҳ тери” деб атардим. — Қайноқ печда тоблашдими сени?

— Бу чандиклар.

— Демак, эринг жазолар экан-да? Баджаҳл шайхнинг севимли машғулоти рус қизини азоблашдан иборатми?

— Бу чандик мен унинг ҳаётининг бир қисмiga айланганимдан сўнг пайдо бўлган, — дедим овозим титраб. Мен Маргонинг олис ўтмишимдаги оғриқларни эслатишини истамасдим. — Мени асир олишганди. Ўша дамларни “Бахтсизликнинг юз йигирма бир куни” деб атайман. Бир одам унинг кўнглини хушлашини истамаганим учун ҳар куни шу жазога тортарди. Буни эслашни истамайман. Жисмим оғриқларини хотирласам руҳим озор чекади.

— Бу ерда нечта чандик бор? — Марго синчиклаб назар солди.

— Юз йигирмата, — дедим елкамни рўмол билан ёпиб.

— Демак, шунча кун ичида сен унинг истагига қарши чиқдинг. Юз йигирма биринчи куни-чи? Рози бўлдингми?

— Йўқ. Мен унинг жонини олдим.

— Ўлаётган чоғи жуда абгор кўрингандир?!

Шундан кейин Марго бошқа савол бермади. Унинг саволлари кўплигини билардим, аммо менга бир оз дам берди чоғи. Бу ерда қамалиб ўтириш жонимга тегиб, опамга сайр қилишни таклиф қилдим.

— Бу яхши фикр, деб ўйламайман, Скарлетт. Менга ўхшаган касал ва нимжон одам билан сайр ҳам расво бўлади. Бунинг устига кўп овқат еб қўйдим... Сайрга лойиқ инсонни топа қол.

## *Омони УИСААЛ*

---

— Ахир, номерда сиқилиб ўтиравермаймиз-ку? Пиёда юришга тўғри келмайди, машина ижарага оламиз!

Мен бу ерда хорижликлар каби кўриниши учун унга ўз жавонимдан арабча лиbos кийишни таклиф қилдим. У бугун мен учун ҳамма нарсага тайёрлигини айтиб, қизил гулли зумрадранг кўйлагимни танлади.

— Бу лиbosни жалабия деб аташади, — дедим уни томоша қиларканман. — Араб мамлакатларидаги аёллар товонидан тортиб кафтигача ўраниб юришади. Бу қонун.

— Кўйлак чиройли экан.

— Бу кўйлакни фақат оила аъзолари даврасида кийишади. Кўчада эса қора кўйлак.

— Сен ҳам ўраниб юрасанми? — сўради у эгнимга илган қора кўйлагимни кўриб. — Сайр учун тантанали либосинг шуми?

— Мен анъаналарга риоя қиласман, аммо хожам европача кийинишимга қаршилик қилмайди. Лекин гарб либослари очиқ бўлмаслиги керак, — дедим бошимга рўмолимни ўрарканман.

— Бу рўмолнинг оти нимайди-я? Эслолмаяпман. Кабобга ўхшаган сўз эди, — Марго ўйланди.

— Ҳижоб, — дедим мен.

— Бир тарафдан шарқ аёлига ҳавасинг келади, бир тарафдан тушунарсиз. Айтганча, сен мусулмонмисан?

Мен тасдиқладим. Сумка ва телефонни олиб, ташқарига чиқдик.

— Нимадан бошлаймиз? — сўради опам қувноқлик билан.

— Истироҳат боғидан! Болаликка қайтамиз!

Биз қачонлардир онам билан борган ўша боқقا йўл олдик.

— Сен эрга текканмисан? — сўрадим опамдан ма-

шинага ўтиргач. Марго бир инсон билан боғлиқ бўлган эски хотираларини тирнамаслигимни сўраб бошини четга бурди.

## **ТЎЙДАН АВВАЛГИ КЕЧА**

Хожамга тегишли бўладиган куним ҳам яқинлашиб қолди. Рима бу орада менга кўп нарсани ўргатди. У ошхонадалигимда умуман печга яқинлашишимга қўймасди.

— Агар қўлинг куйиб қолса, бекадан нақ балога қоламан! Биласан-ку, жаҳл отига минса уни таниб бўлмайди, — Рима шундай деб менга фақат нон учун хамир қордиради.

Бўлажак келин мақомида эканлигим бир томондан мени уй ишларидан озод қилган бўлса, бир томондан бошқа қизларнинг нафратига сабаб бўлди. Айниқса, ўша куни шайх билан кўришиши керак бўлган рақибаларимнинг ҳолатини тасаввур қилаверинг.

— Айёр тулки! — дерди Ясмин алам билан ҳамманинг олдида. — Сен шайхнинг ёнига биринчи кириб, унинг бошини айлантириб олгансан, шунинг учун у бизни рад этди. Уни қандай жодуладинг, а?! Ҳойнаҳой, беҳаё ишлардан ҳам тоймагансан!

Менга ҳасад билан тикилиб турган бу қиз билан олишишни истамадим ва жимликни маъқул кўрдим. Шундоғам бу хонадонда қизларни ўзимга душман қилиб қўйдим. Тезроқ ўша кун келсаю, бу ердан кетсан бўлди. Жамила бизга Золушка ҳақидаги эртакни сўзлаб бериб, ҳар биримизнинг кўнглигимизга умид уруғини сепарди. Мана, унинг эртаги амалга ошмоқда.

— Ойсув, ўрнингдан тур, — деди ёнимизга кириб келган Жамила, — бугун юрагим қувончга тўла!

Менинг қүшчам уясидан учирма бўлиш арафасида.  
Сен билан фахрланаман, қизалогим!

Зўраки қарсаклар янгради.

Кечки пайт мени маҳсус хонага олиб киришиди.  
Бу ерда келинларни тўй куни учун тайёрлашарди.  
Аввало, бадан ортиқча туклардан халос қилинади,  
бу эса оғриқли ўтарди. Аммо мен миқ этиб овоз  
чиқармадим. Хизматчи Бетси эса:

— Баракалла! Сен чидамли экансан, — деб далда  
бўларди.

Шу пайт тарбияланувчи қизлардан бири Оксана  
эсимга тушиб кетди. У жуда ҳазилкаш қиз эди.  
Жамила уни ўн олти ёшида бир шайхга узатди.  
Аммо шайхнинг қизга бешафқатларча қилаётган  
муносабатини эшитгач, бекамиз бу шайх билан  
ҳамкорликни тўхтатди. Кейин билсак, ўша пайтда  
Оскананинг рақибалари ҳам гарчи шайх томонидан  
хотинликка олинмаган бўлса-да, шайх учрашув  
пайтида уларга азоб берган экан. Қўрқоқ қизлар бу  
ҳақида бирорга айттолмаган. Улар орасидаги бир қозоқ  
қиз тунлари бу золимга турмушга чиқмасликни  
сўраб илтижо қиласарди.

— У мени тўрт оёқлаб юриб, уни миндиришимга  
мажбур қилди, — деб шикоят қилди қиз бир куни  
Жамилага, — тиззаларим кўкариб бирам оғриқ бер-  
япти...

Бу шафқатсиз шайхнинг иккита севимли машғуло-  
ти бор экан: тулпорлар ва аёллар. Ўжар қизларни  
худди от каби жиловларкан. Оксана чинданам қай-  
саргина эди. Шайх уни олиб кетганидан сўнг у  
ҳақида бошқа эшитмадик.

Бетси шундан сўнг соchlаримни текис қилиб кесди,  
тирноқларимни қиртишлади, баданимга юмшоқ мой  
сурди. Уқалаш машғулотидан сўнг мени хонамга  
кузатиб қўйишиди. Тўйиб ухлашим керак экан, чунки

тонгда мени хожам олиб кетади. Янги ҳаёт олдидан кўзга уйқу келармиди? У билан келажак ҳаётимни хаёл қилишга уриндим, аммо тасаввур оламим ожизлик қилди.

Риманинг баҳтсиз қиёфаси кўз олдимга келдию, у билан хайрлашиш учун ёнига шошдим. Эрталаб бунга имкон бўлмаслиги мумкин. Рима мени хонасига таклиф қилиб, узоқ вақт олиб ўтирди.

— Мен сизни ҳали уйимизга таклиф қиласман, — дедим жиддийлик билан, — хожамдан бунинг учун рухсат сўрайман, у меҳрибон инсон, албатта рози бўлади.

— Менинг ўрним шу ерда, Ойсув. Бунинг устига опамга бу ёқмайди.

— Жамиланинг синглисимисиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Қондош бўлмасак-да, қалбан опа-сингилмиз. Бир вақтлар у ҳаётимни сақлаб қолган, бунинг учун миннатдорман ундан. Сен ҳам доим Яратгандан миннатдор бўлиб яша, ўйларинг самога етиб боради.

— Агар Яратгандан миннатдор бўлсангиз... нега бу ердасиз, Рима?

У шунга мажбур эканини айтиб, узоқ жим қолди. Сўнгра:

— Қачонлардир кимнидир ўлдириш ёки омонлик бериш орасида қолсанг, асло қўлингни қонга белама, Ойсув! Марҳумлар сени бир умр тинч қўймас экан!

Бундай ғалати гаплардан сўнг мен хонамга қайдим. Ўн тўртга қадам қўяётган қиз ҳали бирорни ўлдириш ҳақида ўйламайди, шунинг учун Риманинг сўзларини унча тушунмадим. Бир пайт Жамила мен билан хайрлашиш учун ёнимга кирди.

— Нега шайх билан бугун кетишинга рухсат бермадингиз? — сўрадим ундан.

## **Омони УИСААЛ**

---

— Шундоғам сен билан узун йўлни босиб ўтдик. Наҳотки, сенга бу ер ёқмаса, Ойсув? — хафа бўлди у. Мен гапимдан уялиб кетдим. Дарҳол узр сўраб, унга миннатдорчилик билдиридим. У эшик томон йўналди ва кетиш олдидан сўради:

— Нимани ҳис этяпсан? Бу одамни атиги икки марта кўрдинг, аммо жуда боғланиб қолдинг.

— Тушунтириш қийин... кўзимни юмсан, у хаёлимда жонланади, исини туяман. Ёнимдалигига эса қалбим ял-ял ёниб, кўзларимга ёш келади. Ҳатто озроқ кўрқаман ҳам...

— Нега?

— Бу бахтни йўқотишдан...

— Беғубор севги шу бўлса керак, — деди у мулойим оҳангда, — афсуски, бу туйғуни бошдан кечирмаганман. Юрагимга яқин инсонни учратмадим. Тўғриси, аввал бундай ҳолатни кузатмаганман. Шу кунгача кўп қизларни ўз эгасига топширидим, бироқ улардаги қалбан яқинликни сезмаганман ҳам.

— Ахир, бизга доим ишониб яшашни ўргатдингизку? Севги ҳаёт йўлидаги энг гўзал бекат дегансиз.

— Бу шунчаки йўлига айтилган гаплар эди-да. Аслида ҳаёт оғир. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Сенга Яратган туҳфа этган бу бахтдан масур яша! Бу ҳаммагаям насиб этмайди. Бахт ёнида бахтсизлик ҳам бўлади, унутма. Кўққисдан келган қувончдан ҳам кўрқ, дейишган.

Жамила пешонамдан ўпди-да, хонани тарқ этди.

— Энди тонггача кут, бахтли кунингга оз қолди, — дедим ўзимга ўзим. Тушимга хожам киришини тилаб кўзимни юмдим.

...Яrim тунда бақир-чақирдан уйғониб кетдим. Ташқари ҳали қоронғи эди, ҳаво негадир дим. Дарҳол ўрнимдан туриб, йўлакка чиқдим. Қизларнинг чин-

қириғи ва эркакларнинг дағал товушлари эши-тилаётган тарафга беихтиёр юрдим. Қўрқувга тўлган юрагим билан қизлар ётоқхонаси қаршисида тўхтаб мўраладим. Ичкарида қизларнинг ёрдам сўраб йиғлаётгани ва уларнинг устидан кулаётган қора кийимли қуролланган эркакларга кўзим тушди. Бу худди кўплаб актёrlар иштирокидаги театрға ўхшарди.

Девор ёнида туя минган бир эркак ҳаммага буйруқ бериб турганини кўрдим. Бошим айланиб, ортга чекиндим. Ошхона ёнаётганига гувоҳ бўлиб, ўша ёқقا чопдим. Атрофда бошқа қизлар ҳам ёрдам сўраб ўзини у ердан бу ерга уради. Бир қизни тўхтатиб нима бўлганини сўрадим. Даҳшатга тушган қиз фақат “душманлар”, “ўлим” деган сўздан бошқасини айттолмади.

Мен янада ичкарилаб, Римани топдим. У ерда ётар, кийимида қон излари бор эди.

— Ойсув! — хириллаб гапирди у мени кўргач. — Сен яширинишинг керак. Бу ердан қоч, ваҳшийлар сени топиб олишмасин!

Мен дарҳол унинг бошини тиззамга қўйдим. Қорача юзининг оқариб бораётганини қўрқинч билан кузатдим. Унинг қорни ва елкасидан оқаётган қон бутун полни эгаллаб борарди. Рима кучдан қолган, пичирлаб аранг сўзларди.

— Нима бўляпти ўзи, Рима?!

— Бостириб киришди! Бир харидорга Жамила рад жавобини берганди. Чунки у қизларни ёпиқ ҳарамда маҳбус каби ушларди. Бундан ғазабланган харидор қуролланиб ҳужум қилди. Вақтни йўқотма, юзинг ва соchlарингни ёпиб, бу ердан чиқиб кет, — буюрди Рима. — Сени Яратганга топширдим, қизим! Менинг эса куним битди...

Рима аста кўзларини юмди. Қўлларимда ҳозиргина нафас олиб турган аёлнинг мурдаси ётарди. Кўзларимдан отилиб чиқсан ёш олов тафти туфайли ерга тушмай қуриди. Ошхонадан чиқишига шошилмадим, аввал қадрдон дўстимнинг қўлларидан ўпдим. Мен ундан берган меҳри ва эътибори учун миннатдор эдим. “Энди нима қиласман?” деган савол миямга келгач, довдираб қолдим. Босқинчиларнинг эътиборига тушмаслик учун ғалати фикр келди: бир нечта сочиқларни тўп қилиб елкамга солдим. Бу билан худди букри қизга ўхшадим. Лекин сочиқлар тушиб кетаверди. Яхиси, тикиш керак! Шундай деб тарбияланувчи қизлар хонасига югурдим, у ерда игна-ип бўларди. Бу хонага ҳали ёнгин етиб келмаган эди.

Қўшни хонадан бир қизнинг ёрдам сўраб қичқирганини эшитдим. Секин мўралаб, уни бир эркак зўрлаётганига гувоҳ бўлдим. Не қилай, унга ёрдам беролмасдим! Йўқса, ўзим ҳам тузоққа тушишим тайин. Оҳ, тезроқ тонг отсаю, хожам келиб мени олиб кетса! Тонггача эса мени букри санаб тегишмаса бўлди! Кейин хожам келади ва мен янги ҳаёт бошлайман. Титроқ қўлларим билан бир нечта сочиқни улаб тўпча қилдим. Сўнгра кўйлагимни орасига қистириб тикдим. Иш битгач, хонадаги бир жавоннинг ичига кириб беркиндим. Ишқилиб, бу ергача ёнгин келмаса бўлди. Сониялар соатга тенг ўтар, кўнглим жудаям хижил эди...

### **ЯҚИН БЕГОНАЛАР**

Агар ҳаётимни бошқатдан бошлишга тўғри келганда, ҳеч нимани ўзгартиргмаган бўлардим... Эҳтимол, ота-онамнинг меҳрибон қалб эгалари бўлишини тилармидим. “Агарда...” деган тилакларим

болалигимда кўп бўларди. Аммо ҳаётни ортга қайтариб бўлмайди. Ҳаёт бу тўхтамайдиган карусел. Скарлетт ҳаётини яна шу ҳолатда ўтказишига бардоши етармикин? Ўша даҳшатлар: ота-онаси томонидан сотиб юборилиши, бегоналардан шафқат кутиши, босқинчилар қўлида маҳкума бўлишим яна такрорланишига кучим етмасди. Опаларимнинг ҳаёти билан танишгач, Риманинг сўзларини эсладим. У доим миннатдор бўлиб яшаш кераклигини айтарди. Шуни ўйлаб, Маргога нисбатан қалбимни кенг қилдим ва салбий туйғуларни аритдим. Опам қайсиdir маънода менинг баҳтли эканимни ўзимга намоён қилди: ахир, менда хожамнинг муҳаббати бор. Ҳаётда бундан ортиқ баҳт борми?!

— Биласанми, шундай хulosага келдим: одамлар ўсимликка ўхшайди, қаер чиройли кўринса, ўша томонга ўсиб боришади, — деди опам машинага ўтирганимиздан кейин. — Баъзилар бу йўлда савоб қилишади, айримлар бошқаларнинг ҳаётини заҳарлашади. Биз иккимиз бегоналармиз. Мақсадим, отамдан авлод қолдирмаслик! Афсуски, Жози бола туғиб, авлодни давом эттириди. Уни вақтида йўқотиш керак эди, оқибати эса...

— Оқибати нима бўлди?  
— Отамнинг қони оқаётган авлодлардан яхшилик чиқишига ишонмайман. Улар қалбан мажруҳ бўлишади.

Унинг жоҳилларча сўзлаётган гапларига қарши чиққим келмади.

— Нечук баҳслашмаяпсан? — ҳайрон бўлди у.  
— Чунки бу каби фикрларни кўп эшитганман-да...

Лекин бу билан сен ҳақсан, деёлмайман.

— Ундай бўлса бола каби яхшиликка ишониб яшайвер, синглим! Бу рўё бўлса-да, чиройли. Биласанми, ота-онам учаламиздан нега айнан сени бериб

юбориши?

Мен қизиқиши билан Маргонинг озғига тикилдим. Ахир, бу саволга йиллар давомида жавоб топмагандим.

— Чунки онам сени кўпроқ яхши кўрарди!

— Онам мени-я? Буни қаердан биласан? — титраб сўрадим.

— Буни ўлимидан олдин тан олган! Айнан шу саволни бериб, жавобини олганман.

— Тушунмадим. Яхши кўра туриб қандай сотиб юбориш мумкин?

— Яхши кўргани учун ҳам шундай қилган, ишонавер. Биз билан эмас, ўша ёқларда сенга яхши бўлишини билган.

— Бунга юрак қандай чидаши мумкин? — танимда титроқ кучайди.

— Онам сенинг ироданг кучли, кўнишиб кетишинга ишонган. Менинг жисмоний нуқсоним бор эди, Жози эса руҳан ожиз эди. Биз бегона ерларда яшаб кетолмасдик. Сени қўриқчи фариштага ишониб топширганини айтганди.

— Энди буларнинг нима аҳамияти бор?

Маргонинг гапларига ишонгим келмасди. Севиб туриб бу ишни қилиб бўлмайди. Мен оиласа ортиқчалик қилганим аниқ, менга берилган пуллар ҳақида ўйлашган, холос.

— Нималарни ўйлаяпсан? Жудаям жиддий тортиб қолдинг? — сўради опам мени туртиб.

Шу пайт биз манзилга етиб келдик: болаликдаги истироҳат боғимиз. Бу ер ҳар доимгидек қувноқ ва беташвиш одамларга тўла эди. Машинадан ҳаяжон ила тушдик. Бола пайтларимиз онамдан карусел ва пахтақанд учун пул сўраганимиз, бу пулни топиш эса ота-онамиз учун қанчалик қийин бўлганини ўйламаганимиз эсимга тушди.

— Хүш, нима қиласындаңыз энди?

— Болаликка тушиб қолғанмисан ҳеч? Буни күп эшилғанмизу, аммо бошдан кесирмаганмиз, — дедим кулиб.

— Яъни?

— Худди боладек яйраймиз, опа! Бүккунча пахтақанд еймиз. Бошимиз айланғунча барча каруселларга минамиз. Мақсадим айнан шу!

— Бу ғалати күринмайдими? Иккита кап-катта аёл қилаётган ишни қаранг!

— Одамлар нима деса дер!

Шу кун гаройиб ўтди. Бизга рухсат этилған барча каруселларга чиқдик. Осмонларга учғандек бошимиз айланди... Узун күйлакда бўлсак-да, батутда маза қилиб сакрадик. Томошаталаб одамлар бизни қарсак чалиб қўллаб турди.

— Жин урсин, агар баҳтли бўлмасам! Ўлишни сира истамайман! — дерди Марго аттракциондан тушгач.

— Бугун биз чиндан ҳам ортга қарамай яшадик! Ҳаёт қадрини билиш учун бир умр ёмон кўрган одамингни кутиш шартмиди?

— Мени ёмон кўрармидинг? — сўрадим.

— Бу ёмон кўриш ҳам эмас... — тан олди у. — Бу тушунмаслик, ҳасадга ўхшаш нарса. Биласанми, сен оиламиздаги энг баҳтли одамсан: чунки бойсан.

— Бой бўлиш баҳт деб ўйлайсанми?

— Шуни ҳам билмайсанми? Нима истасанг, муҳайё бўлади! Мана бу карусел ҳақида унугибмиз-ку, қара!

Бу каруселда учишдан жуда қўрқардик, чунки унга чиққан одамлар нуқул бақиришарди. Аммо Марго болаликда ҳам шунда учишни истарди. Бироқ онам қўймасди.

— Мен бир оз чарчадим, ўзинг учаверасанми? — сўрадим Маргодан.

— Худди касал мен эмас, сен! — у шундай деб пулни

олди-да, каруселга чопди. Мен эса бир четда уни кута бошладим. Бир пайт ёнимда бир эркак пайдо бўлди ва деди:

— Таниш чехра-ку? Мени танимаганга олма ўзингни!

У мени опаларимдан бирига адаштираётганини билиб, унга тескари ўгирилдим.

— Бизнинг чала ишларимиз қолган, унудингми?

— пицирлади у қўлтиғимдан олиб.

Мен қўлимни тортиб олиб унинг юзига тарсаки туширдим. Нотаниш ҳам бурнимга мушт урди. Шу заҳоти қўриқчиларим пайдо бўлди ва эркакни бир зумда ерга афдаришди. Бир нечта муштдан сўнг у алам билан мен томон тикилди:

— Аҳ, ярамас! Бир чақага арзимас фоҳиша учун иккитаси кўплик қилмайдими? Уларга нима билан ҳақ тўлайсан ўзи?

Қўриқчиларим унга яна мушт туширишди. Шу пайт Марго қайтди ва ерда қонга беланиб ётган кимсага кўзи тушиб анграйиб қолди.

— Жин урсин! Сени клонлашибди! Ёки кўзим иккита кўряптими? — бақирди эркак.

— Агар бизга яқинлашсанг, ўласан! — деди Марго унга қараб. Сўнг қўлимдан тутди. — Эрим билан танишиб улгурибсан. У нима деди?

— Сени суюқёқликда...

— Тушундим! Соғ пайтларимда бу иш билан шуғулланганман, тўғри.

— Энди билдим, кўчада айрим эркакларнинг менга кўз қисганини...

— Биласанми, эрим мижозларимдан бири эди. У мени ёқтириб қолиб, айрилолмай қолди.

Боғнинг чиқиши эшиги ёнида турарканмиз, энди нима қилиш ҳақида ўйлардик.

— Бир байрам уюштирамиз. Яъни режалаш-

тирилмаган ҳаракатлар қиласыз. Одатай ҳаётингдаги қоидаларни бузыб, кутилмаган қарорлар чиқарасан. Масалан, бўккунча ичасан, бар столида рақс тушасан, хуллас, эртасига эслаб ҳайратга тушадиган бир воқеа бўлиши керак-да!

— Байраминг ичволиб аҳмоқликлар қилишдан иборат экан-да? Амирликларда бунақа ишлар билан шуғулланганлар жазога тортилади.

Шу асно Амирликларда хожам билан бир байрамга борганимиз эсимга тушди. Ўшанда хожам иш бўйича ҳамкорлари билан учрашганди. Уларнинг орасида рус эркаклар ҳам бор эди.

— Сизларда зерикарли экан! — деганди улардан бири мени гапга тутиб. — Бизнинг русча байрамга нима дейсиз, хоним?

Мен рад этдим.

— Сизнинг асл исмингиз нима? Маша, Света, Оля?  
— сўради эркак яна.

— Исмимни топишга уринмані, ҳеч бир вариантингиз орасида исмим бўлмайди.

— Агар имкони бўлганида... сизга ҳақиқий рус йигитлар қандай бўлишини кўрсатардим! Балки сultonингиз ҳарамдаги бошқа маъшуқалари билан бандлигига менинг номеримга ташриф буюрарсиз?

— Эътиборингиз учун менинг эрим русчани яхши тушунади, гарчи хорижий тилда гаплашишни хушламаса ҳам, — дедим мен, — сизга ўхшаган эркакларни деб ҳам ватанимга қайтгим келмайди, Николай. Омон бўлинг!

Шундай деб столни тарқ этдим. Хожамнинг кўзларида эса ғазаб кўрдим. Демак, ватандошимнинг ҳоли чатоқ кечади. У бундай пайтда ҳамкорликни ҳам унутиб, гурури учун курашишини билардим. Хожам меҳмоннинг бўғзидан тутди, унинг қўриқчи-си эркакни зўрга ажратди.

— Агар яна бир марта озғингдан шу сўз чиқса, тилингни узаман! — деди хожам унга қарата.

Сўнгра менга қараб, бу кўнгилсизликни юрагимга яқин олмаслигимни сўради. Рус эркакни беҳуш ҳолда ресторандан чиқариб юборишиди. Хожам билан машинага ўтиридик, унинг қовоғи солиқ эди.

— Наҳотки, уларга бироннинг ҳаётига аралашмаслик борасида тарбия беришмаган бўлса? Энди сени бу каби тадбирларга олиб бормайман, Ойсув. Ватандошларингни кўриб, улар билан бир оз кўнгил ёзасан, деб ўйлагандим. Бу абраҳ сен билан бир столда ўтиришга ҳам арзимайди!

— Хаёлларинг қаерга учиб кетди? — чалғитди Марго. У бир умр орзу қилган баъзи жойларга боришимизни таклиф қилди. — Ўлаётган опангнинг тилагини рад этма, Скарлетт!

Мен розилик билдиридим ва унинг ҳаётдан баҳра, олишига шерик бўлдим.

### **УЗОҚ ҚУЛЛИК**

Бир неча соат туяда юрдик. Елкамдаги “букрим” туфайли эътибор тортмасликка тиришаман. Бизни катта бўлмаган қандайдир лагерга келтиришиди. Бу ерда аёллар йўқ эди, фақат иккита кампир овқат тайёрларди. Улар нотаниш тилда гапиришар, биз билан эса имо-ишора орқали сўзлашишарди. Бизни икки гуруҳга бўлишиди: биринчисида гўзал қизлар, иккинчисида эса нуқсонлилар. Мен иккинчи гуруҳга тушдим. Ўзаро гаплашиш ман этилган, қароқчилар агар шивирлашишимизга гувоҳ бўлишса қуроли билан таҳдид қиласарди. Биринчи гуруҳ том ёпилган жойга кўчирилди, уларга сув берилди. Биз «иркит»ларга эса офтоб тифида туриш насиб этди.

— Буни қаранглар! Худди қироличадек турибди-я!  
— пичирлади ёнимдаги қыз нарирокда тұяга миниб турған малласоч Ясминни күрсатиб. У виқор билан қизларни күзата туриб, менга күзи тушди. Мен эса дархол ерга қарадим ва рақибам мени танимаслиги учун юзимни бурдим. Ясмин ёнидаги бадбашара бир әркакка нимадир деб пичирлади, әркак эса хизматчисини мен томон жүнатди. Мени гурухдан ажратиб, қоракуяга беланған баданимни сув билан ювиши.

— Айёр экансан, аммо ақлли әмас! — деди әркак араб тилида. — Биласанми, иккинчи гурухдаги қизларнинг ҳоли нима кечади? Йигитларим улар билан бир оз күнгилхушлик қилгач, ўлиб кетишади. Хүш, шулар билан қолишини истайсанми?

Мен жим әдим. Эркак хизматчига мени бириңчи гурухга қүшишини буюрди. Кейин менга лиbos кийдириш учун алоҳида чайлага олиб кириши.

— Ўз ҳоҳишинг билан менини бўлишингни сўрайман, — деди ҳалиги әркак ёнимга киаркан кўпол товуш билан.

— Мени кўйиб юборинг! — дедим илтижо билан.  
— Кўйиб юбораман, ундан аввал эса кўнглимни овлашинг керак, бошқа чоранг йўқ.

У ўйлаб кўришим учун мени ёлғиз қолдирди. Мен бўлса чайланинг бир бурчагида қунишганча ўтирас, ҳаётим бунчалик ўзгариб кетишими сира кутмагандим.

— Ахир, бугун мен хожам билан турмуш қуришим керак эди... — пичирладим йиғлаганча.

Ерда ётганча ухлаб қолибман. Кўзимни очганимда ҳалиги әркак столдаги таом ва мевалардан тотиб турганига кўзим тушди. У аста ёнимга яқинлашди ва қўнжидан пичоқча чиқарди. Менга орқамни ўгиришимни буюрди. Елкамга пичоқни теккизив

тилди. Кейин то шартига рози бўлмагунимча ҳар куни шу ҳолат такрорлашини уқтириди. Мен ушбу чайлада бир юз йигирма кунни ўтказдим. Елкамда шунча чандиқ пайдо бўлди.

Дақиқалар соатлар, кунлар, ойларга уланди... Елкамда турган қаттиқ оғриқ ортида нимадир юз беришини кутардим.

— Сўзида турадиган одамман. Менга нима кераклигини биласан. Бир тун ва сен озодсан, — дерди у. — Йўқ десанг пичогим тайёр, у елкангга юз йигирма биринчи тифни уради. Қачонгача чидамоқчисан ўзи?

Индамадим. Чиндан ҳам бошқа сабрим қолмаганди. Қўлимда мева арчадиган пичноқ бор эди, уни сездирмай олиб қўйгандим.

— Бўла қол энди, келсанг-чи!

Мен аста ўрнимдан туриб у томон яқинлашдим.

Бир қадам қолганида қўлимда яшириб турган пичноқни шарт унга урдим. Бир нафасда жон берди, ўлими олдидан нималардир деб шивирлади. Бир муддат унинг бадбаҳт нигоҳларига тикилдим. Қон исидан кўнглим айниб, бу ёғига нима қилишни билмай қолдим. Агар ҳозир кимдир кириб қолса, мени соғ қўйишмайди. Шартта эркакнинг шол ёпинчиғини олиб устимга ўрадим. Уни эса ўринга ётқизиб устига ўранчиқ ташладим. Сўнг аста чайладан чиқдим. Уртада гулхан ёқилган, қароқчилар ўша ерда давра қилиб ўтиришарди. Қаттиқ бақириб кулишар, шу сабаб менинг лагердан чиқиб кетганимни сезишмади. Қаёққа юришни билмай, чўлда бир неча кун сарсон кездим. Чанқоқ ва очлик азобидан ҳолим қуриди. Бунинг устига елкамдаги оғриқقا чидаб бўлмасди. Охири юришдан тўхтаб таслим бўлдим. Шу лаҳза узоқдаги бир кулбага кўзим тушдию, ҳушимни йўқотдим.

...Йўтал тутиб уйғондим. Кўзимни очиб қаршимда

ажин босган юзли ва бир күзли кампирни күрдим. У баланд овозда мени қандайдир дамлама ичишга ундарди. Бир кундан кейин ўзимга келиб, ўрнимдан турдим. Елкамга нимадир суралган, оғриқ бермасди.

— Мен хожамни топишим керак! — биринчи гапим шу бўлди. — Дубайга боришим лозим.

Кампир норози бўлиб бошини қимиратди. Шундан кейин оёғимга занжир бойлаб, устунга маҳкамлаб қўйди. Ёлғиз кампир мени асир қилмоқчига ўхшайди.

Кампир менга ўз хунарини ўргатди. Биз қайишдан бош кийим тўқирдик, кампир уни сотарди. Ҳафтада бир марта бош кийимларни олиб кетар ва кечга масаллиқлар билан қайтиб келарди. Менга оддий матодан кўйлак тикиб берди, оёқ кийим ҳам кийдирди. Устун ёнига ўранчиқ ва чеклак қўйди. Мен унинг шахсий буюмига айландим. Нотаниш тилда гапиргани учун тушунмасдим. Бир күзли бўлишига қарамай, у жуда кузатувчан эди, қочиб кетишининг иложини тополмадим. Назаримда, шу кулбада бир умр қоладигандек эдим. Унинг кўнглида раҳмшафқат уйғотишга уринмайин, бари бефойда эди. Қочишининг ягона йўли занжир қулфнинг калитини қўлга киритиш эди. Кампир калитни нимчасида олиб юрар, нимчани эса сира ечмасди, ҳатто ухлаб ётганда ҳам.

Бир куни ёнимга келганда, кампирга ташландим. Бироқ у кучли экан. Мени ўзидан итариб, кейин эҳтиёткор бўлиб қолди. Кулбасида бир йиллик тутқинликдан сўнг бу ердан чиқишига умид ҳам қилмай қўйдим. Аммо... бир куни у мени озод қилди. Шунчаки занжирни ечди ва қўли билан “кет” ишорасини қилди. Охирги пайтлар у ўзини ёмон ҳис қилас, доим ётарди. Ҳатто, раҳмим келди. Кампир менга харита тутқазди ва ундан катта шаҳарни

кўрсатди. Йўл учун менга кўйлак, ҳижоб, сумка, сув ва катта пул тутқазди.

— Сен буни ишлаб олдинг, энди кет, — деди араб тилида.

— Шу пайтгача мени тушунган экансан-да, — дедим мен. Мен барибир тушунмайди, деб унга ўтмишимни сўзлаб бергандим. Айниқса, хожам ҳақида кўп гапирадим.

Кампир кулди, йўтал тутиб ўзини зўрға босди:

— Вақт севгини синайди. Агар туйғуларинг кучли бўлса, уни албатта топасан. Аммо унга кўпам ишонаверма. Эркакларнинг туйғулари ўзгариб турди.

Мен унинг гапларига ишонишни истамай индамадим.

— Юрагим нимжон бўлиб қолди. Вақт-соатим етган кўринади. Чарчадим, хайр энди!

Кетаётганимда у ҳаёт эди. Ўлимини кўришимни истамади ва тезроқ кетишга ундали. Мен унга миннатдорлик билдириб, йўлга тушдим. Ҳалигача хожамни топишдан умидимни узмагандим, бунинг учун бир неча ой сарсон юришимга тўғри келди. Ҳужжатларим йўқлиги учун эҳтиёт бўлардим. Яхшики, тамаддихонадан бир иш топдим. Бу ерда пол ва идиш ювар, менга ажратилган кичкина хонада ижарага турардим. Шу ерда Хадича исмли қувноқ қиз билан танишдим. Хадича отаси танлаган эркакка турмушга чиқишини истамай уйдан қочиб кетган эди.

— Ахир, бу эскилик сарқити-ку? Мен айтдим: «ота, сизни ҳурмат қиласман, аммо эски дўстингизнинг учинчи хотини бўлишни истамайман». Билсанг, ўша Эркак отамнинг эски қарзларидан воз кечиш эвазига мени сўраган экан. Уз қизини пул эвазига эрга бермоқчи бўлган отани қандай тушуниш мумкин? Шундай қилиб қочиб кетдим! — дерди у.

Хадича Амирликларда түякашлар оиласида туғилганди. Охирги пайтлар ишлари ўнгидан келмай, қарзга ботганди.

— Сен ҳеч түялар мусобақасида бўлганмисан? — сўради бир куни Хадича.

— Йўқ.

— Сени олиб боришим мумкин. Фақат эркакча кийиниб олишимизга тўғри келади. У ерда аёллар бўлмайди.

Эртасига биз шаҳарга йўл олдик. Дугонам Идрис исми билан жониворларни парвариш қиларди.

— Нега у ерда йигитлар кўринишида юрасан? — сўрадим ундан.

— Тентак Ойсув! Кўряпсан-ку, бизнинг мамлакатда аёлларга паст назар билан қарашади. Ҳали отамга мен бола туфиш ва эримнинг соясида юриш учун эмас, катта ишлар учун туғилганимни исботлайман! Жон билан миллион ютиб оламиз.

— Жон ким?

— Туямнинг исми шунаقا. Агар мусобақада ютиб чиқсак, бойиб кетамиз! Уйдан қочиб кетганимдан бери уни чопишга ўргатиб келаман. Отам сира мусобақаларда ютишига ишонмаган, мен эса ишонманан.

Хадича менга тентак бўлиб кўринарди. Унга шунча қувват қаердан келарди, билмайман. Уйдан қочган бўлса-да, ҳаётидан мамнун яшарди. Ҳуллас, биз йигитча кийиниб, мусобақа майдонига кириб бордик. Хадича юзимни бир оз қорайтириб олишимни ва қора линза тақишимни буюрди.

— Эътиборни тортма. У ерда оқбаданлар деярли йўқ, агар сени бу ерлик эмаслигингни билиб қолишиша, тамом. Полиция участкасига боришни истамассан? — У шундай деб олмадан тишлади. —

Туякаш енгил бўлиши керак, шунинг учун вазнимни ушлаб тураман. Бўлмаса-ку, ҳар куни ширинлик ердим. Чопувчи туяларни ўргатишга ўн беш ёшдан рухсат беришади, бу менинг баҳтим.

Ҳадича туялар ёнига йўл олди, мен эса томошабинлар ўриндиidan жой олдим. Сигнал чалингач, туялар ўнлаб метрлик трассадан югуришар, уларнинг тезлиги соатига олтмиш километрга етаркан. Бу ҳақида менга ёнимга ўтирган эркак айтди. У Чўл гули номли туяга пул тиккан экан. Ҳадича финалга биринчи бўлиб келмади, аммо кучли учликка кирди. Ўйин сўнгги жанжалга уланиб кетди. Ютқазганлар ўзаро уришиб кетишли. Ҳадича тая савдоси билан банд эди. Шунинг учун мен уни қаҳвахонада кутиб туришга қарор қилиб, кетишлига чоғландим.

Аммо шу пайт... туялар савдо қилинаётган ерда хожамни кўриб қолдиму, тақ тўхтадим. Юрагим қинидан чиққудек урар, нафасим тиқилиб қолганди. Бор овозим билан уни чақиришни истар, аммо исмини билмасдим. Хожам Ҳадичанинг ёнига келганда титраб кетдим. У шундоқ ёнимда туар, бироқ мени пайқамасди. Ҳадича билан бир оз сўзлашгач, у менга назар ташлади. Жуда ғамгин кўринди кўзимга. Шунча йилдан бери соғиниб кутган инсоним омон ва саломатлигига шукур қилдим.

**Ҳадича ишлари битгач, мени койиди:**

— Нега ҳамманинг олдида мени Ҳадича деб атадинг, тентак! Бунақа пайтлар мени Идрис деб чақир!

— Ҳали ким билан гаплашдинг? — титраб сўрадим.

— Собидни айтяпсанми? У менинг туямни сотиб олмоқчи бўлди, — хурсанд бўлди у. — Кейинги сафар Жон ҳеч бўлмаса иккинчи ўринда етиб келса, яхши ҳақ олишим мумкин.

— Ўша одам билан яна қачон кўришасан?

— У бугун кечки пайт қаҳвахонамизга келмоқчи. Ўшандада туяниң нархи бўйича гаплашиб, кейинги мусобақа учун тайёргарлик борасида маслаҳатлашамиз.

Хадичадан мени у билан учраштиришини сўрай олмадим. Йўқса, ўтмишимни сўзлаб беришимга тўғри келади. Шунча вақт хожамни кўриш умидида яшадим. Ниҳоят, кўрдим ҳам. Хадича билан ошхонага кириб бизни кутиб турган бир дунё идишларни ювишга ўтириджик.

## **ХАЙР, ОПАЖОН!**

Опам билан меҳмонхонага қайтдик. Уни деворга суюб қўйсам-да, сархушлиги туфайли нуқул тиззалаб қоларди. Мен Маргони базўр кўтариб ётоқقا ётқиздим.

— Мактабни аълога тугатгангандирсан? — сўрадим унга сув тутарканман.

— Қўй, мен яна май истайман. Барни очсам майлими? — шундай деб у турли рангда товланиб турган шишалар жавонини очди. — Ҳа, мен мактабда аълочи эдим. Ҳатто олтин медал ҳам беришган. Аълочи-суюқоёқ, фалати-а?

— Институтга ҳаракат қилиб кўрмадингми?

— Институтга кирдим, аммо ташлаб кетдим. Эҳ, битирганимда ўқитувчи бўлардим! Эртага мени кўриб лол қоласан. Қиролича Марго ҳаммасига қўл силтайди!

Опам йиғлади, худди танидаги бор қуввати тугаб, охирги кучини кўзёшга бағишлигандек туюлди.

— Агар ўтмишга қайтиш имкони бўлганида, ҳаётим умуман бошқача кечарди, Скарлет. Айниқса, отам бизни хўрлашига йўл қўймасдим. Кейин сени сотиб

юборишлариниям олдини олардим. Шунда мен ва Жози чеккан азобларни сен ҳам ҳис этардинг.

— Бугунга етарли, Марго, қолганини эртага гаплашамиз. Балки меҳринг ийиб, мен сенга бегона эмаслигимни анларсан, — дедим унинг аччиқ гапларидан безиб. Унга “касал эканинг бежиз эмас, чунки бир танга шунча қаҳр сифиши мумкин эмас. Сен ўз нафратинг билан ўзингни единг. Бахтсизлигинг учун бошқалар ҳам бебаҳт бўлишини истайсан”, дегим келди. Аммо унинг ўрнига “балки ухлаб оларсан?” деб сўрадим.

— Бас қилсанг-чи, — ушиша билан диванга чўзилди. Мен унга тикилганча агар шу ерда улғайганимда ҳаётим қандай кечиши мумкинлигини ўйладим. Албатта, опам каби суюқоёқ бўлмасдим. Балки зўрға кунини кўрувчи оддий, ҳаёт ташвишларидан чарчаган уй бекаси бўлармидим. Эҳтимол, отамнинг қабиҳлиги туфайли ўзимни ўлдирадим.

Кўзим илинибди. Бир пайт опамнинг овози қушуйқумни бузди.

— Алвидо, Скарлетт, барчаси учун кечир мени!

Кўзимни очдиму, тонг ёришаётганини пайқадим. Опам томон эгилдим. Унинг кўзлари очиқ, бир нуқтада қотиб қолганди.

— Марго! — секин уни туртдим.

У қимир этмади. Чунки... энди нафас олмасди.

— Қанчалик адолатсизлик... Ахир, ҳақиқий опасингиллардек ўтириб гаплашолмадик-ку? Наҳот, қалбингда нафрат билан бу дунёни тарк этдинг?!

Шу пайт юваниш хонасида нимадир шитирлагандек бўлди. Секин кирдим, аммо ҳеч ким йўқ. Шунда кўзгудаги ёзув эътиборимни торти: “Кўзгуга боқ ва доим ёнингдалигимни ҳис эт! Сени яхши кўраман!” Оғзимни ёпганча йигланб юбордим.

— Бечорагина, бебаҳт опажоним! Ҳаётда нима яхшилик кўрдинг ўзи? Сен ҳақсан: менинг ўтмишим сизларники олдида ҳеч нима эмас! Энди нима қиласман, Марго?!

Хонамга тиббиёт ва милиция ходимлари келишди. Шифокор опамнинг касаллик туфайли ўлганини тасдиқлади. У менга қараб:

— Худди марҳуманинг тирик нусхасини кўраётгандекман, — деди ҳайратланиб.

— Доктор, сиз таъзия ўтказиш борасида менга маслаҳат бероласизми? Россияда яшамаганим учун одатларни билмайман.

— Бу билан мен шуғулланаман, Ойсув! Ҳавотир олма, — деди эшикдан кириб келган Жози. У мен томон қадам ташлади, мен ҳам югуриб бориб унинг елкасидан қучдим.

— Қаердан эшитдинг? — сўрадим йифим босилгач.

— У кеча менга кўнфироқ қилганди. Сени ёлғиз қўймаслигимни сўради. Кучли кўринсанг-да, асли ожизлигингни айтди. Афсус, улгурмадим! Тонгти соат бешда жони узилиби, дейишиди. Айнан ўша пайт безовталангандим. Мишкага ҳам ишлар чатоқлигини айтдим ва опаларим билан нимадир бўлганини ҳис этдим. Биз бир бўлагимиздан айрилибмиз.

**Яна йиғлашдик.**

— Сенинг пулларингни келтирдим, — узроҳлик билан давом этди Жози, — бу пулни кўмиш маросимига ишлатамиз.

— Керак эмас, ўзингда қолдир. Барча харажатларни ўзим қоплайман. Бу ҳақида ўйлама, шунчаки ёнимда эканингдан хурсандман!

Уч кун қайғули ўтди. Жози барча ташкилий ишларни ўзи бажарди, мен эса харажатларни тўлаб бордим. Амирликларда таъзия учун кўп маблағ

кетмайди, аммо Россияда бу сумма каттароқ экан. Бизга Финландларнинг тобутини таклиф этишди. Портрет учун ҳам яхшигина ҳақ тўладим.

— Агар биз ҳам ёш ўлиб кетсак, шу портретдан нусха чиқариб олсак, анча пулимиз тежаларкан, — кулди Жози. — Ахир, биз эгизаклармиз!

Мен кулгига қўшилгим келмади. Белгиланган кун марказга тобут ўрнатилган таъзия залида йифилдик. Опам тобут ичидা безантирилган, худди қўғирчоққа ўхшарди. Залда йифилган Маргонинг “касбдош” дугоналари аввалига бизни кўриб ҳайратланишиди.

— Тинчланинглар, меҳмонлар, биз унинг эгизакларимиз, — тушунтириди Жози. Қаршимизда йифилган аёллар ёрқин пардоз қилган ва қора ҳарир кўйлак кийишганди.

— Уларни мен чақирдим. Ҳарҳолда улар бирга ишлашган. Сенинг эринг келмайдими? — сўради Жози. Хожам шу пайт ёнимда бўлишни истаб, келиш таклифини билдирган эди. Аммо мен рад этдим, Россия урф-одатлари уни ҳайратлантириши аниқ.

— Сен оиласнгни жамлаш учун кетгандинг, афсуски, йўқотибсан, — деди хожам қўнфироқлашганимизда.

— Кўнишишга мажбурман, хожам. Энди иккинчи опам билан бир оз вақт бирга бўлмоқчиман. Тез орада қайтаман ва шундан сўнг айрилмаймиз, — деб уни хотиржам қилдим.

Маросим якунига етгач, биз қабристонга йўл олдик. Кўмишгандан сўнг қабри устига у ёқтирадиган хризантема ва сариқ атиргуллар қўйдим. Қисқа вақт ичиде унга қаттиқ боғланиб қолибман, қабристондан сира кетгим келмади.

— Мен ҳам ҳис этяпман буни... жуда оғир, чида! — дерди Жози.

— Михаил ҳақида эшитдим, — дедим мен унинг

қўлидан ушлаб. Жози ўзини ноқулай ҳис этиб нимадир демоқقا чоғланди, аммо айтолмади. Бунинг ўрнига юзимдан ўпид қўйди. У аччиқ йиглади. Қабристондан чиққаچ, йифилганларни меҳмон қилиш керак экан. Жози бунинг учун ресторон эмас, оддий тамаддихона танлаганини айтди:

— Бу аёлларнинг дарди ичиш! Фоҳишаларга оддий ошхона ҳам бўлаверади!

Ошхонада стол тайёрланган экан.

— Озроқ қуймоқ еймиз, ичиш шартмикин? Энди ичиши ташлаб, янгича ҳаёт бошламоқчиман, — деди опам. Мен унинг фикрини қувватладим. — Анави келишган қўриқчиларинг доим сен билан юрадими?

— Ҳа, улар русчани тушунишмайди, романтикага ҳам ҳушлари йўқ.

— Ҳа, Жози ўз ўрнини билиб, Наполеонини изласин, демоқчисан-да.

Биз аёлларни ошхонада қолдириб, ўзимиз чиройли ресторанга йўл олдик. У ерда овқатлангач, меҳмонхонага қайтдик. Бу ерда Михайл телевизор кўриб ўтиради. Диванда ўтириб бир оз ҳордиқ чиқаргач, Жозидан ота-онам уйининг калитини сўрадим.

— Мен уйга бормайман. У ердан фақат оғриқли хотиралар қолган, — деди у.

— Балки уйни сотарсан ёки ижарачи қўй. Миша улғайиб оилали бўлса, унга ҳам уй керак бўлади.

— Тўғри айтасан. Ўтмишни унутиб, яшашда давом этиш керак. Балки сен ҳам Россияда қоларсан?

— Энди менинг уйим Амирликда. Ҳеч нимани ўзгартирмоқчи эмасман.

— Мен ҳам ўрнингда бўлганимда бу ерда қолмасдим.

Бир пайт телевизорда эски рус комедияси бошландию, шу билан чалғидик.

## ОРЗУЛАР БИЛАН ХАЙРЛАШИШ

— Нега у келмади? — сўрадим **Хадичадан**, — ахир, сендан туюнга харид қилмоқчи эди? Айтилган вақтда кўришмадинглар. Балки уни нотўғри тушунгандирсан? Айнан бугун деганими ўзи?

**Хадича** гапларимга эътибор бермай ликопларни ювишда давом этди. Бугун менинг дам олиш куним бўлса-да, унга ошхонада ёрдам берардим.

— Сенда унинг манзили борми?

— Албатта. У менга манзилини бериб, туяни сотиш фикрига келсам, бораверишимни ва орқа эшикдан уйга кириб ўтиришимни таклиф қилганди.

Шайх дугонам билан учрашгани келмагани мени ташвишга солганди. Ахир, уни яна кўриш умидида эдим. Шунда ўзимни унга танитаман ва мени ўз саройига олиб кетишига ишонардим.

— Ахир, ваъда бериб келмаслик яхими? — дедим яна алам билан.

— Ойсув, ахир у шайх бўлса! Туядан бошқа ишлари ҳам бор-ку! Бойларнинг менга ўхшаган оддий одамларга берган ваъдаси эсида қоладими? Лекин Собид бошқа шайхлардан ажralиб туради, доим ваъдасини бажарган. Демак, муҳим иши чиқиб қолган. Балки мусабақада унинг туяси оқсоқланиб қолгани учун шу муаммо билан юргандир.

Хуллас, уни бир неча кун кутдик. Иккимиз ҳам асабий эдик: **Хадича** савдоси пишмаганидан, мен эса топганимда уни йўқотишдан қўрққаним учун. Наҳот, тақдир яна устимдан кулаётган бўлса?!

— Агар тақдирда бўлса, ишимиз пишади, — дерди дугонам. — Собид жуда кўркам-а? Ҳамма унинг хотини бўлишни истайди!

— Сен ҳамми? Ахир, эркаклардек бўлиб, ўз ҳуқу-

қінг учун курашмоқчи эдинг? Гапингга қараганда олтин қафасга тушишни истаяпсан? – дедим бир оз рашким келиб.

– Унинг битта хотини бор. Собиднинг тўйи ҳақида ҳамма газетада ёзишган. Аммо ҳали уч марта уйланиш имкони бор, улардан бири бўлишга йўқ демасдим.

Хадича менга унинг тўйи ҳақида сўзлаб берди. Маросим шарафига катта тужа мусобақаси уюштирилган экан.

– Ўшанда Жон касал бўлиб қолганди, мен эса оддий томошабин бўлиб боргандим. Унинг хотини жуда чиройли эди, ҳашаматли кўйлак ва қимматбаҳо тиллақош таққанди. Қаеридир сенга ўхшаб кетади! У ҳам оқбадан ва мовийкўз.

“Кимдир ўрнимни аллақачон эгаллабди-да”, деган фикр миямда ғужғон ўйнарди.

– Уйланганига кўп бўлдими?

– Бир йил бўлди.

У ҳақида кўпроқ билиб олмоқчи эдим, аммо бақалоқ Лайло келиб, кўп гапирмай ишлашимизни буюрди.

Биз яна ўз ишимизга шўнғидик. Шу пайт зал томондан хитоб янгради:

– Шайх ташриф буюрди! Тамаддихонамизга шахсан Собид келдилар!

Официант қизлар дарҳол ўзларини кўзгуга солишди, Хадича ҳам қувончдан қийқирди:

– Мана! Энди мен бойиб кетаман ва янги ҳаёт бошлайман!

– Ахир, йигитча кийинмагансан-ку? – огоҳлантиридим уни. У ҳам чўчиб либосига қаради.

– Менинг хонамда сен берган эркак либослари бор. Ўшани кия қол, – дедим. У дарҳол хонамга чопди, мен эса унинг ўрнига ишлаб туралиган бўлдим. Шу

асно хожам билан кўришиш ҳақида ўйлардим. У мени танимаслиги учун қора линзаларимни тақдим. Хожам мени неча йил аввал кўрганидан сўнг мен бир мунча ўзгаргандим: бўйим чўзилиб, озғинлашганман. Сочларим рўмол остида бўлиб, юзим ҳам чўлдаги ҳаётимдан сўнг бир оз қорайганди. Бир пайтлар хожам тақдим этган юрак туморчали тақинчоқни эса бўйнимдан сира ечмасдим. “Қизиқ, у хотинига ҳам шунақа тақинчоқ совға қилганмикин? Наҳотки, сенинг юрагинг иккита бўлса?” хаёлан сўрардим ундан.

Ишимни битириб, залга кирдим. Ҳадича шайх билан бир столда гаплашиб ўтиради. Доимгидек, Собид оппоқ кийинган, бошида салла бор эди. Менга орқа ўгириб ўтиргани учун юзини кўролмадим.

— Салом, Идрис! — дедим уларнинг столига яқинлашиб. Ҳеч қандай режа тузмай, таваккал уларнинг даврасига қўшилдим. Ҳадича менга ҳайрон бўлганча тикилди.

— Бугун кўришишни ваъдалашгандик-ку? — дедим дугонамга жилмайиб. Ҳадича ноилож Собиддан мени столга ўтиришимга рухсат сўради.

— Мен суҳбатимиз гувоҳларсиз ўтишини истагандим, — деди шайх норозилик билан.

— Ойсув, мени бошқа столда кутиб тур! — деди дугонам. Исмимни эшитган шайх менга назар ташлади.

— Исмингиз Ойсувми? — сўради у. Мен тасдиқладим. У менга диққатлик билан тикилиб, нимадандир безовталанди.

— Чиройли исм. Кечирасиз, сизларнинг учрашувингизга халал бердим. Бизнинг суҳбат тезда тугайди... — у шундай деркан нигоҳи бўйнимдаги тақинчоққа эътибор қаратди. — Буни қаердан олгансиз?

Мен шошиб қолдим ва алдашга мажбур бўлдим. Уни бир сотувчидан олганимни айтдим. У менга ишонди. Ҳаяжондан хушимдан кетай деб турардим. Аммо ҳолатимни юзага чиқармай, чуқур нафас олдим. Собид юзимга синчковлик билан тикилишдан тўхтамасди.

— Анголмаяпман, жуда ўхшаркансиз... — деди у.  
— Бу тақинчоқни бир вақтлар адашингизга тақдим этгандим. Бунақа тумор бошқа ҳеч қаерда йўқ, уни шахсий заргарим ясаган. Икки йиллар аввал у қизни йўқотиб қўйдим. Ҳамма жойни изладим, охири уни ўлганини айтишди.

“Ахир, мен тирикман-ку? Қаршингизда турибман! Наҳот, юрагингиз буни сезмаяпти? Ойсувни қалбингизга дафн этдингизми? Қалб кўз ёшларим тинмаяпти”, дердим хаёлан.

— Уни сизга қайтаришимни истайсизми? — сўрадим унга тик боқиб.

— Йўқ, албатта! Бари ўтмишда қолди, мен тақдирга тан берганман.

— Энди борай, — дедим титроқ товуш билан. Хонамга йўл олдим ва ўз қайфуйим билан якка қолдим. Балки унга тирик эканимни айтмай хато қилдимми, деб иккиланардим. Собид бу тақдирга кўниккан, унинг учун Ойсув энди марҳума.

— Нега ундей қилдинг? У менга жуда кўп савол берди! Сенинг манзилингни ҳам сўради. Ойсув, тушунтириб бер, нималар бўляяпти ўзи? — сўради Хадича қайтгач.

— Тушунтира олмайман... бунга ҳожат йўқ. У мени эслай олмади. Бари тугади! — дедим тинчланиб.

— Эслолмади? Шайх билан танишмидинг? У савдолашишга келганини ҳам унутиб, сени суриштирди. Жон ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлмади!

Мен орзулар йўлида курашишдан тўхтадим. Унинг кўзларида ўша муҳаббатни тополмадим. Демак, шунча йил фақат саробга интилибман.

Эртасига тамаддихонадан чиқарканман, ташқарида чиройли кийинган бир аёл мени кутиб турганига гувоҳ бўлдим. Унинг юзи таниш кўринди, аммо эслолмадим. Кейин хотирладим: у қачонлардир рақибам бўлган Ясмин эди!

— Наҳотки, тирик бўлсанг? — кулди у. — Собид Ойсувнинг қиёфадошини учратдим, деганда дарҳол тушунгандим. Сени шу ердан топдим, балки гаплашиб олармиз?

Унга розилик билдириб, қўшни тамаддихонага таклиф қилдим. Бўш столга ўтириб бир муддат жим қолдик.

— Ҳаёт ўйинлари жуда қизиқ-а, Ойсув? — малласоч дугонам гап бошлади. — Сен бир марта ўрнимни эгалламоқчи бўлгандинг. Огоҳлантириб қўяй, менинг ҳаётимга бош суқма. Яна бир марта баҳтимни тортиб олмоқчи бўлсанг ўзингдан кўр!

— Нималар деяпсан ўзи, тушунмаяпман!

— Жамиланинг ўйида шайхни бир учрашувдаёқ ром этгандинг. У ҳатто мен билан учрашишни истамаганди. Мана, яна унинг қаршисидан чиқиб, бошини айлантиряпсан!

— Сен мени сотгансан! Ўшанда босқинчиларга букри эмаслигимни айтгандинг.

— Букри? Ахир, сени қутқариб қолдим. Ўша қизлар тонггача тирик қолмаганини биласанми ўзи? Қароқчилар уларни туни билан азоблашди! Бу ҳайвонлар қилган ишни ўз кўзим билан кўрганман!

— Нега келдинг, Ясмин?

— Огоҳлантириш учун келдим, бошқа аҳмоқлик қилма. Эсингдами, Жамила ўтмишни унутишга

үргаттанди. У учун ўлгансан, Ойсув. У бунга күниккан. Собид мен билан баҳтли, бизга халал берма!

У шундай деб бу ерни тарк этди, баҳтсиз муҳаббатим билан ёлғиз қолдим. Бир муддат қотганча шу ерда ўтиридим, сўнг кучимни тўплаб тамаддихонадан чиқдим.

Хадича мендаги ўзгаришни сезиб, нима бўлганини сўради.

— Ҳаммаси жойида. Ёқмайдиган нарса едим, шекилли.

— Алдама! Бу Собид билан боғлиқлигини билиб турибман!

Индамадим. Энди у ҳақда ўйламасликка аҳд қилгандим.

— Яшаш керак, — дедим, — у баҳтини топибди... Ясмин билан.

Мен эски орзуларимдан воз кечиб, янги мақсад учун яшашим кераклигини тушундим. Ҳаётимни ўзгартириш учун биринчи қадам қўйдим: ушбу тамаддихонадан кетдим. Қушлар учун мўлжалланган бир шифохонадан иш топилди. Ўшанда иш излаб кун бўйи иссиқдан роса ҳолим қуриди. Офтоб урган чоғи, ўзимни ёмон ҳис этиб, бир шифохона қархисида тўхтадим. Ундан чиқиб келган оқ халатли эркақдан менга ёрдам кўрсатишини сўрадим. У бу ерда одамлар эмас, қушлар учун мўлжалланганини айтди. Ёш, қора сочли ушбу эркак менга сув тутди ва оқ жилдли диванга ўтириғизди.

— Бу ер одамларнинг шифохонасидан яхшироқ экан, — дедим мен чиройли таъмирланган бинога боқиб.

— Бургутлар бунга арзийди! — деди шифокор. У ўзини Идрис деб таништириди. Мен жилмайганча, ўзини шу исм билан атайдиган бир қизни танишимни айтдим.

— Бу ерлик эмасмисиз? — сўради у. Тасдиқлаганимдан сўнг ортиқча қизиқувчанлиги учун узр сўради.

— Россияда туғилганман.

— Қуймоқлар ва шароб диёри. Бизнинг шифохонага ҳам турли миллат вакиллари келиб туради. Улар келтирган қушларни даволаймиз. Ўтган йили бир рус эркак бургутини олиб келганди. У овчи қуш эди.

Биз бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қолдик, сўнг уни кабинетига чақиришди. Мен билан хайрлашишни истамаётганини сезилиб турарди.

— Сув учун раҳмат. Мабодо сизларда бирор иш топилмайдими? Ишимдан айрилдим ва яашим учун иш керак, — сўрадим мен.

— Бир нима ўйлаб топаман, Ойсув! — ваъда берди у. — Ҳозирча шу ерда дам олиб туринг.

### **ТЕШИК ТОФОРА**

Опам билан боғлиқ маросимлар якунлангач, мен Россиядан кетишга тайёрланиб турардим. Аммо Жози уйни сотиш борасида мендан кўмак сўраб, ҳужжатбозликни тушунмаслигини айтди. Уй отамнинг номида қолган экан.

Жози ёнимдалигидан бери хатти-ҳаракатларидан бир эртакни ёдга соларди. Олтин балиқ тутиб олган чолнинг кампири балиқдан ҳар нимани сўраб, охири тешик тофора билан қолади. Жози ҳам меҳмонхонадалигимизда шу кампирни эслатди: хизматчиларни койир, истаган таомини буюрар, куни билан телевизор қаршисидан жилмасди. Менга зътиборсизлигидан бир оз ранжидим ҳам.

Такси ёллаб барак уй сари йўл олдик. Доимгидек ортимииздан қўриқчиларим ҳам машина тутишди.

— Ўзингни муҳим одамдек ҳис этсанг керак-а:

қиммат меҳмонхона, қўриқчилар... – деди Жози мийигида кулиб.

– Меҳмонхона, бу – пулга харид қилинадиган қулагайлик, қўриқчилар бўлса эримнинг эҳтиёткорлиги. У сафаримга қарши эди, унингча Россия маданийлашмаган мамлакат. Бир марта мени сотиб юборишган, бу ҳол яна тақорланишига кафолат йўқ.

Жози ота-онам мени қайси йўл билан сотиб юборишганига қизиқди.

– Бу оддий усул: бола харидорлари кўпинча камбағал оиласларни кузатишади, уларни болалар майдончасида гапга тутишади. Улар кучли психолог, гап билан мўлжалга уришни билишади. Ота-оналарнинг ишончига кириб, шу тақлифни билдиришади... Қизларни асосан беш-етти ёшлигидан сотиб олиб, бошқа мамлакатдаги “бозор”га жўнатишади. Бозорда бўлса болалар худди мол сингари баҳоланади: кимдир фоҳишаликка, кимдир органлар савдосига, кимдир эса хотинликка тайёрлов уйларига маҳкум бўлади. Яхшики, мен учинчи вариантга насиб этдим. Фақат шу йўл билангина баҳт учун интилишим мумкин эди...

– Қизиқ, бунақа савдогарлар қанча пул топишаркин? Ҳарҳолда, бунинг учун ота-онамдан қаттиқ нафратланган бўлсанг керак?

– Нафратланмасдим... шунчаки сабабини тушунмасдим, холос.

– Хожангни ҳарами ҳам борми? – қизиқсинди опам.

– Унинг ҳарами йўқ. Аммо мендан аввалам уйланган.

– Сизлар билан навбат билан ухлайдими? – Жозининг овозида мазах сезилди.

– Бизда эркаклар барча хотинларига бирдек эътиборли.

Биз айтилган манзилга етиб келдик. Уйга ҳаяжон

билан кириб, бир муддат эски альбомларни томоша қылдик. Уч яшарлигимизда опаларим билан тушган суратимизга узоқ тикилдим. Нарсаларни тартибга келтириб, ҳужжатларни олгач, бу ерни тезроқ тарк этишга интилдик.

— Сен билан меҳмонхонада бир оз яшаб турсам бўладими? — сўради Жози кетарканмиз.

Мен рад этдим, у бундан хафа бўлди.

Рад этишимга сабаб ҳам бор эди, мен у ерни тарк этаётгандим. Россиядан кетарканман, Жозефина билан хайрлашолмадим. Меҳмонхонада юкларимни йиғишираётиб, баъзи тақинчоқларим йўқолганини пайқаб қолдим. Уларни тақмасам-да, балки опаларимга совға қиларман, деб олгандим. Бироқ бунга имкон бўлмади. Эҳтимол, уларни Михайл ўғирлагандир. Жози ҳарҳолда унинг бу ишидан мамнун бўлган. Ватанимни тарк этарканман, қалбимда тешик тоғорадан бошқа ҳеч нима қолмагандек туюларди. Сумкада бу ердан эсадалик сифатида фақат битта эски эълон қофозчасини олволгандим: бу олти ёшли Скарлетт исмли қизчанинг йўқолиб қолгани ҳақидаги қидирув хабари эди. Скарлетт чиндан ҳам йўқолган, у энди бу ерларга қайтиб келмайди...

### **ОВДА**

— Идрис, мени чўчитиб юбордингиз, — дедим янги дўстим хонага қўққисдан кириб келганида. Мен дам олиш хонасида соchlаримни тараб тартибга келтираётгандим. У менга бир оз илтифот қилган бўлди.

— Биласизми, Ойсув, истасангиз европача кийинишингиз мумкин. Ёки русча, фарқи йўқ. Мен доим замонавийликни ёқлаб келганман. Шу билан бирга ҳаёт йўлимни боғлайдиган инсонни учратсам... агар сиз...

— Идрис, сизни хурмат қиласман, бироқ илтимос қилгандым-ку...

— Эсімда! Бир оз вақт беришим ва шошмаслигими-ни сұрагансиз. Аммо нима қилай, күнгил қўймайди, менга жуда ёқасиз. Ойсув, илк бор кўрган ку-нимданоқ...

Яхшики, шу пайт Парма исмли ҳамшира келиб қолди. У ҳинд қизи бўлиб, ўзгаларнинг ишига ара-лашишни хуш кўрадиган қувноққина характерли эди. Докторнинг ўнг қўли, шу билан бирга уни зимдан севарди ҳам.

— Сизларга айни қизиқ пайтда халал бердим, шекилли, — ҳиринглади бир оз рашқ билан, — туш-лик буюртма қилмоқчи эдим. Ким мен билан?

Идрис унинг таклифини рад этди, мен эса қў-шилдим. Иккимиз тамаддихонага йўл олдик. Бу ернинг эгаси шифохонамизда паррандасини даволатгани учун бизга имтиёзлар берарди.

— Ўзи неча ёшдасан, Ойсув? — сўраб қолди Парма.

— Деярли ўн еттида.

— Кейинги режаларинг қандай? Парранда докторимизга эрга тегмоқчимисан?

— Яқин орада оила қуриш ниятим йўқ. Идрис яхши инсон, у менга ёқади... аммо бу муҳаббат эмас. Менинг хаёлларим, менинг юрагим бошқа бир инсонга тегишли. Уни унутиш учун назаримда жуда кўп вақт кетади.

— Муҳаббат можаролари! Бундай ҳикоялар жони дилим!

Тамаддихонада кабоб, нон, сабзавотлар ва сув буюрдик. Парма кўп шахсий саволлар берарди. Гап орасида ўзининг докторга бўлган туйғуларини ҳам қистириб ўтарди. Мен эса бу сухбатни давом эттиришни истамасдим.

— Араб тилини қаерда ўргангансан? — сўрашда давом этди у.

— Ўргатишган. Биласанми, менинг ватанимда овқат пайти гапирилмайди.

Парма хафа бўладиган қиз эмасди, гапимни тушуниб жим бўлди. Мен шифохонанинг қабулхонасида ишлардим. Вазифам bemор қушларни қабул қилиш, қўнгироқларга жавоб бериш, холосаларни тартибга келтиришдан иборат эди. Назаримда, бу ер кўнгилочар шифохонага ўхшарди. Бадавлат инсонлар паррандаларини даволатиш учун тантана билан олиб келиши қизиқ туюларди. Бу ҳақида Идрисга ҳам айтдим.

— Яқинда бир эркак қушчасини олиб келди. Кушча'энди учолмаслиги ҳақида ташхис қўйилгач, у ҳўнграб йифлаб юборди! Фалати-а?

— Ишонавер, Ойсув, жониворлар одамлардан кўра яхшироқ. Улар ёлғонни билмайди, юракларни синдиришмайди!

Идриснинг менга теккизиб айтган гапларидан уялиб қизардим.

— Тушунаман, Ойсув. Куни кеча Парма менга севгисини билдириди. Шундагина сен ҳис этаётган туйғуни англадим. Энди сени шоширмайман ва қанча бўлса ҳам кутаман. Бу ҳиндий қизга ҳам ортиқча валдираласлигини айтиб қўй.

Мен жилмайганча қўлимни Идрисга узатдим:

— Энди дўстмиз.

— Сени қуш овига олиб боришим керак-да, шунда улар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўласан. Дам олиш кунлари бўладими?

Мен рози бўлдим. Доктор энди севги борасида ҳадеб безовта қилмаслигидан хурсанд бўлгандим.

Парма иккимиз қўшни кварталдан кичик бир

хонани ижрага олғандик. Дам олиш куни Идрис вайда қылганидек, мени овга олиб борди.

— Сенга жуда күп қүш турларини күрсатолмайман, менинг қүшчам оддий фермада яшайди. Уни тай-ёрлашади.

— Қандай тай-ёрлашади?

— Уни одамлардан, отлардан чўчимасликка ўргатишади.

— Худди болани тарбиялагандек. Вакт ўтиб у овчи қүш бўладими?

— Шундай.

Биз чўлга кириб бордик. Қушларни фермадан ов майдонига олиб келишди. Идрис қүшни олиб уни тепага учирив юборди.

— Энди машинага кетдик, унинг ортидан борамиз.

— Уни кузатамизми?

— Албатта, у оч қолган ва егулик изляяпти.

— У бирам озодки...

— Қуш инсоннинг дўсти.

Ов чинданам завқли машғулот экан. Шом туша бошлагач, Идрис гулхан ёқди ва овчи қуши тутиб келган илонни оловда пиширди. Қушни эса фермага қайтариб олиб кетишиди. Ҳаммаси яхши кетаётганди, аммо дўстимнинг менга яқинлашавериб ноқулай вазиятга қўйиши қўнглимни хира қиласди.

— Бир танишимнинг айтишича, руслар араблардан фарқ қиласкан. Рус қизларига қатъиятли йигитлар ёқаркан, — гап бошлади Идрис мени қум устига ўтиришга таклиф этаркан. Чўлда иккимиздан бошқа ҳеч зоғ йўқ эди. Мен унга ишониб бу ерга келганимга афсуслана бошладим. Чунки у назоратини йўқотаётганди.

— Идрис, эҳтимол мени нотўғри тушунгандирсиз,

— дедим ёнимга чўкиб менга яқин сурила бошлагач.

Елкамдан рўмолим тушиб кетди, ичимдаги енгил

## *Омони УИСААЛ*

---

футболка ёқасидан орқамдаги чандиқларим кўриниб турарди.

— Аянчли! — деди у чандиқларимга кўзи тушгач, — буни руслар қилганми? Қандайдир урф-одатми ёки?

— Йўқ. Қароқчилар асира олганларида шундай бўлганди.

— Даҳшат... афсусдаман, Ойсув. Бу аҳволда сенга тузукроқ эр чиқишига ишониш қийин.

У шундай деб машина томон юрди ва эртага муҳим учрашуви борлигини, кетишимиз зарурлигини айтди. Автомобилда жим кетдик. У мени уйимга элтди ва тезроқ хайрлашишга шошилди.

— Агар бу чандиқларим туфайли мени кўришни истамассангиз, ишдан кетишим мумкин, — дедим мен овозим титраб. Севимли ишимни ташлаб кетиш менгаям осон эмасди.

— Ахир, ноинсоф эмасман-ку, Ойсув. Мен сени пок деб ўйлардим... Эшитишимча, қароқчилар қўлига тушган асиralарни ҳар кўйга соларкан. Уларнинг қўлидан тирик чиққанинг ва сени сотиб юбормаганларига қараганда, демак, босқинчиларнинг кўнглини овлагансан... ўзинг тушунасан-ку, ичимдагини айтмасдан туролмайман. Кечирасан!

— Тушунаман, кечиринг мени, Идрис.

— Ҳечқиси йўқ. Булар арзимас нарсалар. Эртага ишга кечикма, — деди у менга қарашни истамай. У кетгач, кўчада бир муддат ўйланиб қолиб кетдим. Мени бокира эмас, хўрланган деб ўйляяпти. Мени зўрламоқчи бўлган одамни ўлдирганимни эса билмайди. Балки шундай ўйлагани ҳам яхшидир.

— Мен дунёдаги энг баҳтли қизман! — деди Парма эртасига. — Доктор дам олиш кунлари мени қуш овига таклиф этди! Бу ҳақида нима деб ўйлайсан?

— Нега энди бормаслигинг керак? Агар нияти

жиддий бўлса, сенинг оиласи билан танишсин, ота-онангни кўргани борсин. Шундан сўнг сайрга чиқсангизлар бўлади! – дедим мен у учун қувониб.

– Демак, тўғри экан-да?

– Нима тўғри экан?

– У айтдики, сен билан энди алоқаларини узибди. Биламан, сен унга ёпишиб, хиалик қилгансан! Идриснинг айтишича, сен билан бир хонада яашим тўғри эмас экан. Энди сен билан айрилишимизга тўғри келади.

– Ўзинг биласан, фарқи йўқ, – дедим аччиқланиб. Идриснинг бунчалик ёлғончи ва мунофиқ эканини хаёлимга келтирмагандим. – Аввал айтиб қўяй, Парма. У покдомон йигит эмас, бу ов сен учун аянчли тугаши ҳам мумкин. Кейин ёнимга келиб йиғлаб ўтирма, хўпми?

– Суюқоёқ! – у шундай деб бошини тик тутганча менга орқасини ўгириб олди. Мен учун қадрли бўлиб қолган бу икки инсон билан муносабатларимиз охир-оқибат кўнгилсизлик билан якунланишини кутмагандим.

Парма доктор билан кун бўйи ҳиринг-ҳиринг гаплашар, хонамиз ўртасидан эса парда тутиб олганди. Мен эса Парманинг қуш овига кетиб, эртасига менга қандай қарашини ўйлардим. Аммо дам олиш кунларидан сўнг у ишга ҳам, уйга ҳам келмади. Шу сабаб Идрисдан у ҳақида сўрашга мажбур бўлдим.

– Пармадан хавотирдаман, қаерда у?

– У юртига, Ҳиндистонга қайтиб кетди.

– Сиз уни...

– Бемаъни хаёлларни йиғиштириб, Ойсув. Унинг оиласида муаммо чиқибди. Ҳамма ҳам ўзини сен каби тутмайди! Бахтимга, ҳозирда пок ва бокира қизларни топиш қийин эмас!

Асабларим янада таранглашди. Унинг тиғли гаплари жонимдан ўтиб, шифохонани ташлаб кетишга ҳам рози бўлиб қолдим.

— Балки бирор шайхдан ўз ҳарамига олишини сўрарсан? — мазах қилишда давом этди у. — Айрим араб эркаклари сенга ўша босқинчилардан кам илтифот кўрсатишмайди...

— Нега мен билан бундай гаплашяпсиз? Ахир, сизга бирор ёмонлик қилганим йўқ-ку?! — дедим охири ичимдагини сочиб.

— Биласанми, нимадан нафратланаман? Инсонларнинг кўнглини қолдиришдан! — у шундай деб иш столимга яқинлашди. Ундан шароб ҳиди анқирди.

— Сендан кўнглим совиди, Ойсув! — У бу гапни бир неча марта такрорлади ва хонасига кириб кетди.

Иш куни тугагач, шифохонани тарк этишга шошилдим. Аммо доктор хонасига киришимни сўради. Кўнглимни аллақандай фашлик эгаллади. Хонага кирганимда у эшик ортидан туриб менга ёпишди. Стол томон судраб, устимдаги рўмолимни тортиб олди. Орқамдан қучоқлаганча, қулоғимга шивирлади:

— Бир оз кўнгилхушлик қиламиш-да! Яхиси қаршилик қилмай, айтганимга тинчгина кўна қол!

Бор овозим билан бақириб ёрдам сўрай бошладим. Аммо шифохонада ёлғиз эдик. Парма кетган, фаррош ҳам ишини якунлаб жўнаган. Энди унинг чангалидан қутула олмаслигимни ўйлаб ҳўнграб йиғлардим.

— Бу қиз сизни истамаётгани кўриниб турибди, доктор! — шу пайт эшик тарафдан эркак кишининг овози янгради.

— Худога шукур! — шундай дея Идриснинг чангалидан чиқиб кийимларимни тўғирладим. Ортимга ўгирилиб мени қутқарган инсонга назар ташладим.

У Собид эди! Шайх ўзи билан бургут олиб келган, шифохона ёпилмагани учун тўғри шу хонага кирган, кўринади.

- Ойсув! — деди у мени кўриши билан.
- Хожам... — аччиқ йиғлаб юбордим.

## **НУРЛИ КУНДАГИ ЗИМИСТОН**

Мен унинг бағрига бош қўйишдан ўзимни базўр тийиб жимгина ўтирадим. Собид шифохонада Идриснинг юзига мушт туширгандан сўнг мени у ердан олиб чиқиб тўғри автомобилига ўтиргизди.

— Ҳақиқатни билишим керак, Ойсув! Шунча вақт қаерларда эдинг? Нега тириклигингни билдирамдинг? Ёки мендан бирор нимани яширдингми? Ўшанда қаҳвахонада нимага бундай томоша уюштирдинг?

— Нима деб жавоб беришниям билмайман... Мен шунча вақт фақат сиз томон юрдим, аммо йўлим олис бўлди. Бошимдан кўп нарса ўтди... лекин сабр билан кутдим, бироқ кечикибман... Энди сизнинг ҳаётингиз ўзгарган, унда менга ўрин йўқ.

— Ўшанда эрта тонгда Жамиланинг уйига бордим. Аммо вайрон бўлган хонадон ва мурдалар билан тўқнашдим. Одамларим сизларга қароқчилар ҳужум қилганини аниқлашди. Жамила ўша қароқчилар бошчисининг ёпиқ ҳарамига қизларини беришни истамагани учун ўч олишганини айтишди. Жамила ўлимидан олдин нима деганини биласанми?

— Уни тирик кўрдингизми, хожам? Жамилани қаттиқ жароҳатлашгандан сўнг ўлган, деб эшитгандим...

— Ҳа. Жамиланинг сўнгги сўзлари севгилимини топиб, уйимга олиб кетишимни сўраш бўлди.

— Севгилим? У шундай дедими?

Жамиладек қаттиққўл аёл охир-оқибат муҳаббатга

тан бериб ўлишини сира кутмагандим. Хожам билан узок сұхбатлашдик. Ўтмишни эслаб күз ёш түкдим. Шунда у мени бағрига олиб юпатди. Қачонлардир менга қадрдон бўлган юрак уришини тингладим. Шайх жуда хавотирли ва таъсирчан кўринарди. Қалбим унинг қўргонида таскин топиб, унутилиб кетган баҳт исини туйдим.

— Менга турмушга чиқ, Ойсув! Мен сени бир умр ҳимоялаб, фамхўрлик қилишга ваъда бераман, ҳеч нимага зориқмайсан! Балки мени унутиб юборган деб ўйларсан, аммо бундай эмас! Вақт ўтиб оғриқларим камайган бўлса-да, бироқ туйғуларим сира ўзгармаган...

— Ахир, сиз уйландингиз, хожам. Менинг ўрнимни Ясмин эгаллаган. Мен иккинчи хотин бўла олмайман, ким биландир сизнинг муҳаббатингизни бўлишишни истамайман, бу қўлимдан келмайди...

— Унда машинадан тушгандан сўнг нима қилмоқчисан? — ранжиди у.

— Россияга қайтиш ниятим бор. У ерда менинг ота-онам ва опаларим яшайди. Ишончим комилки, улар мени кутишяпти...

Шайх мени қўйиб юборолмаслигини айтди. Амирликлардан ҳужжатсиз чиқиб кетиш ҳам иложсизлигини, ноқонуний йўллар билан қочиш эса хавфли эканидан огоҳлантириди.

— Унда... мени каниз қилиб оларкансиз-да, шундоғам бу ерларга келганимдан бери фақат асираман, — дедим овозим титраб. Йиғламасликка тиришар, кучли кўринишга ҳаракат қиласардим.

— Бўлмағур гапларни қўй, Ойсув. Сен менинг хонадонимда асира эмас, уй бекаси бўлишга лойиқсан. Агар менга турмушга чиқсанг, ҳужжатларинг ҳам жойида бўлади. Шунда она юртингга меҳмон си-

фатида истаган вақтинг бориб келишинг мумкин. Буни сен учун ҳал қиласаман! Неки истасанг, барини бажараман, Ойсув. Шунчаки баҳтли бўлишимизга имкон бер. Ахир, юрагим доим сен билан, ёдингдами шу сўзларим? Сеники эса менга тегишли...

Ўшанда агар унга турмушга чиқиши рад этганимда нима бўларди, деб кўп ўйлайман. Хожамсиз яна қандай яшашимга кўзим етмасди. Мен рози бўлдим.

Никоҳ тўйимиз у қадар дабдабали ўтмади, чунки ўзим камтарона бўлишини истадим. Хожам менга олмос кўзли чиройли узук ҳадя этди ва уни ҳеч қачон ечмаслигимни сўради. Ҳар кун тонгда у билан уйғониш, унинг исини туйиш, кулгиларини эшитиш баҳтидан маст эдим. Жамиланинг сўзларини эслаб, оғир ўтмишимни унутишга аҳд қилдим ва бугунги баҳтли кунимдан миннатдор яшай бошладим.

Ясмин билан кўришишимга ҳожат бўлмади. Шайх иккимиз учун алоҳида уй харид қилди ва жиҳозлади. Шайх биринчи хотини ёлғончи эканиниям билди. Ясмин хожам билан кўришган пайтда, менинг ўлганимни, ўзи мени дафн этганини айтган ва шайхга турмушга чиқиши учун жон борича ҳаракат қилган экан. Менинг бу дунёда йўқлигимни эшитган хожам тушкунликка тушиб, ўзини менинг энг яқин дугонам деб таништирган “оқкўнгил” қизга уйланишга рози бўлган. Ясмин шунчалик маккора эдики, ўзининг ёлғон ҳикоялари билан Собиддек эҳтиёткор одамни ҳам алдай олганди.

— Ахир, бу инсофдан эмас-ку? — дедим унинг мен ҳақимдаги ёлғонларини эшитгач. Собид у билан ажрашишга аҳд қилди. Шариат қонунларига кўра у гувоҳлар олдида хотинига уч марта талоқ бериши керак эди. Бироқ Ясмин ҳомиладорлигини айтгач, талоқ бериш ортга сурилди. Чунки бўйида бор аёл билан ажрашиш ман этилганди.

— Шифокор у чиндан ҳам фарзанд кутаётганини тасдиқлади. Ташлаб кетишга ҳаққим йўқ, Ойсув, — деди хожам афсус билан. — Ота бўлиш ҳақидаги хабар мени қувонтиrmади.

Мен буни тўғри қабул қилганимни айтдим. Чунки иккимизнинг муҳаббатимиз Ясминнинг айёрликларидан устун келишига ишонардим. Тўғри, кундошимни ўйлаб хотиржам яшай олмасам-да, бироқ баҳтли эдим. Хожам мен билан яшар, баъзида ҳомиладорлик қандай ўтаётганини билиш учун Ясминнинг олдига бориб туарди.

— Менинг қаҳрамоним, менинг жафокашим... Бoshингдан кўп қийинчиликлар ўтди, сабринг учун мукофот олиш вақти келди, — дерди хожам елкамдаги чандиқларни силаб, — мен фарзандларимиз жуда кўп бўлишини истайман!

— Онам бирданига учта туққан, — кулдим мен. Ўзим ҳам оиласиз катта бўлишини хоҳлардим. Шайх жуда қувноқ ва беташвиш кўринар, анчадан бери бундай баҳтиёр бўлмаганини айтарди.

Уйимиз шарқона услубда таъмирланган, гулқоғоз, парда, гилам ва кўзгулар ҳам мафтункор, ўртадаги фавворанинг олтин балиғи бор эди.

— Нега мени сафарларга бирга олиб кетмайсиз, хожам? — сўрадим бир кун ундан эҳтиёткорлик билан.

— Бизнинг оилада аёллар эрларининг иш бўйича сафарларига бирга бормайдилар. Коида шундай.

— Жамила айтганидек, айрим қоидаларни бузиш мумкин...

— Билсанг агар, сафардан ортга қайтаётганингда аёлимнинг уйимизда табассум билан кутиб олиши, аэропортдан чиқибок, сени бағримга босиш ҳақида ўйлар бирам тотлики...

Мен табассум қилиб унинг гапига қўшилдим.

— Хўш, Швейцариядан сенга нима олиб келай, ҳаётим?

— Билмасам. У ернинг шоколадини мақташади.

— Соатларини ҳам!

Шу пайт кўнглим беҳузур бўлиб дастурхондан туриб кетдим.

— Сенга нима бўлди? Мазанг йўқми? — хавотир билан сўради у.

— Эшитишимча, ҳозир шаҳарда вирус тарқалганмиш. Кўнгил айниш, ҳолсизлик, бош айланиши билан кечаркан белгилари. Боғбонимиз шу дардан азият чекаётганди.

Хожам мендан хавотирланиб, сафарини бир неча соат ортга сурди. Оилавий шифокоримиз мени текшириб, ҳаммаси жойида эканини айтди ва:

— Сизни табриклайман, Ойсув! Яқинда фарзандли бўласиз, — деди.

Уйда байрам бошланиб кетди: мушаклар отилди, ширинликлар келтирилди, мусиқалар чалинди. Меҳмонлар сафида Ясминни кўришни кутмаган эдим. Унинг чеҳраси тунд, мендан кўзини узмасди. Дастурхон ҳовли бўйлаб безатилган, кичик саҳнадан эса қўшиқчилар жой олганди. Кундошимнинг ташрифидан кўнглим хижил бўлди, барча меҳмонлар уни яхши танигани учун Ясмин билан суҳбатлашар, ҳеч ким менга эътибор бермасди.

— Қўлимдан ҳеч нима келмайди, у биринчи хотин! — деди Собид узр сўраб. Ясминнинг қорни хийла сезилиб қолганди. Собид сўзга чиқиб, иккала ҳомиладор аёлинни қутлади. Шундан сўнг Ясмин ҳам сўзга чиқди. У мендан унинг ўрнини эгаллаб олгани учун узр сўради. Бу унинг галдаги ўйини эканини пайқаб турардим, барча меҳмонлар

унинг самимийлиги учун қарсаклашди. Кечга яқин Ясминнинг мазаси қочди, Собид ноилож уни уйимизда қолишига рухсат берди.

— Унинг ёнимда бўлишини истамайман... Ясмин ни-манидир ўйлаган! — дедим хожамга.

— Менимча, чинданам афсусда. Унга нисбатанadolatsiz бўлмайлик, жоним! Шундоғам доим сен биланман, у эса ёлғиз. Ясмин бунинг учун устимдан арз қилиши ҳам мумкин эди, аммо баҳтимизга халал беришни истамади. Нима бўлгандаям у фарзандимни кўтариб юрибди, уни жазолаб бўлмайди...

— Уни яхши билмайсиз, ютқазишни ёмон кўради. Бир вақтлар ҳаётига аралашадиган бўлсам мени омон қўймаслигини айтган...

Хожам менга ортиқча ҳиссиётга берилмаслигим ва фикрларимни яна обдан ўйлаб кўришимни маслаҳат берди. Қайғуришим болага салбий таъсир қилишини айтиб, яхши нарсаларни ўйлашимни айтди.

Кечқурун Собид ҳамкорлари билан янги очилажак заргарлик дўкони ҳақида гаплашиш учун Швейцарияга учиб кетди. Ясмин шу ерда қолди, тонгда шифокор уни кўриб қўйгач, уйига кетадиган бўлди.

Ярим тунда бехосдан уйғониб, қаршимда кундошим ўтирганига кўзим тушди ва чўчиб кетдим.

— Сени огоҳлантиргандим-ку, Ойсув, менинг оиласамга бош суқма, деб! Энди сени нима қилсан экан?

Мен унга жавоб қайтаришга оғиз жуфтлагандим, аммо ортимдан кучли қўллар оғзимни ёпди. Ёрдам сўраб чақиришга ҳам улгурмадим. Бошим айланиб, ҳушимни йўқотдим.

Кўзимни очганимда форда ётардим. Атроф қоронфи, ўртада гулхан ёнарди. Мени боғлаб қўйишган, ёнимда Ясмин ҳам ётарди.

- Нима бўлди? — сўрадим қўрқиб.
- Бизни асир олишди! — деди у.
- Нега?
- Бойларнинг хотинларини нега ўғирлашарди? Албатта, пул учун! — аччиқланди у. — Шифокор сенга нима деди? Ҳомиланг қанчалик экан?
- Тахминан олти ҳафталик.
- Кичик экан ҳали. Майли, бир нима ўйлаб топамиз!

Ясмин бақирди, шунда харсангли эшик очилди. Юзи ярим ёпиқ бир одам кириб, менинг қаршимга келди.

— Салом, — деди хириллаб. Сўнгра юзидағи матони олиб ташлади. Қаршимда қачонлардир елкамга чандиқ солган, мен ўлдирдим, деб ўйлаган ўша қароқчи туради! У чандиқларинг оғрияптими, деб сўради. Мен йўқ, дедим. Унинг тирик қолгани ҳам қувонтирас, ҳам ташвишга соларди. Биринчидан, ўзимнинг қотил эмаслигимни ўйлаб тин олдим. Бироқ тирик қолгани менга яхшилик келтирмаслиги аниқ. У албатта қасос олади. Эркак Ясмин томон қадам ташлади ва унинг сочидан силаб узоқ бўса олди. Уларнинг бир-бирига мойиллиги сезилиб турар, менинг эса бу ерга нима учун келтирилганим номаълум эди. Кўнглим олдинда мени яхшилик кутмаётганини сезиб туради...

### **ЖИНОЯТ ВА ҚАСОС**

Ясмин мен билан боғлиқ ғолибона режаларини яширмади. Шайхга меросхўр керак, уни эса Ясмин тувишни истар экан.

— Қорнимда менинг ва Алининг муҳаббатидан барпо бўлган гўдак улғаймоқда. Агар қон таҳлиллари топширилса, буни билиб қолишлари аниқ! — кулди Ясмин.

— Таҳлилда оналикни ҳам текширишади, ёлғонинг узоққа бормайди! — дедим алам билан.

— Муҳими оталик текшируви, бирор оналикни текширтирмайди. Иккимизни ўғирлаб кетишиди, вақт ўтиб бу ерда кўзимиз ёрийди. Болаларни эса алмаштирамиз. Муҳими, Собид ўз фарзандини бағрига босади! Мен эса гўдакнинг онаси сифатида бир умр унинг ёнида қоламан. Энди эримиз биз учун беражак пулларниям қўлга киритсам бўлди!

— Нега бундай қиляпсан, тушунмаяпман! — дедим жаҳлим чиқиб. — Ахир, ҳайвон эмассан-ку? Дўзахда ёнишдан қўрқмайсанми?

— Менда раҳм-шафқат уйғотиш учун беҳуда ҳаракат қилма! Бу ҳаётда ҳамма ўзи учун курашиши керак. Агар яхши оиласда туғилиб вояга етганимда шу ҳолга тушармидим?

— Сен инсон эмассан.

Ясмин шундай бўлишига ҳаётнинг ўзи мажбур қилганини яна таъкидлади. Яна маҳкумалик даври бошланди. Мен форда ёлғиз ўтирадим, вақти билан овқат ва сув келтиришарди. Ясмин кунига уч марта мени кўргани киради. Унинг ҳомиласи менинидан чамаси бир ойлик катта, ҳамон болаларни алмаштириш фикридан қайтмаганди. Кунлар имиллаб ўтарди. Менга қандайдир дамлама беришар, шу сабаб кун бўйи ухлар, очиқ ҳавога олиб чиқиши масди. Форда кислород етишмас, оғир нафас олардим. Ясминнинг жазмани ҳам олдимга кириб турарди. Ёнимга келиб кўзларимга қаттиқ тикиларди.

— Ҳали сендан қарзларим бор ва албатта уни оламан! — дерди хириллаб. Унинг қарашидан жуда қўрқардим.

Бир тунда у ёнимга кирди. Ясминнинг инжиқликларидан безигани, мен билан бўлишни истаётганини айтди.

— Биласанми, Ясмин нимани ёқтиради? — деди

у. – Яхшиси, билмаганинг маъқул. Менга бу ярамас аёлнинг қилиқлари ёқади. Масалан, кеча... сеникига ўхшаб елкасига чандиқлар солишимни сўради. Мен эса рад этдим. У бўлса қорнимдаги боламни тушираман, деб қўрқитди. Мени туғилмаган фарзандим билан шантаж қиляпти ўзича! Аслида мен болаларни яхши кўрмайман, тушадими, қоладими, фарқи ҳам йўқ.

У барчасини очиқ гапиришидан ҳайрон бўлардим. Қачонлардир уни рад этган бўлсам-да, ҳамон ўша орзусини унутмаган экан.

– Сен хожангни севганинг каби мени ҳам севишингни истайман! Шайх Ясминни эмас, сени севгани бежиз эмасдир? Демак, сенда нимадир бор!.. Розимисан? Бой шайх сени нега бунча севишини биз ҳам билайлик?

Қароқчи менга яқинлашиб, баданимга қўл юборди.

– Мени эшит, Али, – дедим сокинлик билан. – Қорнимда севган инсонимнинг фарзандини кўтариб юрибман. Унга зарар етишини истамайман, тушуняпсанми?

– Кимга? Шайхгами?

– Йўқ, туғилмаган гўдагимга. Бошқоронгилик туфайли сен истаган нарсани беролмайман, деб қўрқаман.

Аммо у мени эшитишни истамади. Оч бўридек устимга ташланди ва кийимларни парчалаб ташлади. Қаршилик қилганим учун бир неча бор бошим ва қорнимга урди... Қорнимда қаттиқ оғриқ турди. Ичимдан қон келаётганини сезиб, қўрқувдан ҳушимни йўқотдим...

– Энди нима қиласиз, аҳмоқ? – бақираиди Ясмин.

– Уни ўлдиришимиз керак, тушунарлимис? Бола энди йўқ, у эса биз ҳақимизда барини билади.

– У ҳеч кимга айтмайди! Яшайверсин, у ёқимли аёл...

— Ёқимли? Балки мени эмас, уни танларсан? —  
рашк балан қичқирди Ясмин. Кейин менинг ёнимга  
келди. — Сенга шундай қиласманки, севимли шайхинг  
бир умр азобда яшайди!

Улар узоқ вақт баҳлашиши, мен эса жим ётардим.  
Хушимни қанча вақт йўқотдим, билмасдим. Бу фор-  
дан омон чиқмаслигим ҳам маълум.

— У ўзига келганидан сўнг сотиб юбориш керак!  
Оқбаданлар қимматга кетади, — деди Али менга  
қараб.

Улар яна баҳлаша кетиши... Овозлари жуда  
узоқдан эшитилаётгандек эди.

...Кўзимни очганимда шифохонада ётардим. Атроф  
шовқин, бир неча шифокорлар мени текшириш билан  
банд эди. Ўтган кунларни эслашга уриндим. Барчаси  
фира-шира, туш ёки қандайдир хаёлга ўхшарди.

— Сиз автоҳалокатга учрадингиз, — деди шифокор  
менга.

— Йўқ, ундей эмас! Улар мени ўлдирмоқчи  
бўлиши...

— Ким ўлдиради? — аста сўради у. Сўнгра ше-  
рикларига менинг руҳий ҳолатим жойида эмаслигини  
айтди. Қўшни каравотда Ясминнинг ётганига кў-  
зим тушди. У шифокорга менинг хотирамни йў-  
қотганимни тушунтиради. Собид аэропортдан  
тўғри шифохонага келди ва мени ўзи билан олиб кет-  
магани учун узр сўради.

— Сен ҳақ экансан, жоним, ёлғиз қўймаслигим  
керак эди... Нега ўша машинага ўтирдинг? — сўради  
у.

— Эслолмайман, — дедим.

Тунлари ўтган даҳшатлар тушимга кириб бақириб  
чиқардим. Бундан хавотирланган шифокорлар ме-

нинг ҳолатим жойида эмаслигини айтиб, руҳий касаллар шифохонасига жўнатишди. Менга кўп дорилар беришди, куни билан ухладим ва ҳеч ким билан гаплашмади. Хожам бир неча марта мени кўргани келди, бироқ мен унга тикилганча жим тураг, негадир сўзлай олмасдим. Ҳомиламдан айрилганим ёдимга тушди. Шифокорларнинг энди менинг фарзанд кўра олмаслигим ҳақидаги гапларини эшитиб кўз олдим қоронфилашиб кетди...

Узоқ вақт азоб чекиб, ўзимга кела бошладим. Бир куни тонгда ўзимни яхши ҳис этиб уйғондим. Йигирма ёшимда бошимдан ўтказган шунча ҳодисалар мени кексайтириб қўйганди. Ўзимга келганимдан сўнг фордаги асиралигим ҳақида хожамга сўзлаб бердим. Аммо форнинг қаерда жойлашганини билолмадим. Ясминнинг барча қилмишларини айтгач, шайхнинг ундан ўч олишини истардим.

Кечга яқин ёнимга Ясминни олиб келишди. У калтакланган, оёғида зўрға тураг, менга нафрат билан боқарди.

— Агар омон қолсам... — шивирлади менга қараб.

— Омон қолсанг ҳам оёқларинг синган бўлади. Бу ҳолингда мени ўлдиришингга кўзинг етадими? Ўзинг ўлиб бўлгансан, Ясмин!

— Кўп валдирама! — деди у оғриқдан кўзларини юмиб.

Уни олиб кетишди. Мен бир нуқтага тикилганча жим қолдим. Ёнимга хожам кирди ва столга бошлади.

— Оч эмасман, — дедим.

— Гаплашиб олиш учун.

У келажагимиз ҳақида сўз очди. Менинг ўзимга келишим учун қўлидан келганини қилишга сўз берди.

— Мен энди яшай олмайман, — дедим тин олиб.

— Бу вақтинга ҳолат. Ишон, ҳаётим, кўп ўтмай танинг ва руҳинг ўз ҳолига қайтади ва барини унутасан! Бунга қанча вақт кетса ҳам кутаман. Истаган вақтингда юртингга жўнатаман. Эркинсан, Ойсув, мен сенга ишонаман. Нима бўлсаям баҳтли бўламиз!

Хожам билан уйимизга қайтдик. Бир неча йиллик умрим худди тушдек ўтди. Мен кам еяр ва кам ухлардим. Куни бўйи дераза қаршисида жим ўтирас ва қўшиқ хиргойи қиласадим. Ясмин эса йўқолиб қолди. Хожамнинг айтишича, у Ҳиндистонга кетган эмиш.

— Қизиқ, — дедим ажабланиб. — Ҳамма йўқотган танишларим негадир Ҳиндистонга кетади. Фаройиб мамлакат!

Шундан сўнг мен эримдан яширинча детектив ёлладим. Ундан юзида чандиги бор қароқчини топишини сўрадим. У ҳаётимни барбод қилди, бунинг учун қасдимни олишим шарт. У тез топилди. Али билан жамоат жойида учрашишга келишдик, у ёнимга аёллар ҳижобида келди. Шунда полиция эътиборини тортмасди.

— Сенда Ясмин ҳақида хабар борми? — унинг биринчи саволи шу бўлди.

— Ҳа!

— Қаерда у?

— Ҳиндистонда.

Мен қаршимда турган инсонни қандай маҳв этиш ҳақида ўйлардим. Узим билан шприцда оғу олиб келгандим, бироқ уни қандай юбориш муаммо эди. Бу заҳар одамни бир неча йил тўшакка михлаб сўнг ўлимга олиб боради, деб эшитгандим.

— Нега мени изладинг? — сүради у.

— Мен қарздор бўлишни ёқтирмайман! — дедим совуққонлик билан.

Кўйлагимнинг узун енгига яшириб турган шприцни маҳкам ушладим. Бунинг учун балки дорга осилишим мумкин, аммо айни пайтда менга ҳаммаси барибир эди. Бир қарорга келиб бўлдим, ортга йўл йўқ. Туғилмаган гўдагим хуни мени қасосга чорларди. Кулай лаҳза келишини зимдан кутардим.

— Сенга бир гап айтишим керак, — дедим уни авраб, — Ясмин ҳеч қаерга кетмаган. Биз унинг қўл-оёқларини синдирдик, у оғриқдан ўлди! У шундай ўлимга лойиқ эди.

Унинг кўзларида акс этган қайгуни кўриб, аччиқ гапларимни давом эттирудим:

— Наҳотки? Ўзингни унга ачинаётгандек кўрсатма! Кўйсанг-чи, Али, бунақалар бозорда тиқилиб ётибди-ку! Алданган, ташлаб кетилган оқбаданларни истаган пайтинг сотиб олиб, ўзингнинг авлодингни давом эттираверасан!

— Ясмин бошқача эди! — деди у овози титраб.

— Йўғ-еў? Менимча эса уни соғ деб бўлмасди. Агар истасанг у билан учраширишим мумкин!

— Ахир, ҳозиргина уни ўлди, дединг-ку?

Мен кулдим:

— Тўғри! Энди эса сенинг навбатинг. Умид қиласманки, Ясмин билан дўзахда учрашасизлар! Иккингиз биргаликда оловда куясизлар...

Шаҳд билан унга шприцни уриб, дорини юбордим. Шу заҳоти кўздан йўқолдим. У ортимдан юришга уринди, бироқ оғриқдан тўхтаб қолди.

— Алвидо, Али! — дедим ортимга бир бора назар ташлаб.

Шундан кейин түгри аэропортга йўл олдим.

У ерда мени хожам кутиб турган экан.

— Нега Россияга кетаётганингни менга айтмадинг, Ойсув? — деди у мени кўриши билан.

— Мен столда мактуб қолдиргандим, — дедим айборона. — Сизни безовта қилгим келмади...

— У ерда... бир умр қолмоқчимисан?

— Мен ўз саволларимга жавоб топмоқчиман, хожам. Ўтмишни унутиш ва келажакка бардам боқиш учун тугуларни ечишим шарт. Мен ўз ўтмишим билан юзма-юз тўқнашиб, келажакда сиз билан баҳтиёр бўлиш учун ҳам шундай қиляпман!

Биз узоқ вақт жим қолдик. У мени қўйиб юборишни истамаётгани сезилиб турар, мени яна йўқотишдан қўрқарди.

— Биз араблар гарчи туюда юрсак-да, аммо на- заримда сенинг юртинг ёввойига ўхшайди. Яқинда Россияда бўлиб қайтдим, аммо у ердан саволларимга жавоб тополмадим.

— Йўқ, хожам. Бизнинг диёрни англаш учун биргина сафар етарли эмас... У ерда туғилиш керак! Баҳтсиз оиласда туғилиб, яаш учун курашиб келган мендек қизнинг сиз билан учрашиши кутилмаган баҳт эди.

Шу пайт менинг рейсим эълон қилинди. Мен ҳамон хожамдан жавоб кутардим. У мени севишини айтди ва шунинг учун ҳам мен билан бирга қўриқчиларини жўнатишини билдириди.

— Сен менинг ягона жавоҳиримсан. Сени кузатувсиз қолдиролмайман. Сени уйимизда кутаман, Ойсув, тезроқ қайт!

## **ХОТИМА**

Биз хожам билан бахтли ва ўзаро рози бўлиб яшадик. Ҳаётимизда ёмон кунлардан кўра, албатта, яхшилари кўп бўлди. Ҳаётимдан афсусланмайман. У мендан кейин бошқасига уйланмади. Мен унинг ҳаётида ягона рафиқа бўлиб қолдим. Вақт ўтиб шайхим янада бойиб кетгач, кичик ҳарам очганини эшидим. Аммо биз бу ҳақида гаплашмасдик, чунки мен унинг бу ишларига аралашмасдим. Ҳарамда шартнома асосида турли мамлакатлардан келган қизлар, улар орасида руслар ҳам борлигини айтишди. Улар хизматлари учун яхши ҳақ олиб, муддат тугагач, ватанларига қайтиб кетишарди. Мен бунга кўз юмдим, сабаби хожам ҳам менинг шахсий машғулотларимга аралашмасди.

Эрим турли давлатларда заргарлик дўконлари очди. Уларнинг кўпчилигини “Ойсув” номи билан атади. Ўзим фарзанд кўриш имкониятидан маҳрум бўлганим учун турли ҳомийлик ташкилотларига аъзо бўлдим. Шайхим билан сотиб юборилган болаларни қўллаб-қувватлаш фонди очиб, уларга кўмак бердик. Сотилган минглаб болаларни топиб, уйларига қайтардик. Қайтара олмаганимизни эса Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида қонуний яшашига имкон яратдик.

Бир куни катта-катта мовий кўзли бир қиз бизнинг ёрдам фондимиздаги полиция ходимларига гувоҳлик бераётганига кўзим тушди. У русча гапиргани учун мен ўртада таржимон бўлиб турдим.

— Бизнинг мамлакатга қандай келиб қолдингиз? — сўради полициячи.

— Мени олиб келишди... Дискотекада бир йигит билан танишиб қолдим. У менга чет элда зўр иш борлигини ва маза қилиб яшашимни айтди.

- Наҳот, ишондингиз? — дедим мен.
- Ахир, чет элда пул мўл-ку, — деди қиз.
- Агар тинчгина ортингизга қайтишни истасангиз, саволларимга тўғри жавоб беринг.

Менинг жаҳлимни чиқарган нарса, айрим қизлар бирор томонидан сотиб юборилмайди, аксинча, ўзлари катта бойлик дардида шу балоларга гирифтор бўлишади. Енгил ҳаётга интилиб, сўнг фоҳишилик қилишга мажбур бўлгач, зўр ҳаёт аслида пуч хаёллиги аён бўлади. Кўпинча бундай қизлар дискотека ёки интернетда тўрга илинишади ва катта ваъдалар оладилар. Уларга фоҳишилик билан шуғулланиш ҳақида сўз очилмайди.

— Бир савол берсам майлими? — дедим. — Қандай қилиб бегона жойларга, бу ернинг тили, удумларини билмай туриб қўрқмай келавердингиз? Бу ерда бирор танишингиз ҳам йўқ-ку?

Қиз хафсаласизлик билан елкасини учирди.

— Сўраб нима қиласиз? Улар ўзларини сотишган! Гапирганингиз билан фойдаси йўқ, — деди полициячи араб тилида. Шундай бўлса-да, мен бу қизнинг отонаси ватанида интизор кутаётган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, унга ёрдам бергим келарди.

— Кейин нима бўлди? Сизга сеҳрли мамлакатга чипта олиб беришдими? — сўрашда давом этдим.

— Бу ерда менга канизак бўласан, дейиши... Аввалига ҳазил деб ўйладим. Ҳарам ҳақидаги сериалларни кўргандим, бир кун ўзимнинг бошимдан ҳам ўтади, деб сира кутмагандим. Бунинг учун маълум муддатга шартнома тузилар экан, шундан кейингина ватанимга қайта оларканман...

— Ушбу шартномани ўқиб чиқдингизми? Қандай қилиб унинг мазмунини билмаган ҳолда кўл қўйиш мумкин?

**Қиз бирдан маңзун тортиб қолди, аввалги қатыяты  
йүқолди.**

— Машатэмиз биз билан яқындан танишгач, шартномада бадавлат инсонларга хизмат күрсатишимиз ёзилганини айтди.

— Жинсий хизматми?

Қиз билмадим дегандек елкасини учирди ва ҳали бирор-бир хизмат күрсатмаганини айтди. Унинг мақсади шу ердан бирор бадавлат ва яхши эр топиб тегиш, фарзандли бўлиш эканини билдири.

— Нима, Россияда яхши эркак топилмайдими?

— Бизда эркакларга нисбатан аёллар кўпроқ. Кўп эрлар хасис ва ожиз.

— Кейин сиз билан нима содир бўлди?

— Бизнинг соғлиғимизни шифокор текширди...

**ОИТСга ҳам қон топширдик.**

— Нима ҳақида ўйловдингиз ўзи? — дедим аччиқланиб.

— Яхши ҳарамга тушиб, одамдек яшамоқчийдим!

— Келажакда сизни нима кутаётганини билмай туриб-а? Ҳаётнинг қадрига етмаганлар, бекорчилар шундай ўйлайди, холос.

Полиция қиздан ўша савдо гарларнинг манзилини аниқлаш учун бирор белги, рақам ёки шаклларни сўради. Афсуски, қиз қочган ерининг қаердалигини билмаслигини айтди. Агар ўша жойни топсак кўплаб қизларни қутқариб қолишимиз мумкин эди.

Мен бундай қизларни айблай олмасдим. Чунки бир вақтлар ўзим ҳам эртакдаги ҳаётни орзуладим. Бахтимга, ҳаётимга хожам кириб келди, аммо ҳамма билан ҳам шундай бўлавермайди. Уларнинг гаксарияти фақат қўғирчоқ бўлиб қолаверадилар. Хожам туфайли мен бу юртда эмин-эркин юриш, истаган пайтим дўкон айланиш, гўзаллик салонларига бориш, хоҳ-

лаган буюмимни харид қилиш имконига эга бўлдим. У ёнимда экан, мен хотиржамман. Эримнинг ёнида соатлаб жим ўтириб ҳам баҳтни тужардим. У хос хонасида китоб мутолааси билан банд бўлар, мен эса ёнидаги креслода уни кузатганча ўтиришни хуш кўрардим.

— Ёнимдалигинг бирам яхши, — дерди китобдан бош кўтарган хожам. — Шундагина ўзимни тўлиқ баҳтиёр ҳис этаман. Ишонаман, нариги дунёда ҳам иккимиз бирга бўламиз. Бошқа жуфтим бўлишини истамайман.

Россияга бориб келганимдан сўнг тушундимки, тақдиримга Бирлашган Араб Амирликларида яшаш ва баҳтимни топиш ёзилган экан. Бундан қочиб бўлмайди. Айнан Жамиланинг хонадонида мен шайхимни учратдим. Унга оддий эрмак ёки каниз бўлишим ҳам мумкин эди, бироқ ҳаётидаги ягона рафиқага айландим.

— Сенга ким афзалроқ: менми ё опаларинг? — дерди Собид қизғаниш билан. Мен бунинг жавобини билсам-да, атай гапни чўзардим. Эркаклар шунаقا хилқат: ўзига эътибор беришларини, диққат марказда туришни ёқтирашади, худди ёш бола каби. Мен буни билган ҳолда хожамга бор эътиборимни бағишлардим. Ватанимда қолган биттагина опам билан эса бошқа учрашмадик. Энди Россияга боришини истамас, тинчимни шу ердан топгандим.

Бир марта ўтмишимдан хабардор бўлган журналист аёл менга савол берганди:

— Ўтмиш эшиклари очилса, унга қандай нигоҳ билан қаардингиз?

— Мен ватаним ва қондошларимни кечирдим ва дилимда адоват йўқ. Ўтмишимни тинч қўяман ва мени сотиб юборишгани ҳақида энди ўйламайман.

Энг муҳими, ҳәётимда хожам бор. Биз нариги дунёда ҳам бирга бўламиз!

Айтишадики, ота-онани ва ватани танлаб бўлмайди, у берилади. Агар олдимда шу танлов турганида, ўзгартирган бўлардим. Пешонада ёзилгани бўлади. Ҳозирда фақат жамоат ишлари билан бандман. Шу билан бирга туялар мусобақасига ҳам қизиқаман. Мусобақа вақтида туяларга қулай бўлиши учун ўзим бош бўлиб текис трасса қурдирдим.

Хадича ҳам ушбу ишларимга хайриҳоҳ. У менга кўмак беради. Биз марафондан тушган пулларни bemor ва noctor инсонларга улашамиз. Асосий машғулотим эса қушларни парваришиллашдан иборат. Ферма қурдириб, у ерда овчи бургут қушларни тайёрлата бошладим. Менинг қушларимга нафақат Бирлашган Араб Амирликлари, балки қўшни давлатлардан ҳам харидорлар чиқмоқда. Ўзим ҳам қушлар билан овга чиқиб тураман. Кўпчилик аёл кишининг ов билан шуғулланаётгани учун кулади. Тўғри-да, бу ерда эркаклар аёлларини фақат овқат пишириш ва бола туғиш учун яралган, деб санашади.

Баъзида икки маротаба баҳтимга чанг солган Али ёдимга тушади. Йиллар ўтиб, унинг азоб-уқубатда ўлганини эшитдим. У бунга лойиқ эди.

Ҳәётимда дуч келган барча инсонлардан миннатдорман. Хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилишсин, барчаси мени шу тақдирим яралишига сабаб бўлишди. Ҳатто ота-онамни ҳам мени сотиб юборганлари учун айбламайман. Умид қиласманки, ушбу ёзган китобим муҳлисларни ҳәётим билан озроқ бўлсада таништирди. Айримлар ёзганларим туфайли ўз ҳәётларининг қадрига етсалар, демак, меҳнатим бесамар кетмабди.

## **ЎН БИР ЙИЛЛИК АСИРА**

### **Биографик қисса**

Қисса муаллифи Урмила Чандхари ҳозир йигирма олти ёшда. У мунтазам ночор болаларнинг таълим олишига кўмак берувчи хайрия ташкилотларининг тадбирларида иштирок этиб келади. Урмила ёш бўлсада, кўп қийинчилик кўрган. У ўз биографик асарини ижтимоий тармоқлардаги саҳифасига жой-лагач, қизнинг ҳаётига бўлган қизиқиш кучайди. Урмиланинг ягона орзуси таълим олиш эди. Бироқ Непалдаги “камалари” анъанаси унинг орзулирига тўсиқ бўлди.

Камалари – таржима қилинганда “оғир иш қилувчи аёл” бўлиб, олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган қизларни бой оиласарга хизматкорликка бериб юбориш одатидир. Одатда, бу савдо Непалда ҳар янги йил байрамида ўтказилиб, қизлар 20–70 европга баҳоланаади. Улар бир неча йил бошқа оиласарда ишлашади. 2005 йилдан сўнг Непалда камалари одати расман ман этилди.

Асар икки қаҳрамон: Урмила ва Непалдаги болаларга ёрдам кўрсатиш ташкилоти ходимаси Зента Бергер тилидан олиб борилади.

## ЗЕНТА БЕРГЕР

*Танишув*

Мен 1998 йилда Непалда ишладим. Plan International ташкилоти мендан болаларга күмак дастурида иштирок этишимни сўради. Ушбу ташкилот ночор давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилас, эскилик сарқити, порахўрлик, илмсизлик каби иллатларга қарши курашарди. Непалга ўғлим Лука билан бордик. Ушанда ўғлим ўн тўққизга ёшда бўлиб, ўтиш даври оғир кечеётганди. Бу паллада кўплаб болалар отонаси билан тортишиб туради. Луканинг ҳали ҳаётда бирор мақсади ҳам, шахсий қарашлари ҳам мавжуд эмасди. Бу саёҳат ўғлимнинг дунёқарашига ижобий таъсир қилди ва катта мақсадлар сари бошлади.

Катманду аэропортидан меҳмонхонагача такси ёлладик. Йўл бўйлаб шаҳарни кузатиб кетардик. Кўчаларда елкасига боғлам-боғлам ўтин юклаган инсонларга кўзим тушади. Яхшилаб разм солсам, улар кичкина қизалоқлар экан. Улар дам олмай, бир-бирларининг изидан қолмай, нозик жуссасида ўзидан икки баравар оғир бўлган ўтинларни ташишарди. Бу менинг Непал қизлари ҳақидаги ilk таассуротим эди.

Одми меҳмонхонада тунаганимиздан сўнг тонгда шаҳар яқинидаги тоғда жойлашган бир қишлоқقا йўл олдик. Бу ерга келгач, гўё бошқа оламга тушиб қолгандек бўлдим. Биз аввалига маҳаллий мактабга ташриф буюрдик. Мен бу ерда икки болакай билан танишдим. Уларни чет элдаги бир оила асраб олишга келишилганди. Мен асраб олишмоқчи бўлган оила ҳақида суриштирдим. Барча ҳужжатлар жойида экан. Янги ота-она асранди болаларни яхши масканларда ўқитишга ваъда қилишди. Фарзандларини уларга

қонун йўли билан топшираётган онага эса тикув машинаси совға қилишди. Бу имконият аёлга кун кўриши учун яхшигина кўмак эди.

Мактаб кичик бир биночада жойлашганди. Унинг дераза ромлари бўлса-да, ойналари йўқ эди. Қизлардан кўра ўғил болалар кўпчиликни ташкил этарди. Ўғил болалар жуда шўҳ ва тўполончи бўлса, қизлар эса бир четда ийманиб туришарди. Қизалоқлар жуда озғин, шу билан бирга жулдур кийимда эдилар. Ташкилотимиз болалар учун совғалар ҳам келтирганди: дафтарлар, қаламлар, бўёқлар... Бундан уларнинг қувонганини кўрсангиз эди!

Бу манзарага гувоҳ бўлган ўғлимнинг кўзлари ёшланди. Шу он ўз ҳаёти ҳақида жиддий ўйлаб кўрган чоғи, кўп ўтмай Лука Вьетнамга ижтимоий соҳада ишлаш учун жўнаб кетди. Бир йил ичида у ердан тамоман катта одам бўлиб қайтди.

Ўша куни бизнинг делегация мактаб дарсларида қатнашишди. Болалар ҳаяжон билан дарсга киришишди.

— Улар ўқишини жуда исташади, — деди ўқитувчилари, — чунки фақат ўқибгина камбағаллик балосидан қутулишларини билишади. Айниқса, қизлар илмли бўлишни хоҳлашади.

Ўқитувчи, шунингдек, болалар ўз ота-оналаридан миннатдор эканини айтиб ўтди. Сабаби ҳамма ота-она ҳам фарзандларини мактабга боришига рухсат бермас экан. Кўплаб қизлар учун ўқиш бу ушалмас орзу билан teng. Машғулотлар тугаши билан қизлар мактаб қаршисидаги кичик дўкон сари шошишди. Билсам, бу ердан улар ичимлик суви ва озиқ-овқат олишаркан. Канистр тўла сувларни елкасига ортган қизлар оила аъзоларининг кундалик эҳтиёжини қондириш учун оғишмай кетиб борардилар.

Биз ҳар куни Химолай тоғларидаги турли қишлоқларни кезиш билан банд эдик. Тоғда чет элдан келган сайёхлар ҳам кўп эди. Қишлоқ аёллари бўлса сайёхлар учун қурилаётган меҳмонхоналарда мардикор бўлиб ишлашарди. Улар куни билан бошларида фишт тўла саватларни ташишар, уюлиб ётган ахлатларни тозалашарди. Бош суюгига бунчалик оғирлик тушиши уларнинг саломатлигига салбий таъсир этишини ўйлаб ичим ачиради.

Бу ерда турли манзараларга гувоҳ бўлиб, ҳар хил саволлар ўйлантиради. Аввало, мени нега ота-оналар қизларига инсондек қарамаслиги қизиқтиради. Улар қиз фарзандларига на ўқиш, на ўрганиш борасида имконият беришарди. Үғил болалар мактабда таълим олиш билан банд чофи, қизлар оғир уй ишларига кўмиларди. Жавобини ҳам топдим: чунки доим шундай бўлиб келган. Бу анъанани ҳеч ким буза олмайди. Оналар ҳам болалигидан фақат меҳнат учун яралганини билишгани учун қизлариниям шутарзда тарбия қилишади. Қизалоқлар ҳам итоаткор, улар камдан-кам ҳолатда катталарнинг сўзини икки қилишади. Онаси бирор хато қилса, отаси тарафидан аёвсиз калтакланишига гувоҳ қизлар эркакларга қарши чиқиш оқибати яхши эмаслигини англаб улфайишади. Улар оналарининг адолатсизликка қарши чиқолмаслигини ҳам кўриб-билиб туришади.

Непалнинг айрим чекка қишлоқларида қизларни болалигидәёқ бегоналарга топшириб юборишар экан: хизматкор сифатида. Йўқ, хизматкор дейиш бир оз нотўғри бўлар. Чўри, қул десам тўғри бўлади! Бой оила вакиллари бу қизларни ўйларида ҳақиқий чўри қилиб ишлатишади. Эвазига эса ота-она арзимас пул олади. Қизларнинг ўзига эса ҳеч қачон ҳақ тўланмайди. Бу анъана неча йиллардан бери шаклланиб келган.

Буни ўзгартириб бўладими? Қўлимиздан келадими бу иш?

Катта ишлар кичик қадамлардан бошланади. Бу ерга келганимдан сўнг Урмила билан танишдим. Шу тариқа иккимиз муаллифлигимизда “Ўн бир йиллик асира” номли китоб дунёга келди. Уни ўқиб, мушоҳада қилишларига умид қиласман. Ушбу қиссада Урмила ўз бошидан кечирганларини сўзлаб беради.

Қиз ва аёллар итобни ўқиб, хулоса чиқаришларини истардим. Ахир, ҳамма нарсани ижобий томонга ўзгартириш мумкин. Фақат бунинг учун сабр ва интилиш керак. Ахир, бу дунёни одамлар бошқаради, дунё одамларни эмас.

### **УЙГА ҚАЙТИШ**

*“Қиз ўстириш – қўшнингнинг даласини сугориши билан баробар”.*

**Непал мақоли**

Ҳаво жуда совуқ. Оппоқ туман ҳар тонг Непал водийларини қоплаб олади. Киприкларим намлиқдан музлагандек, бурним изғириндан қотиб қолгандек туюлади. Рўмолимни ҳарчанд юзим билан ўрамай, титрашдан тўхтамасдим. Атрофда одамлар кўп: сари ва рўмол ўраб бошига сават қўндирган аёллар, велосипед минган эркаклар, сигирлар, қўйлар ҳам бор... Қулоғимга хўroz қичқиргани, итларнинг ақиллагани эшитилади.

Мен ва опам Сарда эрта тонгда Манпурга, ота-онамизнинг уйига етиб олиш учун йўлга чиққандик. Чунки бугун Магхи байрами. Бу кунни бир неча ҳафтадан бери интиқиб кутамиз. Магхи бизнинг аҳолимиз учун Янги йил дегани. Бу кунда биз анъанага кўра кўлга бориб покланамиз. Оилада

барча йифилади: бобо-буви, ота-она, ака-ука, опасингил, хола-амма, амакиу тогаларгача. Катталар кичикларни дуо қиласы, кичиклар эса уларга ҳурмат күрсатылады. Оила йифилгач, дастурхон атрофида таомланилады, раңс тушилады, күчаларда байрам қилилады. Аёллар миллий либос кийишиб, кумуш тақинчоқларини тақилады. Гуручли вино тутган одамлар құшни ва дўстларининг уйига кириб чиқилады.

Мен ҳаммасидан ҳам ўз уйимга кетаётганимдан шод здим. Бир неча ойдан бери катта опамницида яшаб юрадым. Сабаби ота-онамницида барча фарзандлар учун егулик топилмасди. Улар камайя, яъни оддий деҳқон эдилар. Бир бойнинг ерида гуруч, картошка етиштиришар, онам баъзида уйга озроқ гуруч келтиради. Аммо кўпинча қуруқ кўл билан қайтишига ўрганиб қолгандик. Начора, оч қоринга ухлашга тўғри келарди.

Очлик гирдобидан қутулишим учун онам мени опамницига юборди. Эри ва тўрт боласи билан қўшни қишлоқда яшовчи опамницига пиёда жўнадим. Поччам бир оз бўлса-да, пул топар, шу сабаб оч қолишимасди. Опам болалари қатори менинг ҳам қорнимни тўйдираради. Мен эвазига жиянларимга қарадим. Гарчи ўзим олти ёшда бўлсан-да, уй ишларини яхши бажарадим. Опамницида гуруч есам-да, барибир ўз уйимни соғинардим.

Мана, уйгача оз қолди. Узоқдан ота-онамнинг кулбаси кўринди. У қўшниларнинг уйи олдида жуда гарип туюлади. Синиқ том устида қовоқ поялари кўзга ташланди. Ҳаво дим эди, кўшниларнинг молхонасидан анқиган ҳид уйимизни ҳам ишғол этган. Кулбамиз эшиги ёнида онамга кўзим тушди. У новдалардан супурги ясаш билан банд эди.

— Онажон! — деганча улар сари шошдим.

Онамнинг қархисига бориб, бошимни эгдим. Сўнг онам менга қўлини тутди, мен эса ўпдим. Кейин дуо қилдилар. Биз катталар билан шундай саломлашардик. Онамни кўрганимдан шунчалик қувонган эдимки... аммо қучоқлаб юзларидан ўпишга ҳаддим сифмасди. Бизда бундай қилиш мумкин эмас.

### **ХАЛҚИМ ҲАҚИДА**

Биз – тхар аҳли Непалнинг жануби- гарбий қисмida, Терай номли катта яшил текисликда истиқомат қиламиз. Ганг дарёси бизни Ҳиндистон чегараси билан ажратиб туради. Ўз тилимиз, анъаналаримиз, динимиз ва маданиятимиз шаклланган, оиласиз Ҷаудхарилар сулоласига мансуб.

Ота-онам болалик чоғларида бу ерларда безгак хасталиги ҳукм сурган. Кўпчилик шу сабаб кетиб қолган, фақат тхар аҳлигина касаллик билан курашиб шу ерни ватан қилган экан. Авлодма-авлод тхар аҳли Терай ерларини бошқариб келишмоқда. Қачонлардир бу ерлар чангалзор ўрмони бўлган бўлса, айни пайтда гуруч ва сабзавотлар етиштириладиган экинзорларга айлантирилган.

Эллигинчи йиллардан сўнг ўрмонлар қисқариб, тхар аҳолиси ерларни ўзлаштира бошлаган. Бобом, сўнг дадам ҳам деҳқончилик касбини тутди. Бойлар ўз ерларида деҳқонларни ишлатишарди. Камбағал тхарларда ернинг ўзи йўқ. Катта ер эгалари ҳаттоки, бир парча ерни деҳқон қизларига алмашишган. “Қизингни менга берсанг, шу ер сеники! Йўқ, десанг катта кўча!” деган таҳдидли таклифлар ҳақида кўп эшитганмиз. Қўлида ҳеч қандай мол-мулки бўлмаган кўплаб оилалар ёш қизларини бойларга чўри сифатида бериб юборишга мажбур бўларди. Шу тариқа қиз сотиш анъанаси бошланиб кетган.

Катта ер эгаларининг дәҳқонларга бўлган зулми 2000 йилгача давом этди. Шу йил Непалда чиқарилган қонунга кўра дәҳқонлар устидан зулм қилиш тўхтатилди. Ҳозирги кунда дәҳқонлар ижарага олинган ерда ишлаб, ҳосилнинг тенг ярмига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Шунга қарамай, оддий аҳоли учун ҳаётдаги энг муҳим нарса бу сув, ўрмон ва ер бўлиб қолаверди. Бусиз кун ўтмайди.

Бизда оила бир бутун хилқатдир. Ҳеч бир оила аъзоси ўзича иш қилмайди, бари бамаслаҳат бўлиши шарт. Бир уйда кўплашиб катта оила бўлиб яшаш одатга айланган. Агар товуқ сўйилса, ундан бутун оила аҳли баҳраманд бўлиши керак. Айрим оиласлар биргина товуқни ўн етти, йигирма, ҳатто қирқ бўлакка бўлиб, қариндош-урукقا тарқатишади. Оила аъзоларига бир луқмадан гўшт тегса катта гап.

Терайда ҳаёт патриархат жамоани эслатади. Тхарнинг ярмини ташкил қилган аёлларнинг катта қисми ўқиши ҳам, ёзиши ҳам билишмайди. Ҳар учтадан бир бола мактабга бориш ҳуқуқига эга эмас. Ўзининг содда ва тўғрисўзлиги билан халқимиз кўп адолатсизликларга дуч келган. Бир тарафдан катта ер эгалари арзимас пулга куни тун ишлатса, бир тарафдан худди мол сингари сотиб юборилади. Масалан, 1996–2006 йилларда бўлган фуқаро урушсида маоистлар тхар эркакларининг бир қисмини қириб юборган. Қиз ва аёлларни эса текин ишчи сифатида ишлатишган.

## **САВДО**

Туман ҳам тарқади. Қуёш илиқ тафти билан ҳавони исита бошлади. Қизил, сарик гуллар туфайли оламга ранг киргандек бўлди. Турфа рангли сарилар кийган аёллар бошларига катта сават қўндирганча

ўрмондан қайтишарди. Ҳар тонг аёллар чангалзордан уй ҳайвонлари учун емак олиб келишади.

Бу пайт мен кулбамиз ортида болалар билан ўйнаб ўтирадим. Икки ҳафта олдин менинг туғилган куним бўлди: олтига тўлдим. Бироқ кўринишимдан менга тўрт ёш беришарди. Бунга жуда озғинлигим сабаб.

Бир пайт уйимиз сари яқинлашиб келаётган уч эркакка кўзим тушди. Мен одамларни ҳечам бундай либосда кўрмагандим. Эркаклар костюм-шим кийган, қора кўзойнак ва бўйинбог таққан эдилар. Костюм матосининг ялтирашидан кўзим қамашиб кетгандек бўлди. Кўзойнакларига қарасанг, аксинг кўринади.

Улар ёнимга яқинлашиб онамнинг уйда бор-йўқлигини суриштиришди. Мен тасдиқладим. Оила аъзоларим меҳмонларни қарши олишди.

— Яхшимисан ўзинг, кичик хоним? Мактабга борасанми? — сўроқни давом эттирди уларнинг каттаси.

— Ҳа, — алладим мен. Чунки улар бу ҳақида нима учун суриштиришаётганини билардим. Магҳи байрами нафақат анъанавий тантана, балки камалари савдоси бўладиган кун ҳам эди. Камалари сўзининг маъноси “оғир ишга ёлланувчи аёл” дегани. Бир вақтлар бувим, онам, холаларим ва опаларим ҳам камалари бўлишган. Ҳар йил шу байрамда минглаб тхар қизалоқлари бой оиласарга камалари сифатида сотилади. Магҳи байрамининг ажралмас одати бу. Опам Сарда ҳам бир пайтлар шаҳар меҳмонхоналарининг бирида чўри бўлиб ишлаганини оғир таассуротлар билан хотирларди.

— Ярим тунгача таом тайёрлар, сўнг идишларни ювардим, — дерди опам. — Ошхона полида ухлар, тушликда эса меҳмонлардан қолган овқатларни ейишга мажбур эдим.

Агар мактабга бормаслигимни айтсам, бу эркаклар мени ҳам камалари сифатида олиб кетишларини тахмин қилдим.

— Келинойинг-чи? У касал эмасми? — сўради меҳмон.

Катта акам Омарнинг хотини Бисрами бир неча ҳафтадан бери ошқозон оғриғидан шикоят қилиб келарди. Қайт қилавериб ҳоли қуриган, шу сабаб уйимиз ёнидаги бўйрада чўзилиб ётарди. Меҳмонларнинг унга кўзи тушган бўлса керак.

— Агар биз билан кетсанг, акангнинг келинойинг учун дорилар сотиб олишга қурби етарди... — гапини изоҳлади эркак.

Меҳмонлар, онам ва акам кўз узмай менга тикилишди. Мен эса ер чизиб туравердим. Чалғиш учун оёғимга илиб олган чипта кавушимга тикилдим. У чангалзор ўрмонларидағи новдалардан ясалган, боғичли эди.

— Менинг ҳақиқий оёқ кийимим бўлмаган сира, — дедим гапни айлантириб. — Бугун эса байрам, бу кунни узоқ кутдим.

Эркакларнинг ёшроғи ҳамёнини чиқариб, бир даста пул олди ва ундан эллик рупийни ажратди. Ўшанда оддий шиппакнинг нархи ўттиз рупий турарди. Шунга қарамай, мен бошимни сарак-сарак қилдим:

— Йўқ, менга пулингиз керак эмас. Менга акам шиппак олиб беради.

Бу билан мени сотиб олишга уринаётганини англаш турардим. Эркак пулни акамга берди. Акам бир муддат пулларни қўлида фижимлаб турди. Сўнгра:

— Жаноб, агар менга тўрт минг рупий берсангиз, синглим сизлар билан кетади, — деб қолди.

Акам гапини якунлади, мендан кўзларини олиб қочди. Мен эса қўрқиб кетдим. Икки ой аввал отам

## Урмила ЧАУДХАРИ

бетоб бўлиб қолганида, акам дори-дармон учун бирордан тўрт минг қарз олганини билардим. Бир неча кундан бери қарз эгаси уйимизни тақиллатиб безор қилганди. У доим:

— Агар эртагаёқ пулимни қайтармасанг, уйингдан ҳайдаб чиқараман! — деб дўқ қилиб кетарди.

Омар ёнимга чўкиб деди:

— Мен бу пулларни қарзимга тўлайман. Бунинг учун озроқ ишлайсан, синглим. Кейин сени Катмандудаги мактабга жойлаймиз, бўптими?

Умид билан онамга тикилдим.

— Мен аралашолмайман, қизим. Барини аканг ҳал қиласди...

Эсимни таниганимдан бери сувдан қўрқаман. Балки ёмғирлар мавсумида одамларни сув оқизиб кетганига гувоҳ бўлганим учундир. Ўрмондан ёғоч ташийдиган бир деҳқон кўз ўнгимда шиддат билан оқиб келаётган пўртана лойқа сувда чўкиб ўлган. Шушу сувга тушишга жуда қўрқиб қолганман. Шуларни ўйлаб, Омарга ялиндим:

— Ахир, шаҳарга кетиш учун дарёдан ўтиш керак... мен ўта олмайман.

Онамга ҳам жон кириб мени ҳимоялашга уринди:

— Ҳа, Омар, биласан-ку, синглинг сувдан жуда қўрқади. Уни дарёning нариги четига жўнатмасанг бўларди.

Аммо Омарнинг жаҳли чиқди:

— Бунақа деяверсангиз, қизингиз ишлашдан бўйин товлаб юраверади! Уйда кун бўйи бекор ўтиравермайди-ку? Агар истамасанглар, қарзни ўзларинг узинглар! Урмила, агар улар билан кетсанг, ҳаммамизга яхши бўлади. Ахир, оиласизда барча ишлайди, сенам ўз ҳиссангни қўшишинг керак-ку...

Меҳмонлар жўнаб кетгач, Омар ҳам йўқолди. Бир соатдан сўнг қайтиб келди ва қўлимга кичкина резина шиппак тутқазди. Яп-янги, ўзимга лойик келган

шиппак бирам юмшоқ ва қулай эдики. Аввалига унда юриш ғалати туюлди, сакрасам ё югурсам ечилиб кетаверди. Шунга қарамай аллақандай қувончга тұла әдим. Кечки пайт тинмай рақсга тушганимиздан сүнг барча қишлоқдошларимга шиппагимни мақтаниб чиқдим. Фақат овқатланиш пайти ечиб қўйишга тўғри келди. Байрам дастурхонимиздан ширин жўхори ўрин олганди. Уни жуда яхши кўрардим. Уйқуга кеч ётдик. Кулбамиздаги бўйрада, онам ва опамнинг ўртасидан жой олдим. Акам ва отам ҳам ухлаб қолишли. Бугун катталар гуруч виносидан тотгани учун тез пинакка кетишли. Мен бўлса ҳамон уйғоқ, уй бурчагида ўйнаб юрган икки каламушга қулоқ тутганча жим ётардим. Хаёлимда кетайми, кетмайми, деган савол фужрон ўйнарди. Катмандуда бир ўзим қандай яшайман? Бегона уйда? Лекин онам, акам, отамнинг қарзлари, менга доим меҳрибонлик қиласиган Бисрами-чи? Уларга ёрдам беришим керак, ахир...

## ЎЗИМ ТЎҒРИМДА

1996 йилнинг Магхи байрамигача менинг сокин болалигим қўй-кўзилар, ўрдагу фозлар, сигир ва кучуклар қуршовида, кенг ва ям-яшил далада ўтарди. Мен Манпурнинг Данг водийсида Непал тақвими бўйича 2016 йил 8 августда туғилганман. Бу халқаро тақвимга кўра 1989 йилнинг 23 ноябрига тўғри келади.

Оиламиизда мендан ташқари олти фарзанд бор: иккита опам Сарда ва Витхила, акаларим Омар, Говинд, Хари ва укам Гуру. Отам Фул Чат Чаудхари, онам Тхал Ши Две азалдан деҳқончилик қилиб келишади. Улар бошқа минглаб ночор қишлоқдошларимиз сингари катта ер эгасининг даласида ишлашарди. Деҳқон оиласида барча фарзандлар ишлашга

мажбур. Мен ҳам отамга ёрдам бериш учун молларни чангалзорга ўтлатишга бирга чиқардим. Онам бўлса, катта ер эгасининг хонадонида ишларди. Уй ишларига келсак, менинг вазифам жиянларимга кўз-кулоқ бўлиш, гуруч тозалаш, сув ташиш, картошка қазиш, ўтин йифиш, молларимизга ем беришдан иборат эди.

Бўш вақтим кам бўлса-да, топиларди. Шунда қўшни болалар билан резина тўпча ўйнар, аргамчидаги сакрардик. Айрим пайтлар укам Гуруга қўшилиб кечки мактабга бориб турадим. Шу баҳона ҳеч бўлмаса, непал алифбоси ва рақамларни ўрганиб олгандим. Кундузги мактабга ҳечам бормаганман. Бизга ўхшаган тхар деҳқон болаларига кундузги таълимга йўл бўлсин? Умуман, мактаб даргоҳига aka ва опаларим, ота-онам ҳам қадам босишимаган. Бобо ва бувиларим ўта камбағал бўлгани учун бўлса керак, кўпинча оддий кундалик эҳтиёжлар учун пул топилмай қолади. Ахир, кичик кулбада ўн бир кишининг яшashi осонми? Туфишган оила аъзоларимдан ташқари, келинойиларим, жиянларим ҳам бор-да. Шу сабаб ҳам онам мени тез-тез опамниги жўнатиб туради. Икки опам ҳам жуда эрта турмушга чиқиб кетишган.

Бизнинг Манпур Непалнинг жанубий қисмида, Тарай паст текислигига жойлашган. Жуда олисдан Ҳимолай тоғларининг оппоқ қоялари кўриниб туради. Кишлогимиздаги Рапти дарёси ўзани қумларга тулашиб кетган. Ҳар йили ёмғирлар мавсумида дарё ўзанидан тошиб, одамларнинг яшаш жойларига хавф солади. Бу дарё чангалзордан оқиб келади. Аслида бу катта чангалзор ўрмон айни пайтда Ҳиндистон таркибиға киради. Кишлогимизга бирор автомобиль адашиб кириб қолмаса, ўзи йўқ ҳисоби. Онда-сонда мопедга кўзингиз тушади. Манпурда ягона фишин уй бор бўлиб, қолганлари лойдан қурилган эди.

Манпурда йил гүё иккига ажратилган: ҳосил экиш ва ҳосил йифиш даври. Июндан сентябргача баркха, яъни ёмғирлар мавсуми давом этади. Жазирама нам ҳавода тирик жон борки, ўзини панага уради. Ҳаводан гүё қизил тутун чиқаётганга ўхшайди, нафас олсангиз, иссиқдан ичингиз ёнади. Ёмғирлар мавсумида одамлар ўзини ва уйини ҳимоялашга ўтади. Далада ишлаганларида ҳам устларига целлофан қоп кийиб олишади. Уйлари олдини дамба билан тўсишади. Йўқса, шошқин дарё ҳаммаёқни пайҳон қилиб кетиши мумкин.

Болалигимдан бери ҳар йили ёмғир мавсумида соябон билан ухлашга ўрганганмиз. Кечаси қуйган шаррос ёмғир томи тешик кулбамизни сувга бўктирарди. Шунинг учун барчамиз соябон остида ётар, уй бурчакларига эса тоғора қўйиб чиқардик. Тоғорага чак-чак томаётган ёмғир товушидан уйқунинг ҳам мазаси бўлмасди. Афсуски, ёмғирлар мавсуми тугагач ҳам асорат қолдириб кетарди. Кўпинча шундан сўнг касалликлар тарқаларди. Масалан, дизентерия ёки менингит. Ҳар йил шу хасталик туфайли Терайда уч-тўрт минг бола нобуд бўларди. Онам шу болалар учун шам ёқиб ҳақларига дуо қилганини эслайман. Икки йил аввал давлат эмловни жорий қилганидан бери болалар ўлими анчагина пасайди.

Ёмғир тўхтагач, икки ҳафта ўтиб водий яшилликка бурканади. Бу менинг энг севимли паллам. Октябрь-ноябрь ойларида гуручни йифиб олиш бошланади. Бу мушкул юмуш, фақат аёллар бажаради. Йифилган гуруч қопларга жойлангач, сўнгра курмагидан ажратиш жараёнига ўтишади. Бу ҳам қўлда бажариладиган аёллар ишига киради. Онам барчага тушлик тайёрлаши учун анча-мунча гуруч кетарди. Шунинг учун унинг ўрнига кўпинча жўхори уни, ёрма, тўйимли илдиздан таомлар пишириб берарди.

Февралга келиб эса ердан рапса йифиб олинади. Ундан мой тайёрланади. Мойсиз овқат тайёрлашнинг иложи йўқ. Қиши бўйи шу мой жонга оро киради. Кейинроқ буғдой, жўхори, картошка, нўхат ва бошқа донлар йифим-терими бошланади. Хуллас, далада доим иш қайнайди.

Бизда январь ва февраль жуда совуқ келади. Бундай пайтларда кулбамиздаги олов атрофига йифилиб қунишганча ўраниб ўтирамиз. Иссиклик таъминоти, иссиқ сув деган нарсалар йўқ. Совуқда ҳам насос орқали ер остидан чиқарилган совуқ сув ёки дарёда ювинамиз. Иссик оёқ кийими ҳам кўпчиликда топилмайди. Бундай ҳаёт тарзига барчамиз ўрганиб қолганмиз. Йўқчиликка қарамай, Манпурда жуда баҳтиёр эдим. Аммо Магхи байрамидан сўнг шу баҳтим поёнига етди...

### **ХАЙРЛАШУВ**

Эртасига тонгда исиниш учун олов ёнида ўтирган пайтим ҳалиги эркаклар яна келишди. Қишлоғимизда тунаб қолишган кўринади. Бу сафар улар мен ва онам билан гаплашишмади, тўғри акамнинг ёнига боришли. Омарга ҳозир тўрт минг рупий беришлари, кейинчалик яна икки-уч минг тўлашларини айтишли. Эркакларнинг энг каттаси пулларни акамга тиқиширди.

Ҳорғин акам бўлса, “хўп, у сизларга”, деди.

Бу гапни эшитиб уйдан сирғалиб чиқдим ва қўшнимиз эшиги ортига, эчкилар орасида яшириндим. Акам мени бир неча бор чақирди. Афсуски, қўшним мени сотиб қўйди:

- Урмилани излаётган бўлсанг, у молхонамиизда.
- Урмила! – қатъийлик билан чақирди акам. Итоаткорлик билан уларга яқинлашдим.
- Агар мени ва оиласизни ҳурмат қилсанг, улар

билин кетасан. Шунда биз қарзлардан қутулиб, келинйингга дори ҳам оламиз. Биз учун рози бўл. Барчамизнинг мушкулимизни енгил қил.

Танлашга имкони бормиди? Буни тушуниб, ҳашамдор эркакларга боқдим. Қора кўзойнак таққан меҳмонлар мотоциклларини ўт олдириши ва жўнаб кетишиди. Тушликдан сўнг акам буюмларимни йифишимни айтди. Онам йиғлай бошлади. Мен рўмолимни ўраб, кўк курткамни кийдим. Эгнимда узун кўйлак ва шалвор бор эди. Шулардан бошқа буюмим ҳам йўқ. Бисрами онамга қўшилиб кўз ёш тўқди. Мен ҳам ҳиқиллай бошладим. Омар қўлимдан ушлаб уйдан олиб чиқиб кетди. Мен қадрдан кулбамдан борган сари йироқлаша бошладим.

Қуёш чангалзор ортига ботмоқда. Далаларда чигирткалар овози барадла эшитилиб турар, қишлоқ уйлари ҳар доимгидан ғарип кўринарди. Кучуклар акиллаши, сигирларнинг кавшаниши, улоқчаларнинг шаталоқ отиши энди мен учун бегона бўлади. 1996 йилнинг январь ойидан сўнг ҳаётим буткул ўзгариб кетди.

Йўл бўйи йиғлаб кетдим. Ҳиқиллайверганимдан бурним битиб, нафас олишга қийналардим. Аммо ҳолатим билан бирорвонинг иши йўқ. Қишлоғим ёнидаги Ламахи шаҳарчасига етиб боргунча икки соат пиёда юрдик. Қадамларим секинлашса, Омар қўлимни силтаб тортарди. Кун тезда ботди. Аммо мен қоронгиликдан қўрқмасдим. Хаёлимда фақат қандай қилиб дарёдан ўтиб олиш муаммоси кезарди. Умримда дарёнинг нариги ёғига ўтмаганман. Оиласиздан ҳеч ким қишлоқдан нари ҳам чиқмаган. Энг узоққа тушган опам Сарда ҳам қўшни қишлоқда турарди. Ҳозир акамга қўшилиб Сарда ҳам мени кузатишга чиқкан. Лекин опам билан йўл бўйи гаплашмадик. Хайрлашув вақти келгач, у мени қучоқлади.

— Ўзингни асра, миттигина сингилжоним!

Ҳарҳолда, опам олдинда мени нима кутиб турганини биларди. Ахир, неча йиллар камалари бўлиб ишлаган. Мен опамга қаттиқ ёпишиб олдим. Аммо Омар бизни ажратди. Опамнинг қишлоғи ёнидан дарё бошланади. Рапти дарёси худди йирик илонга ўхшаб тўлғонарди. Танимда титроқ турди. Бу дарёга чўкиб ўлишим аниқ. Ахир, сузишни билмайман. Атрофимдаги бошқа болалар эса дарё сари илдам кетишарди. Чўчиганча уларнинг ортидан эргашдим. Дарё суви муздек эди. Унга оёқ ташлашим билан сесканиб кетдим.

— Йўқ, — бақирдим, — илтимос, Омар, дарёга туша олмайман!

Лекин акам гапимни эшитмай, мени олға юришга ундали. Шалворимни кўтариб бир оз юрдим. Сув тиззамга келгач, юришга қийналиб қолдим. Шунда Омар қўлларимдан ушлаб, опичлаб олди. Аммо совуқ сув заҳридан оёқларим ҳеч нимани сезмасди. Хайриятки, дарё чуқур эмас экан. У акамнинг кўкрагидан келарди. Кўзимни маҳкам юмиб, тезроқ нариги соҳилга ўтиб олишимизни кутардим. Етиб келгач, акам мени ерга туширди.

Кийимларимиз буткул ҳўл эди. Шаҳарчага етгунча яхлаб қолдим. Тишларим такиллар, шунга қарамай янги жойларни кузатишга улгурадим. Бу ерда кўплаб шоҳобчалар, бозор расталари, дўконлар бўлиб, уларда қишки кийимлар, кумуш радиоприёмниклар, бир марталик шампунлар, турли рангдаги уч филдиракли велосипедлар, фарчли крассовка, ялтироқ тўғноғичу зираклар, мазали кекс ва оловранг лимонадлар кўзга ярқ этиб ташланарди.

Мен бу буюмларга ҳайрон бўлиб қараб кетардим. Бунақа нарсаларни авваллари сира кўрмагандимда. Йўл бўйида тўпланган одамлар мўъжаз ош-

хоначада пиширилган гүшт ва сабзавотли пи-рожки ейишарди. Атрофни мой, пиёз, чой иси тутиб кетганди. Катта майдонда одамлар шаҳарлараро автобусларни кутишарди. Қаттиқ сигнал чалиб келган автобусга оломон таппа ёпишар, сифмаганлар эса томга чирмашарди. Автобусга минаётганлар орасида катталар билан бирга келган мен тенги қизлар кўп эди. Баъзан улар билан нигоҳларим тўқнашарди. Қизлар ҳам мен каби ҳуркак ва ожиз эдилар. Демак, менга ўхшаган камаларилар кўп экан-да, ўйладим ичимда.

Акам бир жуфт мандарин харид қилди ва биттасини менга тутқазди. Шундан сўнг йиглашдан тўхтадим. Биз исиниш учун очиқ гулхан ёнига чўқдик, мен мандаринни иштаҳа билан паққос туширдим. Ниҳоят, бизнинг автобус келди. У Гхорахига олиб боради бизни. Баҳтимизга охирги ўриндиқни эгаллашга муваффақ бўлдик. Автобус лиқ тўлиб, томдан ҳам йўловчилар ўрин эгаллагач, улов жойидан силжиди. Автобус тоғдан ўтаётганда бошим айланиб, кўнглим айниди. Сабаби аввал сирам автоуловга минмагандим.

*Дарёning нариги тарафида  
Нега у ерларга кетмоқдаман мен?  
Нечун қиз бола яралдим, азизларим, оҳ!  
Тонгдан тунгача тиним билмасмен,  
Ўғил бола бўлсам, ўқисам, эй, воҳ!*

### *Тхарлар қўшиғидан*

Гхорахига етиб келганимиздан сўнг бу ернинг ҳайбати мени янада чўчитди: кўп қаватли уйлар, катта дўконлар, машиналар, оломон бисёр эди. Бизнинг қишлоқдан келаётган яна бир қизча ҳамроҳлигидаги эркак акам билан сухбатлашиб кетарди. Биз атрофи тош девор билан ўралган катта сариқ уй қаршисида

тўхтадик. Уч қаватли уйда жуда кўп деразалар бор эди. Боғда эса шийпон бўлиб, баланд мусиқа садолари янграб турарди. Ичкаридан одамларнинг кулгиси, идишларнинг тарақ-туруқи, қадаҳлар урилиши эши-тиларди.

Биз жигарранг эшик қаршисида тўхтадик. Акам ва ҳалиги эркак бир-бирига қараб қўйиши. Омар оҳисталик билан эшикни қоқди. Бир мунча кутганимиздан сўнг эшикни бир хизматчи очди. Омар ташриф сабабини айтгандан сўнг у бизга кутиб туришимизни айтиб эшикни ёпди. Сал ўтиб қишлоғимизга келиб кетган кечаги эркак эшикни очди ва бизни ичкарига таклиф қилди. Шошганча ичкариладик. Омар ҳам бу ерда бир оз саросималанганини пайқадим.

Бу сариқ уй Гхорахидаги бир бадавлат кишига тегишли экан. Шу куни барча қариндошлар, қўшни ва дўстлар йиғилиб, тўй қилишаётганди. Непалда тўйлар бир неча кун давом этади. Албатта, бунга бой оиласарнинг қурби етади. Боғ ва уй ичи безак ва гуллар билан ясантирилган, одамга лиқ тўла эди. Аёллар ярқироқ сари кийиб олишган, эркаклар бўлса костюмда. Ҳатто ёш болалар ҳам малика ва шаҳзодадек ясаниб олишганди. Фақатгина келинчакнинг юзи тунд кўринди. У тўрда қизғиш тилларанг кўйлагида ястаниб ёлғиз ўтиради. Худди қўғирчоқдек безантириб қўйишибди. Қўлларига хинодан гуллар чизилган. У гўё бу одамларга бегонадек фариб кўринди кўзимга.

Омар шошганча, ҳалиги эркакка бир нималар деди. Сўнг менга ўгирилди:

— Мана бу қизча билан ҳов анави жойда жимгина ўтиринглар. Катталар нима деса шуни бажаргин, тушундингми? Менга ваъда берасан-а? Майли, хайр энди, Урмила. Яхши қол...

Акам шундай дедио, мени ташлаб кетди. Гома исмли шеригимнинг ҳамроҳи ҳам акамга эргашди. Эшик ёпилгач, ёлғизлигимизни теран англадик. Бизга ҳеч ким эътибор қиласди. Барча тўй шодиёнаси билан банд эди. Мусиқачилар ҳиндча куй чалар, ёшлар эса рақс тушарди. Столда шамлар ёниб турагар, бир четда сихли кабоблар пишарди. Кўпчилик стол атрофида ўзаро еб-ичиб гаплашиб ўтиришарди. Меҳмон болалар боғда ўйнашаётуб биз томонга биринки марта қизиқсиниб қараб қўйишди.

Мен ўлгудек чарчаган эдим. Ерга ўтирганча ҳеч ким безовта қилмагач, шовқин бўлишига қарамай ухлаб қолибман. Бир пайт қандайдир аёл елкамдан туртди:

— Мен билан юринглар, — деди йўл бошлаб.

Мусиқа овози тинганди. Аёл бизни ошхона ёнидаги бўлмага олиб кирди. Шу ерда ухлашимиз мумкин экан. Қорнимиз оч ёки тўқлигини ҳам сўрамай, бизни тарқ этди. Очликдан ҳам кўра уйқу босарди. Ҳатто йиғлашга ҳам кучим етмади. Бўлмадаги бўйрага чўзилиб Гома иккимиз бир-биrimизга суюнганча пинакка кетдик. Хона совуқ бўлгани учун рўмолимизни ёпиндик.

Эртасига билганим шу бўлдики, тунов куни уйимизга келган басавлат эркак мени қизига совфа қилиш учун сотиб олган экан. Бу катта хонадон ўша эркакка тегишли бўлиб, кечаги тўй унинг ўғлиниги экан. Укасининг тўйига менинг янги соҳибам ҳам келганди. Унинг исми Зита дейишиди. Биринчи марта кўрганимда у сари эмас, ўртacha калталикда мовий кўйлак ва блузка кийиб олганди. Зита бу ерга бир дунё жомадон билан келган экан. Унинг катта шаҳардан экани кўриниб турагарди. Илк учрашивимиз бир неча дақиқадан ошмади. Отаси бизларни таништириди.

— Исминг нима? — сўради аёл.

## Урмила ЧАУДХАРИ

— Урмила, — дедим секин.

Аёл кулди:

— Ахир, у жуда оғзин ва нимжон, қандай қилиб иш қиласди? — Отасидан сўради у.

— Зарари йўқ, ўрганиб кетади.

Зитанинг болалари ҳам у билан келган экан. Мендан ёшлари бир оз кичик.

— О, салом, хизматчи қиз, — деб саломлашишиди улар. Зита менга мандарин тутқазди.

— Ма, бу сенга. Биз у билан чиқишиб кетамиз, — деди отасига қараб.

Шундан кейин Зита қолган меҳмонларнинг ёнига кетди.

Кейинги кунлар ҳам тўй давом этгани учун мен шу ерда ўтиришимга тўғри келди. Ҳар куни кўплаб меҳмонлар келиб-кетарди. Ибодатхонага бориш учун тайёрланган жип машина ва келин-куёвнинг от-араваси ҳам рангли гуллар ва пальма барглари билан безатилганди. Бунақа ҳаёт фақат эртакларда бўлса керак, деб ўйлардим.

Бу хонадонда иш қилдиришмади. Ҳамма тўй билан банд бўлиб бизга эътибор беришмагани учун ҳатто соҳибамнинг болалари билан бир оз ўйнадик ҳам. Кўпинча эса Гома билан бир четда одамларни кузатиб ўтирадик. Гома аввал ҳам бир хонадонда ишлаган экан. У жуда камгап эди. Мен бўлса ўз уйимни, онам ва ака-опаларимни соғинардим. Гома мендан каттароқ бўлгани учун тажрибали эди. Баъзан кир ювиш қоидаларини тушунтиради.

Эртасига эрталаб хизматчи бизга Непалнинг миллий таоми бўлмиш дхал бхат келтирди. Бу чечевица соусли гуруч эди. Жудаям оч эдик, ахир кеча мандариндан бошқа нарса еганим ҳам йўқ. Мис идишдаги таомни пақкос туширдик. Ҳар кун

тўйдан кейин дастурхонда бир дунё озиқ-овқат ортиб қоларди. Шу куни ейиш учун егулик сўраганимизда дастурхондан тотинишимизга рухсат беришди. Мен биринчи бўлиб банан, мандарин ва ширинлик олдим. Чунки бизнинг Манпурда бундай егуликлар йўқ эди.

Бу сариқ уй мени ҳайратга солишда давом этарди. Ошхонада умримда кўрмаган турли жиҳозлар, музлатгич, гуруч пиширадиган печ, шунингдек, баланд зинапоялар, ётоқхона эшиклари ҳам ажойиб эди. Иккинчи кундан менга Зита опанинг ётоқхонаси полида ухлашимни айтишди. Хона бўлмамиздан кўра иссиқ ва кенг эди. Бу ерда жигарранг жавон, қутилар, чармли диван, чиройли гилам, тилла буюмлар, биллур вазалар, телевизор, кресло, мусиқа тўплами ва кўплаб ичи тўла пакетлар жойлашганди.

Айтганча, янги келин-куёв тўй совфаси сифатида мопед ва менга ўхшаган камалари хизматчини қабул қилишди. Бир марта бизга бека иш ҳам буюрди: у яқинларидағи бозорчадан салат ва кориандр олиб келишимизни айтиб йигирма рупий пул тутқазди. Илк вазифамга масъулият билан ёндашдим.

Икки кундан сўнг кетадиган бўлдик. Гома шу уйда қолди. Зита, унинг болалари, бир неча қариндошлар автобусга минишди. Биз Гхорахидан Катмандуга йўл олдик. Ўн соатлик йўлдан эсда қолгани, бу – совуқ ҳаво эди. Мамлакатимиз пойтахти Катмандуни ўзимча тасаввур қиласдим. Бизнинг қишлоқдан ҳеч ким пойтахтда бўлмаган. Аммо жуда катта, сераҳоли жой деб эшигтанман. У ерда ҳаётим қандай кечаркин? Бой одамлар ўқишимга рухсат беришармикин? Гхорахидаги каби катта уйда яшармикинман? Оиласми яна кўра олармикинман?

## **ПОЙТАХТДАГИ ҲАЁТИМ**

Катмандуга кириб келганимизда тонг ёриша бошлаган, атрофни қуюқ туман қоплаганди. Автовокзал одам ва уловларга лиқ тұла зди. Кимдир автобусга минар, кимдир тушар, үзаро бир нималар деб қичқиришарди. Құрққанимдан Зитанинг пинжига кириб кетдим. Катмандуда ҳаво жуда совуқ деңишарди, рост экан. Тишим такиллаб қолди. Бошка одамлар қалин куртка, этик ва шапка кийиб олишганди. Менинг шиппак илган оёқларим эса изғириндан қотиб қолганди.

— Қани, кетдик энди, — буюрди Зита. Мен уйгача пиёда кетамиз, деб үйлагандим. Аммо бекам такси тутганини күриб қувониб кетдим. Машинадан күчани кузатарканман, бирорта дарахтга күзим тушмади. Ҳаммаёқ баланд бинолар билан қуршалган. Бизнинг Манпурга үхшаб хўroz қичқирмайди, жониворлар маърамайди.

Такси баланд бино қаршиисида тұхтади. Бу ерда лифт деган нарса бор экан. Кўзгу билан қопланган тўртбурчак қутичага кирганимда қўрқув босди. Эшик ёпилгач, бу ерга қамалиб қолдик, деб үйладим. Сўнг катта қути жойидан силжиди. Зитанинг болалари Паия ва Моха ҳолатимдан кула бошлиши.

— Бу қишлоқ қизи сира лифтда юрмаган кўринади!

Эшик очилгач, кўнглим тинчиidi. У ердан чиқиб, тўғридаги уй эшигини жиринглатишиди.

— Биз ўзимиз билан хизматкор олиб келдик! — дейишиди болалар эшикни очган бувиларига.

— Жуда яхши бўлибди-ку! — қувонди буви ҳам. — Исминг нима?

— Урмила, — дедим мен секин.

— Корнинг очиққандир?

— Ҳа, озроқ...

Үйга киргач, кампир менга бир стакан сут ва кекс келтирди. Шундай меҳрли оиласа тушганимдан ичимда мамнун бўлдим. Стаканни қаерда ювишни сўрагандим, Зита:

— Ҳозир ювишинг шарт эмас, бир оз дам ол, — деб жавоб берди.

Шундай деб бекам менга уйни таништири: газ плита ва музлатгичли ошхона, малла диван ва стол жойлашган меҳмонхона, айвон, ванна ва ҳожатхона. Барча хонанинг чироқлари ёниб туришидан ажабландим. Уйимизда бирорта мебель йўқ эди. Биз ерда овқатланар, бўйрада ухлардик. Озиқ маҳсулотлари қопда турарди. Уйимиздаги ёғоч синчда бўлса каламуш, чаён ва қўнғизлар ин қурганди.

Телевизор ҳақида эшитгандим. Унда ҳар хил суратлар қимиirlаб тураркан. Бу ғаройиб қутида одамлар куйлар, рақс тушар, футбол ва голф ўйнашарди. Ниҳоят, ётоғим билан таништиришди. Мен ҳалиги кампирнинг хонасида, полда ухрайдиган бўлдим. Бу хонадонда ўн икки киши яшар экан: Зита икки боласи билан; унинг акаси, хотини ва болалари; синглиси, почкаси ва унинг фарзандлари ҳамда Зитанинг қайноаси. Мен ўн учинчи бўлиб кирдим.

Барча оила аъзоларига ҳурмат кўрсатиш им, Зитани бекам деб аташим лозим экан. Зита менга маҳсулотлар харид қилиб келишим учун бозорчани ҳам кўрсатди. Сўнг ичимлик суви ташиш учун қудуқни таништириди. Катмандуда ҳам тоза сув муаммо экан. Уйимиз ёнида катта оқ саройга кўзим тушди. Бу ҳинд элчиноаси экан.

Эртасига тонгда мени дўконга сут олиб келиш учун юборишиди. Картон қутили сутни олгач, кўча бўйида фир-фир ўтаётган машиналарни кузатганча қолиб кетдим. Йигирмагача санаши билганим учун уларни санаб турардим. Шунча одам машиналарда

қаерга кетаяпти экан? Ҳаммаси жиддий ва тунд. Ерда бирорта ўсимлик кўринмайди. Бу ернинг ҳавоси дим ва тутунга тўла эди. Кўпчилик бурнига ниқоб танғиб олган. Дўконларда турли маҳсулотларнинг рекламаси илиб ташланган. Олиб сотарлар бўлса, кўча бўйлаб қўлқоп, пайпօқ, қулупнай, ёнғоқ ва тамаки сотиб юришарди. Катмандуда ибодатхона кўп эди. У ерда катта Будда ҳайкаллари, ҳинд маъбуллари турфа рангларда товланишарди. Сайёҳлар жамоаси ҳам кўп учарди.

Кейинчалик машина санашга ҳам вақт етмай қолди. Зита ва унинг оиласи менга янги юмушлар юкларди. Аввал, идиш тозалаш, сўнг кир ювиш... улар бир кунда бир уюм бўларди. Идиш ва кирларни қўлда, совуқ сувда ювишим лозим эди. Қишлоқ каби катта шаҳарларда ҳам иссиқ сув муаммо эди. Оилам билан бир-биримизнинг пинжимизга кириб ухлашга ўрганган эканман, бувининг хонасида бўйрада ёлғиз ухлашга кўниколмадим. Уйни соғиниб кўп йифлаб олардим.

Оила аъзолари бу кампирни суйишмайди. Балки қишлоқдан чиққан одми аёл бўлгани учундир. Кўпинча бувини мазах қилишар, меҳмон келганда эса хонасидан чиқишига рухсат беришмасди. Буви менга яхши муомала қиласди. Баъзида мени кекс ва мевалар билан сийлаб турар, сабаби оила соҳиблари менга тузук овқат беришмасди. Оч қолган вақтларим буви узатган ўрик ёки бодом жонимга оро киарди. Бошқалар кўриб қолмаслиги учун жавон ёки ҳожатхонага беркиниб еб олардим. Йўқса, буви ҳам мени деб балога қоларди.

Оила аъзолари нонушта, тушлик ва кечки овқатни чиройли катта столда қилишар, мен эса улардан органини ошхона полида ўтириб еярдим. Аввалига

таом тайёрламасдим, сабзавотларни арчиб, гуруч ювардим. Овқатни уйдаги аёллар қилишарди. Уйдаги аёллар ичидә фақат Зитанинг акасининг хотини бир фирмада ишларди. Қолган аёллар ишсиз бўлса-да, куни билан дўкон айланишар, салон ёки меҳмонга кетишарди.

Зитанинг эри бир неча йилдан бери Японияда автомобиль фирмасида ишларкан. У доим пул жўнатиб турар, уйдаги харажатлар шунинг ҳисобидан бўларди. У ҳафтада бир марта қўнфироқ қилас ва хотини билан қисқагина гаплашарди. Лекин Непалга сира келмасди. Бу ерда ўтган йилларим давомида Зитанинг эрини кўрмадим.

Уйдаги ҳамма болалар мактабга қатнарди. Мен Зитанинг қизи ва ўғлига кўз-қулоқ бўлиб юрадим. Моҳан тўрт ёшда бўлиб, мактабгача тайёрлов муассасига борарди. Опаси Паия мендан икки ойлик кичик бўлиб, биринчи синфда ўқирди. Болаларнинг кийимларини тайёрлаб бериш менинг зиммамда. Кўпинча ҳожатхонага кириб чиқишигач, менинг юмушим кўпаярди. Билсангиз, Непалда ҳожатхонада қофоз ишлатилмас, сувда таҳорат олинарди. Аммо сув муаммо бўлгани учун бу уйдаги болалар, ҳатто катталар ҳам ҳожатда тозаланишмасди. Ифлосланган ич кийимларни ювиш эса камалари, яъни менинг вазифам эди.

Болалар хонаси ўйинчоқлар билан лиқ тўла эди: машиначалар, кўғирчоқлар, тўплар, рангли қаламлар. Умримда бунақа нарсаларни кўрмаганим учун уларга жуда қизиқардим. Лекин уларни ушлаб кўриш тугул ҳавас билан тикилиш ҳам мумкин эмасди. Йўқса, болалар менга қараб қичқиришарди:

— Сен бу ерга ўйнаш учун эмас, ишлаш учун келгансан!

## **МЕҲНАТ, МЕҲНАТ...**

Паия ва Мохан ҳам мени ўзлари қатори бола эмас, чўри сифатида кўришар, кўп жигимга тегишарди. Ҳар тонг уларнинг шим ва юбкаси, кўйлаги, бўйинбоғларини тайёрлаб берарканман, менинг ҳам мактабга жуда боргим келарди. Бунинг учун барча нарсага тайёр эдим. Менга китоб ва дафтарларнинг иси ёқар, қалам ва фломастерлардан кўзим қувнарди. Икки ойлардан сўнг юрак ютиб Зитадан сўрадим:

— Мен ҳам мактабга борсам бўладими? Бу ерга олиб келишларидан аввал шундай ваъда қилишганди...

— Аввал сенбоп мактаб топишимиз керак. Ҳозир мактабга кириш учун узун навбатга туриш керак.

Зита ҳечам “йўқ, бормайсан”, деб жеркиб бермасди. Доим кутиш керак, сабр қил, кўрамиз, деб далда берарди. Уйдаги олти бола Катмандудаги энг таниқли ва қиммат мактабга қатнашарди. Эрталаб Паия ва Моханини бекатгача кузатиб қўярдим. Катта йўлдан ўтишга доим ҳайиқардим. Чунки Катмандуда йўл қоидаларига унчалик риоя қилишмасди. Ҳар бир йўловчи йўл белгилари ёки светофорга эмас, машиналарга қараб йўлдан ўтишарди. Машиналар йўлидан чиққан одамларга қаттиқ сигнал чалишар, бундан янада ваҳимага тушардим. Агар болалар мактабга кечикаётган бўлса, Зита менга эллик рупий берар ва мен уларни таксида элтиб қўярдим. Уларни манзилга элтгач, ўша таксида уйга қайтардим. Аммо бир куни мен ҳам таксидан тушиб қолдим. Мактабни жуда кўргим келганди. Болаларини ўпиб қўйиб мактабга элтган ота-оналарни кузатдим. Эшиклар очилиб ёпилганда ичкаридан болаларнинг баланд овозда алифбо ўқишаётгани қулоққа чалинади: А, Б, С, Д...

Мен ҳам уларнинг кетидан қайтардим.

— This is a cat, — дерди ўқитувчи. Болалар эса қайтаришарди. Инглиз тилини умуман тушунмасдим. Мен мактаб ойнасига яқин бориб ичкарини томоша қилишга чўчидим. Танаффус вақтида болалар шодон ўйнашар, айримлари ўзи билан олиб келган егулик ва шарбатдан тотинишарди. Нонушта қилмаганим ёдимда тушиб, қорним гулдуради. Шунга қарамай, тўрт соат мактаб қархисида ўтирдим. Болаларнинг дарси тугагач, уларни олиб таксида уйга қайтдик. Келганимдан сўнг Зита мени уришди:

— Кун бўйи қаерда эдинг? Ахир, шунча иш қолиб кетди! Йўқолиб қолишинг ҳам мумкин эди. Бу катта шаҳар! Агар бу ҳолат яна такрорланса, мендан яхшилик кутма!

**Жимгина бошимни эгдим.**

Баъзида болалар дарс қилаётган пайтлари кайфиятлари яхши бўлса, менга ҳам қофоз ва қалам беришарди. Мен уларга ўхшаб ҳарфларни ёзардим. Агар хонага бирор аёл киргудек бўлса, қофозларни дарҳол яширадим. Бўлмаса, жазога тортилардим.

Ҳафталар ва ойлар ўтди. Улғайган сарим юмушларим ҳам ортиб борарди. Уйдаги аёллар тобора уй ишларига аралашмай қўйиши, бари менинг зиммамга ўтди: уйларни тартибга келтириш, супирсидир, идиш ювиш, овқат тайёрлаш, кир ювиш, бозор қилиш. Эрта тонг соат бешдан тунги ўн биргача тинмасдим. Энг оғири сув ташиш эди.

Непал сув захираси бўйича бой мамлакат бўлсада, аҳолига сув етишмасли. Уйларда сув қувурлари ўрнатилган бўлса-да, доим ўчиқ бўларди. Шунда яқинроқдаги қудуқдан сув ташиларди. Навбат узун бўлиб, бир неча соат, ҳатто кечқурунгача кутишимга тўғри келарди. Икки чеълак сувни кўтариб қайтардим. Уй ва қудуқ орасидаги масофа пиёда тўрт соатлик йўл. Орада юз мартача тўхтаб дам олсан керак. Бир

марта қайтаётганимда қоқилиб бир чөлак сувни ағдариб юбордим. Уйдагилардан танбех эшитмаслик учун яна ортга қайтиб навбатда тургандим.

Зитанинг оила аъзолари менга қўпол муомалада бўлишарди. Аёллар арзимас нарсаларга кўп асабийлашар ва бунинг аламини мендан олишарди. Кўпинча Зита уйда йўқлигида гап эшитардим. Бир марта Зитанинг янгаси китобни ҳижжалаб ўқиб ўтирганимда устимга бостириб кирди:

— Дарҳол чироқни ўчир, нонкўр, сурбет қиз! Нима, ўқишинг учун электрга пул тўляяпмизми? Сен камаларисан, шуни унутма, китоб сен учун эмас! Шунинг учун миянг суюлиб яхши ишламаяпсан.

Чироқни ўчиришга улгурмай у лампочкани ечиб олди ва эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди.

Эркаклар аёллардан ҳам ёмон эди. Улар арзимас юмушлар учун мени чақираверишар, айникса, Зитанинг акаси баджаҳл эди. Бир марта шапалоқ урганидан ерга йиқилиб тушгандим. Яна бир сафар буйруғини кўнгилдагидек адo этолмаганим учун қўлимга қайноқ сув қўйганди. У доим мени жазолагандан сўнг:

— Зитага айтсанг, сени ўлдираман! — деб таҳдид қиларди.

Непалда барча оила аъзолари жам бўлиб яشاши анъанага айланган. Ҳатто улар бир-бирини ёқтираса-да, шунга мажбур. Бу уйда ҳам Зита ва акасининг хотини тез-тез жанжаллашиб туришарди. Зита уйда йўқлигида унинг фийбати бошланарди. Уйдалигида эса ҳамма жимгина ўтиради. Зитанинг эри туфайли шу уйда яшаётганларига бўлса керак, унинг юзига ёмон гап айтишмасди.

Хуллас, бу уйдаги муносабатлар аламини мен кўрардим. Эркаклар яrim тунда мени дўконга тамаки ёки май олгани жўнатишарди. Зита кеч тушгач,

күчага чиқишимни тақиқлаган бўлса-да, эркаклар атай шундай қилишарди. Чунки охирги пайтларда газеталарда ёш қизалоқларнинг йўқолиб қолаётгани ҳақида хабарлар тез-тез кўзга ташланарди. Қўрқаписа юурганча яқиндаги шохобчага бориб келардим. Зита бу ҳақида билиб қолгач, менга танбеҳ берди:

— Сен уларга тамаки олиб келишга мажбур эмассан! Қоронғида сирам ташқарига чиқма. Отам сени менга камалари қилиб берган, уларга эмас!

Зита айтганига қарамай, акаси ва поччаси буйруқ беришни тўхтатишмади. Қай бирларининг гапига киришни билмай довдираб қолдим. Эркакларга йўқ десам, калтак ердим. Охири Зитадан яширинча шохобчага чиқиб келишни одат қилдим. Зита фаяқат болаларимга қара, деб вазифа топширганди. Қолганлар бўлса бутун уйдаги ишлар менинг зиммамда деб ҳисоблашарди. Оила худди икки фронтга ажралган, мен ўртада сарсон эдим. Ҳеч кимнинг кўнглини бирдек ололмас, бурчакларда йиғлаб олардим. Бошқа чидаёлмайман, дердиму, келгусида ҳаётимда ўзгариш юз беришига умид қилиб қийинчиликларни енгардим.

## ЎЗ УЙИДА БЕГОНА

Кутганим бесамар кетмади: орадан тўрт йил ўтиб мўъжиза юз берди гўё. Менга уйга бориб келишга рухсат беришди. Бир кунга! Ўшанда Магхи байрами эди. Орадан ўтган шунча йил ичидан оиласи билан сира кўришмаган, гаплашмагандим. Барibir уйдагиларда телефон йўқ. Омар ҳам мени излаб бу ерга бирор марта кўнфироқ қилмаганди.

Зитанинг бир қариндоши мотоциклида мени Манпурга элтиб қўйди. Бу ерни олти ёшимда тарк этгандим. Энди ўн яшар қизман. Зита тунов куни салонга бориб сочимни кестиришимни буюрганди.

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

Узун сочим ҳозир ўғил болаларникideк калта эди. Зита уй хизматчиси учун шу мақбул эканини айтди. Кийим ҳам шунга яраша: жинси шим ва футболка. Зитага европача кийиниш ёқарди, болаларини ҳам замонавий спорт кийимида юришларини истарди.

Фақат бир мен ўзгармабман, қишлоғимда ҳам ўзгаришлар юз берибди. Мени энг қувонтирган нарса шу бўлдики, мен қўрқадиган Рапти дарёси узра катта кўприк қурилибди! Кўзларимга ишонмай, ундан бир неча бор ўтиб кўрдим. Энди аввалгидек совуқ ва лойқа сувни кечиб ўтишга ҳожат йўқ! Демак, ҳамма нарсани яхши томонга ўзгартириш мумкин экан-да, деган холосага келдиму, ичимда қандайдир ишонч пайдо бўлди.

Манпурда ҳам янги уйлар кўпайибди. Мотоцикл одам ва жониворлар туфайли тиқилинч бўлган кўчадан базўр ўтиб борарди. Эски маконим кўрингач, уловдан тушиб уй сари шошдим. Аммо кулбамизни кўриб шокка тушдим: у бузилиб қулаб тушганди. Нима бўлди экан? Қолганлар қаерда? Наҳотки, оиласам энди бу ерда яшамаса? Энди уларни бир умр кўролмасам-а?! Кўзларимга ёш тўлди. Шу пайт қўшнимиз келиб, кимни излаётганимни суриштириди.

— Оиласам бўлмиш Чаудхариларни қидириб келгандим.

— Ўзинг кимсан?

— Мен Урмиламан, уларнинг учинчи қизи. Тўрт йил уйда бўлмадим, камалариман. Улар қаёққа кетишиди экан?

— Хавотир олма, Урмила. Улар узоққа кетишгани йўқ. Ҳозир дарё бўйидаги янги мактаб ёнига уй қуришган.

Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Мени олиб келган кишига манзилни тушунтиридим. Айтилган жойга етиб боргач, янги уйимизни кўриб ҳайратга

тушдим: у катта ва чиройли эди. Онамни узоқдан танидим.

Мотоциклни тўхтатиб, уй сари қичқирганча чопдим:

— Она, онажон!

Онам эса менга ҳайрон бўлиб қаради ва ёнидагилардан:

— Нега анави бола мени она деяпти? — деб сўради.

Оилам аъзоларининг бирортаси мени танимади. Мен эса онамнинг қўлидан ўпиш учун тутдим. Лекин у қўлини тортиб олди.

— Кимсан ўзи?

— Бу мен қизингиз Урмиламан. Наҳотки, танимаяпсиз? — йифлаб юбордим.

Қўлимда улар учун олган мандаринларим сочилиб кетди. Онам менга синчиклаб боқди. Иягимдан ушлаб бошдан-оёқ разм солди.

— Урмила, ростанам бу сенмисан? Жуда ўзгариб кетибсан! Худди ўғил боланинг ўзисан-ку?

— Ҳа, қизингизман. Тўрт йил кўришмадик, ахир!

Уйдаги бошқа аёллар ҳам бирин-кетин ёнимга келишиди. Барчасининг қўлидан ўпдим. Ниҳоят, онам ҳам қўлини узатди ва дуо қилди. Кейин биз уйга кирдик ва олов атрофига чўкдик. Мандаринни ўртага қўйдик. Менга янги оила аъзоларини таниширишиди. Омарнинг учта фарзанди бўлибди: бир қиз ва икки ўғил. Говиндада ҳам икки ўғил экан. Уйда Омар йўқ эди. Акам Ҳиндистон чегараси ёнида иш топиб, икки ҳафтадан бери ўша ерда экан.

Отам ҳам табиблик қилаётган эмиш, ҳозир шу юмуш билан йўлда экан. Унинг олдига одамлар иш вақтидаги жароҳатлар, касалликлар, иштаҳа йўқлиги, жин чалиши каби шикоятлар билан келишаркан. Бундай вақтларда отам садақа қилишни тавсия қиларкан: озроқ гуруч, кокос, банан, гуруч

шароби. Сўнгра қопчиғидан аллақандай гиёҳлардан дамлама қилиб ичиаркан. Бу ерда одамлар эскича табобатга қаттиқ ишонишади. Эҳтимол, замонавий докторлар ва дори дармонга пуллари етмагани учун табибга қатнашар. Отамни ҳурмат қилган аҳоли уни тўй ва байрамларга чақиришаркан. Бугун ҳам Магхи байрамида уни олиб кетишган кўринади.

Онам фуур билан уларда ҳам энди электр борлигини айтди. Чироқни ёқиб деди:

— Энди қоронфиликдан қўрқмайсан.

Авваллари шамчироқ ёқсак-да, қоронфидан роса қўрқардим. Онам ва Бисрами қишлоқдаги янгиликлардан сўзлашди: ким уйланди, ким вафот этди. Аммо Катмандудаги ҳаётим ҳақида сўрашмади. Одатда, бизда кўп гапириш одобсизлик саналади. Айниқса, ўз ҳис-туйғуларинг ҳақида кимгадир айтиш уят. Уларга кечинмаларим ҳақида айтганимдан фойда ҳам йўқ, барибир эртага ортга қайтишим керак. Қаварган қўлларимни яширганча жим ўтирадим. Жиянларим бўлса, атрофимни ўраб олганча саволлар ёғдиришарди:

- Катманду қанақа жой?
- Катта уйда яшайсанми?
- Телевизор ҳам борми?
- Мактабга борасанми?
- Машиналар роса кўп бўлса керак?

Улар менга катта шаҳардан келган мөхмон қиз сифатида ҳавас билан қарашарди. Фарбча кийимларим ва оқ кроссовкамга қизиқишар, аммо ҳаётим уларнидан кўра аянчли эканини пайқашмасди. Мен болалар билан қишлоқни айландим. Ёмғир ёғар, лой кўчаларда оёқ кийимим қоп-қора бўлди. Аммо бўш вақтимни шод ўтказаётганимдан баҳтли эдим. Бирор буйруқ бермаса, маза қилиб сайр қилсанг!

Кўни-қўшни, дўст ва қариндошларнинг уйига бир-

бир мўраладик. Улар бизни байрам егуликлари билан сийлашди. Қўшиқ айтиб рақс тушаётган одамларга қўшилиб тоза сакрадик. Бир уйнинг қархисида оломон йифилганини кўриб, тиқинни ёриб ўтдик. Бу ерда кўча театри намойиш этилаётганди. Одамлар эса уларга танга ташлар ва томошадан завқланганча хоҳолаб қулишарди. Беташвиш ва эркин бўлиш нақадар яхши эди.

Кечки пайт чироқларни ёқиб, катта япроқларга солинган миллий таомдан тотдик. Дастурхондан гуручли шарчалар, пряник, ширин картошка, қовурилган гулкарам, ҳатто гўшт ҳам ўрин олганди. Онам менинг ташрифим муносабати билан товуқ сўйганди. Мен ўтган йиллар давомида гўшт емаганим учун вегетариан бўлиб қолгандим. Оиласам тузаган дастурхон аввалги байрамлардан анча мўл эди. Ака ва янгаларим қурилиш майдонларида ишлаб пул жамғаришган экан. Бундан ташқари, ишчиларга бир қоп гуруч ҳам бериларкан. Хуллас, оиласам энди очлик балосидан қутулган эди.

Шунга қарамай, менинг уйда қолишимга рухсат беришмади. Мен онам билан ёлғиз қолганимда, Катмандуда қийналаётганим, мактабга бормаслигим ва оиласам бағрига қайтишни истаётганилигимни билдиридим.

— Балки мана бу янги мактабга қатнарман?  
— дедим, — ахир, у уйларингизнинг ёнгинасида экан. Шу ерда қолишимга рухсат беринг, илтимос! Катмандуга жўнатманг, онажон!

— Майли, агар Катмандуга кетишни истамасанг, аканг яқинроқ ердан иш гаплашади. Баригар уйда қола олмайсан. Курилиш якунига етса, аканг ва келинлар яна ишсиз қолади. Икки ҳафтадан сўнг эса гуруч ҳам тугайди.

Мен бошқа оиласага хизматчи бўлиб боришни ис-

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

тамасдим. Худо билади, қанақа бека тушишини? Башқа камалари қызларнинг даҳшатли ҳаёти ҳақида кўп эшитганман: уларни уришади, жазолашади, чўридек ишлатишади. Ҳарҳолда, бошқаларни айтмаганда, бекам Зита менга яхши муносабатда. Ўша уйда ишлашга ўрганиб қолганман. Ич-ичимдан Катмандуга қайтишдан ўзга чора йўқлигини тан олиб турадим. Аммо умид сўнмас экан.

Тонг ёришгач, кетишга тараддуудландим. Бисрами менга шишадан ясалган кичкина тақинчоқ совға қилди. Бўйнимга тақиб қўйиб, пешонамдан ўпди.

— Сен ҳақингда ҳар куни ўйлайман, Урмила. Кучли бўл, вақти келиб, албатта уйга қайтасан, бунга ишонаман. Қайтишингни сўраб дуо қиласман...

Сўнг унинг қизчаси менга гул тутқазди:

— Бу сизга, Урмила.

Мен жиянимни қучиб йиглаб юбордим.

Бир оз ўтиб кечаги киши мотоциклида келди. Кетишдан аввал тхар халқининг маъбути Бутуага сифиндим. Унинг ҳайкали уйимиздаги сандиқда турарди. Бутуанинг қаршисига гул қўйиб, Шива, Вишну, Будда ва бошқа маъбудлардан ҳам тезроқ уйга қайтаришларини илтижо қиласмадим. Оилам билан хайрлашиб уловга миндим. Оиламиздаги аёллар то кўринмай қолгунча менга қўл силкиб қолишиди. Эркак мени Гхорахидаги ўша сарик уйга элтди. Зита болалари билан отасиникига келган экан. Икки кундан сўнг биз яна Катмандуга қайтдик.

## **КЎНГИЛОЧАР КУНЛАР**

Орадан бир ойлар ўтгач, Зита оила аъзолари билан қаттиқ уришиб қолди. Шу сабаб акасию поччаси, хотини ва болаларини олиб бошқа уйга кўчиб кетишиди. Бундан жуда қувондим! Нолаларим Худога етиб борган кўринади. Биз ҳам ўша бинодаги

пастки қаватга, кичикроқ хонадонга күчіб ўтдик. Доимгидек уй ишлари билан бандман. Уйда Зита ва унинг болаларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Шу сабаб юмушларим ҳам енгиллашган.

Зита мени баъзан ўз қизидек кўрарди. Масалан, қизининг сочини ювиб қўйгач, меникини ҳам юварди. Болаларига уйқу олдидан бир стакан сут бераркан, мени ҳам унутмасди. Одам камлиги учунми, егулик bemalol эди, энди оч қолмасдим. Ҳатто улар билан бир стол атрофида ўтиришга мушарраф бўлдим. Энди болаларнинг хонасида, полда ётардим. Зита дўконга чиқса, менга ҳам сақич, қалам ёки тўғноғич харид қиласарди.

Бекам Болливуд шайдоси эди. Шоҳруҳ Хон, Амитабҳ Баччан ва Айшвария Рай унинг кумирлари. Непалда деярли барча аҳоли Болливуд фильмларини севиб томоша қиласди. Зита киноюлдузларга ҳавас қилиб баъзида қизини оларди-да, фотосалонга борарди. У ерда актрисаларга хос пардоз қилдириб, улама соч улаб, узун сари кийган ҳолда турфа суратларга тушишарди. Шундан бир жуфтини менгаям совға қилди.

Ишларимни якунлагач, болалар билан телевизор томоша қилишимга ҳам рухсат берилди. Мультфильм, ҳиндча қўшиқлар, непалча операларни кўрардик. Айниқса, болалар таътилга чиқса, вақтимиз жуда соз ўтарди. Биз кино ёки истироҳат боғига айлангани борардик. Паия билан деярли дугона бўлиб қолдик. Мен Зитанинг болалари билан паркларда аргимчоқ учар, сирпанчиқдан сакрар, қувлашмачоқ ўйнардим. Паия баъзан Барби қўғирчоғини ўйнашга ҳам борарди. Мактаб дарсларини бирга тайёрлардик. Паия туфайли оддий гапларни тузиш ва ёзиш, мисол ечишни ўрганиб олдим. Ҳатто бир нечта инглизча сўзларни ҳам ёдладим.

Зита айрим вақтлар мени ҳам ресторанга олиб кетар, дўстларига танишитирарди. Шунда биз пицца ва кока-кола буюардик. Мана шундай лаҳзаларда ўзимни оила аъзосидек ҳис этардим. Бир марта Зитанинг дўстлари билан Рождество байрамини кутиб олдик. Аввал бунақа байрам ҳақида эшитмагандим. Бу насронийларнинг янги йили экан. Меҳмонхонага безатилган арча ўрнатилган. Деразаларда турфа рангда товланувчи чироқчалар порлаб турибди. Болаларга кекс ва совғалар тақдим этишди. Ҳатто менгаям шоколад беришни унутишмади.

Зита динимиз индуизмга хос байрамларни ҳам нишонларди. Дассайн байрами кузда ўн беш кечакундуз давом этарди. Бу байрамда Кали ва Дурга исмли иблис маъбуллар устидан ғалаба нишонланади. Одамлар ибодатхонада жонлик сўйишади: эчки, қўй, ўрдак, курка. Бу байрамда кўп гўшт истеъмол қилинади. Ўнинчи кунга келиб, қариндошлар йўқланади. Катталар фарзандларининг пешонасига қизил хол суриб, дуо қилишади. Одамлар бир-бираiga бўйинга тақиладиган сариқ гулчамбар совға қилишади. Бойми, камбағалми, ҳамма Дассайн байрамида янги кийиши шарт. Зита ҳам менга янги кўйлак ва пул берди.

Яна бир диний байрам Тихар маъбуд Лакшми шарафига ўтказилади. Одамлар уйларидан туриб мойли қофозшамлар ёқишади ва осмонга учришади. Осмон худди юлдузчаларга тўлгандек нур таратади. Байрам беш кун давом этади. Биз яратганга ва жониворларга шукроналар айтамиз. Непалнинг миллий жонзоти бўлмиш сигирлар эъзозланади. Яна қарға, ит ва бойқуш ҳам Лакшининг рамзи саналади. Байрамнинг охирги кунида аёллар ўз оиласидаги эркакларни дуо қилишади. Илтижо вақтининг аниқ дақиқалари телевизор ва радиоларда

эълон қилинади. Айни шу онда барча аёллар ўз эри, отаси, акаси, ўғиллари, тоғаю амакиларининг узок умрини тилаб ибодат қилишади.

## БАХТСИЗ КУНЛАР

Афсуски, бу қувончим узоққа чўзилмади. Икки ойдан сўнг Зитанинг акаси уйимизга келди ва синглисига гина қилди:

— Сизлар атиги уч кишилизлар, оиласи ойланг учун доимий ёрдам шарт эмас. Урмила бизницида ҳам ишлаши керак, ахир!

Зита гарчи менга яхши муносабатда бўлса-да, акасининг гапини қайтаролмади. Бунинг устига бизда аёллар оиласидаги эркакларнинг гапига бўйсунишади. Айниқса, ёлғиз яшаётган аёл акаукаларининг сўзини қайтариши мумкин эмас.

Шу тариқа, мен икки уйда ишлай бошладим. Зитанинг акаси хизмат керак бўлганда чақиради. Кейин эса поччаси ҳам ишга чақира бошлади. Хуллас, куни билан учта уй орасида сарсон эдим. Баъзан улар мени талашиб жиқиллашиб ҳам қолишарди.

— Урмила менга тегишли! — дерди Зита.

— Отам уни барчамиз учун ёллаган, — бақиради акаси. — Бугун уни бизницига юбор, ювилмаган идиш-товорқлар тўлиб кетди!

— Бизницида эса кир ювиш керак! Бунинг устига сув ҳам тугаган.

Кучим қолмаганидан озиб кетдим. Жисмоний чарчоқдан кўра руҳан қийналардим. Зитанинг қариндошлари менга жуда ёмон муносабатда бўлишарди. Куни билан ишга кўмиб, бир бурда нон беришмасди. Айниқса, акаси ўта жаҳлдор инсон эди, доим аламини мендан оларди.

Сув ташигани чиққанимда ўзимга ўхшаган камалари қизлар билан танишардим. Улар ҳам мен ка-

би жуда озғин ва эзгин әдилар. Очлик ва хўрлик азобидан шикоят қилишар, мен эса Зита ҳақида ёмон гап айтмасдим. Бир куни бошқа чидай олмаслигим ҳақида ўйлаб йифлаб ўтирганимда Зита аҳволимни сўради.

— Акангизникида бошқа ишлолмайман. Сизнинг қариндошларингиз баджаҳл ва тубан инсонлар, мени азоблашяпти. Илтимос, мени уларнига юборманг, буни истамайман! — ёлвордим мен.

Зитага аввал шикоят қилмаганим учун қўрқа-писа тикилдим. У индамади ва ўйланиб қолди.

— Сиз доим мактабга боришимни ваъда қилардингиз. Ҳозир ёшим ўн тўртда, аммо ҳалигача тузукроқ ўқиш-ёзишни билмайман ҳам. Агар мактабга рухсат берсангиз, хонадонингизда сидқидилдан ишлайман. Аммо учта оила мен учун кўплик қиласди.

Ўйланиб қолган Зита жавоб қайтарди:

— Майли, сенга мактаб излайман. Яқин-атрофдаги давлат мактабларида балки бўш ўрин бордир.

Эшитганимга ишонмай бекамга тикилиб қолдим. Юрагим қувончдан потирларди.

— Сен ўзингдан анча кичик бўлган болалар билан биринчи синфга боришингга тўғри келади, розимисан шунга?

— Ҳаммасига розиман. Мен фақат ўқишни истайман. Ҳали кўрасиз, аълочи бўламан!

Эртасига Зита мактаб излаш учун чиқиб кетди. Кайтишини сабрсизлик билан кутдим.

— Директор айтдики, душанбадан мактабга чиқишинг мумкин экан. Эртага сен учун форма ва дафтарлар харид қиласиз.

Шодлигимдан Зитани қучоқлаб олдим.

— Раҳмат, бекам, раҳмат! Кўрасиз, уй ишларини ҳам бирдек эплайман!

Кечки пайт Зита бу ҳақида оила аъзоларига айтди. Одатга кўра, аёл киши бир ўзи қарор қилишга ҳақли эмас, эри эса узоқда, шунинг учун акаси ва поччаси бунга розилик бермоғи лозим эди.

Суҳбатдан сўнг мактаб ҳақидаги орзуларим барҳам топди.

— Эсинг жойидами? — дейишиди улар Зитага қараб,  
— Урмила оддий камалари, у ишлаш учун яралган.  
Агар у мактабга борса, уй ишларини қилгиси келмай қолади. Сенга ва бизларга қарши чиқа бошлайди.  
Хўш, шунда ким уй ишларини бажаради? Ёки ўзинг кирларни ювиб, овқат тайёрлайсанми?

Паиянинг айтишича, бу гаплардан сўнг Зита йифлаб ҳам олибди. Икки кундан кейин доимгидек Зитанинг қариндошлариникида ишлай бошладим. Улар мени мазах қилишарди:

— Ана, Урмила хоним келяптилар. Мактабга боргинг келиб қолдими? Энди уй ишларидан ҳам озод этишимизни сўрарсан балки? Кел, сенинг ўрнингга биз идишларни ювамиз. Ахир, сен ўқишинг керак, шундай эмасми?..

...Зитадан доим уйимга меҳмонга боришимга рухсат беришини сўрардим. Сабаби оиласидагиларни жуда соғингандим. Аммо бекам рад этар, чунки вилоятимда сиёсий низолар кучайганди. Маоистлар ва ҳукумат ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли турли жанжаллар бўлаётгани ҳақида газеталарда бонг уришарди.

— У ер хавфли, Урмила. Катманду сен учун мақбул жой. Агар уйингга борадиган бўлсанг, сени ҳам тутиб олишлари мумкин.

Менга сиёсий низоларнинг фарқи йўқ эди, уйга борсам бўлди. Шунинг учун Зитанинг ҳоли-жонига қўймадим. Охири у рози бўлди ва менга чипта олиб берди. Бекам фарзандлари билан мени кузатиб

қўйди. Гхорахидаги катта сариқ уй қаршисида мени акам кутиб олди. Саккиз йил аввал у мени шу эшик ортига ташлаб кетганди. Омар менга жуда ҳорғин кўринди.

— Нега келдингиз? — дедим аччиқланиб. — Ахир, худди шу ерда мени сотиб юборгандингиз-ку!

— Сени кутиб олгани келдим. Уйга кетамиз.

Омарнинг ўша пайтда бошқа чораси бўлмагани, қарзларни узиш ва хотинини даволатиш учун шундай қилишга мажбур бўлганини ич-ичимдан тан олиб турсам-да, барибир уни ҳалигача кечира олмагандим.

Бу сафар мен Магхи байрамида эмас, ёзда келдим. Ҳаво жуда иссиқ эди. Ота-онам тўққиз набирали бўлишган экан, жиянларим билан роса ўйнадим. Ҳатто акамнинг велосипедини минишни ўрганиб олдим. Бисрами мендан Катмандудаги ҳаётим ҳақида сўради. Ниҳоят, оиласиздан кимдир мен билан қизиқаётганди.

— Бадавлат оилада баҳтли яшаётгандирсан? Чиройли уй, ҳашамдор мебеллар, тоза сув...

Аввалига индамадим. Сўнгра аслида ҳаётим қандай эканини айтишга қарор қилдим:

— Мен тонгдан тунгача учта оиланинг хизматидаман. Бекамдан ташқари ҳамма менга қўпол муносабатда. Улар учун одам эмас, оддий чўриман. Мактабга ҳам боролмаяпман. Ҳуллас, баҳтсизман. Барчасига оилам учун чидаяпман.

Оила аъзоларим менга тикилиб қолиши. Мен ичимдаги бор аламимни тўкиб солиш вақти келганини англадим:

— Менга ваъда беринглар, — давом этдим қатъий оҳангда. Аёллар мени бу алфозда кўрмаганликлари учун жим қолиши. — Мен яна Катмандуга қайтиб кетаман. Аммо мендан сўнг бу оиладан бошқа

камалари чиқмасин. Сичита, Зарисма, Магешвори, Рамиталарни асло чўрилилкка бериб юборманг! Мен охиргиси бўлиб қолай!

Ҳамма ҳайрон эди. Нихоят Бисмари биринчи бўлиб сўз очди:

— Ўзим томонимдан ваъда бераман, Урмила! Менинг яккагина қизим Магешвори ҳеч қачон камалари бўлмайди. У сен босиб ўтган йўлларни босиб ўтишини асло истамайман.

Акамнинг хотини Индравати ҳам қўлларимдан тутди:

— Менинг ҳам қизим битта. Рамита бунақа оғир ҳаётга муносиб эмас, ваъда бераман.

Учинчи акамнинг хотини эса жим қолди. Чунки унинг уч қизи бўлиб, ўғил кўрмаганди.

— Радха, илтимос, сиз ҳам ваъда беринг, — дедим мен. — Жиянларим камалари бўлмайди, шундайми?

Радха ўйнаб ўтирган қизларига тикилди.

— Майли, Урмила, ваъда бериш мушкул бўлса-да, бераман! Уларни доим ҳимоялайман.

— Барчангизга раҳмат!

Енгил тин олдим. Уйга келгач, жиянларим ҳам менинг ҳолимга тушади, деб сиқилиб юргандим. Агар оналари ўз қизларини ҳимоя қилишса, уларга бу тақдир насиб этмайди. Бу ерда кўпчилик оналар ўз қизлари бошқа уйда камалари бўлиб ишлаётганидан кўпинча фахрланишарди. Чунки меҳнатда тобланган қизлар тезроқ эрга тегиб кетади, деб ҳисоблашади. Акаларимнинг хотинлари бундай деб ўйламасликларини истардим.

Икки кундан сўнг Зитанинг қариндоши мени олиб кетди. Яна елкамга оғир юк тушгандек бўлди.

Зитанинг отаси мени Катмандуга жўнайдиган автобусга чиқариб юборди. Охирги ўриндиқдан жой тегди. Бир хаёлим автобусдан тушиб қолиб узоқларга

қочиб кетгим келди. Аммо бу билан оиласми иснодга қўйишимни ўйлаб чекиндим. Зитаникига қайттач ҳам уйимни соғиниб юрдим. Ноябрда ўн бешга тўлдим, аммо ҳамон камалари эдим. Мактабга бориш орзуси амалга ошмагач, Зитадан мени камалари вазифасидан озод этиб, уйимга жўнатишини илтимос қила бошладим.

— Сенинг вилоятингда вазият ҳамон хавфли, бир оз кут, — деди Зита. — Агар учта уйда ишлаш оғирлик қилаётган бўлса, сени холамникига жўнатишим мумкин. У ҳам камалари излаб юрганди. У ёлғиз яшайди, ўғиллари Америкага кетган. Хуллас, унинг уйида иш йўқ ҳисоби. У бадавлат аёл, ҳашаматли уйда туради. Уз хонанг бўлади. Агар яхши хизмат қилсанг, маош ҳам тўлаши мумкин. Балки сенга ўша ерда яхши бўлар...

Биламан, Зита имкон қадар менга яхши бўлиши ни истарди. Балки акаси билан мени талашавериш жонига теккандир. Мен ҳам жанжаллардан безгандим. Учта уйга қатнашдан чарчаб қаерга бўлсаям кетишга рози эдим. Шу тариқа бекамнинг таклифига рози бўлдим. У ерда қийналмаслигимга ишонгандим. Аммо қаттиқ адашибман...

### **ҚАҲРЛИ ХОЛА**

Зита ва унинг фарзандлари билан хайрлашиш мен учун осон бўлмади. Ахир, шунча йил ичида бу оиласга ўрганиб қолгандим. Зита мени охирги вақтлар ўз қизидек кўрди, сира қўл кўтартмаган. У билан ҳозиргача алоқаларимизни узмаганмиз. Яқинда телевиденияда Камалари лойиҳаси бўйича берган интервьюимдан сўнг Зита менга қўнфироқ қилиб қолди:

— Сен билан фахрланаман! Болаларимдан бири телевизорга чиқади, деб сира кутмаган эдим.

У мени болалари қаторига қўшаётганидан суюниб кетдим. Гарчи кўрсатув камалари савдосига қарши лойиҳа бўлса-да, бу уни ранжитмади. Чунки унинг ўзи ҳам ҳозиргача мени хизматчи қилиб ишлатганидан афсусланарди. “Тўғри, сени мактабга беролмадим. Аммо ўз қизимдек кўрганман. Болаларим қатори сенга кийимлар, совгалар олиб берардим”, деб узр сўраганди у.

Зитанинг қизи Паия билан ҳам муносабатларимиз яхши. У ҳозир тиббиёт соҳасида ўқийди. Охирги марта Катмандуга борганимда уницида меҳмон бўлгандим. У ҳам камалари савдосига қарши, менинг қилаётган ишларимни мақтайди.

Яна ўтмишга қайтсам. Хуллас, 2004 йилнинг 2 июль куни эшигимизни кимдир қоқди. Бу санани яхши эслайман. Чунки айнан шу кундан эътиборан мен кундалик тута бошлагандим. Ёлизикда кундалик тутиш яхши эрмак экан. Айнан шу куни менинг ҳаётимда қора кунлар бошланганди.

Зита эшикни очди. Қаршимизда озғин, виқорли кийинган аёл пайдо бўлди. У тахминан эллик беш ёшларда эди. Қора кўзойнак таққан, лаблари бўялган, чехраси жиддий тусда эди.

— Мен қизчани олгани келдим, — деди аёл.

Зитанинг болалари холаларига яқинлашмай бир четда қунишишиди. Бекам ҳам ундан чўчиброқ муомала қиласарди.

— Урмила, бу менинг холам. Энди сенга янги бека бўлади, — Зита шундай деб холасига ўгирилди, — балки чой ёки сув ичарсиз?

— Йўқ, раҳмат, вақтим зиқ.

Зита буюмларимни йиғишга қарашди. Болалар билан хайрлашганимдан сўнг Зита мени пастигча олиб тушди. Янги бекам билан кетарканман, негадир кўзларим намланди.

Үй қархисида катта жип машинаси турарди. Ҳайдовчи юкларимни қўлимдан олди. Ҳола Зита билан хайрлашиб машинага ўтирди.

— Хайр, Урмила, — мени қучди Зита, — ўйлайманки, холамникида сенга яхшироқ бўлади. У хизматинг учун ойига бир ярим минг рупий тўлашга ваъда қилди. Пулларни оиласнгга жўнатиб, уларга ёрдам беришинг мумкин. Ёки ўзинг учун йифиб қўй.

Янги бекам дарёning нарёғидаги Лалитпур шаҳрида яшарди. Ҳола шаҳардаги энг катта уйда тураркан. Вилла қархисида тўхтаган машина сигнал чалгач, дарвоза очилди. Яшил боққа кириб келдик. Боғбон бекага салом берди. Ерга тўшалган газон гиламдек ялтирасди. Умримда бундайин ҳашаматли уй ва гўзал боғни кўрмаган эдим. Бу ерда бир нечта оила бемалол яшаса бўларди.

— Юр, хонангни кўрсатаман, — деди хола.

Катта уйгач киргач, зина бўйлаб ертўлага тушдик. Бу ерда бир нечта хоналар бор эди. Ҳола улардан бирини кўрсатди:

— Шу ерда ухлайсан. Бошқа хизматчиларим йўқ, ёлғиз ётасан.

Бу ерда икки қаватли темир каравот бўлиб, хона деразаси йўқ эди. Ҳудди қамоқхонанинг ўзи.

— Ертўлада бир ўзим кўрқаман, бекам, мени ташлаб кетманг, — ўтиндим ундан.

— Биринчидан, менга хоним деб мурожаат қил. Иккинчидан, бу ер хизматкорларнинг хонаси!

— Ёлғиз кўрқаман-да, хоним.

— Афсуски, ошпазим кетиб қолди. У ҳам бошқа хизматкорларимга ўхшаб оқибатсиз чиқди. Ўзим рухсат бермагунимча шу ерда яшайсан.

Шундан сўнг у менга бир нечта савол берди: қаерданман, ёшим нечада, ота-онам ким, овқат пишира оламанми, кир юва оламанми, дўстим борми...

— Агар ортимдан бирор ёмон гап айтсанг сени шу заҳоти ҳайдайман, — деди у, — шундоғам ҳамма хизматчиларим нобакор чиққан.

Үша куни хоним ётоги ёнидаги зинапояда ухлашимга рухсат берди. Эртасига эса ертүлана күчишим шартлигини айтди. Ертүладан кўра зинада ётишимдан хурсанд бўлиб уйқуга кетдим.

Хоним мени тонгги бешда уйғотди. Аввал ошхона билан танишдим. Сўнг уй билан таниширилдим: хонадон уч қаватли эди. Хоналар бирам кўпки, ҳаммаси қулфлоғ турарди. Бу лабиринт уйда адашиб қолишим аниқ, деб ўйладим.

— Нега қўрқасан? — деди бекам. — Уйимизни қўриқчилар қўриқлайди, рухсатимсиз бирор киромлайди.

Билсам, янги бекам демократик партия депутати экан. 1990 йилгача Непал мутлоқ монархия эди. Кейинчалик демократик бўлса ҳам бу ҳолат ўзгармади: бадавлат қатлам қора халқни эзарди. Менинг бекам ҳам юқори кастандан бўлгани учун ўзидан паст кимсаларни одам ўрнида кўрмасди.

Хоним ишга кета туриб барча эшикларни кулфлаб кетар, факат ошхона, омбор ва боғ эшиги очиқ қоларди. Балки мени бирор нарса ўғирлар деб чў chir.

Бу хонадонга ҳеч ким кирмасди. Ўзимни худди қамоқдагидек ҳис этдим. Янги бекамнинг табиати анча оғир эканини дарров пайқадим. У доим ўз саломатлиги ва гўзаллиги борасида қайғуради.

Хоним тонгги тўртта уйғониб узоқ вақт ванна қабул қиласди. Сув овозини эшишиб мен ҳам уйғонардим. Сўнгра у бир соат юзига турли кремлар сурарди. Кейин эса бадантарбия қилгач, кийинарди. Бекам соат олтида ўсимликли дамлама, еттида бодрингли шарбат, саккизда эса мевали компот қабул

қиларди. Түққизга келиб мен унга барра мевалар: папайя, манго, олма, қовун кесиб хонасига олиб кирадим.

Хоним ўзига эътиборсиз кимсаларни ёнидан ҳайдарди. Шунинг учун ҳамиша уни тинглашга тиришардим. У ҳатто эрини ҳам ҳайдаб солган экан. Ўз табақасидан бўлган турмуш ўртоғи жонига теккан эмиш. Икки ўғли эса Америкада ўқийди: бири режиссёрликка, иккинчиси дизайнерликка. Якка қизи бўлса бадавлат бир йигитга турмушга чиқиб кетган экан.

Бекам бозорликни ўзи қилгани учун умуман кўчага чиқмасдим. Бизнинг мамлакатда гуруч асосий таом. Шу сабаб бекам кўпинча гуруч келтиради. Уни сабзавотлар ёки чечевица соусига қўшиб истеъмол қилиш мумкин. У ўзи учун йирик донали оқ гуруч, менга эса курмакли қорамтири майдагуруч келтиради. Ҳар куни икки хил идишда гуруч пиширадим.

Баъзида бекам ўзи таом тайёрларди. Шунда мен учун тайёрлаган таомини ея олмасдим. Чунки унга чўчқа гўшти ва қалампир қўшарди. Балки жуда озғинлигим учун семирсин деб гўшт қўшгандир. Мен вегетариан эдим. Кучуклар учун аталган чўчқа гўштининг иси қўнглимни афдаарди. Шу сабаб бекамнинг кўзидан пана қилиб овқатни ахлатга афдаардим. Кўпинча мен пиширган таомлар унга маъқул бўлмасди:

— Тфу! Буни еб бўлмайди. Мени ким деб ўйляяпсан? Уни кучукларга бер!

Зитанинг оиласи сирайм тайёрлаган овқатимдан норози бўлишмаганди. Аммо янги бекамнинг таъби жудаям нозик эди. Ҳатто бир марта у ликоп тўла таомни отиб юборди.

— Нега анқайиб турибсан? Тозала гиламни! Эсиз, қиммат идиш эди-я!

Кўзда ёш билан поллатта келтирдим...

Зитанинг уйидан кетганим учун минг пушаймон бўлардим. У ерда ҳарҳолда ўзимни одамдек сезардим. Бу ерда эса қадрсиз бир чўриман. Бекамнинг кайфияти бир юз саксон даражада ўзгариб турарди. Аҳён-аҳёнда менга яхши гапириб ҳам қоларди:

— Оҳ, Урмила, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Ваъда бер, доим ёнимда бўласан-а? Бунинг учун сени мукофотлайман...

У кўпинча ўзи ҳақида гапириб берарди. Мен бўлса ҳа, шундай, тушунарли, деб жавоб қайтариб ўтирадим. Бир куни менинг ўтмишим билан қизиқиб қолди. Унга расмий оҳангда юрагимни ҳовучлаб сўзлаб бердим.

— Ўйингдан жуда олислаб кетгансан. Ота-онанг сени изламайди ҳам. Балки йўқлигингга қўнишиб ҳам кетишгандир. Ҳатто бундан мамнун ҳамдирлар. Улар сени яхши кўришмайди, йўқса, чўриликка топширишармиди? Шунинг учун сенга тўлайдиган маошимни ота-онангга жўнатма. Ўзингга йифиб қўй. Бир умр ёнимда хизмат қилсанг кам бўлмайсан, пулим етарли. Қариганимда ўғилларимнинг ёнига кетаман. Шунда сениям олволаман. Доим мен билан яшайсан, тўғрими?

Мен жавоб қайтаролмадим. Чунки ўз оилам ҳақида ўйлардим. Наҳотки, улар чинданам мени унутиб юборган бўлишса? Наҳот, бекам ҳақ бўлса?!

Баъзан бекамнинг менга ҳасад қилишини пайқаб қолдим. У нуфузли сиёсатчи, ишбилармон ва ҳурматли хоним бўлса-да, мендек оддий бир чўри қизга файирлик қиласарди.

— Эҳ, Урмила, сен ёш ва чиройлисан! Терингни таранглигини қара... мен бундай тери учун боримни беришга тайёрман. Кўзгуга боқсанда ажинларимни

санаш осон дейсанми? Шунча қиммат кремлар ҳам таъсир қилмаяпти...

Бир куни унинг ёнига келган дугонаси ҳам шу ҳақида сўз очиб қолди:

— Хизматкорингга нега бунаقا қопга ўхшаган кийим кийдириб қўйдинг? Қара, у хушбичим, новдагина қиз экан. Юзининг силлиқлиги-чи!

— Кўйлаги катта бўлсаям, қиммат! — жавоб берди бекам. — Уни ўғлим Америкадан юборган. Бир-икки марта кийганимдан сўнг унга бервордим. Сифатли бўлса бўлди-да, нима фарқи бор?

Мен бекам билан баъзида унинг қизи Сьюзиникига борардим. Унинг уйи ҳақиқий сарой деса бўлади. Бофига фавворалар, пальмалар кўзни яшнатади. Бекамнинг қизиникида ўн беш чоғли одам яшайди: хизматчилар, ошпаз, боғон, ҳайдовчилар, энагалар. Ҳатто кучукларга қарайдиган итбоқарлар ҳам бор.

Бизнидан фарқли ўлароқ бу ерда хизматчиларга яхши муомалада бўлинаркан. Хизматчиларга сифатли таом ва иш ҳақ бериларди. Уларнинг ўз ошхонаси, ётоги бор эди. Барчаси маҳсус форма кийиб олишган. Сьюзига ҳам менинг эгнимдаги кийим ёқмади.

— Нега бу рўдапога ўраниб олдинг? Қизиқ, онам либосларга аҳамиятсиз эмасди-ку? Одамлар кўрса, кулади.

У шундай деб менга чиройли оқ кўйлак берди.

— Ана, энди, онамга қандай чиройли қиз эканингни кўрсатиб қўй!

Аммо бекамнинг аччиғи чиқди.

— Кимларга ўхшаб қолдинг? Ким сенга бу кийимни берди ўзи? Нима, қизимга кийимим йўқ, деб шикоят қилдингми?

— Асло, уларнинг ўзлари менга шуни тақдим этдилар.

— Тезда ечиб ташла! Хизматчим нима кийишини ўзим ҳал қиласан! Худди бирор йигитнинг бошини айлантириш учун ясаниб олганга ўхшайсан, ярамас қиз! Шундайми?

— Йўқ, йўқ, — деганча кўйлакни ечиб қўйдим. Бекам қизини ҳам қилган иши учун койишни унутмади.

## ШОҲОНА САРОЙДАГИ ҲАЁТ

Бир куни бекам уйга яхши кайфиятда келди.

— Бугун кечки пайт сени концертга олиб бораман, — деди тантана билан, — мана кўрасан, сенга ёқади. У ерга бутун казо-казолар йифилади, машҳур қўшиқчилар чиқиш қилишади. Қани, сенга кийим танлайлик-чи.

Унинг менга бўлган бундай самимий муносабатидан эриб кетдим. Балки у унчалик ҳам ёмон аёл эмасдир? Ҳарҳолда, бир йил ичida мени ёқтириб қолган бўлса ажабмас. Бекам ётогидаги беш эшикли улкан жавонни очди.

— Мана бу чиройли сари сенга мос тушса керак. Йўқ, йўқ, бу эмас. Манавини ола қол. Мендан кўра одмироқ бўлишинг керак!

Бекам сарини жойига қўйиб, оддий кўйлак ва шалвор олди.

— Нимани кутяпсан? Тезроқ кийин!

Либослар менга каттароқ бўлса-да, кийиб олдим.

— Яхши, бўлади, — деди бекам. — Энди эса ечиб қўй ва менга ванна ҳозирла. Концертгача ўзимга қарашим лозим.

Ваннадан сўнг у кумушранг сари кийиб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб олди. Сўнгра менам кийиндим. Бекам қутичадан мен учун ҳам тақинчоқ олди. У бўйинга ва қулоққа тақиладиган

## Урмила ЧАУДХАРИ

безакли тилла эди. Кўзларимга ишонмасдим! Бундай тақинчоқни телевизор орқали Непал гўзали танловидаги ғолибанинг бўйнида кўргандим.

— Наҳотки, бу Непал гўзалининг тилласидан бўлса? — деб юбордим.

— Билмадим. Балки меҳримни қозонсанг уни сенга туҳфа қиласман. Қани, кетдик энди, бўлмаса кечикамиз.

Умримда концертга кирмаганим учун ҳайратим чексиз эди. Биз қизил гилам тўшалган улкан залга кирдик. Юзлаб чироқлар илинган қандил кўзни оларди. Бекам дўстлари ўтирган қаторга ўтди ва улар билан саломлашди. Улар орасидан кимдир менга мулозамат кўрсатди.

— Бу менинг Урмилам, — таништири бекам, — у жудаям ажойиб қиз. Гўзал ҳам.

Концерт бошланди. Моцарт деган бастакорнинг куйини чалишди. Сел бўлиб тинглардим. Мусиқа инсон кўнглини алланечук қилиб юбориши рост экан. Менинг қувончга тўлиб концерт тинглашимни кўрган бекам ўз-ўзидан фурурланарди. У мени ўзга оламга олиб кириб ҳайратга солганидан қувонарди. Чинданам, ундан миннатдор эдим.

Уйга қайтгач, бекам чарчаганини айтиб уйқуга кетди. Либос ва тақинчоқларни ечгач, яна чўрига айландим. Дилемга қачонлардир мен ҳам скрипка чалишни ўрганишни тугиб қўйдим.

Бекамнига келганимга ҳам анча бўлди. Кунда ўн олти-ўн етти соат ишлайман. Асосий ишим кир ювиш, супир-сидир, овқат тайёrlаш ва хонимни парваришлashedan иборат. Гарчи уйда кир машинаси бўлса-да, бошқа бой оилалар қатори бекам менга бутун уйдаги жилд ва чойшабларни қўлда ювдиарди. Баъзан қизи ва набираларининг кийимларини ҳам

олдириб келарди. Бир уюм тоқقا айланган кирчиirlарни куни билан ертўлада ювиб, сиқиб ёярдим.

— Куни билан банд бўлсанг, зерикмайсан, — дерди бекам, — шунда бемаъни ўй-хаёллар ҳам миянгга ёпишмайди.

Назаримда, у менинг бўш вақтим бўлишини сира истамасди. Сьюзи ва унинг эри менга яхши муносабатда бўлишар, баъзида кирларини ювиб берганим учун озроқ пул ҳам беришарди. Сьюзининг эри ўз қайнонасининг менга ҳақ тўламай чўри қилиб ишлатишни маъқулламас, бунга инсон хукуқларини камситиш деб қаарди.

Зита ҳақида сира эшитганим йўқ. Бир неча марта Сьюзининг уйидан қўнфироқ қилишга уриндим, аммо тушолмадим. Бир куни яна умид билан унга сим қоқдим. Ҳайриятки, у гўшакни олди.

— Зита, намасте, бу мен, Урмиламан!

— Урмила, овозингни эшитганимдан хурсандман! Ишларинг қалай? Нега ҳеч қўнфироқ қилмайсан?

— Холангиз уйидан қўнфироқ қилишимга рухsat бермайди. Ҳозир унинг қизиникидаман. Ишларим яхши деёлмайман. Бекам жуда қаттиққўл экан. Уйдан ташқарига чиқармайди ва ҳалигача маош тўлагани йўқ.

— Афсус... Ундей бўлса мен холам билан гаплашиб кўраман. Сенга яхши муомалада бўлиб, пул тўлашини сўрайман. Бўптими?

— Албатта. Болаларингиз яхшими? Уларни соғиндим.

— Ҳаммаси жойида. Қизимнинг баҳолари яхши, ўғлим бўлса инглиз тилидан қийналяпти. Унга компьютер ўйинлари бўлса бас.

Зита билан у ёқдан-бу ёқдан сўзлашдик. Икки кундан кейин эса Зита бекамга қўнфироқ қилди. Гаплашиб бўлишгач, хоним ҳузурига чорлади:

— Ўтири! Зита қўнғироқ қилди. Демак, унга шикоят қилибсан-да? Қадримни билмаган чўри-камалари! Қишлоғингда ялангоёқ бўлиб, бирбурда нон тополмай юрадинг! Шундай катта хонадонда қорнинг тўқ юрганингга шукур қилсанг-чи? Сенга овқат, кийим бераман. Ёлғиз бир ўзимга хизмат қиласан, шундаям норози бўлишингadolatdanmi? Аҳмоқ, Зитага мен ҳақимда нималар дединг? Сени ёқтириб қолгандим. Ярамас тхар, аслида каламушсан! Чўриларга ишониб бўлмаслигини билардим. Сенга нима етмаяпти ўзи?

Бекамнинг юзи бўғриқиб кетди.

— Кун бўйи уйда ёлғизман, бир ўзим ертўлада қўрқяпман. Кейин... ҳақ тўлайман, дегандингиз, — тилимга келганини айтдим.

— Аввал маошга яраша иш қил! Оч қолгандек шикоят қилишингга ўлайми? Ҳали пул керак, дегин? — бекам шундай деб ҳамёнидан бир жуфт купюра чиқариб менга қараб отди. — Мана сенга пул! Менинг пулим етарли, яхши ишласанг бир куни тўлайман. Энди эса қўзимдан йўқол, аҳмоқ тхар қиз!

Югуриб хонадан чиқиб кетдим. Пуллар ерда қолаверди. Тиззаларим қалтираб, Зитага қўнғироқ қилганим учун ўзимни койидим. Барибир тақдиримни ўзгартиrolмайман. Нима қилардим ўзимга бошоғриқ сотиб олиб? Мен камалариман, менга ҳеч қанақа ҳақ тўланиши шарт эмас! Менга яхши муомала қилишлари ҳам мумкин эмас! Ёзугимиз шунаقا. Шу пайтгача ўзгармаган удумни мен ўзгартиrolмайман, ахир.

Бор дардимни кундалигимга сочардим. Бекам уйда йўқлигида озроқ ёзишга улгурадим. Шу пайтгача учта дафтарим тўлди. Уларни ертўлага, бекам тополмайдиган жойга яширадим.

## САЕХАТ

Февраль ойида хоним Лумбинига бүлажак катта конгрессга кетди. Лумбини, бу таълимотимизга кўра, Будда туғилган жой. Бекам икки кундан сўнг Лумбинига мени ҳам чақирди.

— Менга керакли дори-дармонларим ва кийимларимни олиб келишинг керак. Шу баҳона шаҳзода Сидхартнинг туғилган ерларини кўриб кетасан.

Қамоқ уйдан чиқаётганимдан хурсанд бўлиб йўлга тушдим. У ергача автобусда етиб олдим. Шаҳзода Сидхарт Гаутама туғилган вақтда пайғамбаримиз унинг келажакда авлиё бўлишини башорат қилган экан. Шундан бери қирол ўғлининг диний билим олишига барча шарт-шароитларни яратиб берди. Шаҳзода йигирма икки ёшигача, яъни шу пайтга қадар саройда ўқиб ўрганди, бирор марта ташқарига чиқмаган, дейишади. Кейин эса оламни ўрганиш мақсадида Непал ва Ҳиндистонни кезибди.

Мен буддавий бўлмасам-да, бу таълимотга қизиқаман. Лумбинида хоним жойлашган меҳмонхонага бордим. Конгресс куни бекамнинг қариндошиникида ўтириб уй ишларига қарашдим. Бу шаҳарга дунёning кўплаб жойларидан ташриф буюришади, барчasi Буддани зиёрат қилгани келади. Майя Деви ибодатхонасида шаҳзода Сидхарт туғилган хонани ҳам кўриш мумкин. Бу ерда Будда шарафига кўплаб миллат вакиллари ибодатхона қурдирган: тайлар, хитойликлар, японлар, корейслар, ҳатто немислар.

Сафаримиз якунида бекам менга катта жигарранг көмверт тутқазди:

— Уни сумканга яшир!

Сўнг бекам бозорга бориб керакли ул-бул олиб

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

келишимни буюрди. Йўл бўйи ортимдан икки эркак кузатиб юрганини пайқаб қолдим. Бир пайт улар қаршимда пайдо бўлишди ва мендан қандайдир хужжатларни сўрашди.

- Қанақа хужжат? – дедим ҳайрон бўлиб.
- Қанақалигини яхши биласан. Беканг берган конвертни айтаяпмиз! Уларни бизга бер! – эркакнинг важоҳатидан қўрқиб кетдим.
- Менда ҳеч нима йўқ, – алдадим мен.
- Ундей бўлса, сумкангни титишимизга тўғри келади. Шунда топиб олсак, ўзингдан кўр!

Ёрдам сўраш учун атрофга бокдим. Кўчанинг нарёғида катта меҳмонхона туради. Шарт ўша тарафга қочдим. Эркаклар ортимдан чопишди. Аммо меҳмонхонага киришмай тўхтаб қолиши. Мен холлга кириб кўнфироқ қилиб олиш учун рухсат сўрадим. Бекам жойлашган номерга сим қоқдим ва вазиятдан огоҳ этдим.

– Уларга конвертни бермадингми? – чўчиб сўради бекам.

– Йўқ, аммо улар мени ташқарида кутиб туришибди. Чиқсан, олиб қўйишади. Энди нима қиласман?

– Яхши, гўшакни навбатчи ходимга бер.

Мен қабулхонадаги йигитга гўшакни узатдим. Бекам унга мендаги конвертни меҳмонхона сейфида сақлаб туришини ва бунинг учун яхшигина чойчақа беришини айтибди. Йигитга конвертни узатдим. Мени эса сал ўтиб ҳайдовчи келиб олиб кетди.

Кечки пайт бекам конвертдаги хужжатларда партияга сайланажак барча аъзоларнинг исм-шарифи борлигини айтди. Бу ўша эркакларга нима учун керак бўлган, шуни тушунмадим.

## БЕКАМНИНГ ЎФИЛЛАРИ

Ҳар йили Дассайн фестивалига бекамнинг ўғиллари албатта келаркан. Бу йилги байрамда уларни кўрдим. Прадап ва Пракашнинг оналарининг гирт тескариси эканини билиб олдим. Улар Америкада ўқиб улғайганлари учун камалари савдосига қарши эканлар. Менинг уларга хизмат қилишимни исташмади. Мен билан одамдек муомала қилишар, ўзлари еган идишларни ошхонага олиб кириб ювиб қўйишарди.

— Америкада бирорни чўри қилиб ишлатиш мумкин эмас. Сен эса бир ўзинг бутун уйни тозаларсан, — дейишарди ҳайрон бўлиб.

Бекамга бундай гап-сўзлар, албатта, ёқмасди.

— Бизларни ўз акангдек кўр, — дейишгандан сўнг хоним тутаб кетди. Ёлғиз қолганимизда:

— Ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Ўғилларимга ака дея кўрма. Уларга сингил бўлиб қолдингми? Сени мен туғмаганман. тхар қиз! Ўғилларимнинг хизматини қил ва ортиқча гаплашма!

Айниқса, Пракаш мен билан суҳбатлашишни яхши кўрарди.

— Онам учун узр. Сени қулдек ишлатаётгани яхши эмас. Сен бундай ҳаётга муносиб эмассан. Америкада бундай қилишмайди. У ерда камбағал болалар ҳам мактабда ўқиш хуқуқига эга. Онам болалигимизда бизга ҳам қаттиққўл эди. Кун бўйи ишда бўлар, келиб тарбиявий соат ўтарди. Сирайм мени яхши кўрганини эслолмайман... Кўп йиғлардим. Мактабда яхши ўқий олмаганим учун доим мени омадсиз санаарди. Шунинг учун отам билан суҳбатлашишни яхши кўрардим, у бизни тушунарди. Онамнинг характеристи туфайли отам ҳам кетишга мажбур бўлган. Аниқроғи, онамнинг

ўзи уни күчага ҳайдаган. Билсам, онамдан хафа бўлиш керак эмас экан, шунчаки у шунаقا туфилган, бошқаларга ҳукмронлик қилишни ёқтиради.

Бекам қаҳрли бўлса-да, ўғиллари шу ердалигига бир оз мулойим тортди. Барibir болаларини соғинган, шекилли. Шу икки ҳафта давомида бу дим уйга ҳам тоза ҳаво киргандек бўлиб, эркин нафас олдим. Прадап ва Пракаш байрам уюшириб, дўстларини чақиришди. Уларнинг ўйнаб-қувнаганини кўриб ўзим ҳам яйрадим. Афсуски, сафар якунига етди.

— Мен опам билан гаплашиб кўраман, у сен ҳақингда қайғуратди, — деди Пракаш кетар олдидан, — онамга ҳам мактабга боришинг кераклигини айтдим. Ўйлаб кўраман, деди.

Мен учун қайғураётган инсоннинг кўлидан тутиб ўпдим. Икки кун ўтиб бекам мени хонасига чақирди.

— Ўғилларим сен ҳақингда гапиришди. Сенга ёмон муомала қилаётган эмишман. Мактабга боришинг керакмиш. Ўзинг бу ҳақида нима деб ўйлайсан?

Тилимни тишлаб, жавоб қайтаришга иккиландим.

— Мен, мен... — дедим тутилиб.

— Ҳатто саволга жавоб беролмайдиган даражада аҳмоқсан, яна мактабга бораман, деганингга ўлайми?

— Йўқ, хоним, илтимос, менга имкон бўринг. Сизга у қадар аҳмоқ эмаслигимни исботлайман. Кўрасиз, мактабни тез ўзлаштираман. Дарсдан сўнг барча уй юмушларини бажараман. Ваъда бераман! — дедим шошиб-пишиб.

— Йўқ, сени уйдан ташқарига чиқариш ниятим йўқ, бўлмаса хаёлинг бузилади. Уйга муаллим ёллаш учун пулим етади.

— Уйда ўқишига ҳам тайёрман, хоним...

— Буям бўлмайди. Уйимизга эркаклар келишини истамайман. Охири нима билан тугаши маълум! Бир

марта хизматкоримни уйда ўқитганман. Аммо икки ҳафтадан сүнг у ўқитувчиси билан севишиб қолди ва мени ёлғиз қолдириб қочиб кетди, ярамас! У сендан кўра анча кўримсиз эди: қийшиқ тишли, қора тан. Сен эса гўзалсан, бирор йигит севиб қолиши турган гап. Исталган пайт ким биландир кетиб қолишинг мумкин.

— Йўқ, йўқ! Шунчалар ишонмасангиз, аёл муаллим ёллайлик...

— Муаллима? Фу! Аёллар дарс ўтишни билишмайди, уларнинг мияси бўм-бўш. Сабоқ бериш ўрнига, сен билан гап сотиб ўтиришади пулимни совуриб. Ўқитувчилик фақат эркакларга хос касб.

— Унда кекса муаллим топсак-чи, хоним, — умидимни узмасдим мен, — илтимос, озроқ ўрганишимга имкон беринг. Мен бошқа ҳеч нарса сўрамайман.

— Йўқ! — қатъий жавоб берди бекам. — Уйимга бегоналар кирмайди. Ўғилларимга ваъда берганман, шунинг учун бошқа бирор истагингни айта қол, бажараман. Нима истайсан? Кийим-кечак, зирақ, оёқ кийим, қуёшга қарши кўзойнак...

Таълимни бу буюмлар билан таққослаб бўлмайди. Ўзимни жуда омадсиз ҳис этдим. Бир пайт хаёлимга бир истак келди.

— Ундей бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқиши истайман!

— Ҳайдовчилик? Сенга у нимага керак?

— Бизнинг қишлоқда ҳеч ким ҳайдашни билмайди. Мен биринчи бўламан!

— Ҳа, майли. Ҳайдашни шунчалик истасанг, буни ўйлаб кўраман. Ҳайдовчимиз сенга ўргатади.

Шу билан сұхбатимиз якунига етди.

Ҳайдовчимиз камсуқум, яхши инсон эди. Бекам

## Урмила ЧАУДХАРИ

унга менга ҳайдовчиликни ўргатиши учун пул тўлади. Мартнинг ажойиб кунларининг бирида мен дарс ола бошладим. Ҳайдовчининг сабоқларини қунт билан ўзлаштиридим ва унинг айтишича, биринчи мартадаёқ яхши ҳайдабман. Кейинроқ у менга машинани топшириб ҳайдашимни томоша қилганча, тамаки чекадиган бўлди. Аммо бекам буни кўролмасди. Дарс бошланиб ярим соат ўтгач, мени чақиради:

— Бўлди, етар, Урмила, уйда ишларинг тиқилиб кетди!

Бир нечта дарсдан сўнг мени кўчада ҳайдашимга рухсат беришди. Ҳайдовчимиз бошчилигида бекамни ҳам олиб машинани секин бошқариб кета бошладим. Ҳаммаси яхши кетарди. Ҳайдовчи мени мақтар, лекин бекам борган сари аччиқланарди. У, билишимча, ҳайдашни ўрганиб олишимга ишонмаганди. Беш кундан кейин машинани эркин бошқара бошладим. Менинг ҳам қўлимдан бир иш келганини ўйлаб ўз-ўзимдан фахрланардим.

— Урмила ҳайдашни ўрганиб бўлди. У жуда иқтидорли ва ақлли қиз! — деди ҳайдовчимиз бекамга.

— Яхши, — ҳиссиз жавоб берди хоним.

Шундан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномаси олишни режалаштиридим. Лекин паспортим йўқ эди, энди гина ўн олти ёшда эдим. Бекамдан сўрасам, паспорт олиш учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома кераклигини айтди. Гувоҳномам ота-онамникида қолган эди. Бекам уни Манпурдан олиб келтирди ҳам. Бироқ шу орада сиёсий низолар кучайиб, паспорт масаласи қолиб кетди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам ололмадим. Бекамнинг сиёсий ишлари якунлангач, гувоҳнома масаласини эслатдим. Аммо ҳар гал турли баҳоналар эшилдим.

— Ҳозир сенга гувоҳнома керак эмас. Барибир мен

билин яшайсан, ҳайдовчимиз ҳам бор. Қачон зарур бўлганда, олиб бераман.

Мен ҳайдовчилик гувоҳномасини олгач, бирор ердан иш топиб, бекамнинг уйини тарқ этишни ният қилгандим. Бизда гувоҳнома олган ҳайдовчилар жуда кам эди, чунки у қиммат турарди. Афсуски, бу режам ҳам чилпакка чиқди.

## БОСҚИНЧИЛАР

Ярим йилдан кейин бекам менга ертўладан чиқиб кутубхона полида ухлашимга изн берди. Бу у тарафдан кўрсатилган катта илтифот эди.

— Сенга ишониш мумкинлигини исботладинг, Урмила. Сенинг фидойилигинг учун қадрлайман. Лекин кутубхонани доим тартибли ва озода тутиш шарти билан беряпман.

— Раҳмат, хоним, ишончингиздан бошим осмонда.

Чинданам бундан шод эдим. Энди чироқ ёқиб bemalol китоб ўқишим, ёруғ хонада кундалик ёзишим мумкин эди.

Бир куни тунда эшигим тақиллади. Бекам бу пайтда мени безовта қилмасди. У кирса кундузлари тақиллатмай кириб келаверарди. Бу ҳол такрорлангач, аста бориб эшигим қулфини очдим. Қаршимда ниқоб таққан бир эркак фонар ушлаб турарди. Қўрқиб кетдим.

— Сен кимсан? Қолганлар қани? — деб бақирди у.

У фонарни юзимга тутди, сўнг хонамни кўздан кечирди. Мен эса овозим чиқмай қотиб турардим. Бир пайт ўзимга келиб қичқирдим:

— Босқинчилар!

Эркак менинг оғзимни маҳкам ёпди ва қўлларимни қайирди. Шунда зинадан кўтарилаётган бошқа босқинчиларга кўзим тушди. Уларнинг бари қора ниқоб билан юзларини яшириб олишганди.

## Урмила ЧАУДХАРИ

— Уйда яна ким бор? — деди эркак.

Шу пайт юқори қаватдан бекамнинг овози эши-тилди:

— Менинг тўппончам бор! Йўқолларинг бу ердан, ифлослар! Йўқса, отаман! Полицияни чақирдим, ҳозир етиб келишади!

Тапур-тапур пастга тушиб келаётган босқинчилар қўлига илинган майда буюмлари олишди-да, жуфтакни ростлашди. Улар бекамдан қўрққани аниқ! Ёнимга тушган хонимнинг юзида эса ҳеч қандай қўркув сезилмасди.

— Ойна сингани чатоқ бўлди-да! — деди менга қараб.

Бекам полицияга хабар бермади. Бу ҳақида шовшув бўлиб кетишини истамади. Унинг тахминича, бу ўғрилар қўшнилар ёки тибетлик қочоқлар эди. Ҳарҳолда, улар қўлга олинмади. Бекам негадир полицияга хуши йўқ эди. Балки охирги бир ой ичида уни икки марта полиция маҳкамасига олиб кетишгани учундир. Хонимни халқ мулкини ўзлаштирганликда айблашарди. У очган хусусий фирма Непалда ягона бўлиб, полиция одамларга ёлғон ваъдалар бериш бўйича суриштирув олиб борганди. Хоним одамлардан пул олиб чет элда яхши ишга жойлаштиришга кафолат бераркан. Бироқ мижозлардан ҳеч ким ишга киролмаган экан. Хонимдан буни кутса бўлади, шунинг учун бундан ажабланмадим.

Ўшанда бекам полиция маҳкамаси вазири билан боғланиб, ишни босди-босди қилганди. Шундан бери полиция кўзидан нари юради.

Бир куни Съюзи эри билан Канадага бир неча ҳафтага бориб келишларини айтишди. Унинг болалари энагаси билан бирга бизникига келадиган

бўлишди. Болалардан бири гўдак, иккинчиси эса икки яшар эди. Биз ҳаммамиз ўша босқинчиликдан сўнг иккинчи қаватда ётардик.

Афсуски, бу ҳолат яна такрорланди. Ярим тунда эшик аста очилиб фонарчали одамлар бостириб киришди.

— Ўрнингиздан туриңг! — буюришди улар.

Бекам ва энага ўрнидан турди, болалар эса йиглай бошлишди.

— Уй эгаси ким? — сўради босқинчи тўппончасини тутиб.

— Йўқ, мен эмасман. Уй эгаси кетган, биз эса хизматкорлармиз, — деди хоним қўрққанидан.

— Бу кампирнинг гапи ростми? — менга юзланди босқинчи. — Бу болалар кимники?

Энага чақалоқни овутиш билан овора эди.

— Ҳа, рост, — дедим титраб, — ҳаммамиз хизматкорлармиз. Болалар мана бу аёлники... — энагани кўрсатдим.

Бекам аллақачон ҳушини йўқотиб чўзилиб ётарди. Босқинчилар телефон симларини узишди.

— Ерга ётинглар ҳамманг!

Босқинчилар устимизга кўрпа ташлаб қўйиши.

— Овозингиз чиқса, сизларни ўлдираман!

Биз уларнинг уй бўйлаб юрганларини эшитиб турардик, холос. Улар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ниманидир излашди. Кейин улардан бири менинг сочимдан тортиб коридорга олиб чиқди. Унинг қўлида бир даста калит шодаси бор эди.

— Калитлар тушадиган барча хоналарни бирмабир кўрсат! — буюрди у.

Мен унга кутубхонани кўрсатдим. Босқинчилар бошлиғи шу ерда мени саволга тутди:

— Менга уй бекаси ёки унинг фарзандлари керак?

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

Ростдан ҳам хизматкормисан? Агар алдаётган бўлсанг, нақ калланг кетади!

— Мен Урмила Чандхари, оддий камалариман.

— У алдаяпти! — деди босқинчининг шериги. — Бу қиз жип ҳайдаб юрганини кўрганман. Уй эгасининг фарзанди бўлса керак. Уни ўзимиз билан олиб кетсак, кўп пул ишлаб олишимиз мумкин!

Мен қанчалик бу гапни рад этмай, улар ишонишмади.

— Алдасанг, ўлдираман, деб огоҳлантиргандим! — деди бошлиқлари менга тўплонча тираб.

Кўзларимни маҳкам юмиб олдим. Шу пайт зарб едиму ҳушимдан кетибман. Кўзимни очсам, ётоқхонада ётибман. Бекам ҳамон ҳушсиз. Босқинчилар энагани судраб олиб чиқиб кетишишмоқда. Ишқилиб, бу болалар беканинг набиралари эканини айтиб қўймасин-да! Бир муддатдан сўнг энагани ҳам ёнимга ташлаб кетишиди.

— Энди ухланглар!

Жим ётдик. Босқинчилар ҳам бир оздан сўнг тинчиб кетишиди. Анча вақтдан кейин юрак ютиб хонадан чиқдим ва уйни кузатдим. Ҳаммаёқ тинч эди. Хоналар ағдар-тўнтар бўлган, ҳамма жавонлар эшиги очиқ эди. Тонг ёриша бошлаганди. Қоровулнинг эшиги устидан қулфлаб қўйишган экан, уни очдим.

Шошиб юқори қаватга чиқдик. Бекам ва бошқалар қаттиқ уйқуда эди. Сочиқни ҳўллаб хонимнинг юзига босдим. У тез ўзига келди.

— Улар кетишдими? Нима бўлди? Қани улар?!

— Хавотир олманг, кетишиди.

— Болалар яхшими, ишқилиб?

— Ҳа, улар ухлашяпти.

Бу сафар полиция чақирдик. Чунки босқинчилар сейфни очиб қимматбаҳо тақинчоқлар ва пулларни

ўғирлаб кетишганди. Ҳисоблаб кўрилганда, хоним саксон беш миллион рупий зарап кўргани аниқланди. Тахминга кўра қоровул уларнинг шериги деб гумон қилинди, чунки сигнализацияни ўчириш осон эмасди. Полиция уни олиб кетди. Мен эса кун бўйи уйни тартибга келтирдим. Кечга яқин бекам мени чорлади.

— Урмила, сенга ишониш мумкинлигини яна бир бор исботладинг. Менинг уй эгаси эканимни босқинчиларга сотиб қўймадинг, бунинг учун миннатдорман сендан!

Хонимнинг бировга раҳмат айтиши жуда қийин эди. Мендек оддий камаларига бунираво кўрибди-ми, демак, мен ҳам ундан озодлик сўрай оламан.

## АКАМ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўша воқеадан сўнг биз хонимнинг қизиникида турайдиган бўлдик. Съозига босқинчилик ҳақида айтмадик. Кундузи эса уйимизда бўлардик. Бекам ишга кетганда аввал хурсанд бўлган бўлсам, энди сабрсизлик билан кутардим. Чунки виллада бир ўзим кўрқа бошлагандим.

Декабрь ойларининг бирида телевизорда акамни кўриб қолдим! Кўзларимга ишонмасдим. Энг қизифи, у мен яшайдиган жойдан атиги икки километр нарида экан. Янгиликларда ерсиз деҳқонларнинг намойиш уюштирганликлари ҳақида гапириларди. Акам Омар ҳам шулар орасида экан. Юзлаб одамлар Катманду бўйлаб қўзғолон кўтаришарди.

Туни билан акамни қандай топиш ҳақида бош қотирдим. Бахтимга эртасига қўнфироқ бўлди. Гўшакни хоним кўтарганини эшитдим.

— Кимни сўраяпсиз? Урмила Чаудхари дейсизми?

Исмимни эшитиб, ҳайрон бўлдим. Бекам эса менга юзланди:

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

— Урмила, сенинг Омар деган аканг борми? Шу сўрайти...

— Чинданми? У Катмандуда эди, кеча телевизорда кўрдим! — шундай дея гўшакка ёпишдим. — Ака, бу сизмисиз? Катмандуда нима қиляпсиз?

— Намойиш уюштирилди. Ерсизларнинг бари унга қўшилди. Сени излаб аввалги бекангга қўнфироқ қилдим. Аммо у ерда йўқ экансан. Кейин янги уйингнинг рақамларини беришди. Хайрият, топдим! Икки йилдан бери дарагингни излайман. Урмила, гапларимни эшит. Эртага бу ердан кетаман. Сени кўрсам бўладими? Қаердасан ўзи?

Қулоқларимга ишонмасдим. Наҳотки, акам мени излаган, кўришни истаган бўлса? Қўрқиб бекамдан сўрадим:

— Хоним, акам билан учрашсам бўладими?

— Қаерда экан аканг?

— Аэропорт яқинидамиз. Тинкуне дейишаркан. Бу ерда минглаб непаллик деҳқонлар йифилган.

Бекам ўша ерга боришга рози бўлди. Учрашиш учун бекатни танладик.

— Оҳ, қандай замонларга қолдик? — лабини бурди хоним. — Менинг хизматкорим шахсий телефонимда гаплашса? Яна акаси билан учрашув тайинласа? Ишониб бўлмайди!

Шунга қарамай у гапида турди. Ҳайдовчини чақиргач, биз айтилган манзил сари йўл олдик. Аммо у ер жуда тўполон эди. Машина атрофини деҳқонлар ўраб олди:

— Ер ҳамма учун! Тенглик бўлишини истаймиз!

Уловдан тушиб пиёда юришимизга тўғри келди. Акамни йўқотиб қўйишдан жуда қўрқардим. Одамларни ёриб чиқиб бекат томон юрдик. Узокдан Омарнинг қорасини кўргандек бўлдим. Бекамга уни топганимни айтиб шоширдим.

— Омар, ака, сизмисиз? — деб бақирдим узоқдан. Сўнг ёнига югуриб бориб йифлаб юбордим. Акам ҳам мени бағрига босди. Бекам билан уни таништирдим. Омар унга салом берди.

— Синглингиздан ташвишланманг, — деди хоним, — у жуда яхши шароитда яшяяпти.  
— Омар, бошқалар қандай? Ота-онам омонми?  
— Бари яхши. Кичик укамиз мактабга чиқяпти.  
Ўзингни ишларинг жойидами?

Бекам ёнимда тургани учун дилимни очолмадим. Унга уйга қайтгим келаётгани, мактабга боролмаётганим ва хоним билан яшашни истамаслигимни айттолмадим.

— Яхши, — дедим базўр. — Ота-онамга салом денг. Рухсат беришса, бирор кун уларни кўргани бораман.  
— Урмила, аканг билан тезроқ хайрлаш, — қистади бекам, — ишга боришим керак.

Бекам бурилиб нари кетди. Шу пайт акам пи-чирлади:

— Менга бир жуфт ботинка олиб беролмайсанми?  
Пулим йўқ...

Бу пайтда ҳаво жуда совуқ эди, акамнинг оёқларида эса юпқа шиппак илиниб турарди.

— Менинг ҳам пулим йўқ-да, — дедим елкамни қисиб.

— Унда бекангдан сўра.  
— Бу осон эмас.  
— Ахир, унинг пули кўп-ку?  
— Уриниб кўраман, — мен бекамнинг ортидан бордим ва акам учун оёқ кийим олиб беришини илтимос қилдим.

— Аканг билан учраштирганимга шукур қилсангчи. Пул эмиш!

— Илтимос, бекам... ҳаво жуда совуқ, у эса юпун экан.

— Ҳа, майли. Мана, уч юз рупий... Машинада кутаман, тез қайт!

Мен шошиб пулни олганча йўлнинг нарёғидаги дўконга чопдим. Бу ерда оёқ кийимлар сотилаётганди. Икки юз тўқсон рупийга кроссовка ҳарид қилдим. Уни акамга элтиб бердим.

— Манг, ака, лойиқ келса керак. Уйга қайтишни жудаям истайман, — дедим бекам йўқлигидан фойдаланиб. Акам қўлларимдан ушлади.

— Агар истасанг, сени Манпурга олиб кетаман. Балки эртага ёнингга ўтарман?

— Шундай қилиш мумкинми? Аммо бекам мени берармикин?

— Эртага қўнфироқлашамиз унда.

— Майли. Мен кетдим, бекамнинг жаҳли чиқмасин. Эртагача!

### **УМИД**

Эртасига эрталаб хонимга шарбатини узатарканман, умид билан сўрадим:

— Бекам, мендан хафа бўлманг, лекин акам билан уйимга қайтишни истардим. Уч йилдан бери оиласми кўрмадим. Илтимос, уйимга қайтишимга изн беринг. Менга бошқа ҳеч нима керак эмас!

— Бу сенинг ҳаёting, — деди хоним хотиржамлик билан, — сени мажбурлолмайман. Истасанг, аканг билан уйинга жўнаб кет. Агар хоҳлассанг яна ёнимга қайтиб кел. Қарор қилиш ўзингга.

Бу жавобдан эсанкираб қолдим.

— Ростданми? Рухсат берганингиздан жудаям хурсандман, хоним! Раҳмат сизга!

Қалбимга кирган шодлик еллари билан шошганча пастга тушдим. Оила аъзоларим билан кўришиш саҳнасини хаёлдан кечирар эканман, ҳаяжондан

титрардим. Ярим соатдан кейин бекам мени хонасига чақирди.

— Урмила, полициядан қўнфироқ қилишди. Ҳали тергов ишлари якунига етмапти. Улар айтишдики, ҳозирча шаҳардан чиқишинг мумкин эмас экан. Улар билан алоқанг йўқлигини биламан, аммо полиция ҳаммани сўроқ қиласди-да. Балки бу иш уч-тўрт ойга чўзилар. Афсус, сени қўйиб юбориш менинг қўлимда эмас.

Яқин дақиқаларда телефон жирингламаганини билардим. Чунки Омар қўнфироқ қилишини кутиб пойлаб ўтирадим. Хоним мени алдаётганини тушуниб қолдим.

— Полициядан кўрқмайман. Саволлари бўлса беришсин.

— Майли, майли, озроқ кут...

Бир оздан сўнг акам қўнфироқ қилди. Унга ҳозир кета олмаслигим, имкони бўлса хабар қилишимни айтдим.

— Ўйдагиларга жуда соғинганимни айтинг. Умид қиласманки, кўп ўтмай кўришамиз.

Ўша тун акам уйимизга менсиз қайтиб кетди.

Акам билан учрашувимиздан кейин бекам менга яхши муомала қиласиган бўлди. Аввалгидек арзимас нарсаларга уришмас, ҳатто ўзи ейдиган гуручдан берарди. Икки йил давомида Съюзиникида ҳам ишлаганим учун менга кичик бекам маош тўларди. Одатда, бу пулларни хоним мендан олиб жавонига қўярди.

— Шу пуллар сенини, Урмила, қачон кетсанг ҳаммасини йифиб бераман.

Хоним буларнинг барчасини менинг кетиб қолмаслигим учун қиласарди. Бир куни Съюзининг уйида газеталарга кўзим тушди. Унда камалари савдосига оид мақола берилган экан, ҳижжалаб ўқий бошладим.

“Магхи байрамида минглаб қизлар сотиб юбориларди. Аммо бу сафар бечора қизлар қалбидан умид пайдо бўлди. Ҳомийлик ташкилотлари Дангводийсидаги қизларнинг мактабга бориши учун имконият яратмоқда...” Юрагим хаприқиб кетди. Бу менинг қишлоғимда бўлаётган воқеалар эди. Демак, одамлар энди қизларини камалари сифатида сотмай, ўқишини исташаётган экан-да. Мақоладаги суратда “Камалари савдосига қаршимиз!” деган картон қофоз ушлаб олган қизларни кўриш мумкин эди. Жуда ажойиб хабар! Кўнглимдаги умид тобора униб борарди.

Шундай кунларнинг бирида хоним мени машинага ўтиргизди:

— Сенга бир совфам бор!

Биз анча юрдик ва замонавий кўп қаватли уй қархисида тўхтадик.

— Бу бизнинг янги уйимиз! Нима дейсан? Бир ҳафтадан сўнг кўчиб келамиз. Зўр-а? Бу ер хавфсиз, бизга ҳеч ким халал бермайди. Юр, ичига кирамиз.

Бешинчи қаватдаги хонадон ёруғ, кенг ва бўм-бўш эди.

— Бу сенинг хонанг бўлади, — балконни кўрсатди хоним, — вилламизни сотиб юбораман. У иккимиз учун катталик қиласи.

Мен индамадим. Энди ўзимга ишонардим. Бу хонадонга хоним билан кўчиб келмаслигимни аниқ билардим. Албатта, ўша ташкилотни топаман ва мени камалари балосидан халос қилиб мактабга жойлаштиришларини сўрайман.

Магхи байрамига уч кун қолганди. Мен бекамдан байрамни ўз уйимда ўtkазишга рухсат сўрадим. Бу илтимосим унга ёқмагани кўриниб турарди.

— Мен сенсиз қандай қиласман? Ким менга шарбат

келтиради? Ким чарчаганимда уқалаб қўяди? Ким таом тайёрлайди? Бу ишлар менинг қўлимдан келмайди. Агар кетсанг, ўрнингга вақтинча Съюзининг хизматчисини чақириб тураман.

Аммо Съюзи бунга кўнмади.

— Хизматчиларим сизницида ишлашни исташмайди. Сабаби, жуда қўпол муомала қиласиз.

Шу пайт бекам кўзимга жуда фариб кўриниб кетди. Ҳатто кетаётганим учун унга ачиндим ҳам.

Катмануда ҳаво жуда совиб кетди. Ҳимолай тоғларининг учи оппоқ кўринар, шаҳарга ҳам қориси келарди. Ниҳоят, мен кутган Магхи — Янги йил байрами келди. Ўша тонг акамни сабрсизлик билан кутардим. У қўнфироқ қилиб йўлга чиқаётганини айтганди. Аммо айнан шу кунда бекам кўчишга қарор қилди: ташқарида юқ машинаси турарди. Бир неча йигитлар эса буюмларни ташишарди. Мен ҳам кийимларни сумкачамга жойлаб қўйдим. Бекам олган буюмларимни бирма-бир текширди.

— Ҳозир қиши бўлса, бу ёзги кўйлаклар сенга керак бўлмайди. Ахир, байрамдан сўнг қайтасан-ку? — шундай деб қўлимга йўл пули узатди.

— Яна бир оз бера олмайсизми? Оиламдагиларга совға олмоқчи эдим.

— Сенга совға олишни ким қўйибди? Келганингга шукур қилишсин. Маошингни йифиб қўйганман, қайтганингда олаверасан.

Бекам хонасидан менга катта пахмоқ пальто олиб чиқди.

— Бу қиммат туради, Испанияники. Қизим олиб келганди. У ерлар совуқ, кийиб ол. Ахир, менга ўз қизимдексан.

Миннатдорчилик билдиридим. Пальто чиндам ҳам ҳашаматли эди. Уни ҳозиргача ҳам асраб қўйганман.

Дарвоза ёнида акам кўриниши билан ёнига чопиб бордим. Нихоят! Ўн бир йил аввал мени сотиб юборган қондошим мени олиб кетгани келди. Аммо мен бундан хафа эмасдим. Энди озод бўлишимни, ҳеч ким устимдан ҳукмронлик қилолмаслигини ўйласам, юрагим хаприқиб кетади. Бекам мен учун тайёрлаган таомни акамга бердим, чунки у жуда оч эди.

**Хоним билан хайрлашдик.**

— Яхши бор, Урмила, байрамни кўнгилли ўтказ. Тезроқ қайтгин, ахир қишлоқдан кўра шу ерда, мен билан яхшироқ.

— Албатта, бекам, яхши қолинг.

Акам билан йўлга чиқдик. Қўлимда сумкаларим бўлса-да, елкамдаги оғир юк афдарилгандек, енгил эдим.

### **ВАТАНИМ БАГРИДА**

Таксида автошоҳбекатга етиб бордик. Оломон фиж фиж. Магхи байрами арафасида барча қаергадир шошарди. Мана, ўн бир йил олдинги байрамда оилас билан хайрлашдим, энди эса дийдор... Акам бекатда юкларга қараб турди, мен эса кўчанинг нарёғидаги дўконга чопдим. Қариндошларимга совға-салом олдим: онамга тақинчоқ, жиянларимга конфетлар, келинойимларга соч тўқнағич, акаларимга печенье ва тамаки, отамга бўлса открытка.

— Нега пулингни ишлатиб юрибсан? — сабрсизлик билан саволга тутди Омар. — Беканг қанча ҳақ берганди ўзи?

— Хоним менга умуман маош бермади. Фақат йўл-кирага минг рупий тутқазди.

— Қанақасига? Ахир, шунча йиллик хизматларинг ҳақи нима бўлди? — акам ишонқирамай сўради.

- Бекам мен билан ҳисоб-китоб қилмади, чунки ҳали қайтиб келишимга ишонади.
- Ойма-ой түлаб бормасмиди?
- Йўқ, баъзида қизи менга озроқ пул бериб турарди. Аммо бекам уни олиб сақлаб қўярди.
- Буни қара-я! Ахир, у сени лаққа туширибди-ку?
- Қайтиб келсанг пулларингни бераман, деган.
- Демак, қайтишга мажбурсан. Маошингни олгач, кейин сени яна олгани бораман.
- Қайтмайман, — дедим қатъий. — Мен Манпурдаги мактабга қатнамоқчиман.
- Ўзингни ким деб ўйладяпсан? Чўнталингда ҳемиринг йўқ, мактабга йўл бўлсин? Мен таълим олишинг учун пул тўлолмайман, отам эса касал. Пулимиз дори-дармонга кетяпти.

Мен газетада ўқиган ҳомийлик ташкилотлари ҳақида сўзлаб бердим.

— Улар менга ўхшаган собиқ камалари қизларни ўқитишаркан!

— Фу! Ўн етти ёшингда биринчи синфга борасанми? Ҳамма устингдан кулади! Ҳомийлар сенга тўлайди, деб ким айтди? — кулди Омар.

— Менга барибир, кулаверишсин. Мактабга бориш орзуйим, албатта амалга ошади, мана, кўрасиз!

Ниҳоят, биз кутган автобус келди. Ўриндиқقا чўкканча пинакка кетибман. Ўйғонганимда Данг водийсида эдик. Ўша қадрдон гуруч далалари, чангалзор ўрмони, майсазор оппоқ туман билан қопланганди.

Қишлоғимиз яқинидаги Ламахи шаҳарчасида тиқин автоуловдан тушдик. Бугун Магхи, Янги йил тонги. Барча ўз оиласи бағрига шошарди. Биз қишлоғимизга борадиган машинага миндик. Чанг кўчада ярим соат юрган машина бизни ўша мен

## Урмила ЧАУДХАРИ

қўрқадиган Рапти дарёсига элтди. Ўн бир йил олдин уни кечиб ўтиб зимиштон сари отлангандим. Бугун эса унинг устидан катта кўприк ўтган. Кўнглимни ватан соғинчи эза бошлади... Қишлоғимга яқинлашган сари юрагим қаттиқроқ уради.

Бу сафар онам мени кутарди. Узокданоқ танидим: уйимиз ташқарисида миллий либос кийганча кўчага қараб ўтиради. У ҳам олисдан мени таниди. Бу сафар менинг соchlарим узун, бўйим анча чўзилганди.

Қолган оила аъзоларим эса кулбамиз ичидагулхан атрофида ўтирган бўлса керак. Омар онамга қаратса қичқирди:

— Қаранг, кимни олиб келдим? Урмилани кутиб олинглар!

Ўй ичидан келинойиларим, укам ва жиянларим югуриб чиқишиди. Ўн бир йил аввал жиянларим атиги иккита эди. Ҳозир уларнинг сони ўнтага етибди! Энг кичиги Замирани эса илк марта кўриб туришим. Болалар атрофимни ўраб олишиди, уларга совға улашдим.

— Сиз кимсиз? — чуғурлашди улар. — Қаердан келяпсиз? Сумкангизда нималар бор?

Келинойиларим мени қучоқлаб йифлашди. Мен ҳам кўз ёшларимни тиёлмадим.

— Сени бир умрга йўқотиб қўйдик, деб ўйлагандик, Урмила! Бағримизга қайтганинг рост бўлсин. Сен йифлама, ахир энди уйингдасан-ку? Бу ёғига баҳтиёр яшайсан.

Улардан узоклашиб онамнинг қархисига чўқдим. Кўлларидан ўпдим, менинг бошимни силадилар. Сўнг қаттиқ қучоқлаб олдилар, бирга йифладик. Одатимизга хилоф бўлгани учун онам билан умримизда қучоқлашмагандик. Соғинчдан энтикиб кетдим.

Кулбамизда ўзгариш: янги ошхона қуришибди. Энди барча оила аъзолари катта олов атрофига ўтириб исинишлари мумкин эди. Уйимиз қуруқ ва иссиқ. Томдан чакка ўтмасди. Омарнинг қизи бизга чой дамлади. Хайриятки, қиз жиянларимнинг ҳеч бири камалари сифатига сотилмаган экан. КелиноЙиларим қишлоқдаги янгиликлардан сўзлашди. Мен эса камалари қизларга кўмаклашувчи ёрдам ташкилоти ҳақида сурештирдим. Аммо улар бундан бехабар экан.

— Ўн етти ёш мактаб учун жуда кечлик қиласди, Урмила, — деди Бисрами янгам, — сен энди оила қуришинг, болалар тувишинг керак. Сенинг ёшингдагиларнинг тақдири шундай...

— Йўқ, мен ҳозир турмушга чиқиши истамайман. Орзуйим фақатгина таълим олиш!

## **КАМАЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!**

Уйимиз яқинидаги мактабда бир тўда қизлар йиғилганини кўрдим. Уларни қизиқиш билан кузатдим. Баъзилари билан гаплашдим. Улар қўлида ручка ва картон қофоз тутганча нималарнидир муҳокама қилишарди.

— Нималар билан бандсизлар? Сизларга қўшилсам бўладими? — сўрадим улардан.

— Фарқи йўқ. Биз намойишга тайёрланяпмиз. Бугун Магхи байрами. Камалари савдоси бўлишини биларсан. Бизлар қўшни қишлоқ қизлари билан бирга қизлар савдосига қаршимиз! Барчамиз аввал камалари бўлганмиз, бу одатни таг-туғи билан йўқотиш керак. Сен шаҳарлик бўлсанг керак, барабири буни тушунмайсан, — деди бир каттароқ қиз уст-бошимдаги чиройли либосларга қараб. Эгнимда бекам берган қизил куртка эди. Кўринишимдан барча мени юқори каста қизи деб ўйларди, чофи.

— Жуда зўр-ку! — дедим. — Мен ҳам ўн бир йил камалари бўлиб ишлаганман.

— Сен? Ҳечам хизматкорга ўхшамайсан.

— Уйга бугун қайтдим. Балки намойишга мен ҳам қўшиларман?

— Камаларига ўхшамасанг-да, майли қўшилавер.

Қизлар мактаб ичига кириб катта картон қоғозларга инглиз ва непал тилларида “Камалари тизими йўқ бўлсин!” “Қизлар ўқишини истайди!” “Қизларингизни қулликка берманг!” деб ёзишарди.

— Мени ҳам намойишга қўшасизларми? — деб сўрадим.

— Буни раҳбаримиздан сўра. Ҳозир ўзи келиб қолади.

Раҳбар қиз келгач, менга бошдан-оёқ тикилди.

— Албатта, қўшилсанг бўлади, — деди сўнг, — қанча кўп бўлсак шунча яхши. Фақат сенбоп кийим топишимиз керак.

Мен уйимизга чопиб бориб, узун қора кўйлак ва шалворимни кийдим.

— Энди бизга ўхшадинг, — деди раҳбар қиз, — овозинг чиройли экан. Мана бу сатрларни ўқиб кўрчи? — шундай деб у менга микрофон ва қофоз тутқазди.

— Бошланиш жумлани ўқийсан, қолганлар эса сенга жўр бўлишади. Қўлингдан келадими?

— Албатта. “Daughters need education!”, «Let’s end injustice and exploitation!»

Қолган қизлар эса «Not slavery! Not slavery!» деб қўшилишарди.

— Зўр! — Қувватлади мени раҳбар қиз. — Шундай давом эт!

Қизлар бари жам бўлиб қўлимизга барабанларни олдик-да, тўрт километрни босиб ўтдик. Барчамиз

қулликка қарши сўзларни айтиб ҳайқирап, йўлдаги одамлар эса бизга ҳайрон бўлиб қаражарди. Айниқса, аёллар ҳечам овозини баланд кўтариб гапиришмагани учун анқайиб қолишганди. Аҳоли қизларни камалари одатига қарши чиқишини сира кутмаганди.

Ҳайратли нигоҳлар ҳайририқларимизга кўниккач, бизга хайриҳоҳ боқа бошлади. Чунки ҳеч бир она қизини чўрилиқка беришни ич-ичидан истамас, аксинча, мажбур бўларди. Биз митинг уюштиридик. Намойишда аҳолидан ташқари бир неча журналистлар ҳам иштирок этишиди. Бизга микрофон тутишганда раҳбаримиз қизлар фақат ишлаш учун яралмаганини, ўқиш учун ҳақли эканини айтиб жўшқин нутқ сўзлади. Менинг эса юрагим тобора тўлқинланиб борарди...

Митинг тугагач, уйга шошдим. Биринчи куним шундай таассуротга бой ўтган бўлса-да, яқинларим ёнига учдим.

- Қаерларда эдинг? — сўради келинойим.
- Намойишда!
- Манпурда намойиш бўлдими?
- Ҳа, биз камалари қизлар уни уюштиридик.
- Қанақасига? — суҳбатга қўшилди онам ҳайрон бўлиб.

Мен уйдаги аёлларга бугунги воқеа тафсилотларини сўзлаб бердим.

Эртасига ташкилот бюросига бордим. Бу ерда бир неча эркак ва аёллар бор эди. Айтишларича, халқаро ташкилотдан келган вакиллар қишлоқларни текшириб, камалари савдоси ўтказилмаётганини назорат қилишяпти экан.

- Энди сен ҳам камалари эмассан! — менга сўз қотди бир аёл.
- Лекин отам касал экан. Акам бунинг учун

мени яна бирор оиласа ишга ёлласа керак, – дедим вазиятни тушунтириб, – рад этсам, отам оғирлашиб қолади.

– Биз ҳаммага ёрдам берамиз. Лекин қизларнинг ишлашига асло қараб туролмаймиз. Кейинги ҳафтадан биринчи синфга борасан!

Уларга ишонишга ҳайрон бўлиб, иккиландим. Бир оздан сўнг ишончим ортди. Ташкилот аъзолари билан танишгач, улар менга кечаги митинг тафсилотлари баён этилган газетани тутқазишиди. Энг муҳими, газетадаги суратларда мен ҳам бор эдим! Шу тариқа, ташкилот менга ёрдам қўлинни чўза бошлади...

### ТАЪЛИМ САРИ

Кейинги ҳафтадан мен эркин ва озод, баҳтли ва шодон яшаш мумкинлигини ҳис этдим. Бўш вақтимда уй ишларига қарашар, жиянларим билан ўйнар, митти Замирага энагалик қиласдим. Бу вазифаларни сидқидилдан бажаарар, чунки барини ўз оиласам учун қилаётганимни билардим. Гарчи совуқ сувда ювиниш, мактабга бориш учун беш юз метр пиёда юриш, ёмғирда қайтиш, фақат гуруч ейиш, уй атрофидаги гўнглар исига чидаш, бўйрада бошқалар билан сиқилишиб ухлашга тўғри келса-да, кўнглим хотиржам эди. Шоҳона саройдаги ҳаётимни сира соғинмасдим. Лабларимда табассум қотганча пинакка кетардим.

Тақдирнинг яна бир туҳфаси шу бўлдиким, мен Ман Баҳадур исмли киши билан танишдим. У хайрия ташкилотининг бошқарувчиси бўлиб, менга худди отам ва дўстимдек бўлиб қолди. У кўп йиллардан бери болалар ҳуқуқини ҳимоя қилас, шу сабаб маҳаллий бойлар тарафидан таҳдид остига олинган ва ҳатто ўғирлаб кетилган ҳолатлар ҳам юз берган экан.

Ман Баҳадур мен ўқийдиган мактабни кузатарди. Бу ерда камалари қизлар учун тушдан сўнг тайёрлов дарслари ўтиларди. Мен бу ерда қўшиш, айириш, озроқ ёзишни ўргандим. Илк ёзган жумлам эса шу бўлди: “Менинг исмим Урмила. Ёшим ўн еттида. Мен Манпурда яшайман”. Синфимиизда ўн учта қиз ўқир, уларнинг ёши ўн иккидан ўн тўққизгача. Улар ҳам мен каби собиқ камалари бўлиб, саводлари йўқ эди. Ман Баҳадур ўз шериклари билан синфимиизни кўргани келишиди ва қизлар билан савол-жавоб ўтказишиди. Кўп қизлар ҳуркак ва камгап бўлиб, ҳатто исмларини эслаб гапиришолмади. Навбат менга келганда шарт ўрнимдан туриб:

— Намасте, жаноблар, менинг исм-шарифим Урмила Чаудхари, Манпурда туғилганман. Ёшим ўн еттида, шу ерда ўқийман. Ўн бир йил камалари бўлиб ишлаганман. Бу ерда ўқиётганимдан жуда баҳтлиман! — деб жавоб бердим.

Делегация аъзолари ўзаро мамнун боқиб қўйишиди. Дарсдан сўнг Ман Баҳадур мени ёнига чорлади:

— Билишимча, Урмила, ўзингга ишонган қиз экансан. Бошқа итоаткор камалариларга ўхшамайсан. Энг муҳими, бошқалар олдида ҳаяжонланмай нутқ сўзларкансан. Барчада илиқ таассурот қолдирдинг. Газетада суратингни кўргандим. Мана, озод бўлибсан. Энди нима билан шуғулланмоқчисан?

— Ўқимоқчиман, жаноб!  
— Ўқиш яхши, лекин ёшинг анча улғайиб қолгандা.

— Ўрганиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ мен учун.  
— Яхши, ундей бўлса ўқийвер, биз қувватлаб турамиз. Эртага тушдан сўнг Ламахидаги бюромизга келсанг, дегандим.

— О, албатта, жаноб, бораман. Катта раҳмат сизга!

Эртасига акамнинг велосипедида Ламахига етиб бордим. Бино деворларида камалари савдосига қарши деворий қофозлар, газета мақолалари ва суратлар илиб ташланганди. Мени кичик хонага таклиф этишди. Бир қиз қайноқ чой келтирди. Стол қаршисидаги одамлар мени саволга тутишди.

— Ўзинг ҳақингда сўзлаб бер-чи.

Мен уларга бошимдан ўтган барча ҳодисаларни гапириб бердим.

— Мактабни ўқиб тугаллашинг учун ёшинг катталик қилади, Урмила. Яххиси, бирор ҳунар курсига ёздиришим мумкин. Масалан, ошпазлик, ҳунармандчилик дегандай...

— Йўқ, йўқ, мактабга боришдан маҳрум этманг мени. Бир умр шуни истаганман. Ҳам ишлаб, ҳам ўқишим мумкин.

Ман Баҳадур бунга розилигини билдириди. Қолганлар ҳам бош иргашди.

— Кўрасизлар, мактабни тугатиб, олий маълумот ҳам оламан. Орзуйим журналист ёки адвокат бўлиш.

Улар жилмайишиди.

— Ҳаммасига бирдан эришиб бўлмайди, Урмила. Ундей бўлса, ўқув йили бошлангач, етти ёшли болалар қаторида сен ҳам биринчи синфга борасан. Бунга тайёрмисан?

— Албатта!

Үйга гўё қушдек учиб қайтдим. Үйимиз ёнида мени Омар кутиб турган экан.

— Қаерларда эдинг? Сени беканг излаб қолибди. Катмандуга қайтишингни истаяпти. Айтишича, қайтаман деб ваъда қилган экансан, маошингни олиш учун...

Бекамнинг қариндоши бир неча марта қўнфироқ қилиб мени излаттириби. Бекам менинг кетиб қолганимни шундоқ қолдирмаса керак.

— Менимча, Урмила, энг яхши чора – бекангни ёнига қайтишинг. Пул ишлаб оласан, бу оиласизга фойда бўлади. У жуда таниқли аёл, бизга қарши иш қилиб ўтирумасин яна...

— У ерга қайтмайман, ака! Нимадан қўрқасиз бунча? Мени олиб кетиш учун нима ҳам қилоларди? Мен танишган ташкилот одамлари ҳуқуқимни ҳимоя қилишади! Ҳадемай мактабга ҳам бораман!

— Нималар деб валдираяпсан, синглим? Ёш болаларга қўшилиб партада ўтиришинг қолувди энди? У аёл фақат сенга ишонади чофи, айрилишни истамаяпти. Бундан унумли фойдаланиб, пул ишлаб олсанг-чи!

— Йўқ, ака, бу сафар мени сотиб юбора олмайсиз.

Кейинги ҳафта хонимнинг қўнғироқлари янада жонланди. Унинг одамлари оиласиз кўндиришга уринар, таҳдид қиласар, пул тиқиширишади. Аммо мен рози бўлмай туравердим. Бир сафар ҳатто бекамнинг ўзи қўшнимизнинг телефонига қўнғироқ қилиб, мени сўраттиришади. Бор кучимни жамлаб гўшакни кўтардим.

— Оҳ, Урмила, ниҳоят сен билан боғландим! Овозингни эшитишдан баҳтиёрман. Нега мени унубиб юбординг? Сени узоқ кутдим. Ишларинг яхшими?

— Менда ҳаммаси жойида, хоним.

— Ўғилларим Америкадан қайтишяпти. Сени кўриш истагини билдиришди. Наҳот, акаларингни соғинмаган бўлсанг? Бизникига меҳмонга кел, одам жўнатаман.

Хонимнинг тилёғламалигини сезсам-да, муло-йимлик билан вақтим йўқлиги, яқинда мактаб бошланишини айтдим.

— Сени ўзим Катмандудаги энг зўр мактабга жойлайман. Ҳайдовчилик гувоҳномангни ҳам олиб

бераман, — собиқ бекам менга бир талай ваъдалар берди. Мен энди унга ишонмасдим.

— Раҳмат, шарт эмас. Менга ўз қишлоғим маъқул. Ўғилларингиз ва қизингизга номимдан салом айтинг, хоним. Хайр! — гўшакни қўйдим.

Шу билан мен қаҳрли хонимнинг чангалидан қутулиб, ўзимни хотиржам ҳис этдим. Аммо хоним йил бўйи мени кўндиришга уринди.

## **БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ**

Мана, бир ой ўтиб янги ўқув йили бошланди. Мактаб даргоҳига қадам босишни ўн бир йил орзу қилгандим! Энди ўқувчиман! Эрта тонгда янги кўк кофта юбкамни кийиб, папкамга дафтар, қалам ва китобларни солдим-да, мактабга отландим. Мактаб учун зарур буюмларни харид қилиш учун отаонамнинг қурби етмасди, буларни менга хайрия ташкилоти тухфа этди.

Тайёрлов курсида ўқиганимда ўзимни ноқулай ҳис этмасдим, чунки атрофимдагилар ўзим тенги камаларилар эди. Аммо биринчи синф ўқувчилари мендан нақ ўн ёшга кичик бўлиб, бари устимдан кулишарди.

— Қаранглар, мана бу катта қиз энди мактабда ўқир экан!

— Биз у билан ўйнамаймиз!

— Балки иккичи бўлгани учун синфдан синфга қолгандир.

Бу мазахлар кўнглимни чўктирди. Чунки мактаб ҳақидаги тасаввурим бошқача эди. Лекин кўп ўтмай ўзимни қўлга олдим. Ахир, улар ёш бола-ку, менинг ҳолатимни тушунишмайди. Хуллас, ўқиш бошланди. Биринчи синфларнинг кичкинагина партасига сифмадим. Шунинг учун хона полига ўзим олиб келган

ёстиқни қўйганча шу ерда ўтирадим. Болалар баъзан шўхлик қилиб туришарди.

— Сени синфга киритмаймиз! Катта қизлар мактабда ўқимайди-ку! Бунинг устига камбағалсан!

Йўлимни тўсиб олишган болалардан паноҳ истаб ўқитувчимизга юзланаман.

— Уларга айтинг, устоз, мен ҳам ўқишга ҳақлиманду!

— Болалар, бас қилинглар-чи! Урмила ҳам деҳқон қизи, сизларга ўхшаб ўқишни истайди.

Ўша куни уйга йиглаб қайтдим. Болаларнинг ҳадеб менга осилишлари, танқид қилишлари, устимдан кулишлари bemalol илм олишимга тўсқинлик қиласди. Бир ҳафта аразлаб мактабга бормадим. Чиндан ҳам, мактаб учун тўғри келмас эканман. Акам аҳволимни кўриб яна эски гапни кавлади:

— Кўрдингми, сенга нима дегандим? Ҳалиям бўлса, бекангнинг ёнига қайтиб бор. Шундай шароитдан воз кечиб ўтирибсан-а? Ёки бўлмаса, бирор касб ҳунар ўрган. Агар тикувчи бўлсанг, пул топардинг ва оиламизга нафинг тегарди.

— Бас қил, Омар! — бу сафар онам менинг тарафимни олди. — Урмилани ўз ҳолига қўй. У мактабга боришни истаса, майли, борсин.

Мактабга бормаганим учун мени кўргани устозимиз келди.

— Болалар устимдан кулишяпти, шунинг учун боргим йўқ, — дедим ростини айтиб.

— Бу нимаси? Наҳотки, шу арзимас нарсаларни деб мактабни ташласанг? Сен улардан икки баравар каттасан, демак, эътибор беришга арзимайди. Тишингни тишингга қўйиб, барча гап-сўзларга чида ва таълим олишда давом эт. Бу осон эмас, биламан. Эртага дарсга боришга сўз бер!

— Хўп, — дедим бошимни эгиб.

Эртасига ҳеч нима бўлмагандек дарсга отландим. Болаларнинг сўзларига эътибор қилмай, бошимни тик тутиб ўтиравердим. Ичимда эса “мен ўқишим керак”, деган сўзни такрорлардим. Кейинги ҳаётимда Чандра пайдо бўлди. У менинг яқин дўстимга айланди. Чандра ҳам мен каби собиқ камалари, ёши ўн олтида эди. У қўшни қишлоқдаги бир бойникида саккиз йил чўрилик қилган экан. У синфимизга янги қўшилгач, дарров танишиб олдик. Унга бор сиримни ишонардим. Бу ерда мени фақат Чандрагина тушуна оларди. Ҳозирга қадар у билан қалин дугонамиз. Баъзан Чандрасиз нима қиласдим, деб ўйлаб ҳам қоламан.

Дарсларни тайёрлашимда укам Гури кўмак берарди. Гарчи ўқишини билсан-да, ёзиш ва талаффузда қийналардим. Инглиз тили дарсини эса энг яхши ўзлаштирган ўқувчи мен эдим. Бунга сабаб хоним уйида кўпинча инглиз каналларини кўрарди, бу талаффуз менга ёд бўлиб кетганди. Тўрт ойдан сўнг синфимиздаги бешта ўқувчини дарсларни яхши ўзлаштиргани учун бешинчи синфга кўтиришди. Мен бешликнинг иккинчи поғонасида турадим.

Бешинчи синфни мен энг яхши ўқувчи сифатида тамомладим. Кейин икки ой олтинчи синфда ўқиганимдан сўнг билимимни ҳисобга олишиб, еттинчи синфга кўтиришди.

### **ТЕАТР**

Ман Баҳадур мендаги иштиёқ ва файратни кўриб бир куни таклиф билдириди:

— Театр труппасига қўшилишни истайсанми? Балки сендан яхши актриса чиқар.

Жон деб рози бўлдим. Саккиз қиз ва тўрт ўғил

боладан иборат гуруҳ Ламахидаги меҳмонхонада машқ қилишар экан. Мен ҳам уларга қўшилдим. Ўқитувчимиз бизга турли мавзуда роль ўйнаб беришимизни буюарди: кўзёш, қувонч, қаҳр, қўрқув. Ўтган хотираларим менинг ролларим ишончли чиқишига ёрдам берди. Айниқса, менга димоғдор хоним образи топширилганда, қаҳрли бекамнинг ўзини тутишларини эслаб уни қойилмақом бажардим.

Биз намойиш этган илк спектакль камалари қиз ҳақида эди. Биз галма-галдан ролларни алмашиб ҳар кун муҳлисларга тақдим этардик. Мен маъюс она, ичувчи ота, сотилган қиз, қаҳрли бека образларида чиқиш қилдим. Қарсаклар янгарди! Машқлар вақти биз меҳмонхонада тунардик. Труппадаги ўзим қатори қизлар ҳам собиқ камалари эди, тезда чиқишиб кетдик. Ҳуллас, бизнинг театр труппаси турли қишлоқларда спектакллар намойиш этиб, одамларда камалари савдосига қарши рух уйғотарди. Кўча театри Непалда оммалашган. Айниқса, қишлоқларда бирор кўнгилочар маскан йўқлиги учун аҳоли бизни ўраб олар, олқишлишарди. Меҳнатимиз мукофоти сифатида ота-оналар қизларини сотиб юбормаслигини истардик, холос.

Бир куни машинада икки соат юриб, Хиндистон чегараси яқинидаги қишлоқقا бордик. Чайлаларда яшовчи бу аҳолининг турмуш тарзи ибтидой кўринарди. Эркакларнинг тишлари тўкилиб тушган, аёллар эса кўкраклари очиқ ҳолда болаларини эмизиб ўтиришарди.

Биз янги спектакль намойиш этдик. Сценарийга кўра, содда қишлоқ қизи чет эллик бир йигит билан севишиб қолади. Йигит уни қочиб кетишга ундейди. Улар қишлоқдан қочиб кетишади. Аммо йигит унга

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

уйланиш ваъдасини бажармай, ҳиндистонлик одам савдоси билан шуғулланувчи одамларга пуллаб юборади. Қизни исловатхонада роса ишлатишади. Охири ОИТСга чалингач, у ердан ҳайдашади. Қиз абгор ҳолда ота-онаси ёнига қайтади. Қизнинг касаллигини билган қишлоқдошлари ундан жирканишади. Оиласини иснодга қўймаслик ниятида қиз ўрмонга қочиб ўша ерда ёлғиз яшайди ва охири вафот этади.

Спектаклимиз ниҳоясидан аёллар йиглашди. Бош қаҳрамон ролини мен ижро этгандим. Бу ердаги айрим оилалар қизларини Ҳиндистонга сотиб юборишидан хабаримиз бор эди. Раҳбаримиз айтишича, шу намойишдан сўнг қизлар савдоси бир мунча камайибди. Мен бундан жуда мамнун эдим!

Театримиз учун ўзим сценарий ёза бошладим. Мавзулар турли хил эди: камалари, болалар ҳуқуқи, хотинини урадиган эрлар, ОИТС, деҳқонлар ҳаёти. Биз йигирмата қишлоқقا беш-олти хилдаги томошаларимизни қўйдик. Танила бошлаганим учун Данг водийсидаги машхур бир таётр труппаси мени ўзларининг сафига қабул қилишди. Улар катта ёшли актёрлар эди, мен уларнинг орасида энг кичиги бўлдим. Илк ролим оддий бар сотувчиси образи бўлса-да, уни сидқидилдан ижро этдим. Бу труппа катта байрамларда, ҳалқ сайлларида майдонда чиқиш қиласарди.

Янги ўқув йили бошланди. Еттинчи синфдаги дарслар бир мунча мушкуллиги туфайли мен театр труппасидан кетишга мажбур бўлдим. Чунки машхурлиқдан кўра билим олиш мен учун муҳимроқ эди.

## ЧЕТ ЭЛЛИК МЕХМОНЛАР

Дарсдан бүш вақтимда хайрия ташкилоти ёрдами билан фотостудия очдик. Менга берилган фотопаратда мижозларни суратга олар ва чиқартириб берардим. Бу иш менга жуда ёқиб қолди. Ҳатто ўз оиласми жамлаб фотога муҳрладим. Аммо отам бунақа аппаратни умрида кўрмагани учун ундан қўрқди ва уйга олиб келишимни тақиқлади. Афсуски, ишим кўп давом этмади. Шаҳарда рақамли фотоаппарат пайдо бўлгач, ҳеч ким плёнкали аппаратга мурожаат этмай қўйди. Студияни ёпдик.

2008 йилда ташкилотимизга германиялик меҳмонлар келишиди. Улар камалари савдоси ҳақида эшитган ва буни ўз кўзлари билан кўриш учун ташриф буюришганди. Биз собиқ камалари қизлар меҳмонларни миллий либосда кўлимизда гуллар билан кутиб олдик. Немислар бизнинг хайрия ташкилотга қизиқиши билдириб, қишлоқларни бирга кезишиди. Уларга ўз ҳаётимни сўзлаб берганимда, дикқат билан тинглашди. Кечки пайт эса уйимга меҳмонга чақиришимни сўрашди.

Меҳмонларни ўз қишлоғимга олиб бориб, кенг водий, мактабим, эски фотостудиям ва уйимни кўрсатдим. Дугонам Чандра ва янгам Бисрами билан меҳмонларга миллий таомимиз дикра, ширин картошка, яшил соус ва гулкарам пиширдик. Немислар қизиқсанча ерга чўкишиди ва япроқда тортилган таомларни паққос туширишиди. Айтишларича, жуда мазали экан. Улар кетар олдидан, албатта, ушбу ташкилотга моддий ёрдам кўрсатишларини айтиб хайрлашишиди. Машинага ўтиришар экан, меҳмонлардан бири мени ёнига чақирди ва пул тутқазди.

— Бунга рақамли фотоаппарат харид қилиб, студиянгни ишга тушир.

Аввалига күнмадим. Аммо улар қўйишмади.

— Раҳмат, раҳмат. Яхшилигинги зиңни унутмайман.

Бир неча ҳафтадан сўнг ташкилотимиз ўша пулларга энг замонавий русумдаги фотоаппарат харид қилди.

— Немисларнинг совфаси бу. Энди яна эски ишингни давом эттиранг бўлади.

Ҳозиргача ўша аппаратни асраб келаман. Доим ёнимда юради, бирор қизиқроқ нарсага кўзим тушса суратга тушираман. Уни учинчи кўзим, деб атаганман. Ўшанда студияни очдим, аммо 2009 йилда яна ёпишга тўғри келди.

### **ФОРУМ**

Кўп вақтимни камалари одатига қарши акцияларда ўтказардим. Шундай кунларнинг бирида хаёлимга бир фикр келди. Ўзимга ўхшаган қанча камалари қизларни йиғиб бир форум тузсан-чи? Бу ҳақида дарҳол Ман Баҳадурга етказдим.

— Яхши фикр, Урмила! Барчангиз бирлашсангиз катта куч бўлардингиз. Бунинг учун сенга ёрдам берамиз.

Шу тариқа, “Собиқ камалари форуми”ни ташкил этишга киришдик. Қизларни тўплаб Ламахидаги ташкилотда нутқ сўзладим:

— Биз барчамиз бу оғир синовларни бошдан кечирганмиз. Кўпинча бизга паст назар ва мазах билан қарашади. Юрагимизда камалари бўлиб ишлаган вақтларимиздаги оғриқ қолган. Келинглар, барчасини енгиш учун яқдил бирлашамиз! Камалари қизларни озод қилиб мактабга боришига кўмаклашамиз.

Кўпчилик қизлар фикримни маъқуллади. Ман

Баҳадур бизга концепция тузиб берди. Концепцияга кўра камалари қизлар ўқиши, ҳунарга эга бўлиши керак эди. Олдимизда турган вазифаларимиз:

1. Форумни амалга ошириш учун микрокредитлар олиш
2. Ҳомийлик ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш
3. Сотилган қизлар ҳақида маълумот йифиш
4. Қизлар учун мақбул иш ўринлари яратиш турарди.

Ишимиз тезлашиб кетди. Форумга аввалига юзта қиз қўшилган бўлса, кейин беш юз, охирида эса бир минг олти юзтага етдик.

2007 йилда Гхорахи шаҳрида форумимиз учун президентлик сайлови бўлиб ўтди. Йиғинга олти юздан ортиқ қиз-аёллар ташриф буюрди. Шунча нигоҳлар қаршисида мен микрофон олдида нутқ сўзлашим керак эди. Умримда бунчалик кўп оломон олдида чиқиш қилмагандим. Жуда ҳаяжонланардим. Минбарга кўтарилгач, менга чарчаган, ҳуркак, ўзига ишонмаган, беписанд ва турфа нигоҳлар тикилиб турарди.

— Мен ҳам бошқалар каби кўп йил камалари бўлиб ишлаганман, — сўз бошладим. — Ҳозир эса оилас бағридаман. Ниҳоят, мактабга боряпман. Ўн саккиз ёшда бўлсам-да, ўқиш имконига эга бўлганимдан баҳтиёрман. Мен бошқа қизларнинг ҳам ўқишини, бегона оиласарда текинга ишламаслигини ва азоб чекмаслигини истайман!

Бирдан қарсаклар янгради. Ўзимда ғайритабиий куч сездим.

— Бу одатга чек қўйиш учун қўлимиздан келганини қилишимиз шарт! Биз буни биргаликда улдалаймиз!

Йиғиндан сўнг биз сайлов қўмитасини туздик. Номзодлар қаторида мен ва яна бир қиз бор эди.

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

**Хуллас, сайлов муҳокамаси бошланди.**

— Урмила жуда яхши нутқ сўзлайди, оломон олдидатортинмайди. У бизнинг президентимиз бўлиши керак! — деди залдаги қизлардан бири.

Менинг рақибам йигирма бир ёшли ўнинчи синф ўқувчиси эди. Мен эса ўшанда бешинчи синфда ўқирдим ва ўн саккиз ёшда эдим. Мен албатта, ўзимдан катта қиз президент бўлишига ишонгандим. Бироқ форумдаги қизларнинг кўпчилик қисми менга овоз берди.

“Буни Зита ёки қаҳрли бекам кўрганида эди! Ёки акам шунча олқиши олаётганимни билсами? Мана, қачонлардир ҳимоясиз ва хўрланган Урмила минглаб қизларга бош бўлди. Энди у ўзини хафа қилдириб қўймайди”, дея ўйлардим кўзларим ёшланиб.

Форумдан сўнг овқатланар эканмиз, кўпчилик ёнимга келиб мени табриклади. Қизлар ўз илтимос ва тилакларини айта кетишиди. Бундай масъулият ҳиссидан ҳатто чўчий бошладим. Уларнинг ишончини оқдолмасам нима бўлади? Чуқур нафас олиб, фикримни жамладим. Эндиги мақсадим Данг водийсида намойиш ва акциялар уюштириб, бутун водийни қамраб олиш эди. Бу жуда катта меҳнат талаб қиласарди.

### **КАМАЛАРИЛАРНИ ХАЛОС ЭТИБ...**

Бизнинг форум ташкилотимиз учун кичик офис ҳам беришди. Хонада иш столим ҳам бор эди. Ҳатто мобил телефон билан таъминландим. Аввало, камалари бўлиб ишлаётган қизларни халос этишга киришишимиз керак. Ўшандан кейин биз етмиштacha акция ўтказдик. Бизга қўшни қишлоқлардан хабарлар келарди. Биз шу орқали қайси хонадонда камалари ишлашини билиб олардик ва хўжайниларни қиз-

ларни озод қилишга мажбурлардик.

Күпинча бундай уйларга шахсан ўзим борардим. Камаларини қул қилиб ишлатаётган уй соҳиблари асосан судя, журналист, полициячи, сиёсатчи, мактаб директори ва ўқитувчилар бўларди. Улар қонунни менсимагани учун камалариларни озод қилиш қийин кечарди. Биз уларнинг устидан давлат идораларига ёзиш ва халқ ичидаги қўзғолон кўтаришимизни айтиб ҳаққимизни талаб қилсак, улар чорасиз қолишар ва қизларни хизматкорликдан бўшатишарди.

Баъзи хўжайнилар камаларини ишлатаётганини тан олмай тураверди. Айримлар бўлса ўзини бегуноҳдек тутарди.

- Бу қиз ўзи бизникига бошпана излаб келган!
- Унинг ота-онаси бизникига ташлаб кетган.
- Биз бу қизга жуда яхши муолала қиласмиш, у биздан мамнун! — каби изоҳларни тинглардик. Аммо барча бунинг ёлғонлигини биларди.

Баъзи уй эгалари эса бизни ичкарига киритмай ҳайдаб соларди. Ҳатто биттаси деразасидан устимизга ҳожат тувагини тўкиб юборган. Хуллас, бу борада кўплаб қийинчиликларга дуч келардик.

Кўп оилалар қизларини камалари сифатида қаерга сотиб юборганларини ҳам билишмасди. Бундай қизларни излаш қудуқдан игна қидиргандек гап эди. Айрим оилалар қизининг ишлаётган жойини билса-да айтмасди. Шунда бизнинг ташкилот қизларнинг мактабга боришини таъминлашимиз, эвазига ота-онасига бирор қўйми, эчкими беришни ваъда қиласди. Жонлиққа эга бўлган оила эса бизга қизининг яшаш манзилини берарди.

Бир куни телефоним жиринглаб қолди.

- Илтимос, мени кутқаринглар, — деб сўз бошлади бир қиз, — мени Гхорахида камалари сифатида ишлатишяпти. Хўжайним менга ёмон муомала қиласди.

Доим уради! Ҳаммаёғим кўкариб кетган. Қочиб кетишга уриндим. Аммо яна топиб олиб, уч кун оч қолдиришди. Ўтинаман, халос этинг мени!

Қиз рақамимни қаердан олган билмадиму, аммо дарҳол ёрдамга шошдим. Биз ташкилот ва полиция ёрдамида ўша уйни топдик. Аммо уй эгалари қизни яшириб қўйишган экан. Биз хонадоннинг титпитетини чиқариб, бир бурчакдан топдик уни. Ганга исмли қизнинг аҳволи ёмон эди. Ташкилотимиз уни ўз оиласига топширди. Кейин Гангани мактабга бердик.

Иш жараёнимизда бир баҳтсиз ҳодисага ҳам дуч келдик. Бир камалари қизни топганимизда у ўз жонига қасд қилиб улгурган эди. Хонадон эгалари қизнинг ўғрилик қилгани ва айбини яшириш учун ўзини ўлдирганини айтишди. Лекин бунга ишонмадим. Уни қутқариш учун кечикканимизга жуда афсусландим. Полиция бу ишни текширмади ва ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетди.

Бир сафар ленлорднинг хонадонига ташриф буюрдик. Бу ерда камалари қиз борлиги ҳақида хабар келганди. Аммо ленлорд бизни хотиржам қаршилади.

— Бу қиз камалари эмас, уни асраб олганман. Мана ҳужжатлар, — дея гапимизни кесди.

Биз ночоргина қизни саволга тутдик. У жуда қўрқиб турарди, шунинг учун лорднинг гапини маъқуллади.

— Ҳа, мен асранди қизман... шу ерда қолишни хоҳлайман. Мени мактабга беришмоқчи...

Бу аҳвол бир неча ҳафта давом этди, қиз ростини айтмади. Охири ўша қизнинг ота-онасини излаб топдик. Айтишларича, уч йил аввал улар қизларини бегона оиласига камалари сифатида сотишган экан.

— Қизимни қайтарманглар, ўша оилада қолаверсин, — деб йиглади онаси, — барибир у менинг қизим бўлиб қолаверади.

Биз полиция билан бориб ўша қизни озод қилдик. Шунча йиллик иш жараёнимизда амин бўлдики, тўрт-бешта қиз ишлаётган хонадонини тарк этишни чиндан ҳам истамаган. Улар билан холи гаплашганимда, бу уйга ўрганиб қолишганини, ўз оиласига қайтишни истамасликларини очиқ айтишган. Шуларни айтмаса, юзлаб бошқа қизлар озод этилганидан қувонч кўз ёшларини тия олишмаган ва бизга катта миннатдорчилик билдиришган. Болалигидан меҳрмуҳаббат кўрмай, зулм остида улғайган қизларнинг нигоҳларида қўркув, ҳадик қотиб қолганди гўё. Улар ҳатто озодликка кўника олишмасди. Вакт ўтиб эса қизлар ўз ҳуқуқларини таний бошлишди ва янги ҳаётга қадам қўйишиди.

## ҚУЛ ҚИЗЛАР ҲИКОЯСИ

Форумимиз йифинларида биз ҳалос этилган қизлар билан суҳбатлар олиб борардик. Кўпчилиги бошидан ўтган воқеаларни йигилганларга сўзлаб беришарди. Аввалига бундан чўчишарди, аммо мен ҳам ўз тарихимни айтиб берганимдан кейин дилларини очишарди.

Қизларнинг ҳикояси бир-бирини такрорламасди, ҳамманинг ўз ўтмиши бор. Барча тақдир юракни эзади. Айримлар камалари бўлиб бир йил ишлаган бўлса, баъзилар ўн икки йиллаб оиласини кўрмаган. Қизлар ота-онаси томонидан йигирма-етмиш европогача сотиб юборилган. Йиллар давомида камалари қизлар ишлаётган хонадонидан бир чақа ҳам олмаган. Бойлар текин ишсидан фойдаланиб яшашган. Кўплаб қизларни хўрлашган, уришган, ҳатто зўрлашган

ҳам. Ҳатто қишида молхонада эчкilar билан ухлайдиган қизлар бўлган.

Бир дугонам Карма ҳам арзимас пулга сотилган. Оилада аввал унинг опаси камалари бўлиб ишлаб келган. Аммо у турмушга чиқиб кетгач, навбат Кармага келган. Унинг хўжайини йилда бир марта ота-онасига пул бериб турган. Мен каби дугонамниң ҳам танлаш ҳуқуқи бўлмаган. У кунига ўн олти соат ишлаган. Ҳар йили Магхи байрамини орзиқиб кутган, ўшанда унга рухсат беришларига умид қилган.

Бир йили Магхи байрамида уйига меҳмонга бориб келишига рухсат беришган. Соғинч билан уйига етиб борган қиз эса шокка тушган: ота-онаси ўлган экан. Уларниң иккиси ҳам касаллик туфайли бир вақтда вафот этишган, даволанишга пуллари бўлмаган. Ўн бир ёшли қиз саккиз ёшли синглиси ва беш яшарли укаси билан қолган. Қариндошлар эса ёрдам бериш ўрнига уйдаги нарсаларни сотиб пулга эга чиқишиган. Ёш болалар уйда қаровсиз қолган. Карма борганида болалар оч-наҳор ўтиради. Карма яна ишлашдан бошқа чораси йўқлигини билиб хўжайини ёнига қайтган. Эвазига хўжайин болаларга пул бериб турган. Болалар эса бу пулга амаллаб қорин тўйғизишиган. Тўрт йил Карма жигарлари учун тинимсиз ишлади. Синглиси сал улғайгач, у ҳам камалари бўлиб ишлай бошлаган. Укаси уйда бир ўзи қолганини билган Карма хўжайинидан уни озод қилишини сўраган. Аммо илтимос рад этилган.

Карма иложсиз қолган шундай паллада бизнинг ташкилот унга ёрдам қўлини чўзди. Карма укасини боқиши учун мактабга боролмаслигини, унга иш кераклигини айтган. Ташкилот уни тикувчилик курсида ўқитди. Уни битиргач, тикув цехига ишга жойлашди ва ойига 1500 рупий маош ола бошлади. Карма болалигида бахтсиз ҳодисага учраган. Қайноқ

ёғ ўнг қўлига тўкилиб куйдирган. Шу сабаб ўнг қўли яхши ишламайди. Тикишга қийналгани учун цехдан кетишга мажбур бўлди. Ташкилот унинг синглисини ҳам камалари балосидан озод қилди ва мактабга берди. Укаси ҳам мактабга чиқди. Ишсиз қолган Карма ҳам мактабни танлади. Ҳозир саккизинчи синфда ўқийди.

Карма жияни Анита ҳақида ҳам сўзлаб берди. Айтишича, Анита саккиз ёшлигида қўшни қишлоқнинг мактаб директорига пулланган. Чунки директор қизни мактабда ўқитишга ваъда берган экан. Аммо улар қаттиқ адашишибди. Анита ўн уч ёшлигида директор уни зўрлаган. Уч марта ҳомиладор бўлиб қолган қизни мажбуран аборт қилдиришган. Тўртинчи боласини эса туғди. Ўшанда қиз ўн олти ёшда эди. Ўғил бола дунёга келди. Исми Сагам. Ота-онаси иснодга чидолмай қизини оқ қилган. Директор эса қизни ҳайдаб юборган. Қаерга бош уришни билмай қолган бечора онага ташкилотимиз кўмаклашди. Ўз ҳуқуқини таниган Анита директорни судга берди. Ярим йиллик суд ишларидан кейин директор оталик ҳуқуқини тан олишга мажбур бўлди ва ўз ерлари ва пулининг бир қисмини Анитага хатлаб берди. Бу пулларга Анита дўконча очди. Оиласига кўмаклашиш учун дўконни укасига топширди. Бир муддатдан кейин эса директор уни никоҳига олди. У иккинчи хотин бўлиб яшай бошлади. Сагам ҳам ота-онаси бағрида яшаяпти. Анитанинг бошқа чораси йўқ эди.

Саккизинчи синфга ўтганимда мен ҳам Карма яшайдиган Нарти ётоқхонасига кўчиб ўтдим. Бу ер бошпанасиз, камбағал ва қаровсиз камалари қизларнинг турар жойи эди. Уйимдан туриб ҳар куни

яirim соат велосипедда шаҳарга қатнашдан чарчаган эдим. Бунинг устига йўлда айrim эркаклар йўлимни тўсиб таҳдид қиласди.

— Ҳов, йиғиштириш шу форумингни! Сенга алоқаси бўлмаган ишга бурнингни тиқма! Камалари қизларинг билан шаҳримиздан даф бўлларинг! Йўқса... сени ўлдирамиз! Сен қиз боласан, бирорларнинг шахсий ишига аралашишга ҳақинг йўқ. Оғзингни юмиб тинчгина яша. Камаларилар фақат ишлаш учун яратилган, тушундингми?

Бундай пайтларда чиндан ҳам қўрқиб кетардим. Бир марта улар велосипедимни тўхтатиб мени ўраб олиши. Шунда бир неча деҳқонлар ёнимиздан ўтиб қолиб мени қутқаришган. Шулардан кейин ётоқقا кўчишга қарор қилдим. Бу ерда олти ёшдан йигирмагача бўлган йигирма беш чоғли қиз яшарди. Ҳозирда уларнинг сони элликдан ошган.

Карма билан бир хонага жойлашдим. Бу ерда ошхона, юваниш хонаси бўлса-да, аммо сув йўқ эди. Шу сабаб эрталаб ётоқхонадан эллик метр наридаги ўрмонда ювинардик. Кирларимизни ҳам шу ерга келтирадик. Телевизор совфа қилишган. Дам олиш кунлари бирор фильм ёки ҳиндча қўшиқлар тинглаймиз.

Ётоқхонада Сабидха исмли собиқ камалари бош эди. У барчамиздан катта ва меҳрибон бўлгани учун она деб чақирадик. У ҳаммамизга овқат пиширади. Қиз бола барибир қиз бола-да. Барчамиз бўш қолдик дегунча соchlаримизни хинага бўярдик. Бўялган соchlар офтобда ялтиради. Ортган хинадан қўлларимизга сурат чизар, соchlаримизни майда ўрадик. Қизлар тонгда беш яirimda уйғонар, дарсларни тайёрлар ва нонушта қиласдик. Тўққиз яirimdan то кечки бешгача мактабда бўлардик. Мактаб шундоқ ётоқхона рўпарасида. Хоналар кат-

та, бир синфда элликтача ўқувчи таҳсил олади. Парталаримиз металлдан, ўзимиз полларни ювиб тозалаймиз.

Ўқитувчимиз бизни урмайди. Буни директор назоратга олган. Директоримиз ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққани, болалигига таълим олишга чанқоқ бўлгани учун бизга барча шароитларни яратиб берган. Бошқа мактабларда ўқитувчилар болаларни урушлари, жазолашлари, ҳатто суйкалишлари ҳақида эшитамиз. Айниқса, деҳқонларнинг болалариға жуда паст назар билан қарашар, уларни каламуш деб аташарди. Хайриятки, бизда бундай эмас.

## **ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН УЧРАШУВ**

2009 йилда биз камалари форуми билан ниҳоят Катмандуга бордик. Ўн бир йил ишлаган шаҳримга ўшандан буён келмаган эдим. Пойтахт ҳамон шошқин эди. Биз бу ерда ҳам намойиш уюштириб, сиёсатчи ва журналистлар билан суҳбатлашмоқчи эдик.

Меҳмонхонага жойлашгач, биз гуруҳларга бўлиндик. Биринчи гуруҳ бош вазир билан, иккинчи гуруҳ президент билан учрашиши керак эди. Юзлаб қизлар президент девони ташқарисида турибмиз. Бизни йирик газета журналистлари ўраб олган. Барчаси саволга тутади.

— Биз президент жаноблари Ядаву билан учрашиши истаймиз, — дедик қўриқчиларга, — келганимизни билдирангиз.

Бир оздан сўнг қўриқчи қайтиб келди.

— Мен билан юринглар, боққа элтаман.

Мен боғнинг ям-яшил майсаларига қадам қўярканман, шеригимга пи chirладим:

— Бу ернинг ўтлоғи бизнинг кўрпадан ҳам юмшоқ экан!

Гапимни бир журналист эшитиб қолган, чоғи. Эртасига йирик газета сарлақvasида “Президент ўт-лоғи камалари қизлар ётоғидан юмшоқроқ!” деган мақола чиқибди.

Жаноб Ядав бизни виллада қарши олди. Күрсатилган стулга ўтиргач, биз президентга илтимоснома ёзилган хатни тутқаздик. Унда камалари тизимиға барҳам бериш сўралган эди.

— Нечанчи синфда ўқийсан? — сўради жаноб мендан.

— Саккизинчи.

— Эндиғина-я? Лекин катта қизларга ўхшайсан. Ўзингга ишонаркансан, бу яхши.

Президент арзимизни диққат билан эшитди ва ташкилотимиз учун йигирма миллион рупий ажратишга сўз берди. Кетишимиз олдидан у қўлимни қисиб, мени мақтади.

Хуллас, ҳаяжонли ташрифимиз омадли якун топди. Кейинги режа бош вазир жаноблари Прачанда билан учрашиш эди. Биз уни кабинети ёнида кутдик. Прачанданинг кўриниши бирам баджаҳл эдики, ҳатто чўчий бошладик.

— Жаноб, биз Данг водийсида камалари тизимини йўқотяпмиз. Аммо бошқа водийларда ҳамон бу савдо давом этмоқда. Биласиз, яқинда Магхи байрами. Бу кунда кўплаб бойлар яна қишлоқ кезиб чўри сотиб олишади. Сиз бунга қарши туриб, бизни ҳимоя қилишингизни сўраймиз.

Жаноб мийифида кулди.

— Майли, ёрдам беришга ҳаракат қиласман, — деди гапни қисқа қилиб.

Учрашувлар тугагач, олти юз чоғли қиз шаҳар марказида митинг уюштириб, «камалари тизими йўқ бўлсин», деб ҳайқирадик. Бир пайт машиналар орасида катта оқ жип кўринди. Унинг ичидаги собиқ

қаҳрли бекам ўтирганига кўзим тушиб тиззаларим қалтираб кетди. Аммо машина мени кўрмай оломонни ёриб зумда кўздан йўқолди. Ҳарҳолда, хоним мен ҳақимда газета ва телевизорда эшитган бўлса керак. Тунов куни Зита билан қўнғироқлашганимда бир илтимос қилганди.

— Урмила, холамнинг исмини интеръюларда тилингга олма. У шуни истаяпти. Биласан-ку, у обрўли аёл, номига доғ тушишини истамайди.

Зитанинг гапига кириб, қаҳрли бекам ҳақида сираям гапирмадим.

2009 йилнинг 14 январида, яъни биз президент билан учрашувимиздан бир ҳафта ўтиб, Магхи байрами куни Гроҳари майдонида катта йифин бўлди. Унда уч мингдан ортиқ собиқ камаларилар қатнашди. Йифинда Данг водийси губернатори, полиция маҳкамаси бошлиғи, сиёсатчилар, ташкилотимиз ходимлари, журналистлар, чет эллик кузатувчилар иштирок этишди.

Аввал губернатор сўзга чиқиб, камалари тизимиға чек қўювчи актга имзо чекди. Кейин мен форум президенти сифатида нутқ сўзладим. Данг водийсидаги тўқсон беш фоиз камаларилар қулликдан озод этилди. Ночор қизларнинг оилаларига кредитлар ажратилиши ҳақида қарор чиқди. Шу тариқа, биз камалари тизими устидан ғалаба қозондик!

## **ҲАЁТ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Биз ҳар жума ва шанбада радиога чиқиб камалари савдосига қарши дастурларни эълон қиласдик. Ҳатто форумимиздаги бир қиз машҳур журналистга шогирд тушиб радиога оператор бўлиб ишга жойлашди. Ҳозир қишлоқларга радиолар кириб

## Урмила ЧАУДХАРИ

борган. Ҳамма бизни эшитади. Данг водийси қиз-аёлларининг ҳуқуқлари энди ҳимояланган. Ўн йил аввал ҳар бир оиласидан битта камалари чиқсан бўлса, энди бу ҳолни умуман кузатмайсиз. Водийимиз чегарасига “Камалари тизимидан холи ҳудуд” деб катта ёзув илиб қўйилди. Қўшни водийлар бўлмиш Бардия, Канчапур ва Кайлалида эса ушбу анъанага қарши кураш энди бошланган. У ерда ҳамон савдолар давом этмоқда. Собиқ камаларилар янги очилган хино фабрикасида ишлашмоқда, бундан ташқари бамбукдан қутичалар ясад ҳунарлари ортидан кун кўришмоқда.

Непалда қиз ва аёлларга барибир қийин. Энг оғир юмушлар айнан бизга юкланди. Непаллик аёл оиласи ва бола-чақасидан ортиб, гуруч етиштиради, далада ишлайди, қурилишда фишт ташийди, хуллас, эркаклардан кўра ўн баравар кўп қийналади. Айниқса, ҳайз даврида уни одам ўрнида кўришмайди. Бу пайтда у ирkit саналиб, ошхонага киритилмайди ва ёнига яқинлашилмайди ҳам. Баъзи қишлоқларда эса ой кўрган аёлни уйдан уч кунга чиқариб юборишиади. Бу пайтда улар ўрмонда кун кўриб, бирорга кўринишмайди. Сўнгра уйга қайтишади.

Бизда, айниқса, ўғил туғмаган аёллар яхши муомалага номуносиб деб қарабади. Мана, опам олти қиз туқсан, хайриятки, еттинчиси ўғил туғилди. Акам Харининг хотини Радханинг ҳам тўрт қизи бор. У то ўғил кўргунча яна ҳомиладор бўлишга мажбур. Непалда ўғил болалар қадрланади, чунки унинг ортидан келган келинлар уйда текин хизматчи вазифасини ўтайди. Қизлар эса турмушга чиқиб кетгач, оиласига нафи тегмайди. Тхар халқи эркаклари ўзидан ўн-ўн беш ёш кичик қизларга уйланишади. Айримлар иккинчи хотин ҳам олади.

Бундай вазиятда биринчи хотин уй юмушлари билан кўмилса, янги хотин бундан мустасно бўлади. Газетада ўқигандим, Непалда етмиш беш фоиз аёллар ўз оиласида бахтсиз экан. Бунга сабаб эрларининг уриши, хўрлаши ва меҳр кўрсатмаслигига.

Бизда аёллар ажрашиш учун биринчи қадамни ташлашмайди. Умуман, ажрашган ёки бева аёл жамиятдан узилиб қолади. Уни тўй-тантана, муҳим учрашувларга таклиф этишмайди, ҳатто бирор уйланмайди ҳам. Шунинг учун аёллар эри қандай бўлишидан қатъи назар бирга яшашга мажбур.

Мен бор эътиборимни ўқишга қаратдим. Мақсадим мактабни тамомлаб, коллеж, сўнгра олий ўқув юртига кириш эди. Бунинг учун эса маблағ керак. Мен ўз ҳақимни талаб қилишга қарор қилдим. Қаҳрли бекамнинг уйида ўттиз ой ишладим ва бунинг учун маош олишга ҳақлимсан. Шундай қилиб Зитага қўнфироқ қилдим ва холасига гапларимни етказишини сўрадим.

— Менинг маошимни берсинлар, йўқса телевиденияга чиқиб бу ҳақида интервью бераман.

Зита ҳам жавобни тез куттирмади.

— Холамнинг исмини тилга олмасанг, албатта ҳақингни бераркан.

Мен ваъдамда туриб интервью бермадим. Аммо собиқ бекамдан ҳамон хабар келмасди. Шуни аниқлаштириш учун Зита билан яна боғландим. Бироқ унинг аҳволи ёмон эди: Зитанинг ўғли вафот этибди! Ўн еттига тўлган Моханни ўйлаб ичим ачили. Билсам, бунга наркотиклар сабаб бўлган экан... Зитага далда бериб, маошим ҳақида сўрамадим. Уч ойдан сўнг қаҳрли бекамга ўзим қўнфироқ қилдим. Бекам укасидан ҳақимни олишимни айтди. Лекин укаси ҳозир пули йўқлиги ва хотини касаллигини айтиб вақтни чўзди. Хуллас, пулимни ололмадим.

2009 йил мен учун омадли келди. Бизнинг қизлар ётоқхонамизга Натали Швайгер исмли немис журналисти ташриф буюрди. У менинг ўтмишим ҳақида эшитган экан. Биз анча сұхабатлашдык. Аёл мендан китоб ёзиш истагим бор-йўқлигини сўради. Очифи, бу ҳақида сира ўйламагандим.

— Сенинг тарихинг бошқа мамлакат аҳлини қизиқтиради. Китобинг дунё саҳнига чиққач, камалари одати билан курашишга кенг имкониятлар очиларди.

Мен ҳаяжон билан розилик билдирам. Шу тариқа, қўлингизда турган китобим дунёга келди. Бунинг учун эса мени инглиз тилига ихтисослашган маҳсус мактабга жойлаштиришди. Чунки китобимни инглиз тилида ёзишим керак экан. Кунига ўн икки соат тилни ўрганиш билан машғул бўлдим. Бу орада менга Ламахида кичик уй совфа қилишди. Энди ўз уйим бор! У ерда укам ва жияним билан яшай бошладик. Ҳаётда нималар бўлмайди?

Оила қуриш ҳақида ҳам ўйлаб қоламан. Аммо ҳозир бунинг вақти эмас, келгуси режаларимга киритганман. Аввало, олий маълумотли бўлмоғим даркор. Муҳаббат учун вақтим йўқ. Турмушга чиқсан ҳам фақат севган одамим билан ҳаётимни боғлайман. У мени тушуниши, гаплашиши ва дўстим бўлишини истайман. Бир ўғил ва бир қизим бўлишини орзу қиласман. Уларни келажакда, албатта, ўқитаман. Мен билан фахрланишларини хоҳлайман.

Лекин бизнинг Непалда севги-муҳаббатга ижобий нигоҳ билан қарашмайди. Оилалар асосан совчилик билан қурилади. Агар бирор қизни йигит дўсти билан кўриб қолишса, уни мактабга ҳам юбормай уйга қамаб қўйишади. Қўшнилар қиз ҳақида миш-миш тарқатиб юборса, унинг келажаги бузилди ҳисоб.

Аммо пойтахтда ҳозирги вақтда жутфликларни учратиш мумкин. Севишганлар боғ айланишади, дўконларга киришади, ўйнаб кулишади. Афуски, қишлоқларда бундай ҳолатлар қаттиқ қораланади.

Келажакда орзуларим бисёр. Дунё бўйлаб саёҳат қилсам, диққатга сазовор масканларни кўрсам дейман. Тақдирим қандай кечаркин? Урмила сўзининг маъноси “бошланиш, иккинчи имкон” дегани. Бу исм ҳаётимда чиндан ҳам катта аҳамият касб этди. Мен ўн бир йиллик асираликтан сўнг иккинчи ҳаётни бошладим. Биринчи ҳаётимдан хотира бўлган барча аламга тўла кундаликларимни ёқиб юбордим. Мен ўтмишни унутмоқчиман. Йўқса, ёрқин келажакни қура олмайман.

Ҳеч нима қилолмайман, деб тақдирнинг аччиқ зарбаларига кўниш омадсизларнинг ниқобидир. Шунчаки қулай фурсатни кутиш ва ҳаётингни яхши томонга буриш учун курашиш керак экан. Вақт кутиб турмайди. Бу ҳаётда қирол ёки чўри бўлиш ўз қўлингизда. Доимо ғолибликка интилиб яшанг! Ҳеч нима қилмасангиз, бошқалар ҳам сизга кўмак бермайди. Аввало, ўзингиз интилинг, шунда ёрдам қўллари ҳам чўзилади.

Барчангизга раҳмат! Яратган сизларни паноҳида асрасин...

### **ХОТИМА НАТАЛИ ШВАЙГЕР МАКТУБИ**

“2009 йилда Непалга келганимда худди эски замонга тушиб қолгандек бўлдим. Бу ерда электр, сув, иссиқлик таъминоти, қалин кийим, мактаб парталари, хуллас, яшаш учун муҳим бўлган нарсалар жуда танқис эди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра Непалдаги эллик фоиз болалар тўйгунча

## **Урмила ЧАУДХАРИ**

---

овқатланмайди ва оч қолади. 2008 йилда Непалда 237 йиллик монархия тугатилиб, мамлакат демократик республика деб эълон қилинди. Шунга қарамай сиёсий тизим намунали деб бўлмайди. Мамлакат ривожланишдан ортда қолган.

Таълимга муҳтоҷ болаларга Plan International ташкилоти ёрдам қўлини чўзди. Биздан кўмак олган болалар қаторида Урмила ҳам бор. У очиқкўнгил, самимий, қувноқ ва камтар қиз. Урмила бадминтон ўйнашни, рақс тушиш ва куйлашни яхши кўради. Ушбу китоб учун маълумот йиғарканман, Урмила билан қалинлашиб кетдик. Унда ажойиб хислат бор: нутқи равон, барчани ўзига эргаштира олади. Ундаги ички қувват бошқаларга ҳам ўтиб, атрофдагиларда файрат уйғонади. Бўш қолди дегунча китоб ўқийди.

— Ҳали бу мамлакатда кўп ишлар қилишим керак!  
— дейди фурур билан.

Ҳозир ҳомийлик ташкилоти бошқа округлардаги камалари тизимига қарши курашиб келмоқда. У ерларда ҳам Урмилага ўхшаган билимга чанқоқ камалари қизлар кўп. Афсуски, қизларнинг ҳуқуқи тикланаётганини кўрган бойлар ўғил болаларни хизматкорликка сотиб олишяпти экан. Энди ташкилот ўғил болаларни ҳам ҳимоясига олишни кўзлаяпти.

Урмила мактабни тугатиб, албатта, олий маълумот олишига ишонаман. Ундан адвокат, журналист, актриса ёки сиёсатдон чиқади. Шу тариқа, у қиз ва аёлларнинг ҳаётини ижобий томонга ўзгартирса ажаб эмас. Ҳали у ҳақида албатта эшитасиз...”

**2011 йил, Непал.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>Сотилған қыз қисмати .....</b>	<b>3</b>
<b>Үн бир йиллик асира .....</b>	<b>120</b>

*Адабий-бадиий нашр*

**ОМОНИ УИСААЛ**

# **СОТИЛГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ**

---

---

**Урмила ЧАУДХАРИ**

**ЎН БИР ЙИЛЛИК АСИРА**

*Биографик роман ва қисса*

Масъул муҳаррир:	<i>A. Қоржсов</i>
Муҳаррир:	<i>O. Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>P. Ташматов</i>
Мусаҳҳих:	<i>M. Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г. Курбанбаева</i>

**Нашриёт лицензияси: АI №270**

Босишига 21.05.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасида оғсет усулда босилди.

Нашр босма табори 14,0 Адали 4000 Буюртма №38

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.


Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

*Email: book@ijodpress.uz*

*www.IjodPress.uz*





ISBN 978-9943-5233-4-0

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-5233-4-0.

9 789943 523340

